


ИБРАЎ  
СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ  
СУЎФИЗОДА

---

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР



Истиқлол қаҳрамонлари

---

ИБРАТ  
СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ  
СЎФИЗОДА

---

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1999

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

## Таҳрир ҳайъати:

*Озод Шарафиддинов, Неъмат Аминов, Бегали Қосимов,  
Наим Каримов, Дилором Алимова, Суннат Аҳмедов,  
Шухрат Ризаев.*

Бу уч шоирнинг ҳар бири ўзбек миллий уйғониш адабиёти-  
нинг шаклланиши ва тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини  
қўша олган ижодкордир.

Ибрат маърифатпарвар-мураббий ва шоирлигидан ташқари  
тарих ва маданиятимизнинг тан олинган билимдонларидан эди.  
Унинг ноширлик фаолияти эса матбаамиз тарихининг энг ёрқин  
саҳифаларидан бирини ташкил қилади.

Ажзий шеърляти, хусусан, «Айнул адаб» ва «Миръоти ибрат»  
китоблари ўнлаб шоирларга илҳом берган, янги ўзбек поэзиясига  
тамал тошини қўйган асарлар бўлиб қолди.

Ҳаёти зарбулмасалга айланиб кетган, ҳар бир шеърининг  
ёзилиш тарихи ҳақида латифалар тўқилган Сўфизода замондош-  
ларидан ўзининг тиксўзлиги, фавқуллода журъат — жасорати  
билан ажралиб туради.

«Сайланма»га ҳар уч адибнинг энг яхши асарлари танлаб  
олинган.

Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат  
муаллифлари: Бегали Қосимов, Суннат Аҳмедов,  
Улуғбек Долимов

# ИСҲОҚҲОН ИБРАТ

*Санга бу олам ғаниматдур,  
Барча ашёси неъматдур.*

## МАЪРИФАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Исҳоқхон Ибрат фаолият доираси кенг, Ватан, халқ истиқлоли учун жонини ҳам фидо қилган, миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан биридир. Маърифатпарвар шоир, маорифчи Иброҳим Даврон Ибрат ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Исҳоқхон тўра улуми диния ва фанния ва адабияда устози комиллиғи билан бутун Фарғона ва дигар жиҳат Озиёи вустода (Ўрта Осиёда) инкор ўлунмас даражада бир мавқеъ мумтоза тутмушдур. Исҳоқхон тўра улуми динияда мударрисдур, фунуни дунявийда, било шубҳа, архитектор, техник ва механик ва физикия илминда тилифонист, тилигрофист ва яна химик десак яна оздур, чунки бу илмларни билур. Исҳоқхон тўра олим ва фозил бир зоти олий бўлуб, бу турфа фазоили инсонияга молик... Баъзи ихтироти ҳам бордур»<sup>1</sup>.

Шоирнинг таржимаи ҳолини тўлароқ ёритишда унинг «Луғати ситта ал-сина», «Жомеъ ул-хутут», «Тарихи Фарғона», «Мезон ул-замон», «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» каби илмий, педагогик ҳамда бадий асарларидаги маълумотлар, Ибратни яқиндан билган замондошларининг муътабар фикрларига ва ўша давр вақтли матбуотида эълон қилинган Исҳоқхон Ибрат ҳақидаги мақолаларига асосландик.

Исҳоқхон Ибрат 1862 йилда Наманган яқинидаги Тўрақўргон қишлоғида туғилди. Унинг ота-оналари Жунайдуллахўжа ва Ҳурибиби даврининг ўқимишли кишиларидан бўлганлар. Исҳоқхон дастлаб ҳижо сулуга асосланган қишлоқ мактабида ўқиди, аммо саводни онасининг қўлида чиқарди. Бу ҳақда ўзи шундай дейди: «Аввалги вақтдаги маҳалла мактабида 5 йилда 3 адад муаллимда ўқуб, охири саводим чиқмай, кейин қизлар мактабида, ўз уйимизда, волидан марҳумамдан ўқуб савод чиқардим. Икки сана қиблагоҳимдан ҳусниҳат машқ этдим»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1908, 56-сон.

<sup>2</sup> Исҳоқхон Ибрат. Мезон ул-замон. II дафтар, 36—37-бетлар.

Ҳурибиби мактабдор бўлиб, ўз мактабида фақат қуруқ ёдлаш билангина чекланмай, қизларга ёзишни, хуснихатни ҳам ўргатар эди. Узи анча саводхон бўлиб, хуснихатдан хабардор эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон онасини кўп ўришларда устози сифатида ҳурмат билан тилга олади. Адабиёт ва санъатга зўр муҳаббат қўйган Исҳоқхонни ўқишни давом эттириш учун Қўқонга юбордилар. У XIX аср бошларида барпо этилган Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасига 1878 йилда ўқишга кириди. Исҳоқхон Ибратнинг Қўқон мадрасасида таҳсил кўрган йиллари (1878—1886) ўзбек адабиётида, маданий ҳаётида, маорифида туб сифат ўзгаришлар содир бўлаётган даврга тўғри келади. Унинг бу адабий-маданий ҳаётдан баҳраманд бўлганлиги шубҳасиз. У Қўқон адабий муҳитининг йирик намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Ҳазиний ва Муҳйилар билан яқин алоқада бўлган, адабий мушоираларда иштирок этган.

Исҳоқхон Ибрат мадраса берадиган илмлар билан чекланиб қолмади. У ўқиш давомида буюк Шарқ олимлари асарларини мустақил тарзда қунт билан мутолаа қилди, араб, форс ва рус тилларини чуқур ўрганди. У рус ва ўзбек тилларида чиқадиган Туркистоннинг илк газеталари «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» билан, Туркистон ўлкасига янги тарқалаётган Исмоилбек Гаспираниннг «Таржимон» газетаси билан биричи марта Қўқон мадрасасида ўқиб юрган кезлари танишди. Шоир ҳужжатларини ўрганиш шунини кўрсатадики, Исҳоқхон томонидан ташкил қилинган «Исҳоқия» кутубхонасида «Таржимон» газетасининг, ҳатто, 1884 йилги бойламлари ҳам бўлган.

Исҳоқхон тўра Ибрат 1886 йилда Қўқон мадрасасини тугатиб, ўз қишлоғи Тўрақўрғонга қайтиб келади. Ўз фаолиятини илғор маорифчи сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлайди: ўша йили ўз қишлоғида мактаб очади. Унинг мактаби «усули қадим»—«усули таҳажжи», яъни ҳижо методига асосланган мактаблардан бирмунча фарқ қилар эди. Ибрат Қўқонда ўқиб юрган вақтларидаёқ ўлкада очилаётган рус мактабларидаги ўқув усулларининг маҳаллий мактабларда ҳукм сураётган ҳижо ҳамда қуруқ ёдлаш усулидан устунлигини сезган эди. Исҳоқхон ўз мактабига нисбатан илғор бўлган товуш (савтия) усулини татбиқ қилди ва «усули савтия»ни эски метод тарафдор-

ларидан ҳимоя қилди. Бироқ бу мактабида узоқ вақт ишлай олмади. Баъзи бир жоҳил мутаассиблар унинг мактабини «кофирлар мактаби» деб эълон қилдилар, халқ болаларини бу мактабдан қайтаришга ҳаракат қилдилар ва генерал-губернаторлик амалдорлари ёрдамида ёптирдилар.

Ибрат ўзининг «Луғати ситта ал-сина», «Жомеъ ул-хутут» ва «Тарихи Фарғона» асарларида ёзишича, 1887 йилда, яъни 25 ёшида онасини Маккага олиб боришга отланади. Бироқ онаизорига ўз ватанига яна қайтиб келиш насиб этмади. Онаси Ҳурибиби Жидда шаҳрида ўпка шамоллаш касали билан вафот этди.

Исҳоқхоннинг Шарқ мамлакатларига сафарга чиқишдан асосий мақсади, биринчидан, онасининг ҳажга олиб бориш ҳақидаги илтимосини қондириш бўлса, иккинчидан, чет эл халқлари ҳаёти, маданияти билан яқиндан танишиш, бу мамлакатларни ўз кўзи билан кўриш истаги эди: «...Умрум нақдини ҳавас бозорида кечирмак тақазоси-ла ўлуб, синним йигирма беш кечмиш экан, ҳавои тақазои муҳтарама душуб саёҳат этдум...»<sup>1</sup>—деб ёзади у.

Исҳоқхон Ибрат онасини Жидда шаҳрида дафн этиб, Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатини давом эттирди, шу билан бирга, у Истанбул, София, Афина, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида бўлди. Анча вақт Афғонистоннинг Кобул, Арабистоннинг Жидда каби катта шаҳарларида истиқомат қилди. Макка шаҳридан Қизил денгиз ва Ҳинд океани орқали Ҳиндистонга келди. 1892—1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калькуттада яшади. Бу ерда кўп ишлатиладиган арбаилисонни, яъни тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. Чет элларда халқ ҳаёти, уларнинг маданияти, санъати, Шарқ мамлакатларидаги европаликлар орқали кириб келган Европа маданияти, тили ва санъати билан яқиндан танишди, ўрганди, илмий асарлари учун қимматли материаллар тўплади. У Шарқ халқлари тиллари билан бир қаторда Ғарб халқлари тилларини ҳам билиш зарур деб ҳисоблади ва Арабистонда француз тилини, Ҳиндистонда инглиз тилини, шу билан бирга, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганди. Ибратнинг Шарқ

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Луғати ситта ал-сина.—Т.: Илмий типографияси, 1901, 2-бет.



ва Ғарб халқлари тилларини анча мукаммал билганлигини эътироф этиб, замондоши Иброҳим Даврон ёзади: «...Фазоиلى инсониядин маода қози тўра (Исҳоқхон — У. Д.) жаноблари туркча, форсча, ҳиндича, русча лисон билиб, яна русча, французча, арманича ва бошқа хатлар ёзмоққа моҳирдурлар»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибрат бу мамлакатларда қурилган Европа усулидаги шаҳарлар, улардаги маданий ҳаёт ва техника янгиликлари билан танишди, юксак техника, билимларни тушуниш учун Ғарб тилларини билиш зарур эканлигини яхши англади. Лекин бу маданий ҳаётдан баҳраманд бўла олмаётган, мустамлака зулми остида азоб чекаётган араб, ҳинд ва бошқа Шарқ халқлари ҳаёти уни изтиробга солди. Исҳоқхон меҳнаткаш халқ билан бирга яшади, халқ ҳаётини чуқур ўрганди, ўз ватанида кўрган мустамлака зулмининг оғир даҳшатларини чет мамлакатларда ҳам кўрди, ҳамма мустамлака мамлакатларда меҳнаткаш халқнинг ҳаёти бир хилда оғир эканлигини тушунди. Унда мустамлакачиларга нисбатан нафрат ҳисси туғён урди. Ибрат бу мамлакатларда наққошлик, кишиларга муҳр ўйиб бериш, масжид-мадрасалар пештоқларига, қабр тошларига нақш солиб бериш, баъзи китоблардан намуналар кўчириб бериш йўли билан тирикчилик ўтказди.

Исҳоқхон Ибрат чет элларда олим ва фозил кишилар билан, улар қайси динга ёки миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, яқин алоқада бўлди. «Ҳар бир лисон сафар аҳлига юз олтун баробаринда» ишлатилганлигини тушунган маърифатпарвар чет тилларни ўрганишга катта эътибор берди: «Ҳар бир заввор ва аҳли фазл кишини кўрсам, кайфият ва таълимот маолларини андин сўрадим»<sup>2</sup>.

Баъзи бир мутаассиблар Европа ва Россиядан кириб келаётган илм-фан, маданият ва техника янгиликларига, Ғарб тилларини ўрганишга қарши тиш-тирноқлари билан қурашаётган бир пайтда халқни бундай янгилик ашёлари билан ошно қилиш, хорижий Ғарб тилларини ўрганишга даъват этиш катта воқеа эди.

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1908, 56-сон.

<sup>2</sup> Исҳоқхон Ибрат. Ҷомеъ ул-хутут.—Наманган, 1912, 5-бет.

## “Луғати ситта ал-сина”

Маърифатпарвар шоир, публицист, илғор маорифчи Исҳоқхон Ибрат ўзининг назмий ва илмий асарларида, мақолаларида замондошларига Шарқ тиллари билан бир қаторда Ғарб тилларини, айниқса, рус тилини ўрганишни тарғиб қилибгина қолмай, ўзининг амалий фаолияти билан ҳам жуда катта ёрдам берди. Исҳоқхон ибораси билан айтганда, «биринчи эҳтиёжи тушган рус калима ва ёзувлар»ни ўрганиш зарур деб билди.

XX аср бошларида Чор ҳукуматининг мустамлакачилик снёсати маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилига бўлган эҳтиёжни оширди. Рус-тузем мактаблари, «усули савтия» мактаблари ўлканинг катта-катта шаҳарларидагина эмас, балки қишлоқларда ҳам очила бошлади. Бундай мактабларда дунёвий фанлар, она тили билан бир қаторда рус тили ҳам ўқитилар эди. Замона талабларини яхши тушунган илғор фикрли кишилар ўз фарзандларини бундай мактабларга бера бошладилар. Лекин ўқувчилар, рус ва хорижий тилларни мустақил ўрганувчилар учун дарслик ва қўлланмалар етишмас ёки йўқ даражада эди.

Асримиз бошлари «Туркестанские ведомости» газетаси саҳифаларини варақлар эканмиз, Тошкентдаги китоб магазини хўжайинларидан бирининг қўйидаги сўзлари диққатимизни ўзига жалб қилди: «Шу кунларда шаҳарликлар ўртасида рус тилига қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Тошкент китоб дўкони хўжайинларидан бири шикоят қиляптики, “сартлар (ўзбеклар — У. Д.) ҳеч тинчлик бермаяпти, русча ўрганиш учун сарт тилида ёзилган бирор дарслик борми?”—деб сўраб келишавериб жонга тегди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ерли ўтроқ аҳолининг тил ўрганишга қобилияти кучли»<sup>1</sup>.

Рус тили билан бир қаторда ўнга яқин Шарқ ва Ғарб тилларини анча мукамал билган Исҳоқхон Ибрат бу муҳим масалада ҳам ўз халқига ёрдам қўлини чўзди. У олти тилдаги: арабча, форсча, хиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган «Луғати ситта ал-сина» («Олти тилли луғат») номли луғат китобини яратди. Исҳоқхон тўра мазкур асарни яратар экан, биринчи галда рус тилига қизиқувчиларни кўзда тутган. Бу ҳол китобнинг биринчи бетиданоқ

<sup>1</sup> «Туркестанские ведомости», 1900, 7 (20)

кўзга ташланади. Муаллиф русча ёзув тизimini билмайдиганларга ҳам қулай бўлсин учун рус сўзларини ҳам араб ёзуви билан беради. Маълумки, рус ва Европа сўзларини араб ёзувида ифодалаш анча мураккаб иш, лекин Ибрat бу мураккаб ишни муваффақиятли ҳал қилди. †

Мазкур асарнинг, биринчи навбатда, рус тилини ўрганувчиларга мўлжалланганлигини, уларга рус тилини ўрганишда анча ёрдам берганини яна шундан ҳам билиш мумкинки, китоб қўлёзма ҳолидаёқ қўлдан-қўлга ўтиб юрган, кўплар нашрдан чиқмасданоқ фойдаланишга, кўчириб олишга муваффақ бўлганлар. Рус тилини ўрганиш истаги билан яшаган ўзбек зиёлилари, «усули савтия» мактаблари ўқитувчилари ва ўқувчилари бу асарнинг яратилишидан хурсанд бўлдилар, кўп нусхаларда чоп этилишини сабрсизлик билан кутдилар. Бу ҳолни биз китобнинг қўлёзмалигида танишган шахснинг куйидаги сўзларидан яққолроқ билишимиз мумкин: «Ушбу авони хайрия нишонда Наманган уездига тобеъ Тўрақўрғон козиси жаноб Исҳоқхон тўра ўз таъбларидан чиқариб, «Ситта ал-сина» деган олти луғатлик китоб тасниф қилиб, босмахонага юборибдурлар. Мазкур олти луғат арабий, форсий, туркий, сартий, ҳиндий ва русча китобни алҳол ибораларини дуруст ва тасхихлаб кўруб турубдурмиз. Албатта, онинг босилмоғига ижозат берилуб, нечанд нусхалар босилиб чиқса керак. Лекин аксар ибора ва луғатлари тасхих ва тағйир бўлинди. Хусусан, русия луғатларини мусулмония ҳуруфлари илан ёзмоқ хўб қийин ва дуввор учун ул русча ёзилгон ибораларни кўпроқ тағйир берилди ва мазкур «Ситта ал-сина» деган жаноб қозининг ихтиро қилган луғат китоблари, гарчанд кичик бўлса ҳам, бизнинг Туркистон вилоятимизда сартиялардан шунча тил билиб, бул тариқа китоб ва луғат тасниф қилган одам йўқ эди. Бинобарин, ул жаноб қозининг босма учун юборган ва тасниф айлаган луғат китобларини кўруб, босма қилмоққа ижозат берилса керак. деб умид айлаб газетага ёздук. Ул луғатларни кўб кўриб ўқидим. Анинг учун бу сўзни мен тўқидим»<sup>1</sup>.

Олимнинг ушбу асари XIX асрнинг 90-йиллари ўрталарилаёқ, муаллифнинг чет эл сафаридан қайтиб келиши билан тугатилган бўлса-да, лекин маҳаллий муаллифлар асарларининг таъқиб остига олиниши, чор

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1901, 4 август, 30-сов.

мустамлакачилари томонидан Туркистонда ўрнатилган қаттиқ назорат (цензура) туфайли асар анча кечикиб — 1901 йилда босмадан чиқарилди. Буни ўша даврда чор Россиясининг Туркистондаги матбуот нозири вазифасини бажарувчи Н. П. Остроумовнинг шахсий архивда сақланувчи ҳужжатлар исботлайди. Архивда Исҳоқхон Ибрatнинг Н. Остроумов номига ёзилган иккита мактуби сақланади. Биринчи мактуб 1898 йилда ёзилган бўлиб, унда Ибрat Остроумовга луғатни босмадан чиқаришга ёрдам беришини илтимос қилиб мурожаат қилади ва унинг таклифига мувофиқ китобнинг икки жузъини юборади. Лекин анча вақтгача асарни нашр қилиш ёки нашр қилмаслик ҳақида ҳеч қандай жавоб ололмайди. Исҳоқхон тўра Ибрat 1900 йилнинг 26 февралда иккинчи марта рус ва ўзбек тилларида хат билан мурожаат қилишга мажбур бўлади. Мазкур асарни нашр этишда катта аҳамиятга эга бўлган ўша иккинчи мактубнинг матнини тўла келтирамиз:

«1900 инчи йилда 26 февралда ҳурматлу Остроумов ҳузурларига саволнома:

Ушбу баробаринда сиз улуғ мартабадан ўтунуб сўрайманки, 1898 инчи йилда сиздан илтимос қилиб эдим, ўз таснифларимдан олти тил узра «Ситта ал-сина» деган словарь китобни босма қилмоқ учун. Марҳамат қилиб, икки жузъ юборинг, кўрмоқ учун, деган экансиз. Дарров амрларига мувофиқ юбориб эдим. Мазкурни (нг) ҳеч хабари бўлмаган жиҳатидан боз илтимос қилиб турубманки, агарда нозирлар назоратларидан ўтган бўлса, қабулга олинса, мен қолган ўн жузъини ҳам юборсам ва ёки қабул бўлмаган бўлса, ўшал нусхани марҳамат илан Наманган маҳкамасига, манинг исмимга адрес этиб юборсалар, боз бўлак маслаҳат қилсак, деб илтимос қилувчи Исҳоқхон тўрадурман»<sup>1</sup>.

Маълумки, Чор ҳукумати ўлка халқларининг маданий-сиёсий ривожланишидан, халқнинг кўзи очилишидан, айниқса, ерли аҳолининг ривожланган халқлар билан мулоқотда бўлишидан қўрқар, шу боисдан ҳам ўша давр учун тараққиёт калити ҳисобланган рус тилини ўрганишга қаттиқ қаршилиқ қилар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон Ибрatнинг мазкур асари бир неча йил чоризм цензурасидан ўта олмади. Бу ишда асосий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Давлат архиви, 1009-фонд, 115-йиғма жилд, 15—16-варақлар.

ролни Чор Россиясининг Туркистондаги матбуот но-зири Н. Остроумов ўйнайди.

«Луғати ситта ал-сина» бир неча йиллик саргузашт-лардан сўнг 1901 йилда Тошкентдаги В. И. Ильин бос-махонасида нашрдан чиқди. Исҳоқхон тўра ушбу асар-ни яратишда анча вақт илмий иш олиб борди, чет элларда материал тўплади. Асар кичкина муқаддима билан бошланади, бу муқаддимада муаллиф мазкур асарни яратиш учун бир неча йил материал тўлагани, кейинги авлодларга «бир нишон» қолдириш мақсадида китоб ҳолига келтиргани, асарнинг тузилиши, тартиби ҳақида гапиради: «... саёҳат этдугум вақтларида Аф-ғонистон, Ҳиндистон ва Форсистон шаҳарлари саёҳати-да... бир лисон сафар аҳлига юз олтун баробарида иш-ладики, биза мушоҳида бўлиб лисонлар таҳсилига кў-шиш эдуб ва ҳам даҳр аҳлига бир нишон қолдирмак фикри-ла бир неча муддати мадид бу китоб тавдини-на жустужў эдуб, бўйла бир китоб суратинда халқга намудор этдим ва ҳам олти лисондан мураккаб ўлдур учун, «Луғати ситта ал-сина» тасмия эдуб, икки жилд ила тартиб этдум»<sup>1</sup>.

Луғат олти тиллик, анча мураккаб, ўзбекча сўзлар-нинг қаршисида арабча, форсча, туркча, ҳиндча ва русча таржималари берилади. У мингдан ортиқ сўзни ўз ичига олиб, 53 бетдан иборат, икки қисмдан ташкил топган.

Биринчи қисм алифбо тартибида тузилиб, ҳар қай-си ҳарфга алоҳида кичик-кичик бобчалар ажратилган. Бу қисмда феълларнинг ноаниқ ва келаси замон шакл-лари аввал форсча, кейин арабча, туркча, сартча (ўз-бекча), ҳиндча ва русча таржималари берилади.

Исҳоқхон Ибрат мазкур асарига материал тўплар экан, жонли тилда кўп қўлланадиган энг фаол сўзлар-ни киритишга алоҳида эътибор берди. Унда истеъмол-дан чиқиб кетаётган архаик сўзларни деярли учрат-маймиз, луғатни кенг халқ оммасига тушунарли бўлган араб ёзуви тизимида яратди.

Маълумки, Исҳоқхон Ибратга қадар ҳам русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар яратилган. Масалан, В. П. Наливкин ва унинг рафиқаси М. Наливкинанинг «Русско-сартовский словарь», «Сартовско-русский сло-

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Луғати ситта ал-сина, 1901, 2—3-бетлар.

варь»<sup>1</sup> асарлари шулар жумласидандир. Лекин бу асарлардан китобхонлар — рус тилини ўрганишга қизиқувчилар унумли фойдалана олмадилар. Чунки бу китоблар рус ёзувида яратилган бўлиб, ўзбек тилини ўрганувчи руслар ва русча саводи бўлган саноқли ўзбеклар учун мўлжалланган эди. Шунинг учун ҳам бу асарлар рус тилини ўрганишга иштиёқи зўр бўлган ўзбеклар эҳтиёжини қондира олмади.

Исҳоқхоннинг мазкур асарини араб ёзувида яратишга ҳам худди шу масала туртки бўлди ва мана шу муҳим, ниҳоятда мураккаб масалага ўзбек маърифат-парварлари орасида биринчи бўлиб қўл урди ва замондошлари талабини бирмунча қондиришга муваффақ бўлди. Шу нуқтаи назардан, луғат муаллифи замондошларидан бирининг: «...Бизнинг Туркистон вилоятида сартиялардан шунча тил билиб, бул тариқа китоб ва луғат (Исҳоқхон ва унинг “Луғати ситта ал-сина” китоби — У. Д.) тасниф қилган одам йўқ эди»,—деган сўзлари заминидан катта мазмун ётар эди.

### «Жомеъ ул-хутут»

Ёзув жамият, маданият ва илм-фан тараққиётида, уни келгуси авлодларга етказишда муҳим роль ўйнайди. Ёзувнинг вужудга келиши, ривожланиши бир неча минг йиллик тарихга эга. У одамлар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида тилга нисбатан анча кейин вужудга келди ва ривожланди. Ёзув тил ва маданият тарихи, унинг ривожланиш боғиқлари билан ажратиб бўлмас даражада боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ёзувлар тарихи билан шуғулланувчи шахснинг кишилик жамияти тарихи, маданияти, қачонлардир алоқа қуроли ҳисобланган, кейинчалик ўлик ҳолига тушиб қолган тиллар, ёзувлар билан ҳамда жонли тил ва ёзув ўртасидаги алоқалар билан танишувига тўғри келади. Лекин тилшуносликнинг мазкур энг қизиқарли, долзарб, айни замонда жуда мураккаб соҳаси етарли ўрганилмаган. Бу ҳақда ёзувлар тарихидан анча мукамал илмий иш олиб борган тилшунос олим В. А. Истрин қуйидагиларни ёзади: «Рус тилида, умуман, ёзувлар тарихига оид қилинган илмий ишлар жуда кам. Бу соҳада мазкур асарнинг биринчи (1961 йил) нашрига қадар бирдан-бир асар

<sup>1</sup> Сартовско-русский словарь, II часть,—Казань, 1884;—Ташкент, 1941.

1903 йилда чиққан Я. Б. Шницернинг “Иллюстрация-лаштирилган ёзувларнинг умумий тарихи” деган асари эди»<sup>1</sup>.

Тилшунослик фанининг бу мураккаб соҳасида Исҳоқхон Ибрат анча мукамал «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») номли илмий асар яратди. Бу асарида муаллиф ёзувларнинг энг ибтидоийси — пиктографик ёзувлардан, то сўнги давр энг мукамал ёзувларгача босиб ўтган тараққиёт тарихини ёритиб беришга ҳаракат қилади. Олимнинг мазкур асари катта ҳажмда — 132 бетдан иборат бўлиб, 1912 йилда ўзининг босмаҳонаси «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинди. Исҳоқхон бу асарнинг яратилиш тарихи, кўзда тутган мақсади, асарнинг номланиши ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Бул хатларни боқий ва тарих қарори муддао бўлиб, ҳам миллатимизга ягона бир тарих қолдирмоқ қасдида ва ҳам олама бир асар қолдирмоқ ният этуб, бу мисра мужиби:

Асардурки оламға ўлғай нишон,  
Киши беасардур кетар бенишон,—

мазмунича ботадвин айлаб, ройи соқиб, арбоб хасм ва арбоби фазлу камолларига манзур қилиб, миллатга нишон қолдириб ҳам миллатимиз лисони туркий учун умумий туркий илан сартия халқини нафъ олмоққа муддао бўлиб, адабий миллиёна қилмай, равшан туркий қилдим. Миллатимиз (нинг) форсийларига иккинча табъада форсий қилинур ва жами хатларга жомеъ учун «Жомеъ ул -хутут» тасмия эдуб, ўз хатимиз ва ўз тилимиз ва ўз матбааимизда табъ қилмоқ мақсад бўлиб, табъи шариф, аҳли расо ва қалби латиф, аҳли заколарга пешкаш қилдим»<sup>2</sup>.

Исҳоқхон Ибратнинг тилшунослик соҳасида чуқур илмга эга эканлиги мазкур асарида ҳам намоён бўлди. Асарда пиктографик ёзувлардан кейин вужудга келган энг қадимий товуш-ҳарф ёзувлари: финикия, яҳудий, сурия, араб, юнон, форс, славян, санскрит, ҳинд, лотин, арман, грузин, уйғур ва бошқа қирқдан ортиқ ёзувлар, уларнинг келиб чиқиши, тараққиёти ҳақида маълумот берилади. Ибрат фақат ўз ватанидаги ёзувлар намуна-

<sup>1</sup> В. А. Истрип. Возникновение и развитие письма.—М.: Наука, 1965, 6-бет.

<sup>2</sup> Исҳоқхон Ибрат. Жомеъ ул-хутут.—Наманган: Матбааи Исҳоқия, 1912, 6—7-бетлар.

ларини ўрганиш билан чегараланмай, араб мамлакатларидаги қадимий ёзув маданиятини ҳам ўрганди, бу ёзувларни тўғри ўқишга ҳаракат қилди. У эрамиздан 2000 йил илгари финикия халқлари томонидан вужудга келтирилган ёзув ёдгорликларини, Кипр оролидаги ғорлардан топилган ёзув қолдиқларини ўз асарига жалб этди. Ибрат ёзувлар тарихини ўрганар экан, товуш-ҳарф ёзув тизими биринчи марта финикия халқлари томонидан яратилган ва бошқа қўшни халқлар: яҳудий, сурия, араб ёзувлари финикия ёзувлари асосида вужудга келган, деган илмий хулосага келади. Муаллиф ушбу асарида араб ёзувлари тарихи, уларнинг ривожланиш эволюциясига алоҳида тўхталади. У ўз текширишлари натижасида қўйидаги яқунга келади: араб ёзувлари набати халқи ёзувларидан келиб чиққан бўлиб, VII асрдан бошлаб икки шаклда — кўфий ва насх ёзувлари шаклида ривожланган. Кўфий ва насх ёзувлари асосида нисбатан содда бўлган «сулс» ёзуви яратилди. Бу ҳақда муаллиф қўйидагиларни ёзади: «Хатти даврондан сурёний чиқориб, сурёнийдан кўфий чиқориб, кўфийдан сулсни, сулсдан таълиқни, сулс ила таълиқдан насхтаълиқ китоб хатимиздурки, 900 ҳижрийда Эронда шаҳри Табриз деган балодада Хўжа Мир Али Табризий чиқарганлар. Насх ила таълиқдан мураккаб учун настаълиқ исм қўйганлар. Бу хат Арабистонда жорий эмас. Ҳиндистон ва Бухоро, Туркистон, Фарғона, Қошғар аҳли ислом ораларида жорийдур. Бунга сабаб бу мулкларга Эрон подшолари (нинг) ихтилоти бўлуб, Бухоро, бўлакларни олиб, ул вақтларда жорий қилинган экан»<sup>1</sup>.

«Жомеъ ул-хутут» дунёда машҳур бўлган 41 хил ёзув системаси ҳақида, шу жумладан, араб хатининг сулс, тавқеъ, райҳон, зулф, ҳумоюн, турра каби шакллари ҳақида маълумот беради ва шу билан бирга, унда ҳуснихат санъатига оид фикрлар билдирилади. Ибрат ушбу асарида рус тили билан бир қаторда инглиз, француз, немис, лотин каби чет тилларни ўрганиш илм-фан ва маданиятни эгаллашда катта роль ўйнашини ҳам алоҳида таъкидлайди: «Дорихона борганда лотинча зарур. Ҳиндистонга хат қилинса, инглизча бўлмаса олмайдур, Эронистонга франсавий. Биз туркистон (ликларга) биринчи заруримиз русия хатидурки, муни қози ва мударрислар инкор қилмаслар. Ахборнома, рапурт

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Жомеъ ул-хутут. 74-бет.



ёзсалар, мударрислар бўлса, ўрусча биладурган кишига ақча бериб, рапурт ёздурадурлар, аларга жуда зарур. Савдогарларга Масковдан мол ёзмоққа зарур ҳукумат хати бўлуб, бинобарин, эҳтиёжи халқулло ҳамма жиҳатдин буни билмак зарурлиги бадеҳий»<sup>1</sup>.

Ўз замондошларини, айниқса, ёш авлодни рус ва Европа тилларини ўрганишга даъват этиш унинг мазкур «Жомеъ ул-хутут» асариди алоҳида ўринни эгаллайди. Исҳоқхон ўз салафлари — маърифатпарвар шoirлар, олимлар анъаналарини давом эттириб, Россиянинг Урта Осиёга қарши олиб бораётган босқинчилик сиёсатини қаттиқ қоралайди, халқ ҳаётига кириб келаётган илм-маданиятни, ўқув-тарбия тизимидаги илғор методларни, айниқса, татар мутафаккири Исмоилбек Гаспрати томонидан асосланган «усули савтия» методини, эски, ўлиб бораётган урф-одатлар билан энди туғилиб келаётган янгиликлар ўртасидаги курашни қўллаб-қувватлади, янгиликнинг ғалаба қилишига ишонди. Исҳоқхоннинг илм доираси кенг олимлиги, айниқса, шунда кўринадики, у ҳамма нарсани — илм-фан, маориф-маданиятни, тилларни, ёзувларни, одамларни ўсишда, ривожланишда, ўзгаришда деб тушунди: «...Бу намуналардан муддао буки, ҳар асрда бир олам табдул бўлиб, аср ўзгариб, олам, одам, ашёлар — ҳамма нарса табдул бўлмоғи бизга бир сархатдур. Бунга қараб ибрат олиб иш тутмак даркор. Аввали ҳолимиз ул, эмди бул, олам юриши шул. Бинобарин, таждиди аҳвол ва атвор ибрат бўлур экан. Шул ўттиз йил(га) бир назар қарасак кўб фарқлар бор»<sup>2</sup>.

Исҳоқхоннинг воқеа ва ҳодисаларга бундай диалектик муносабатда бўлиши, эскилик устидан янгиликнинг ғалаба қозонишига бўлган ишончи, айниқса, кейинги парчада янада яққолроқ кўринади: «Маданият хотирага ўхшаган янги таомил, янги сўз, янги хат жорий бўлиб, эски нимарсалар, диний ишлар, бўлаклари ҳаммаси билкул қолиб, янги юриб кетар эканлар... Уйингизда ҳозир турубдур аён... чунончи: чироқ қолди — лампа (чиқди), чақмоқ қолди — гугурд (чиқди)... чой-жўш қолди — чойнак (чиқди), қумғон қолди — самовар (чиқди) ва ҳоказо янги нимарсалар кўб жорий бўлиб қолган»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Уша асар, 106-бет.

<sup>2</sup> Уша асар, 48-бет.

<sup>3</sup> Уша асар, 14—15-бетлар.

Исҳоқхон Ибрат ўзи яшаб турган замонда илм ва фан, маориф ва маданиятнинг бирмунча ривожланганлигини мазкур асари «Жомеъ ул-хутут»да зўр мамнуният билан таъкидлайди. У бундай ривожланишни ўлкага илгор маданият ва фаннинг кириб келишида деб тушунди. Ибрат ўз даврини хонликлар даври билан таққослар экан, илмли кишиларнинг анча кўпайганидан мамнун бўлади: «Асримиз маданияти бор эди... Чунончи; оташ ароба, телеграм, телефон, электр фонарлар, неча хил учадурган айруфлон, грамафон, литограф, тифограф, анвойи машиналар, афтомобел, велосифид, тилсиз телеграмлар, неча-неча ашёвий жадидалар, анвойи адидалар ҳаммаси мавжуд эди»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибратнинг жаҳон ёзувлари тарихига бағишланган мазкур «Жомеъ ул-хутут» асарининг нашр этилиши ўзбек матбаачилиги, маданияти тарихида, ёзувлар тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда асарга сўнгги сўз ёзган муҳаррир Ҳусайн Макаев қуйидагиларни таъкидлайди: «Эски осор ва эски замонлардаги миллатларнинг, хусусан, Шарқ халқларининг хат ва ёзувлари ила танушлукни хоҳлаган илм ва фан ҳаваслилари учун, хусусан, ислоҳи ҳуруф масалалари каби гоят муҳим мубоҳасалар жараён этган бу замонда ушбу китобда тўбланмиш неча хил эски ёзувлар бу масалани айруча диққатга сабаб бўлсалар керак. Фозил Исҳоқхон тўра ҳазратларининг кўб ижтиҳодлар сарф этиб, вужудга келтирган бу хат нусхаларининг шарҳиндаги китобати ила матбаани (нг) баъзи қусурларидан қатъи назар, санойӣ нафисадин бўлган энг эски ёзувларни бизга умрликка бир асар қолдургувчи бу китобнинг Туркистонда нашр қилинуви бизнинг учун ўзи бир шараф деб билам. Аммо миллат учун аҳамиятлик ёки аҳамиятсизлиги ҳақидаги танқид ва фикрларни илм ва фан ҳурмати аҳли қалам, фан суйган одамларнинг диққатларига топширам»<sup>2</sup>.

Шубҳасиз, Исҳоқхон Ибратнинг асримиз бошларидаёқ олиб борган илмий фаолияти унинг ажойиб тилшунос олим эканлигидан далолат беради.

Исҳоқхон маданиятимиз тараққиёти тарихида ҳусниҳатни мукамал эгаллаган хаттот сифатида ҳам катта шуҳрат қозонди. Бу ҳол унинг «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» ва «Жомеъ ул-хутут»

<sup>1</sup> Уша асар, 14—15-бетлар.

<sup>2</sup> Уша асар, 132-бет.

асарларида ҳам яққол кўзга ташланади. Унинг замондоши Иброҳим Давроннинг тасдиқлашича, Исҳоқхон зўр хаттот, ҳуснихатни мукамал эгаллаган каллиграфдир, у бу соҳада яратган «шоён бир санъати (асари)» учун 1907 йилда катта мукофотга сазовор бўлган. Бу ҳақда Иброҳим Даврон қуйидагиларни ёзади: «У (Исҳоқхон тўра — У. Д.) ҳам хаттоти аъзамдур. Чунки мусулмонча хат ёзмоқдан ўн етти навъ ёзув бирла қалам юргузурлар. Бу осори қаламия ва ақлиясидан намунаи зоти, демакки, шоён бир санъати ўтган йил, 1907 йилда жаноби Туркистон гинирол-губирнаторига тақдим қилиниб, шойисталиқига иккинчи даража почётной халат (почётный халат) олган эдилар»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибрат билим доирасининг анча кенглиги билан ҳам замондош шоирлар ва олимлардан ажралиб туради. У кўплаб Шарқ ва Ғарб олимларининг илмий асарлари билан танишган. Текширишлар шуни кўрсатадики, унинг шахсий кутубхонасида рус ва ўзбек тилида нашр қилинадиган маҳаллий газета, журнал бойламлари ва китоблардан ташқари Россияда нашр этилган «Нива», «Литературная Нива» каби адабий журналлар бойламлари, «Туркча-французча луғат», В. Наливкин, М. Наливкиналарнинг «Сартовско-русский словарь», «Русско-сартовский словарь», «Краткая история Кокандского ханства» асарлари, В. В. Бартольд, В. В. Радлов, Г. Вамбери каби атоқли шарқшунос олимларнинг ўнлаб асарлари бўлган. Бу нарса Ибратнинг Европа тиллари ва адабиёти, рус ва Европа шарқшуносларининг илмий асарлари билан қизиққанлигидан, уларни мукамал ўрганганлигидан далолат беради.

Исҳоқхон чин қалбидан ўз халқининг илмли, маърифатли бўлишини истади ва бу истагини амалга оширишда билимини, куч-ғайратини аямади. Узининг 1916 йилда яратган «Тарихи маданият» асарида хабар беришича, кейинги 20 йил ичида 14 та илмий-тарихий, лингвистик асарлар ва 30 йиллик назмий ижодининг мажмуи бўлмиш «Девони Ибрат» шеърлар тўпламини яратди. Унинг тилшуносликка оид «Луғати ситта ал-сина», «Жомеъ ул-хутут» асарларидан ташқари тарихшуносликка оид «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Меъзон ул-замон» илмий асарлари бизгача етиб келган. Ибрат бу асарларни яратишда рус ва Европа шарқшуносларининг асарларидан баҳраманд бўлди, баъзилари билан

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1908, 56-сон.

ҳамкорлик қилди. У атоқли тарихчи олим сифатида ўз илмий-тарихий асарларини яратишда Шарқ тарихнависларининг асарларини ўрганиб, улардан фойдаланиш билан бирга, рус ва Европа шарқшунос олимларининг илмий асарларини ҳам ўрганди, юздан ортиқ мўътабар тарихий манбалардан, илмий асарлардан фойдаланди, керакли ўринларда улардан кўчирмалар келтирди. Муаллиф мазкур асарларини яратишда Ғарб шарқшуносларининг тарихий асар ёзиш методини қўллади. Айниқса, бу нарса унинг асар яратиш услубида, тарихчининг диққат-этиборини жалб этган воқеаларга муносабатида яққол кўринади. Исҳоқхон Шарқ тарихчиларининг илмий асарларини ўрганар экан, бу асарларга ва уларнинг муаллифларига танқидий муносабатда бўлди. Айниқса, ўз салафлари томонидан хонларга бағишланган, уларнинг қонли урушларини мақтаб, муболаға қилиб ёзилган асарларни, хонларга ва бекларга бағишлаб яратилган дostonларни танқид қилди. Шу нуқтаи назардан, Ибратнинг қуйидаги сўзлари унинг тарихий асар яратишда кўзда тутган мақсадини, эстетик принципини яққол ифодалайди: «Тарихни ислом муаррихлари аксарият ила ҳамма тарихлари умарои бўлуб, жуғрофий, маданий ёки санойй бўлмай, фақат у хонларнинг урушлари бирла адо қиладурлар. Бинобарин, мен бу тарихимда муболағага ошуруб, мақтаб ва ақлнинг косасига сиқмайдурган сўзларни олмай, баъзи хурофий сўзларни ёзмай, тўғри ва ақл косасига сиғадурган сўзларни олдим ва ажнабий тарихлардан кўпроқ ёздим... Бу «Тарихи Фарғона»ни ёзмоқдин мақсад изҳори ҳунар ёки мусанниф қаторига кирмак ёки таъмини тириклик йўлидан бўлмай, балки бани башарни(нг) тириклик қилиш, саноят ва зироатлари, маданият ва бадавиятларини халқларга кўрсатмак, биздан кейин келадурганлар ўтганларни(нг) турмуш ва қилмуш ва билмуш ишларидан ибрат олсун. Ўз замони билан ўтган замонни торозу қилиб, вазнини билсун учун ва ҳам илми тарих бир илми таърифдур»<sup>1</sup>.

Олимнинг тарихий асарларга бундай тўғри муносабатда бўлиши, халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттиришга интилишининг асосий омилларидан бири муаллиф Шарқ тарихнавислари билан бир қаторда рус ва Европа шарқшунос олимларининг асарларини чуқур ўрганганлиги-

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. Ўз ФАШИ Қўлёзмалар фонди, инв. № 11080, 3—4-бетлар.

дадир. Рус ва Европа тилларини анча мукаммал билган Исҳоқхон Ибрат шарқшуносларнинг асарларини оригиналда ўқиган.

Ибрат ўзининг илмий асарларини яратишда рус шарқшунослари В. В. Радлов, В. В. Бартольд, 1863 йилда Урта Осиёга саёҳат қилган туркшунос, этнограф, сайёҳ Г. Вамбери асарларидан фойдаланди, уларнинг асарларига ўз муносабатини билдирди: «Султон Содиқ Буғрохон амри билан назм “Қутадғу билиг” деган тарих Юсуф Ҳожиб тарафидан уйғурча-ўзбек тилида ёзулуб, ани Радлов русча, туркча, немисча кўб жилдда таъб қилган. Мундан бошқа исломдан аввал бўлган асарлар Фарғонада матрук бўлган, бу сабабдан ҳозирда исломдан аввалги ҳоли бизга қоронғу... Бартолд деган Петербургдан келиб, мунда юруб, неча вақтлар муомала ва маълумотлар олиб кетган эди. Мана, тарих қилиб, матбуотда нашр бўлди. Кўб кишилар фойда кўруб турубдилар ва сўнггидан Вамбери деган Хитойистон Кошғарини айланиб чиқиб, кўб тарихлар нашр этди, бизга тарих бўлуб турубдур. Буларни кўрганда бизга нега ўз мамлакатимизнинг ҳамма ишларидан авлоди башарга бир нишона қолдурмадук деган афсус бор»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг тарихий асарларини яратишда В. П. Наливкин асарларидан, айниқса, «Краткая история Какандского ханства» (Қозон, 1886) асаридан кенг фойдаланди, кўп ўринларда унга танқидий муносабатда бўлди. Исҳоқхон илмий-тарихий асарларини яратишда катта масъулият ҳис қилди, тарихий воқеаларни, фактларни объектив баҳолашга алоҳида эътибор берди.

Ибрат XIX асрнинг биринчи ярми Муҳаммад Алихон ҳукмронлик қилган давр тўғрисида гапирар экан, ўзбек халқи ҳаёти, маданияти тарихида ўчмас из қолдирган 1842 йилги мудҳиш воқеаларни четлаб ўта олмайди. Маълумки, Бухоро амири Насрулло 1842 йилда Қўқонга бостириб кириб, шаҳарни талаган ва халқни хонавайрон қилган эди. Исҳоқхон ўзининг «Тарихи Фарғона» асарида буюк шоира, мутафаккир, давлат арбоби Нодирабегимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида анча қизиқарли, шу билан бирга, ўша машъум воқеа шохидлари фикр-мулоҳазаларини келтиради, Насруллонинг Қўқонда уюштирган қирғинига алоҳида тўхталади. Муаллиф, айниқса, Нодира ва унинг норасида набира-

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона, 17—18-бетлар.

ларининг амир Насрулло томонидан ўлдирилиши воқеасини ёзар экан, ўзининг ҳаяжонини, Насруллога бўлган нафратини яшира олмайди. Асарда Нодира бир муштипар аёл сифатида эмас, балки мағрур она, норасида набираларининг қўрқмас ҳимоячиси, Насруллонинг ваҳшиёна қилмишларини фош қилувчи ботир аёл қиёфасида намоён бўлади. У амирга бўлган ўз нафратини очиқ айтишдан тап тортмайди: «“Эй золим! Отаси сенга осий бўлган, бу норасида нима гуноҳ қилди? Бераҳм золим, қизил қонга бўядинг. Сен ҳам мендек нури чашмингдан ажраб, хонавайрон бўл!” — деб алфоз ила оғзига нима келса қайтармай, амирни ҳеч писанд қилмай турганда, они яқинларини(нг) ҳаммасини сўйдирган экан»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон мазкур воқеаларни баён қилар экан, фақат ўзининг таассуротларини ёзиш билан чекланиб қолмади, айни вақтда ўша давр. шоирларининг бу мудҳиш воқеага бағишланган тарихларидан, марсияларидан намуналар келтиради<sup>2</sup>. Бу эса асарнинг бадий қийматини янада оширган. Амир Насруллонинг бу фожиали қилмишидан қаттиқ нафратланган Исҳоқхон Тўра уни «Ботир-қассоб» деб атади<sup>3</sup>.

Тарихчи олим Амир Умархон салтанатини қаламга олар экан, унинг шоирлик иқтидорига юқори баҳо беради, уни «жаннатмакон», одил хон сифатида таърифлайди, Умархон даврини илм-фан, маданият ва адабиётсанъат ривожланган давр сифатида баҳолайди. Унинг саройида ижод қилган Фазлий Намангоний, Султонхон тўра Адо, Ҳижлат, Афсус, Гулханий, Махмур, Беҳжат, Ҳозик, Ғозий, Нодир каби шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Адиб асарда Қўқон хонлигида ҳукмронлик қилган хонлар фаолиятини хронологик изчилликда баён қилади, айниқса, Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худодёрхон даврига, унинг хон сифатидаги фаолиятига, қипчоқ қирғини воқеаларига алоҳида тўхталади, Урта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва у келтирган фожиаларга кенг ўрин беради, яъни 104—155-бетлар шу тарихий воқеага бағишланган.

Тарихдан маълумки, ўзбек мутафаккирлари, давлат арбоблари тарихий воқеаларга ҳаққоний баҳо берган-

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона, 54-бет.

<sup>2</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона, 55—57-бетлар.

<sup>3</sup> Уша асар. 58-бет.

лар, улар тарихий воқеалар оқимини, айниқса, Россиянинг Шарққа нисбатан босқинчилик сиёсатини анча илгари, қарийб 20—25 йил илгари тушуниб етганлар. Буюк ёзувчи Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романининг бош қаҳрамонларидан бири — Юсуфбек ҳожи «Қипчоқлар қирғини» муносабати билан қуйидагиларни баён қилган эди: «Беклар!—деди,—Маним мулоҳазам юрт, эл манфаати нуқтасидан туриб айтиладилар! Мен ҳеч бир вақт инкор қила олмайманки, ёлғиз ўз гарази йўлида иш қилувчи палид кишилар қипчоқлар орасида бор бўлганидек, бизда ҳам йўқ эмас... Балки ановиларда ўнлаб бўлса, бизда юзлаб бор! Узи бизнинг кўзимизга совуқ кўринган қипчоқвачча Нормухаммаднинг эл учун қилиб турган тўғри хизматини мен ўз умримдаги Тошканд беклари орасида биринчи мартаба кўраман. Буни сиз, яхшилар ҳам инкор қила олмассиз! Бас, айб қипчоқда эмас, балки унинг манфаати шахсияси йўлида иш кўргучи бошлиқларда ва қипчоқлар ўйлағондек гуноҳ қора чопонлиларда бўлмай, балки унинг уч-тўртта маънисиз бекларида! Биродарлар! Урус ўз ичимиздан чиқадурғон фитна-фасодни кутуб, дарбозамиз тегида (Оқмасжид ёки Олмота ёнида демоқчи) қўр тўкиб ётибдур. Шундай маъшар каби бир кунда биз чин ёвға берадурган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб, қирлишсак, ҳолимиз нима бўладур. Бу тўғрида ҳам фикр қилғучимиз борми? Қунимизнинг кофир қўлига қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйганмизми?!

Ҳожи ўзини тутолмай кўз ёшичини оқ соқолига қуюб давом этди:

— Мана биродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазигон фурсатда сизга иккинчилар тобут чопадур, биз қипчоққа қилич кўтарганда ўрус бизга тўп ўқлайдур. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрасиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга етган кўраман!—деди ва рўмоли билан кўз ёшичини артиб ўрнидан турди,—агарда дунёдан ўтаёзган бир кексангизнинг маслаҳатига қулоқ берсаларингиз, бу фикрингиздан қайтинг, биродарлар! Илло Юсуфбекни ўлдига чиқариб, бу шум ишингиздан мени ташқарида ҳисоблангиз!—деди ва мажлиснинг “ўлтиринг”, “тўхтанг” сўзига қулоқ солмай, ўлтуришни ташлаб чиқди».

Ушбу сўзлар XIX аср ўрталаридаги ўзбек давлат арбобларидан бирининг Россия босқинчилик сиёсатига муносабати. Урта Осиёнинг Россия томонидан босиб

олиниши воқеаси шўролар даврида иложи борича ижобий, ҳатто, «босиб олди» эмас, «қўшиб олди» тарзида баҳоланди. Янада ажабланарлиси, 60-йилларнинг бошида бу воқеанинг 100 йиллигини байрам қилиш ҳам режалаштирилди.

Исҳоқхон Ибрат ҳам муаррих олим сифатида «Тарихи Фарғона» асарида тарихий воқеаларга хон ва бекларнинг муносабатини тасвирлашга алоҳида эътибор берди. Амир Насруллонинг 1842 йилда Қўқондаги машъум қатли ом уюштиришига қарши чиқиб, Қўқон хонлиги билан бирлашиш ва яқинлашиб келаётган рус босқинининг олдини олиш ҳаракатларини қилиш таклифи билан амир вазирларидан бири Абдусамад чиқади: «Хонни (Муҳаммад Алихонни) боғлаб амирга олиб борганда, амир дарҳол қатлга ҳукм қилганда, ўз вазирларидан Абдусамад нойиб деган хушманд киши амирга: “Жаноби олийлариға малол хотир бўлмаса, бир калима сўз айтсам”,—деганда, амир: “Нима сўздур?”—деган экан. Айтубдурки: “Ҳоло Хўқанд забт ўлди, Фарғона катта мамлакатдур, қанча аскар ва сипоҳу хазина сарф ўлуб олинди, алҳолда Русияни келмаги маҳаллий хавфдур, агарда хонни онти ақд беруб, тавба қилдуруб, Хўқандға қўюб, Бухороға тобеъ қилиб, бир мулк бизларга келган душманларга бир қалқон бўлур эди”,—деганда, сўзи амирга маъқул бўлмай, оғзига кафш билан урдурғон экан»<sup>1</sup>.

Афсуски, Амир Насрулло каби калтабин, бурнидан нарини кўра олмайдиган подшоҳларимиз ҳам бўлганки, Исҳоқхон Ибрат Амир Насруллонинг бу ярамас қилмишини қаттиқ қоралайди. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида мустамлака ўлка ривожланиб келаётган Россия тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлайдиган хом ашё базасига айланди.

Исҳоқхон Ибрат географ олим сифатида «Тарихи Фарғона» асарида Фарғона водийси, ундаги шаҳар ва қишлоқларнинг тўла географик тавсифномасини беради, уларни ўраб турган қўшни давлатлар, тоғлар, ўлкадан оқиб ўтадиган дарёлар, иқлими, ҳавоси, ерлари, ҳайвонот дунёси, водийда яшайдиган халқлар, уларнинг ҳунармандчиликлари, экинлари, савдо-сотиқ ишлари ва ер ости қазилма бойликларига атрофлича тўхталиб ўтади. Масалан, асар муаллифи Чуст шаҳри ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Чуст шаҳри Наманганни(нг)

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. 77-бет.



ғарб тарафида 136 чақирим ғарбда бўлуб, они қибласи Поп қасабасига, жануби дарёга муттасил бўлиб, ши-моли Олмос ва Чодак қасабасига ёпишадур... Деҳқоний иши буларда пахта ҳам ривожда ва лекин хусусий деҳқончилик картўшкага булар кўб мутахассис бўлган-лар... эски хонликлар замонасида Чуст ҳам бир беклик жой бўлуб, Намангандан кейин бек мунда турар эди. Саноати аксариятда шуҳрат ишлари тўффидурки, бул тўффилари Фарғона, ҳатто, Бухоро ва Тошкандларни ўзига жалб қилган. Ҳар ҳафтада атрофга заказ бўлуб, кетадурган тўффини(нг) ҳисоби ўн мингдан зиёда ҳи-собланадур. Бу тўффилар ўн сўмдан бошлаб, бир сўм-гача савдо бўладур. Боғдорчиликда ҳам булар яхши ўрун оладур. Чунки олма илан нок ҳаммадан кўб ат-рофга кетадур. Чуст уч иш билан: тўффи, олма-нок ва фичоқ буларда яхши. Фичоқ қиладурган усталари кўб-дур, машҳур, атрофга кетадур... Суғорилиши Чодак сойидан сув ичадур. Ерлари оқ туфроқ, қумлик, муло-йим. Тиббиси: ҳавоси яхши, тоғ яқин учун кўбда иссиқ бўлмайдур, бўлса ҳам кечаси салқин бўлур, ҳавоси фой-дали, шабадаси ҳам яхши бир шаҳардур. Олиш-бериш тижорати Ҳўқанд илан бўладур... Бир ҳаммом, бир нечта заводи бор. Чустни(нг) шарқ тарафига янги шаҳар деб ўрусча шаҳар бино қилинган эди. Бир фристуф анда идора қилур эди. Ўз олдига Наманган ҳокимига итоат қилур эди»<sup>1</sup>.

Бошқа шаҳар ва қишлоқлар ҳақида ҳам шундай тў-лиқ этнографик ва географик маълумотлар берилади. Муаллифнинг яна бир катта ютуғи шундаки, у ўз аса-рини содда, ўша давр адабий тил меъёрига тўла риоя қилган ҳолда яратган. Услуби, тасвирлаш доирасининг кенглиги жиҳатидан «Тарихи Фарғона» Бобурнинг буюк «Бобурнома» асари таъсирида ёзилгани сезилиб тура-ди.

Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона», «Тарихи мада-ният», «Мезон ул-замон» каби асарларида ҳам ўзининг педагогик-маърифатпарварлик қарашларини илгари сурди. Тарихчи олим Исҳоқхон Ибрат чет эл саёҳати вақтида техника ва маданият ривожланган шаҳарлар-да бўлди. У Туркистон шаҳарларининг ҳам маданий шаҳарлар қаторидан ўрин олишига ишонди. Буни амал-га оширишнинг бирдан-бир йўли илм-фандан, ўқиш-ўрганишдан деб билди: «Бизнинг Русияда Петроград,

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. 138—140-бетлар.

Масков, Адес (Одесса) ва шунга ўхшаш шаҳарлар бор. Франсияда (Европада демоқчи — У. Д.) Фарис, Берлин, Вена ва Мадрид, Лондон, Румо, Вашингтон, Шарқда Токио, Истанбул. Мундан бўлак неча-неча шаҳарлар бор, ўзи кичкина бўлса ҳам маданият топган. Бу маданият шаҳарлари маданиятни нима бирлан топган? Илм бирлан, ўқуб... Маданиятни топадурган ва юргуздурган асбоби илм экан»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг амалий фаолиятида ҳам, ижодида ҳам қишлоқ ва шаҳар муносабатларига алоҳида эътибор берди. У шундай хулосага келдики, қишлоқ билан шаҳарни бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларни бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш керак. Шунинг учун ҳам у шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқларда ҳам илм-маърифат, маданият ўчоқларини вужудга келтириш, эрлар ва аёллар, ўғил ва қиз болалар мактаблари очиш масаласига катта аҳамият берди. Исҳоқхон ўзининг «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон» асарларида қишлоқ ишлари тугагач, гапма-гап юривчи деҳқон йигитларини кечки мактабларга тортиш, ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, таълим-тарбияга оид дарсликлар, рисоалар, газета ва журналлар чиқариб туриш каби долзарб масалаларни кўтариб чиқди: «Қишлоқни (нг) ишлари шаҳарга, шаҳарни (нг) ишлари қишлоқга, бир-биридан ажратиб бўлмайду. Бир тан бўлса, анда жасад сиҳат бўлур. Шаҳарни (нг) эҳтиёжини қишлоқ адо қилур, қишлоқни (нг) эҳтиёжини шаҳар битирур... Бизни (нг) Фарғонадаги хурофотларни (нг) кўблигига қараганда ҳар йили уч-тўрт адад фанга оид китоб бостириб тарқатиш лозим. Ваҳоланки, бир дона ҳам йўқ. Лоақал бирор дона журнал, рисолача, газет ҳафталик мактаб учун даркор эди»<sup>2</sup>.

Исҳоқхон Ибрат ўз халқининг порлоқ келажига, озод ҳаётига зўр умид ва ишонч билан қаради. У Ватанининг келажакда илм-фан, маданият ривожланган шаҳарларининг қиёфасини романтик бўёқларда тасвирлайди. «Маданий шаҳарлар шундай бўлурки, анда дорулмуаллимин мадрасалар ва анвойи фунун мактаблар (олий ўқув юртлари—У. Д.). ҳар хил илм ва хунарлар, катта дўхтирлар, табиблар ва мазлумни золим-

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи маданият, ЎзФАШИ Қўлёзмалар фонди, инв. № 11616, 112-бет.

<sup>2</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи маданият, 188-бет.

дан ҳимоя қиладурган ҳокимлар ўз шаҳарларида бўлур. Қўл ҳунарларидан ҳар хил ва ҳамма хиллари тўқиладурган нимарсалар, анвойи асбоб ўз шаҳарларида бўлуб, бўлак кишиларга эҳтиёж бўлмаса ҳамда ул шаҳарда заводлар, оташ кемалар ва фойизлар ва кўнкалар электр илан барпо бўлса ҳам ул шаҳарда ҳар куни юруб турадиган фойизлар, чироғ, шамол сандал (вентилятор ёки холодильник — У. Д.) бўлса, катта мактаблар бўлса, заводлар овози ҳар куни неча мартадан эшитулуб турса, бир нимарсага эҳтиёжманд бўлуб чиқсак киши, дарҳол топилса, тилфонограмлар бўлса, шаҳарлар озода, чангдан, бўй баддан тоза бўлса, қайси илми хоҳласа, ани таълим берадурган муаллимлар бўлса, арз қилганда, арз-ҳолини билиб жавобини қайтарса, ярамас одамлар учун жазохоналар, омонат қўймоқ учун хиёнат қилмайдурган омонатхоналар бўлса, аҳли илмларнинг қадри яхши бўлса, нодонларни ўз ҳолига қўймаса, фикр ва илм ва ҳунар ўргатса... Ҳар киши ўз ишига машғул бўлуб, бекор кўчаларда ва самоварларда ўлтурмаса, касаллар оҳ-зор қилмай ва ётмай илож қиладурган ҳокимлар тайёр бўлса, йўқотган нарсаларни омонатхонага аҳли беҳилоф топширса, кечалар ҳам кундуз кунидек савдо-сотиқлар бўлса...»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибратнинг илмий-тарихий асарлари Ватанимиз тарихини ўрганишда, шубҳасиз, зарур, биринчи, муътабар манба ҳисобланади.

Урта Осиёда XIX аср охири. XX аср бошларида маданий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикр тараққиётида матбуот, нашриёт муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек зиёлилари Сатторхон, Фурқат, Комил Хоразмий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов — Фикрийлар ўзларининг илғор қарашларини тарғиб-ташвиқотнинг энг тез ва оммавий усули бўлмиш матбуот орқали тарғиб қилдилар. Шунинг учун ҳам публицистика жанри асримиз бошларидаёқ, ўзбек адабиётининг энг илғор, ҳозиржавоб ва ажралмас бир қисмига айланди. Публицистика анча маъсулиятли, таъсирчан, оммавий ҳамда ўзбек адабиёти учун янги жанр бўлишига қарамай, бу жанр ўзбек маърифатпарварларининг жанговар минбарига айланди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон тўра Ибрат қатор публицистик мақола ва шеърларида матбуотнинг халқ маънавий-маданий ҳаётидаги аҳамиятига юксак баҳо

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Тарихи маданият. 113—114-бетлар.

берди. Ўзбек маърифатпарварлари ўзларининг илк публицистик асарларини ўзбек тилида биринчи бор чиққан «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилдилар.

Маълумки, «Туркистон вилоятининг газети» Чор Россиянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишни тезлаштириш, ерли аҳолини руслаштириш мақсадида нашр қилинган эди. Бу газета ўта реакцион, ўта салбий мақсадларни амалга оширишни кўзлаган бўлса-да, ўзбек маърифатпарварлари бу газета саҳифаларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаландилар. Шунинг учун ҳам «Туркистон вилоятининг газети» ўзбек публицистикасининг илк саҳифаси ҳисобланади.

Исҳоқхон Ибрат ҳам бу жанрда қалам тебратди ва ҳажм, мазмун, мавзу эътибори билан диққатга сазовор публицистик мақолалар, шеърлар яратди. Унинг биз тўлаган мақолалари 45 дан ортиқ бўлиб, шулардан 35 таси «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида босилган. Ибрат публицистикасининг асосини маърифатпарварлик ғоялари ташкил қилади. У дастлабки мақолаларидан бошлаб меҳнаткаш халқ бошидаги оғир мустамлака зулмини фош этишга, халқни маънан уйғотишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Ибрат феодализм инқирозини ўзида тўла мужассамлаштирган эски схоластик таълим-тарбия, ўқув-ўқитув тизимига қарши кураш бошлади. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинган, Европа илм-фан, маорифда юксак поғонага кўтарилган бир даврда Туркистон ўлкасида таълим-тарбия ўта ибтидий даражада давом этиб келаётган эди. Чор ҳукумати ва Туркистонда чексиз ҳуқуқларга эга бўлган генерал-губернаторлик бу борада бирор ижобий ишни амалга оширмади, аксинча, педагогика соҳасидаги ҳар бир ижобий янгиликка қаршилик қилди, ҳар қандай янги мактаб очилиши рус чиновниклари томонидан «минг чийриқ»қа дуч келди. Шунинг учун ҳам ҳар бир «усули савтия»—«усули жадид» мактабларининг очилиши ва бу мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар яратилиши буюк фидойилик намунаси эди.

Илғор педагоглар XIX аср охири, XX аср бошларига келиб ўрта аср схоластикасига асосланган «усули қадимия»га қарама-қарши замон талабларига жавоб бера олалиган, даврининг илғор фан ютуқлари билан қуролланган «усули савтия» — «усули жадид» мактабларини вужудга келтира бошладилар, хотин-қизларни маърифат нуридан баҳраманд қилиш ғоялари билан чиқди-

лар, бу ғояларни ўз амалий фаолиятларига ҳам татбиқ қилдилар. Давр ўтиши билан маърифатпарварлик ғоясининг доираси кенгайди, янгидан-янги фикрлар кашф этди. Улар хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор бердилар, уларнинг илм-маърифатдан четда қолаётганликларига қаттиқ ачиндилар. Шоир ва илғор маорифчи Муҳаммадшариф Сўфизода «она бўлғувчи қобила қизлар»нинг аҳволига ачинади, уларнинг илм-фан эгалари бўлишларини орзу қилади:

Бечора она бўлғувчи қобила қизлар,  
Нозик қўлига олмай, ўтар хома ва дафтар.  
Ибрат кўзимиз кўр, ҳақиқат қулогимиз кар,  
Сўз тўғриси шул, бизда бор авра ва на астар<sup>1</sup>.

Маърифатпарварлар халқнинг порлоқ келажакига зўр умид билан қарадилар. Маърифатпарвар педагог Исҳоқхон Ибрат «усули савтия» мактабларини олқишлабгина қолмай, уларни эски таълим-тарбия — «усули қадим» тизими тарафдорларидан, мутаассиблардан қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Чунки улар илғор фикрли зиёлилар, маърифатпарвар педагогларга қарши турли-туман бўҳтон тошларини ёғдириб, «усули савтия» мактабларининг кенг тарқалишига ғов бўлаётган эдилар. Мисол тариқасида Ҳамза, Авлоний, Сиддиқий-Ажзий ва Сўфизодаларнинг мактабларини беркитиб, ўзларини қувғин қилганликларини эслашнинг ўзи кифоя.

Дунёда ўқитувчилик ишидан ҳам оғирроқ ва шарафлироқ, ундан ҳам буюкроқ иш бўлмаса керак. Чунки ўқитувчи инсон фарзандини ҳақиқий камолот сари етаклайди. Ҳар қандай жамиятнинг инқирозию таназзули, равнақию истиқболи унинг мактабга, таълим-тарбияга ва айниқса, ўқитувчига бўлган муносабати билан ўлчанади.

Бу ўринда Исҳоқхон Ибрат билан Тошкент шаҳар, Себзор даҳасидаги эски мактабдор Мулла Ҳусанхўжа эшон ўғли ўртасидаги мунозара анча диққатга сазовордир. Бу мунозара «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1907 йил сонларида босилиб чиқди. Мулла Ҳусанхўжа домла ўз мактабини енгил-елпи ислоҳ қилиб, «жадид мактаби» деб эълон қилди ва кўплаб болаларни ўз мактабига ташвиқ қилади: «Мулла Ҳусанхўжа эшон ўғли ушбу 1907 йилни (нг) биринчи сентябридан бошлаб биз сартия болаларига ўқитадурғон усули қадимиямизни

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1907, 6 сентябрь, 66-сон.

усули жаид тартибига олиб, жамоа-жамоа қилиб ўқитадур. Чораки, мазкур тариқа тартибида мактаб болаларини (нг) тез фурсатда саводлари чиқиб, кўб фойдалар ҳосил бўлур экан. Яна шулки, бул тартибни (нг) ҳеч нимарсага монелиги бўлмас экан. Сабаб шулки, бешинчи жамоа бирлан тамом бўлур экан. Биринчи жамоа “Ҳафтияки шариф”, иккинчи жамоа “Қаломи шариф”, учинчи жамоа “Чаҳор китоб» билан “Фузулий” ёки “Навий”, тўртинчи жамоа “Илми фаройиз” ўқуб, тамом қилиб, муддати икки йил ёинки уч йил миёнасида мадрасаларда ўқимоқни хоҳлаганлари мадрасаларга чиқиб ўқимоқға қодир бўлур эканлар»<sup>1</sup>.

Юқоридаги сўзлардан маълум бўладики, Мулла Ҳусанхўжа ўз мактабини «ислоҳ» қилиб, ҳеч қандай ижобий ўзгариш киритгани йўқ (жамоа-жамоа қилиб ўқитишдан ташқари). Халқ фарзандларини саводхон қилишда катта шуҳрат қозонган «усули савтия» методи асосида Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Мунавварқорининг «Адиби аввал» алифбо дарсликлари нашр қилинган, янги ўқитув методлари вужудга келётган бир пайтда, мазкур домла ёш болалар руҳиятига, билим савиясига, ёшига мос келмайдиган китобларни ўқитади. Ушбу мактабнинг моҳиятини, эски схоластик мактаблардан ҳеч қандай фарқи йўқлигини тушунган Исҳоқхон тўра Ибрат «жаид мактабдор» Ҳусанхўжа домладан қаттиқ ранжийди, унинг мактабини халқ болаларини алдаш учун, кўпроқ болаларни мактабига жалб қилиб, катта даромад олиш учун очилган мактаб деб ҳисоблайди.

Мулла Ҳусанхўжа домла ўзининг «Тошканд мусулмон мактаблари ҳақинда»<sup>2</sup> мақоласида қадим (эски) мактабларни тарғиб қилади, янги усули савтия мактабларини танқид қилади ва эски мактабларни усули савтия мактабларидан устун қўяди. Шу билан бирга, у эски мактабларни номига енгил-елпи ислоҳ қилиш, яъни ўқувчиларни калтак билан жазолаш усулини бекор қилиш, ўқувчиларни жамоа-жамоа қилиб ўқитиш ва давоматни тартибига солиш шиори билан чиқди. Бу ислоҳ ўқув-тарбия савиясини кўтаришда сезиларли натижа бермас эди. Чунки бу мактабларда ўқув-тарбия асосини қуруқ ёдлаш, ўқувчи тушуниб етмайдиган диний китоблар, қонун-қондаларни ёд олдириш ташкил қилар эди.

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1907, 66-сон.

<sup>2</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1907, 66-сон.

Шунинг учун ҳам Исҳоқхон тўра Ибрат бундай мактабларнинг халқ болалари умрини барбод қилишига қалбдан ачинади: «Муаллим бечора азиз фарзандларимизни калтак, қамчи йўқ баҳонаси-ла беш-ўн саналар (беш-ўн йил — У. Д.) осмонга қаратиб, “алиф базавар, безавар” деб шовқин қилдириб-қилдириб, бир ҳарф ҳам ўқув-ёзув билдирмайинча умрларини барбод қилиб ётмоқга тақвиятгина бўладур»<sup>1</sup>.

Усули қадим мактабларида савод ўргатиш методи ҳарфларнинг қандай товушлар ифодалашини ўргатишга эмас, балки ҳарфларнинг номларини қуруқ ёдлатишга асосланган эди. Ҳарфларнинг қандай товушларни ифодалашини тушунмаган болалар ҳарфларни қўшиб, сўз ҳосил қилишда ниҳоятда қийналар эдилар. Ўқитиш усули бутунлай яроқсиз бўлган бундай мактабларни енгил-елпи ислоҳ қилишга Ибрат кескин қарши чиқди. Шунинг учун ҳам у мазкур мактабдорга, унинг мактабига, умуман, эски таълим-тарбия, ўқитув тизимига қарши ёзилган мақоласида эски мактабларни ҳашарот уяларига ўхшатади: «Болаларни эски мактаблар ила жамоаларга тақсим қилиб, келиш-кетиш, калтак ила қамчи масъалаларини ислоҳ қилмоқ-да, албатта, лозим-дур. Лекин ўқулажак китоблар — мазкур эски китоблар, ўқутажак домлалар — эски домлалари, мактабларида — эски ҳашарот уялари бўлгондан бу масъалаларни минг мартабалар ислоҳ этилса-да бекор, беҳудадуру»<sup>2</sup>.

Халқ фарзандларининг ўн-ўн беш йиллаб эски мактаб ва мадраса тупроғини ялаб, охири саводсиз ёки чаласавод бўлиб чиқишлари Ибратни изтиробга солди. Шунинг учун ҳам халқ маорифи мавзундаги публицистик мақолалари эски мактабдорларга, мударрисларга нисбатан аччиқ сўзлар билан тўла. Ибрат бундай мактабларни шунчаки танқид қилиб қўя қолмайди, уларни тузатиш ёки ислоҳ қилиш йўлларини кўрсатмайди ҳам, аксинча, уларни таг-туғи билан тугатиш ва бундай мактаблар ўрнида янги, замона талабига жавоб бера оладиган, замонавий илмлар ўқитиладиган мактаблар барпо этиш шиори билан чиқди. Эски мактаб ўқитувчиларининг чаласаводлигини, жоҳиллигини, халқ фарзандларини тарбиялашга, уларга билим беришга қодир эмаслигини очиб ташлайди ва уларни таълим-тарбия соҳасига яқинлаштирмаслик, жисмоний меҳнатга маж-

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1907, 72-сон.

<sup>2</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1907, 72-сон.

бур қилиш талаби билан чиқди: «Агар виждон, инсоф ила муҳокама қилсак, таваққуфсиз ва тараддудсиз эски мактабларимизни асосларидан йиқиб, жойларига тарбия ва интизом билган янги усул домлаларнинг ҳимоясида бўлган мактаблар ваъз этмак лозимдур. Эски мактабдорларимизни деҳқончилик ҳунарларига саҳв этмак мувофиқи ҳақиқатдур. Бу сўзим жаноби мулларга, эски ва янги домлаларимизга охирги сўзим»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибрат мазкур мақоласида эски таълим-тарбия тизимига кескин қарши чиқар экан, «усули савтияи тадрижия» методини тарғиб қилар экан, у биринчи навбатда ўзининг амалий педагогик фаолиятига, ўлкага кириб келаётган илғор педагогика ютуқларига суянди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1886 йилдаёқ эски мактабларга нисбатан бирмунча илғор бўлган мактаб очди. Иккинчи марта 1907 йилда эски мактаблардан тубдан фарқ қилган, қишлоқ болалари учун бепул янги «усули савтия» мактаби очди. Бу мактабда 25 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Мактаб ўз уйида — ёруғ, деразали хонага жойлашган бўлиб, янги ўқув қуроллари — парта, стол-стул, янги китоблар, дарсликлар, дафтар, қора тахта (доска), курраи арз(глобус) кабилар билан жиҳозланди, ўқитиш ишларини ўзи тузган дастур асосида олиб борди. Исҳоқхон Ибрат ўз мактабида дарслик қўлланмалар сифатида Саидрасул Саидазизовнинг «Устои аввал», Али Асқар Калининнинг «Муаллимус соний», Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг «Адиби аввал» дарсликларидан, ўзи яратган «Луғати ситта ал-сина», «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» асарларидан фойдаланди.

Исҳоқхон Ибрат янгича таълим-тарбия тизимининг ниҳоятда катта афзалликларини исботлашда кўпроқ ўзи эришган ютуқларга, ўз амалий фаолиятига татбиқ қилган янги методларга асосланди. Мутафаккирнинг қуйидаги фикрларига эътибор беринг: «Мен ўзим ҳам ўзимга қарашлик ўнта—ўн бешта болаларни эски мактабда ҳеч баҳра топмай, беҳуда юрдуқларина жоним ачиб, Қозон тарафиндан... бир мулла (Ҳусайн Макаев — У. Д.) жалб эдуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг кушодиға уч ой бўлган йўқ, йигирмадан зиёда кичик болалар ўн бешта одамлар “алиф нима?” деган саволина “калтак” деб жавоб берувчилар тамоми саводи

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1907, 72-сон.



чиқиб, ҳар нарсани ёзадурган бўлдилар. Тўрт-бешта, етти ва саккизта саналар Қўқонга юруб, ҳеч нарса билмаган муллабаччалар битамомиҳи арабий муколамага қодир бўлуб, ҳар бир китобларни мутолаа этадурган бўлдилар. Шул сабабдин биз кўзумиз тажриба қилиб, бул ўқутишга (усули савтияга — У. Д.) тамом ихлос қилдик»<sup>1</sup>.

Исҳоқхон Ибрат илғор мактабдорлардан бири сифатида ўз мактабига ҳафталик дарс жадвалини жорий қилди. Бу ҳақда мазкур мактабнинг собиқ ўқувчиси Мирзабой Гиёсов шундай дейди: «Биз мактабга олдиндан тузиб қўйилган ҳафталик дарс жадвали бўйича дарсларга тайёрланиб келар эдик. Ҳар бир дарсдан кейин танаффус бўлар эди».

Ўзбек мутафаккирлари — жадидчилик ҳаракатининг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Исҳоқхон Ибрат каби буюк сардорлари ўзбек халқини ривож топган халқлар билан тенг кўришни орзу қилдилар ва бу орзуларини амалга оширишнинг бирдан-бир йўли сифатида мактаб ва мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш масаласига бутун куч-ғайратларини, билимларини сафарбар қилдилар. Улар ўз фаолиятларини бир-бирларидан ажралган ҳолда эмас, ўзаро ҳамкорликда, ҳаммаслакликда, яқин алоқа боғлаган ҳолда йўлга қўйдилар. Мунавварқори Абдурашидхонов Беҳбудийнинг «Ойна» журналида, «Самарқанд» газетасида ўз мақолалари билан қатнашса, Исҳоқхон тўра Ибрат Тошкент жадидлари раҳбарлик қилган «Садойи Туркистон», Фарғонадаги «Садойи Фарғона» газеталарида фаолият кўрсатди. У Мунавварқорининг таклифига биноан бир неча марта Тошкентда, унинг мактаби имтиҳонларида қатнашган. Мунавварқори Исҳоқхонга махсус таклиф хати билан 1907 йилда мурожаат қилади: «Ҳурматлу Исҳоқхонхожи жанобларина! 1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкентда Тарновбоши маҳалласинда «Хония» мактабинда талабаларни йиллик имтиҳонлари бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобингизда бўлгон усули жадидия мактаблари муридлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар Сиздан мамнун бўлур эдилар.

Муҳибингиз Мунаввар Қори, 15 март 1907 йил».

Бу таклифга биноан Исҳоқхон Ибрат ўз яқинлари Хусайн Макаев (Исҳоқхон Ибрат очган мактабда дарс

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1907, 72-сон.

берган татар муаллими, 1910 йилдан «Матбааи Исҳоқия» да мудир вазифасида ишлаган), шоирнинг шоғирди Мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли билан 1907 йилда бир неча ой Тошкентда бўлди, «усули савтия» мактабларида Мунавварқор жорий қилган имтиҳон маросимларида иштирок этди. «Усули жаид» мактаблари билан бир қаторда хусусий «усули қадим» мактабларида ҳам бўлди.

Исҳоқхон Ибрат 1908 йилда жуда катта хайрли ишга қўл урди: у Бошқирдистоннинг пойтахти Уфа шаҳрида бўлди, у ердан Оренбург шаҳрига ўтди. Оренбургдан Гауфман деган матбаачидан пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарт билан 1901 йилда чиққан литография машина сотиб олди. Исҳоқхон литография анжомларини катта машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келди. 1908 йил апрель ойида ўзи 1905 йилда қурдирган ҳаммом ўрнида чопхона ташкил қилди ва «Матбааи Исҳоқия» номи билан ишга туширди. Бу ишда қишлоқ аҳолиси унга яқиндан ёрдам берди. Ҳарф ўйиш учун Мирзабой Ғиёсов катта ёнғоғини кесиб берди ва ўзи ҳам ушбу матбаада ишлади. Матбаа ишларидан хабардор бўлган Хусайн Мақаев Исҳоқхон билан ёнма-ён туриб ишлади. Туркистоннинг чекка қишлоғида матбаанинг вужудга келиши ўзбек халқининг фан ва маданият соҳасидаги катта ютуғи эди. Матбаанинг ташкил қилиниши, уни вужудга келтиришдаги мақсади тўғрисида Исҳоқхон Ибрат қуйидагиларни ёзади:

Мақсад бу ишдан эрди оламга илм касри,  
Ҳам қўймоққа асарлар ёдовори жаҳона...<sup>1</sup>

Туркистоннинг илк матбаачиларидан бири Исҳоқхон Ибрат ўзининг юқоридаги «Тарихи чопхона» шеърисида литография очишдаги мақсадини ёрқин ифода этади. У ўзининг бу амалий фаолияти билан XIX аср охири, XX аср бошларидаги илғор маърифатпарварлар гояларини яна бир поғона юқорига кўтарди. Бу матбаада турли китоблар, савод чиқаришга оид рисолалар, дарсликлар, плакатлар, откриткалар мунтазам нашр этиб турилди. Ибрат «Мақсад бу ишдан эрди оламга илм касри» деб кўрсатганидек, бу литография ўз фаолиятини илм-маърифат тарқатишдан бошлади. У бу ерда биринчи марта

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Илми Ибрат. — Тўрақўрғон: Матбааи Исҳоқия, 1909 йил, 14-бет.

1908 йилда савод чиқаришга бағишлаган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» асарини нашр қилди. Бу тўғрида 1908 йилда литографияга мудирлик қилган Охунзода Абдулрауф Шаҳидий қуйидагиларни ёзади: «Қобилият ва салоҳиятлари қавий, заковат ва фатонатлари жойида бўлган ғайратлик талабалар ва ёш муаллимларимиз бирон қитъаиҳол хат намунасига ноил бўлсунлар. Боқий дуо умид қилиб, янги ва эски усул мактаб ва мадрасаларимиз ва аҳли китобот ва хаттотларимизга таълим ва таълими китобат хусусидаги биринчи ҳадямизни ожизона тақдим айладик. Агар жolib диққат бўлурса, оз ва кўб хоҳлагувчилар Тўрақўрғонда «Матбааи Исҳоқия»га деб ёзсалар, ҳар нухасини 25 тийиндан ҳисоблаб, таваққуфсиз (тўхтовсиз — У. Д.) юборилур... Мудири “Матбааи Исҳоқия” Охунзода Абдулрауф Шаҳидий»<sup>1</sup>.

Бу асар савод чиқаришда ва ҳуснихат намуналарини ўрганишда аҳамияти, шубҳасиз, катта бўлган. «Матбааи Исҳоқия»нинг илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинганлигини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, Исҳоқхон матбааига нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб, қуёш ичига «илм» сўзини ёзган. Бу билан маърифатпарвар Ибрат илми нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий тасвир мазкур матбаада чоп этилган китобларнинг кўпида мавжуд. Исҳоқхон матбааининг очилган йилиёқ уни кенгайтириш, ўлкада энг кўзга кўринган босмаҳоналардан бирига айлантириш учун ҳаракат қилди, керакли анжомлар тайёрлади. Литография ўз харажатларини қоплаш ва кредит қарзидан қутулиш мақсадида турли буюртмалар қабул қилиш учун баъзи асарлар охирига қуйидаги мазмунда эълонлар берган: «Ушбуни эълон этамиз, ушбу кундан ибтидоан матбаамизда заказлар қабул қилинадур. Чунончи: рисоалар, эълонномалар, ҳар хил бланкалар ва табрикномалар, ишчўтлар, карточкалар, мактуб варақлари, ҳар нима чоп этмоқ мумкин. Нимарсалар ғоят яхши ва нафис ўзига боп қоғозда чоп қилиб, зийнатлаб, шоён тамошо қилиб, муштарийларимизни ҳусризоларига мазҳар бўлмоқ саъй ва ижтиҳодимиздур, хоссатаи вазифамиздур... Матбааимизни вилоятда танҳо қилмоқ аввалдан матлабимиздур. Анқариб уруфот бос-

<sup>1</sup> Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий. — Тўрақўрғон: Матбааи Исҳоқия, 1908, 12-бет.

махонаси ҳам очилур, асбоблари ҳам тайёр. Ҳукуматдан ижозат олинган»<sup>1</sup>.

Бу сўзлардан кўриниб турибдики, Исҳоқхон матбаанинг очилган йилиёқ уни кенгайтириш, ўлкада энг кўзга кўринган босмахоналардан бирига айлантириш учун ҳаракат қилган, керакли анжомларни тайёрлаган, ҳукуматдан рухсат ҳам олган. 1908—1909 йилларда Тўрақўрғонда матбаага Абдулрауф Шаҳидий мудирлик қилган. Исҳоқхоннинг ҳаракатлари зое кетмади. Халқ ўртасида китоб ва турли рисолаларга талабнинг ортиши натижасида литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типолитографияга айлантирилди. 1910—1913 йилларда матбаа мудирлиги бўлиб Ҳусайн Макаев ишлади, 1913—1917 йилларда эса матбаага М. Н. Абдусатторов раҳбарлик қилди. Бу даврда матбаа Туркистон миқёсида катта аҳамият кашф этди, «Матбааи Исҳоқия»да катта ҳажмдаги асарлар ҳам нашр қилина бошлади. Октябрь ўзгариши туфайли босмахона мусодара қилинди. Оренбургдан олиб келинган мазкур литографик машина Шўролар ҳокимияти даврида ҳам катта манфаат келтирди. Бу даврда «Народная газета», «Эркинлик», «Ишчилар қалқони», «Совдеб», «Роста» каби газеталар рус ва ўзбек тилларида шу матбаада нашр қилинди. Намангандаги ҳозирги Исҳоқхон Ибрат номидаги матбаа—босмахона «Матбааи Исҳоқия» асосида ташкил топди. Исҳоқхон Ибрат олиб келган литографик машина 1952 йилда Тўрақўрғон босмахонасига юборилди ва «Учқун» номли Наманган туман газетасини 1960 йилгача мунтазам чиқариб туришда фойдаланилди. Исҳоқхоннинг ҳуснихатга, хат-савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Илми Ибрат» номли шеърлар тўплами, ёзувлар тарихига бағишланган «Жомеъ ул-хутут» каби маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган рисола ва китоблари ўзи ташкил қилган матбаада нашр этилди. Ўзбек ёзма драматургиясининг биринчи намунаси бўлган Абдулрауф Самадовнинг «Маҳрамлар» пьесаси ҳам «Матбааи Исҳоқия»да нашр этилди. Илмий адабиётларда биринчи ўзбек драмаси сифатида Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари қабул қилинган бўлса ҳам, Беҳбудий драмасидан бир йил олдин Абдулрауф Самадов Шаҳидий «Маҳрамлар» драмасини ёзган эди.

---

<sup>1</sup> Исҳоқхон Ибрат. Илми Ибрат. — Тўрақўрғон: Матбааи Исҳоқия, 1909, 16-бет.

Мазкур асар энг ярамас иллат — баччабозликни фoш қилишга қаратилган. Бу пьеса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий труппасида 1915 йилдан эътиборан қўйила бошланди. Наманган матбааси маҳсулотининг кун сайин ортиб бориши шаҳар ва қишлоқларда китоб дўконлари ва бозорларининг бирмунча кўпайишига сабаб бўлди. 1910 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида 13 та, Чустда 2 та, Попда 2 та, Янгиқўрғонда 1 та, Тўрақўрғонда 1 та китоб дўкони очилди. Бу дўконларда, асосан, «Матбааи Исҳоқия»да нашр қилинган китоблар жуда арзон нархларда сотилар эди. Бу матбаада нашр қилинган асарлар мавзуи ҳам анча диққатга сазовор. Текширишлар шуни кўрсатадики, мазкур матбаада, асосан, маърифатпарварликка оид рисоалар нашр қилинган. Бу ишда асосий ташаббусни Исҳоқхон Ибрат кўрсатган.

Маориф ва маданият, халқ онгининг шаклланиши ва ривожланишида газетанинг улкан аҳамиятини тушунган Исҳоқхон Ибрат 1913 йилда «Матбааи Исҳоқия» қошида «Алтижор ал-Наманган» номида газета чиқаришга ҳаракат қилди, ҳукуматга ариза ҳам берди. Бу ҳақда Уфада чиқадиган, Ўрта Осиёда, умуман, туркий дунёда анча машҳур бўлган «Вақт» газетаси катта мамнуният билан қўйидагиларни ёзади: «Наманган. Мўътабар андин Исҳоқ қози ҳазратлари “Алтижор ал-Наманган” исминда бир газета чиқарарга сўраб ариза берди. Бу зот 1908 инчи йилда Наманганда бир матбаа очган эди. Бу йил “Кутубхонаи Исҳоқия” исминда кутубхона очиб, турк, татар, ўзбек тилларида бўлгон адабиёт китоблари олдирди. Ҳозир газета чиқармоқ ҳаддиндадур. Чин кўнгулдан муваффақият тилаймиз»<sup>1</sup>.

Маърифатпарвар Исҳоқхон газета нашр қилишга муваффақ бўла олмади, лекин ўз уйида анчагина бой кутубхона ташкил қилди ва уни «Кутубхонаи Исҳоқия» деб атади. Ибрат архивидаги китоблар рўйхати шуни тасдиқлайдики, кутубхонада таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилларида кўплаб китоблар бўлган, бу кутубхонадан нафақат ўзи, қишлоқ аҳолиси унумли фойдаланган. Исҳоқхон Ибрат ўз мактаби ўқувчиларини кутубхонада сақланувчи китоблар билан таъминлаган. Кутубхонанинг мактаб ўқувчиларига бағишланган қисмида Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд

<sup>1</sup> «Вақт» газетаси, 1913, 1324-сон.

ахлоқ», Рустамбек Юсуфбек ҳожи ўғлининг «Раҳбари ҳисоб» (1912), С. М. Граменицкийнинг «Первая книга для чтения», «Вторая книга для чтения», Наманган рус-тузем мактабининг ўқитувчиси М. М. Орақуловнинг «Самоучитель русского языка для русско-мусульманских школ», В. П. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг «Сартовско-русский словарь», «Русско-сартовский словарь» каби асарлар, 50 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар, таълим ва тарбияга оид китоблар бўлган. Булардан ташқари, «Кутубхонаи Исҳоқия»да ўзбек ва форс-тожик шоирларининг мингдан ортиқ қўлёзма ва босма китоблари ҳам сақланган. Маълумотларга қараганда, УзФАШИ Қўлёзмалар фондида сақланувчи Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарининг Наманган нусхаси деб ном олган нодир қўлёзмаси «Кутубхонаи Исҳоқия»га мансуб бўлган. Кутубхонада рус ва Европа шарқшунослари Херман Вамбери, В. В. Радлов, В. В. Бартольд, В. П. Наливкин, И. П. Остроумовларнинг ўнлаб асарлари бор эди.

Исҳоқхон Ибрат кутубхона аъзоларининг китоб олиш ва ўқиб бўлгач, уни топшириш дафтарларини ҳам ташкил қилган, аъзоларнинг, айниқса, ёшларнинг китоб ўқишларини Исҳоқхоннинг ўзи назорат қилиб борган. Кутубхонадаги китоб фонди йил сайин катталлашиб, аъзолар сони ортиб борган. «Кутубхонаи Исҳоқия» китоб фондининг катталлашиб боришида «Матбааи Исҳоқия» катта роль ўйнаган. Бу матбаада чоп этилган китобларнинг деярли ҳаммасидан бир неча нусха «Кутубхонаи Исҳоқия»га топширилар эди. Кутубхонада «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости», Исмоилбек Гаспиранин «Таржимон» газеталарининг ҳамда марказий Россияда чиқадиган газета ва журналларнинг бойламлари бўлган. Афсуски, бу кутубхонадаги кўплаб нодир нашрлар 1918—1920 йиллар тўполонида, 1937 йил қатағон даврида йўқ қилинди, ёқилди, дарёга оқизилди, ерга кўмилди.

Исҳоқхон Ибрат жаҳон илми ва маданияти томонидан яратилган ҳар қандай илғор янгиликни бажонидил қабул қилди ва ўз халқига намоён қилишга ҳаракат қилди. У отасидан қолган уч таноб ерда халқ учун гулбоғ яратди ва боққа фаввора қурдирди, 150 туп арчадан аллея барпо этди, рус ва Европа манзарали дарахтлари ўтқазди. Гулбоғда у лесопитомник ташкил қилди. Европа типидagi иморат қурдириб, аркига «Хуш келибсиз, Исҳоқия боғига!» деб ёзиб қўйди. Бу боғни

қишлоқ аҳолиси ҳозир ҳам «Исҳоқия боғи», «Гулбоғ» деб атайди. Бу боғни шоир Ибрат халқ учун яратганлигини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, у боғда дам олувчиларга қарата гулларни беҳуда узмасликка, тартиб сақлашга чақирувчи дидактик шеърӣ мисралар билан мурожаат қилади:

Узмагил беҳуда гул, боғбондин андиша қил,  
Ори, ори гул узарсан, хоридин андиша қил.

Кимки келди бу чаманга, то гул узмай қўймади,  
Лек ҳар вақт гул узарсан, халқ хушини пеша қил.

Ёки:

Бейжозат гулни узма, боадаб,  
Сўра боғбондин, сенга қўйдим қадаб.

Ёки:

Кирса ҳар одам бу ерга, гулин ҳаргиз узмасун,  
Кўр ҳўкуздек сурканиб, панжараларни бузмасун.

Янчиғилаб гулни, ҳамоқат дўконини тузмасун,  
Ёш буқадек юғуруб, кўрган кишини сузмасун.

Кирса ҳар ким, боадаблик таслимини бермасун,  
Ибрат олмай ҳам хижолат бирла боғдан безмасун.

Ибратнинг илғор илм-фан, маданият янгиликларини ўз халқига тарғиб қилиши, чиркин урф-одатларга қарши кураш олиб бориши, албатта, баъзи бир мутаассибларга ёқмади, аксинча, уларнинг ғазабини оширди. Шоирга нисбатан турли-туман бўҳтон тошларини ёғдирдилар, уни «Исҳоқ—кофир» деб эълон қилдилар. Улар бу билан чекланиб қолмадилар. Ибрат очган «усули савтия» мактабини «кофирлар мактаби» деб таъқиб қилдилар. У қурдирган ҳаммомни «куфр» деб, халқнинг бу ҳаммомга боришига қарши чиқдилар.

Қора гуруҳлар фақатгина Исҳоқхонга қарши чиқмай, ҳар қандай илғор фикрга, бу фикрни тарқатувчиларга қарши кураш олиб бордилар. Бунинг учун илғор педагог-маърифатпарварлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саидахмад Сиддикий-Ажзий ва бошқалар томонидан очилган илғор мактабларнинг ёпилиши, уларнинг таъқиб остига оли-

ниши ёки ўз ватанларидан бадарға қилинишлари фикримизнинг далили бўла олади.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг илғор ғояларидан бир қадам ҳам чекинмади. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини давом эттирди. Замондоши Иброҳим Даврон гувоҳлик беришича, Исҳоқхон ақли комил инсон сифатида «...дунёнинг сонсиз меҳнат ва андуҳлариндин ва гуруҳи кажрафтор таъналариндин бир зарра қадар ўлса-да, малулият ҳосил этмади»<sup>1</sup>.

Бу ўринда унга қозилик мансабида ишлаши анча қўл келди.

Исҳоқхон Ибрат Октябрь ўзгаришига қадар ва ундан кейин 20 йилдан ортиқ Тўрақўрғон ва Хонобод қишлоқларида халқ қозиси лавозимда ишлади. Шу туфайли у халқ ҳаётидан хабардор бўлиб турди, ҳақиқат учун кураш олиб борди. Ибратнинг қозилик фаолияти, қози сифатида амалга оширган ишлари ҳақида анчагина маълумотга эгамиз. У бошқа қозилардан фарқли ўлароқ, халқ манфаатларини кўзлаб маданий-маърифий ишлар олиб борди, бошқа қозилар каби халқни талаш, порахўрлик, ришват билан шуғулланмади. Исҳоқхон Ибратнинг қатор публицистик мақолалари мавжуд тузум иллатларини, маҳаллий мансабдорлар — қозилар, мингбошилар, элликбошиларни фош қилишга қаратилган. 1910 йилда ўлкада қозилик мансабига сайловлар ўтказилади. Шу муносабат билан «Туркистон вилоятининг газети»да қатор мақола ва шеърлар босилиб чиқди. Исҳоқхон Ибрат ҳам бу мавзуда қатор мақола ва шеърлари билан матбуотда қатнашди. Бу мавзуда ёзилган мақолаларида, айниқса, маҳаллий мансабларга сайлов ўтказиш тартиби, бу сайловда юқори табақанинг ўтакетган ярамас йўллар билан мансабларни эгаллашларини очиб ташлайди. Исҳоқхон ўғрилик, порахўрлик, зўравонлик билан шуғулланувчи ифлос одамларнинг қози ёки мингбоши, элликбоши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган чор ҳукумати қонунқондаларидан, тартибларидан, «положения»ларидан қаттиқ норозилигини дадил ифодалайди, халқ тақдирини ёмон, қабиҳ одамларга топшириб қўйишларидан афсусланади: «Положенияда 223 инчи бобида зикр қилингандурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибис бўлмаган, ўттуз сўмдан зиёда штраф тўламаган, ёши

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1908, 56-сон.



Йигирма бешдан паст эмас одам (қози) бўлар экан. Олим ё оми, аҳмоқ ё доно киши, ё шарият биладурган ва ёки низом биладурган демаган... Кўрасиз, кимларни (нг) қўлларига бу катта шарият ҳукмини топширадурлар. Фикр-андиша қиладурган киши йўқ. Андиша қиладурган одамни одам ҳам ҳисоб қилмайдилар... Положения бобиға мувофиқ эллиқбоши деган кимгаки шар кўб тушса ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияға мувофиқ. Положенияда шарият биладурган мулладан деган эмас экан... Уларга ким ва нима бўлиши ҳам даркор эмас экан. Бефикр ўтсанг, эй дўст, муҳтожи нон ўлурсан»<sup>1</sup>.

Чор ҳукумати адресига, унинг қонун-қоидаларига айтилган бу киноя, аччиқ сўзлар ҳукумат органи бўлмиш «Туркистон вилоятининг газети» муҳарририяти ходимларига қаттиқ теккан бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам газета идораси мақола муаллифига эътироз билдиради: «Положенияда халқ орасида обрў ва эътибори бор одам бўлсун, деган, албатта. Мингбошиликка, мингбоши бўлмоқликка муносиб обрўси бўлиб ва қозиликка, қози бўлмоқға лаёқат ва муносиблик обрў бўлмоқ лозимдир. Положенияни мулоҳаза қилмоқ керак — Идора»<sup>2</sup>.

Меҳнаткаш халқ ичидан етишиб чиққан, халқ манфаатлари ва ҳақиқат учун кураш олиб борган Исҳоқхон Ибрат кейинчалик ҳам халқ манфаатларини ҳимоя қилишда фаол қатнашди.

Исҳоқхон Ибрат тузум иллатларини кескин фош этувчи ҳамда маърифатпарварлик ғоялари тўла мақолалари билан бирга қатор илмий-тарихий, лингвистик мақолалари билан ҳам фаол қатнашди. Бу ўринда унинг «Фарғона вилоятидаги қадимий Аҳси шаҳрининг тарихи»<sup>3</sup> туркум мақолалари диққатга сазовордир.

1913 йилнинг июнь-июль ойларида Тошкент археология жамияти Аҳси шаҳрининг тарихига бағишланган илмий мунозара уюштиради. Бу мунозарага Исҳоқхон Ибрат ҳам таклиф қилинади. Мунозарада Исҳоқхон катта маъруза қилади. Мунозара материаллари «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида мунтазам бериб борилади. Бу мунозара Ибрат мақоласи билан бошланади. Исҳоқхон Ибрат мақоласи ҳажм, қимматли

<sup>1</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1910, 21 март, 22-сон.

<sup>2</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1910, 21 март, 22-сон.

<sup>3</sup> «Туркистон вилоятининг газети», 1913, 48-, 52-, 53-, 55-сонлар.

фактик материаллар ва мазмун-эътибори билан бошқа муаллифлар мақолаларидан ажралиб туради.

Исҳоқхон Ибратнинг сўнгги йиллардаги ҳаёти анча таҳликали ўтди. Биринчидан, қарилик, иккинчидан, 1935 йилдан эътиборан ҳамма лавозимлардан озод қилинган, қарилик нафақаси ҳам тайинланмаган эди. Бунинг устига маҳаллий ҳукумат маъмурияти унга ишончсизлик билан қарар эди. Ибрат тепасида ҳам даҳшатли қатағон булутлари қуюқлашиб бормоқда эди.

1963 йилда Исҳоқхоннинг шогирди Мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли билан суҳбатда шоирнинг қамалиши олдидаги руҳияти ҳақида куюниб гапирган эди:

«Минглаб ўзбек зиёлиларининг ёстуғини қуритган Сталин қатағонининг энг даҳшатли йили — 1937 йилнинг илк баҳор кезлари “халқ душмани” деб кўплар қамалган, газета ва журналларда Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек ва бошқа ёзувчиларни “машҳур миллатчилар”, “аксилинқилобчилар”, совет ҳукуматига қарши қўпоровчилик ишларини олиб борувчилар сифатида қораловчи мақолалар кетма-кет чиқиб турган, тўрам (Исҳоқхон Ибрат — У. Д.) ҳам “тақ” этса, эшикка қараб турган вақтлар. Улар бир куни мени уйларига чақириб қолдилар. Қиёфалари анча ташвишли.

— Келинг, Мулла Искандар.

Салом-аликдан кейин мени машҳур кутубхоналарига олиб кирдилар.

— Қаранг, шунча китоб. Буларнинг қанчаси 1919—1920 йилларда нес-нобуд бўлди. Мана энди яна нотинчлик. Бу китоблардан қанчаси кеча куни қамалган, қанчаси “халқ душмани”, “аксилинқилобчи” деб бадном қилинаётган ёзувчиларнинг асарлари. Буларни қандай қилиб йўқ қилиш мумкин? Ахир, булар халқнинг бебаҳо мулки-ку!

Тўрамнинг овози анча синиққан эди.

— Мана, мен ҳар эҳтимолга қарши юзга яқин но-зикроқ китобларни ажратиб қўйдим, буларни Сиз меҳмонхонанинг орқасига — қўшсинч орасига нобуд бўлмайдиган қилиб териб, деворни яна суваб қўясиз.

Мен бу китобларни кўздан кечирдим:

— Тўрам, мана бу китоблар Исмоилбек Ғаспранининг “Хўжаи сибён”, Мунавварқорининг “Адиби аввал”, Бехбудхўжанинг “Китобатул атфол” алифболари. Ахир, улар вафот этганларига бир қанча йиллар бўлди, қолаверса, бу китоблар ёш болалар учун ёзилган.

— Азизим Мулла Искандар, большевикларнинг мақсади фақат уларни жисман йўқ қилиш эмас, балки уларни, ҳатто, фарзандларимиз хотирасидан ҳам сидириб ташлашдир. Мабодо, Ғаспиралилар, Беҳбудийлар шу кунларга етиб келганларида эди, большевиклар биринчи навбатда уларни отар эдилар.

Мен, тўрам айтганларидек, қўшсинчнинг гувалаларини тушириб, аввал 2—3 қатор қуруқ пишиқ ғишт тердим ва унинг устига китобларни тахладим. Бу воқеадан 1—2 ой ўтгач, тўрамни, кутубхонадаги бор-йўқ китобларини бир машинага босиб олиб кетишди. Ҳақиқатан ҳам тўрам авлиё одам эдилар. Мана, ўша воқеага ҳам 27 йил бўлди, доруломон вақтлар келди. Энди, Ротибхон, Сиз, Тошкентдан келган ўғлимиз Улуғбек ва мен бирга-ликда ўша хазинани очамиз».

Биз уч киши «Гулбоғ»га йўл олдик. Афсуски, «Гулбоғ»нинг фақат номи қолган: деворлари нураб кетган, дарвозасининг икки томонига пишиқ ғишдан кунгирадор қилиб ишланган устун қолган холос, дарвозасини суғуриб олиб кетишган, фавворалар бузиб ташланган, минг хил гуллар тароват бериб турувчи гулзордан ҳеч вақо қолмаган. Бир вақтлар Тўрақўрғон аҳолисининг сайр қиладиган, ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳи бўлганга ишонмайсан киши. Мен ва Ротибхон ака Мулла Искандар домла кўрсатган жойни эҳтиёткорлик билан очдик, китобларни аста ола бошладик. Таажжубланарли жойи шундаки, бирорта китоб оз бўлса ҳам шикастланмаган, тўғри саҳифалар сарғайиб кетган, муқовалари бир оз ишдан чиққан. Юқорида тилга олинган китоблардан ташқари, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романлари, Фитратнинг «Адабиёт қоидалари», Элбекнинг «Гўзал ёзғичлар», «Адабиёт парчалари», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи эшон воқеаси», Зиё Сайиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихидан материаллар» ва ҳоказо китобларнинг бу даражада сақланганлиги кўнгилларга бир оз таскин берди.

1937 йил. Қатағон Ватанимизнинг фозил кишилари қаторида Исҳоқхон Ибротни ҳам аждаҳодай ўз комига тортди. 75 ёшни қоралаган кекса шоир ва бир «қора машина» тўла китоб Андижон турмасига олиб кетилди. Исҳоқхон Ибротнинг суди ҳам бўлмади. Сталин турмасида икки ой ётиб, ҳаёт билан видолашди. Эҳти-

мол, бутун умрини халқининг маърифати, истиқлоли учун бахш этган 75 ёшли нуроний шоир қамоқнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларига бардош бера олмаган бўлиши мумкин.

Савол туғилиши табиий. Ахир, Исҳоқхон Ибрат бутун маънавий ҳаётини, борлигини, ақл-идрокини ўз халқи истиқболига бағишлади. У ахир, ўзини бир умр халқидан, Ватанидан айри ҳис қила олган эмас-ку! Қандай қилиб халқ душмани бўлиши мумкин?

Сталин қатағонининг туб моҳияти айнан халқининг келажаги учун жон фидо қилишга тайёр турган, илм-фан, санъат ва адабиётнинг ифтихори бўлган буюк кишиларни йўқ қилиш эди. Бу билан халқларни манқуртдек итоаткорликда, қулликда сақлаш вазифасини қўйган эди.

«Сув балосию, ўт балосидан ўзинг асрагин» деган нақл бор халқимизда. «Босмачилик ҳаракати»ни йўқ қилиш шиори остида олиб борилган қирғинбарот, 30-йиллар, 50-йиллар қатағони ва яқин 80-йилларда «ўзбек иши», «пахта иши» машъум воқеалари ҳар қандай «ўт балосию сув балоси»дан юз чандон фожиалироқ эди. Бунинг устига 1941—1945 йиллар иккинчи жаҳон уруши. Бу қирғинбаротлар неча миллионлаб ўзбекнинг ёстиғини қуритди. 70 йил ичиде шунча қирғин...

Халқ озодлиги, Ватан мустақиллиги учун кураш ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланди: 1875 йилда Қурбонжон Додхоҳ бошчилигидаги қўзғолон, 1892 йилда Тошкент қўзғолони, 1898 йилда бутун Ўрта Осиёни ларзага солган Муҳаммад Алихон бошчилигидаги Андижон қўзғолони, 1916 йилда «Мардикор воқеаси» номи билан машҳур бўлган Жиззах, Тошкент қўзғолонлари. Халқ озодлиги, истиқлоли йўлидаги чоризмга қарши олиб борилган бу қўзғолонлар қонга ботирилган бўлса-да, улар изсиз кетмади. Асримиз бошларида ниҳоятда катта фикрий уйғониш — жадидчилик ҳаракати вужудга келдики, улар истиқлолимиз учун, халқимизнинг мунаввар ҳаёти учун кураш олиб бордилар ва бу йўлда жонларини фидо қилдилар. Улар ҳаётини чуқур ва кенг ўрганган ҳозирги кунда халқ истиқлолини, Ватан озодлигини мустақкамлашда, халқ босиб ўтган нақадар оғир ва узун бу йўлини чуқур идрок қилишда муҳим аҳамиятга эга. Рауф Парфи айтганидек:

Парчин-парчин бўлди ёдим симлари,  
Симлар—кўзларимга мил тортган чизгу.

Утган улуғларни эслайман барин,  
Хотирот мозори Туркистон мангу.  
Кеча содиқ ўғлинг ўтди дунёдан,  
Сахий инсон эди, у шоир эди.  
Санчилиб яшайди бир умр ёвда,  
Кетаётиб, мен йиғлаб бўлдим, деди.  
Йиғла энди, кўзим, сен ҳам йиғлаб ол,  
Тўйсин кўз ёшингга бу туркий ситам,  
Тўйсин, Ватан ёди чидар бемалол.  
О, сабир дарахти қутлуғ Туркистон,  
Нақадар узундир, оғирдир бу йўл.

## ҒАЗАЛЛАР

### ХУШ КЕЛДИНГИЗ

Сарв буйлуқ хуш қадам раъно сифат, хуш келдингиз  
Юришинг товус киби барно сифат, хуш келдингиз.

Лабларинг шаҳду шакар, оқ тишларинг дурдонадур,  
Кўзларинг бодомитар Лайло сифат, хуш келдингиз.

Ҳам келинлик даврини сурсанг керак бир неча вақт,  
Нури дийдам, тожсар, келин ойим, хуш келдингиз.

Умрингиз бўлсун дароз ҳам бахтингиз бўлсун кушод  
Охуни барно билан қўша қаринг, хуш келдингиз.

Ун тўрт ўғил, етти қиз берсун Худованди жаҳон,  
Унинг, ўсинг, эй бўтам, келин ойим, хуш келдингиз.

Қайи отангиз давлатин Сизга насиб этсун эгам,  
Толеинг бўлсун баланд, ёнсун чироқ, хуш келдингиз.

\* \* \*

Дунё айлаб сафарлар, топмадим хўб орқадеш,  
Ҳасрати дилни деёлмай, ҳеч этмай сирни фош.

Асримиз инсонларига бўлмади бир дардикаш,  
Кимни сўрсанг, суҳбат айлар, санда бўлса, нону ош.

Ҳеч вақти тенг келурму ҳуснида ҳам қуввати,  
Ҳам баҳорда ким қилур, ҳар ерда қари бирла ёш.

Ешлар базму таашшуқ суҳбати гул чеҳралар,  
Бирла доим ижтиҳоду қарилар кўзида ёш.

Бўлса санда сийму зар, ҳар ким қилур улфатчилик,  
Қайда бўлсанг суҳбатингни айлағайларди талош.

Фақирликда айламаслар мажлисингни орзу,  
Сўзлама даҳр аҳлига, Ибрат, солиб оғзингга тош.

Сен учун бу дам кирмиш гулистонга жононлар;  
Рашки боғи жаннатдур юз туман гулистонлар.

Қуруғайди кўз ёшим ул парилар илкидин,  
Сели ашкимни кўргач, чекти барча домонлар.

Ишқинг ичра, эй Ширин сўзли Лайли, йўқтур мен  
Кезмағону қазмоғон кўҳ ила биёбонлар.

Раҳм айла, ушшоқинг ҳар саҳар жафо узра  
Чок этарлар оҳ айлаб субҳдек гирибонлар.

Даҳр гулистонини андалиби лол ўлди,  
Гул юзинг фироқидин токи чекди афгонлар.

Эткамиз нечук, ё Раб, ул ситам — жафонеша,  
Бизгаму жафо айлар, ўзга лутфу эҳсонлар.

Эй бути пари талъат, чекти қаддинга охир,  
Доми зулфи зуннорин мурғи жону иймонлар.

Очилибму наргислар сабзалар оросида,  
Икки даври мужгонинг ичра чашми фаттонлар.

Вўсмалик қошингмудур ёки қон тўкуб усру,  
Занг боғламишдурлар икки тиғи бурронлар.

Икки юз, икки зулфи дилбарингмудур, Ибрат,  
Гуллар узра ё тутмуш сунбул ила райҳонлар.

### КЎРГОНИ КЕЛДИМ СОҒИНИБ

Гулдек юзингни дилбарим,  
Кўргони келдим соғиниб.  
Сен шоҳи олам, мен гадо,  
Кўргони келдим соғиниб.

Кел-кел мани ҳолим сўраб,  
Эй ошиқи ҳолим хароб,  
Бўлди юрак-бағрим кабоб,  
Кўргони келдим соғиниб.

Ишқингда дилбар зор-зор,  
Йиғлаб юрибман, эй нигор,  
Кел эй, букун кўзи хумор,  
Кўргони келдим соғиниб.

Сиздин бўлак йўқтур кишим,  
Ўзга билан йўқтур ишим,  
Мастана кўзли маҳвашим,  
Кўргони келдим соғиниб.

Тан ичра жоним сен эдинг,  
Хуш меҳрибоним сен эдинг,  
Ширин забоним сен эдинг,  
Кўргони келдим соғиниб.

Ман хаста дил ҳайрон бўлуб,  
Ишқингда саргардон бўлуб,  
Парвона янглиғ ўргулуб,  
Кўргони келдим соғиниб.

Дардинг билан дармондаман,  
Топкин илож бемораман,  
Васлинг билан афтодаман,  
Кўргони келдим соғиниб.

Эй дилбари, нозик бадан,  
Ҳам тишлари дурри Адан,  
Ой юзлари боғи чаман,  
Кўргони келдим соғиниб.

Боғу баҳорим сан мани,  
Кўзи хуморим сан мани,  
Ширин забоним сан мани,  
Кўргони келдим соғиниб.

Мандин яширма юзларинг,  
Ёдимға тушди сўзларинг,  
Куйдурди ёрим кўзларинг,  
Кўргони келдим соғиниб.

Кўйингда дилбар зор-зор,  
Шому сабо, лайлу наҳор,  
Йўқ эмди бизда ихтиёр,  
Кўргони келдим соғиниб.



Ибрат қулинг қилди дуо,  
Сандин ижобатдур яно,  
Дойим деюр ҳамду сано,  
Кўргони келдим соғиниб.

### ҚАЛАЙСИЗЛАР?

Тириклик заҳматидин ушбу кунлардан қалайсизлар?  
Бу тириклик йили бугдою унлардан қалайсизлар?

Ҳамани қўймади ўз ҳолиға, ташвишлар солди,  
Мушавваш айлаган бу аҳли дунлардан қалайсизлар?

Жаҳон ҳеч кимга гардиш этмади иқболина таври,  
Замона ҳоли мол, қофи унлардан қалайсизлар?

Босиб халқи жаҳонни, айлади торож ўғрилар,  
Саломат ётдингизму, бўйла тунлардан қалайсизлар?

Фасоду олам этти шу каби ҳар ерда инсонни,  
Бу тарзда фитнаю торож бунлардан қалайсизлар?

Ки ҳар бир кишида минг хил аломату қиёматлар,  
Машаққат вақтини умри ўринлардан қалайсизлар?

### БҮЛУБДУР

Эй даҳр эли, билинглар, турфа замон бўлубдур,  
Беандиша халойиқ феъли ямон бўлубдур.

Олим била фақирда зуҳду амал бўлунмай,  
Ёинки амри маъруф гўё ниҳон бўлубдур.

Шайхларни (нг) хонақоси қолмай ани бақоси,  
Бир-бирин шиква қилмоқ ул ҳам тамом бўлубдур.

Мадрасалар ичинда кўб фитна бирла шўриш,  
Ҳар куида ўн хил уруш, оқ салла нон бўлубдур.

Бермас закот бойлар, сандиққа фулни жойлар,  
Чиптау неча тойлар, сўз амиркон бўлубдур.

Деҳқон эли билингиз, хирмонни кечга олғай,  
Бир дона хайр қилмас, охир замон бўлубдур.

Бопанда ё дурадгор ёки барча устолар,  
Ишин битирмас асло, ёлғонга кон бўлубдур.

Қассобу қўйфурушлар, жангу жадал урушлар,  
Бечоралар фулнга гўшт устихон бўлубдур.

Нонвойда йўқдур инсоф, андин ўтадур аллоф,  
Қўр, чакса ун хамири қирқ икки нон бўлубдур.

Қўб қозихоналарда ушбу замоналарда  
Ишдин закунчилар кўб, эмди ямон бўлубдур.

Жанжални ахтарурлар фул олмоққа халойиқ,  
Жанжал фули аларга чой ила нон бўлубдур.

Элликбоши деганлар уй бошидан еганлар,  
Ўз мансабига мағрур, гўёки хон бўлубдур.

Ҳар кўчада қоровул, йўқдур қўлида довул,  
Сўзлар чақиб бўлусга, мисли чаён бўлубдур.

Алҳол муҳтасиб йўқ, бир-икки қилса ул дўқ,  
Ичкуга халқ роғиб, дойим фиён бўлубдур.

Ушбу замон онлар, топди ривож ямонлар,  
Йўқ эмди нуктадонлар, қандай замон бўлубдур?

Ҳар ерда ошкора фоҳиш иши-ла лубат,  
Носиҳ муҳтасиблар баста даҳон бўлубдур.

Бой ила камбағал йўқ, йўқ занларини фарқи,  
Барча либоси ҳафтранг, бир ногаҳон бўлубдур.

Халқ ўлди эмди тартиб, рўмолга бурнин артиб,  
Мошина айламасдан, киймас чофон бўлубдур.

Маҳбуби наҳсихонлар, кўзи қаро жувонлар  
Гастинсаларда юриб, сарфи зиён бўлубдур.

Манзума соли тарих, бу даҳри инқилоби,  
Минг икки юз тўқсон икки баён бўлубдур.

Ибрат, бу ерда турма, бунлар била ўлтурма,  
Бу халқи феъли-ҳуйи сенга аён бўлубдур.

1907 йил.

## ҚАРЗ

Эй ҳозико, жаҳонда бўлурму давои қарз?  
Олам элин мариз қилур можаройи қарз,  
Этмай қаноат ўлмади ҳожат равойи қарз.  
Дунё керакдур айламакка биродори қарз,  
Келди бу халқ бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Олди-ю қарз пахта учун, бергумуз мунн,  
Деди: «Чиқар ҳаёни тарозуда бир куни».  
Сарф-харожат айлади, ҳеч чиқмади уни,  
Пахта бўлур бу йилда адо айлагум шуни,  
Келди бу халқ бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Мундин қадим халқда бор эрди иқтисод,  
Қам эрди халқ ичра ту ваҳш ила фасод,  
Қилмай бу халқ илми ҳисоб ила ижтиҳод,  
Иқболи ёвар ўлмади ҳам топмади мурод.  
Келди бу халқ бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Ҳеч ким қаноат айламади уйда борига,  
Бўлмоқ тараққий бўлди иши борди норига,  
Кийди, еди ва қилди ҳашам рўзгорига,  
Кетти тамом нақди ўзининг рўзгорига,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Фаргонада бу вақтда беқарз кимса йўқ,  
Минг сўм ақалли қарз бўлиб, бўлса қорни тўқ.  
Сарф-харожат айлаб, ўзини айлади улук,  
Бечораларни қилгуси бордур чулуқ-чужуқ,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом шоҳу гадо мубталойи қарз.

Кўрганмукин қариялар ўтган замонада,  
Еинки асри аввал охири миёнада,  
Йилу ойи ом бўлди бу йил ғуссахонада,  
Кўрмай кўзи айланди бўлуб дом-донада,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Лекин бу йилда Чуст, Наманган тарафлари  
Қолди қуруб, етишмади сув, кўб алафлари,  
Бирдан ҳусул бўлмади, кўбдур талафлари,  
Айтган эди бу маънини кўпдан салафлари,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Кўблар бериб ариза, кредитни очтилар,  
Пулни олиб, халойиққа пахтага деб сочтилар.  
Кўб камбағалдин унмади, охирида шоштилар,  
Баъзиларни маст қилиб ақчалар талаштилар,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Баъзиларни тамом тижоратни билмаган,  
Гар билса ҳам, зарурини тақни кўзга илмаган,  
Қариялар сўзига қаноатни қилмаган,  
Ҳам оқибат на бўлғуси деб эсга олмаган,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом шоҳу гадо мубталойи қарз.

Борми бу вақт ҳеч киши қарз бўлмаган?  
Бордур ҳамада қарз агар бўлса унмаган,  
Ё қарзи йўқ бўлурки, онодан туғилмаган,  
Ё фақир-фано ичра бу дунёни олмаган,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Ҳеч суҳбатни бўлурмики, қарз сўзи эмас,  
Дунё ғами ҳамиша ва ақибо ғами эмас,  
Жонни ғами ва ҳам тириклиги ҳеч демас,  
Борму кишики бир-бирига қарз ҳасратин демас,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Бойлар ғами будурки, пулим бермади ҳаён,  
Утган йили дуруст эди, бўлди бу йил зиён,  
Тенг ўлмади тан ила ҳаён деб бўлуб фиғон,  
Дарқаҳр ўлуб, келишмади деб торговли жаҳон,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Берсун нажот жумлаи мўмин қарзига,  
Етсун Худойим ўзи бу абдини арзига,  
Раҳм айласа Раҳим бу аҳвол тарзига,

Берсун хазина ғайбдин ул банда қарзига,  
Келди ҳамани бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди гамом шоҳу гадо мубталойи қарз.

Тарих эди минг уч юз ўттуз бира адил,  
Анда эди ҳаво ва жаҳон барча мўътадил,  
Халқ олди қарз, ақча тонилса бўлуб далил,  
Вақти берарда бермади, ҳақ бўлди музмаҳил,  
Келди ҳамани бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Ибрат, санам бу қарзга кўбдан бўлуб асир,  
Аср илкига этмади ҳақ марҳами бўлуб есир,  
Шукур эт бу неъматига, агар бермаса касир,  
Аҳволи ҳол анга аёнду, ўзи хабир,  
Келди ҳамани бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом шоҳу гадо мубталойи қарз.

1913 йил.

### ҲИКОЯТИ УЧ КИШИ

Сокини гул боғидурмиз уч киши,  
Ҳамдуллилоҳ, соғдурмиз уч киши.

Ҳар биримиз бир иша машғулмиз,  
Еб-ичиб сарёғдурмиз уч киши.

Бири дер, майдонга сув сеп, тоза қил,  
Бири дер, носоғдурмиз уч киши.

Иш буюрсак, биримиз қилмай қабул,  
Негаким бўйдоғдурмиз уч киши.

Учимиз теъдод этай, яхши билинг,  
Улфату ўртоғдурмиз уч киши.

Бири Ваққосхон, бири мулла Шариф,  
Банди бир белбоғдурмиз уч киши.

Бири Турсунду, бизи хизматдадур,  
Тиш ила тирноқдурмиз уч киши.

Уртамизда устаю нажжоримиз,  
Зоири кўб тоғимиздур уч киши.

Боғдаким асал ари чақти бизи,  
Лаб шишириб доғдурмиз уч киши.

Биздан одобу усул этманг умид,  
Одами қишлоқидурмиз уч киши.

Чойи нондур ҳар куни нонуштамиз,  
Толиби қаймоқдурмиз уч киши.

Бор эди бир боадаб меҳмонимиз,  
Толиби сўйлоғидурмиз уч киши.

Бири овсар, бир тентак, лўндамиз,  
Ақлдин камроқдурмиз уч киши.

Ибрат олмай бизга ҳар ким кулсалар,  
Бул сабабдин доғдурмиз уч киши.

#### ЎЛУРСАН

Бўлма амалга мухтор озурда жон ўлурсан,  
Бадфиқр фитнасин дил тўла қон ўлурсан.

Гар тўғри сўз қирусан, ул фаҳм эгри айлар,  
Анга тушунтурурга дарди даҳон ўлурсан.

Валлот ёки қози кори эрур машаққат,  
Ашролар сўзидан дарди ниҳон ўлурсан.

Гар ушласанг шарият, пос ушламоқ машаққат,  
Бир қўл низоми давлат токи омон ўлурсан.

Хайр ишни ҳеч кўрмас, . . . . .  
Ижройи кор қилсанг, ўқға нишон ўлурсан.

Хасмин бир-бирини алар этса муқайяд,  
Иккиси сенга рожеъ, қайдин омон ўлурсан?

Адлинг бўлурса ақви, изҳор айламас ҳеч,  
Гар зарра зулм қилсанг, халқға аён ўлурсан.

Таклиф ғайри мавзеъ айлар қилинг мунди деб,  
Сен масъалага юрсанг, анга ёмон ўлурсан.

Гар ҳукм жорий қилсанг, норози ҳар иккиси,  
Мен судга арза бергум, анда ёмон ўлурсан.

Келгай бириси ҳар дам, ҳар кимни ўғри айлаб,  
Топгунча биттасин сен, дарди гумон ўлурсан.

Бечоралиғдин ўзга иш ихтиёр қилма,  
Ҳарчанд хўб бўлсанг, дарди замон ўлурсан.

Кўб бўлди адвокатлар ё омидин вакиллар,  
Кўфиядин бўлакни билмас, фиғон ўлурсан.

Келгай заиф хайли, санга жадали майли,  
Уқини шаст қилгай, сан бир камон ўлурсан.

Ҳар касб пеша қилғил, бўлмас амал сенга қут,  
Бекасб ўтсанг Ибрат, муҳтожи нон ўлурсан.

1907 йил.

#### ТАРИХИ ВАГОН ИСҲОҚХОН ИБРАТДИН

Наманган аҳлига хўб ўлди бир яхши замон келди,  
Муродоти халойиқ узра бир жону жаҳон келди,  
Дема жону жаҳон авқоғ учун бу халққа дон келди,  
Дема дон, балки бунларга маишат узра нон келди,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Наманган аҳлига бормоқ эди Хўқандга кўб меҳнат,  
Ўтурса сарт ароба узра меҳнат устига кулфат,  
Ароба меҳнатидин бормоққа бўлмас эди журъат,  
Бу дарёю ароба меҳнатидин айлабон узлат,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Ҳама оламини кори бори осон ўлди фойиздин,  
Баробар Магрибу Машриқ чу як сон ўлди фойиздин,  
Бу халқуллолара арзоқи арзон ўлди фойиздин,  
Матое жумла ашё келди, бир кон ўлди фойиздин,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Ташаббус айлади келтурмоққа ҳурматли Ессин,  
Билиб эрди Наманган мавзеъин бу халқ барчасин,  
Уқуб эркан ҳандаса илмини кўбдин алифбосин,  
Муборақлар десин халққа, ишига офарин десин,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Наманган ила Хўқанд ўртаси гарчан яқин йўлдур,  
Ҳама қум бирла очуғ сув ила тўлган ямон кўлдур,  
Йўловчини босиб ўлдурмоққа босмачига қўлдур,  
Темир йўл айламоққа лозими лобад маҳмулдур,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Минг уч юзу йнгирма саккиз эрди бу темир йўлга,  
Қелиб, иш бошлаган эрди қарамай ўнг.ила сўлга,  
Халойиқ иш бошлашиб пасту баланд, кўл ила чўлга,  
Биҳамдуллаҳ, бу ишда келди кўбни мақсади қўлга,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Бўлуб бу шаҳримиз навзоди бунёд ўлди ижодий,  
Сафарни заҳматидин халқлар олди хатти озодий,  
Наманганни ниҳодига насимн етти ободий,  
Қилурми ҳаргиз эмди ул кирокаш заҳматин ёди,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Намангандин чиқардук сарт ароба меҳнатин тортуб,  
Утуруб бесаранжом, юк ила сирка қовоқ ортуб,  
Уруб отларни қумларда ва ё кўлларда кўб хортуб,  
Аробакаш ила хўб муштлашиб, кўб оҳ-воҳ тортуб,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Юрарга бўлди гўё тасхир боди Сулаймоний,  
Етургай муддаога етмайин бир лаҳза бир они,  
Кўтаргай бир шаҳар арзоқини таҳсинга йўқ жони,  
Кўб эрур хонаси анвоини йўқтур ҳадди соний,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Эди катта хатар йўлчилара бу шаҳар баҳри,  
Агар тошса, бу дарё ўтуб бўлмас Худо қаҳри,  
Мунга айлаб темир кўприк гўё бир этиб наҳри,  
Умумий кўб машаққат ўлди осон ҳикмати даҳри,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

Ўқингиз, илми ҳикмат сизга, бу иш катта Ибратдур,  
Агар илм ўрганурсиз барча ишда сизга нусратдур,  
Агар илм ўлмаса, нодон умри барча кулфатдур,  
Бу ашёи жадиди мубаддини асли ҳикматдур,  
Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди.

## ТАРИХИ ТРАКТУР

Бир мўъжиза замона бўлди келиб трактур,  
Ишларни қилди осон эмди келиб трактур.



Аввалда қўш тиркаш, қишларда мол боқишлар,  
Барчасидин қутулдик бизга келиб трактур.

Деҳқон ҳўкузу йўқдур, гўёки юзи йўқдур,  
Барча баробар ўлди, мунда келиб трактур.

Ем бирла ул ҳашакдин деҳқонлари қутулди,  
Ер ҳайдар (шар) ҳўкузсиз, мунда келиб трактур.

Эски омоч, ҳўкузлар ерни тилиб ёрарди,  
Эмдийи ағдарилгай, яхши қилур трактур.

Ердан гиёҳ чиқмас, томурлари кесилгай,  
Ерни кучи кўпайгай, гар ҳайдаса трактур.

Бир кунда ўн десят ер ҳайдаб қилурга тайёр,  
Гар ҳайдар эрса бир бор, обод этуб трактур.

Эски омочда уч жон овора эрди бирдан,  
Бир кунда ўн таноб ер ёргай, бале трактур.

Кўҳна омочу мола одамдин эрди мерос,  
Эмди усули янги иш бошлагай трактур.

Бўлса эди юз уйга бир ўнта ўт омочдин,  
Қолмас халойиқ ишдин ёргай эди трактур.

Сад ҳайфи бизда йўқдур, ерларни айласанг ун,  
Ибрат, сан этма афсус, бергай санга трактур.

\* \* \*

Бир неча йиллар ичинда шаҳримиз жаннат бўлар,  
Бул тариқа бошчилар қилса ташаббуслар агар.

Халқни тарғиб этуб ишга бўлурса ижтиҳод,  
Саҳал кунларда бўлурлар жумлаи оламга сар.

Ҳар киши иш ишласа, доим иши хурсандлик,  
Ишламаслар ўз бошига урғуси тиғи батар.

Санга осмондин ёғурму ақча ё буғдойлар,  
Қилма элдин сан умиду ўз ишинг ўзинг бажар.

Ибрат олсунлар ҳама ишчи бунинг мазмунидин,  
Ишласанг, қандингни ол, гар дангаса бўлсанг заҳар.

## БҮЛҮБДУР

Ишқинг дилу жона жо бўлубдур,  
Жону дил анга фидо бўлубдур.

Сан айламасанг агар давоси,  
Дардим мани бедаво бўлубдур.

Оҳим тутуни-ла рўзгорим,  
Ялдо тунидай қаро бўлубдур.

Тан боғидин андалаби жоним  
Кўйингни тилаб жало бўлубдур.

Ишқ ичра чу ман киби насиби,  
Ёри соридин жафо бўлубдур.

Ҳусн ичра вафо йўқ эмиш жон,  
Ки сан киби бевафо бўлубдур.

Васлингга етурга Ибрат асру  
Ҳажр илкиға мубтало бўлубдур.

## ГАЗЕТА ХУСУСИДА

Газетдур жаҳон аҳлига бир лисон,  
Муайян эрур анда яхшию ёмон.

Газет кўрмаган, беҳабар халқлар  
Мисли ўлгандур ва ё ухлаган.

Деди бир киши менга: «Бидъат газет».  
Дедим: «Қайда қолдики, эски замон?»

Ажиб сўфилар, ажиб сўфилар,  
Газет онларга бидъат, нодуруст.

Ҳалол ўрнига кечти ғийбат деган,  
Такаллуф тамоқ расми одат экан.

Булар топса эрдик, илму адат,  
Демас эрди бу хил сўзи бўлмаган.

Газет амру маъруф этар халқга,  
Ёзар кўб хабарларни этмай ниҳон.

Хабарни (нг) ёзилгани авло турар,  
Оғиздин бировдин эшитган билан.

Езинг илми ахлоқу фанни мақол,  
Уқуб билсун, Ибрат олиб билмаган.

### ЧАМАН ИЧРА

Ушал булбул қилар афғон, саҳар вақти чаман ичра,  
Қўнар гул деб тикан узра саҳар вақти чаман ичра.

Қилар бағрини булбул қон, тикан узра берай деб жон,  
Бўлур гул завқидин қурбон саҳар вақти чаман ичра.

Ушал булбул бўлур доғлар, чаманни гашт этиб чорлар,  
Қизил гулни тилаб йиғлар саҳар вақти чаман ичра.

Чиқар булбулни афғони, чаман ичра оқиб қони,  
Тасаддиқ гул учун жони саҳар вақти чаман ичра.

Муҳаббат бирла маст эрди, ани йўлида жон берди,  
Қизил гулдин хабар сўрди саҳар вақти чаман ичра.

Муяссар бўлса ул жонон, ато қилса ўшал субҳон,  
Йўлида жон қилай қурбон саҳар вақти чаман ичра.

Ибратай, беҳабар бўлма, яна ғафлат била ўлма,  
Гуноҳи беадад қилма саҳар вақти чаман ичра.

### АДО ҚИЛАСИЗ

Рамуз дилбари жонон, мани адо қиласиз,  
Бу телбаларни яна ғамга мубтало қиласиз.

Сучук тил била, табассум қилиб сўраб ҳолим,  
Аввалда ваъда бериб, охири жафо қиласиз.

Либоси атлас камзул кийиб, ҳаво айлаб,  
Рақиблар олдида кўз била имо қиласиз.

Кўзум қароси куйгайки, бошқага қарасам,  
Агар гапурсам, тилимни тилим-тилим қиласиз.

Агар ғазаб била бориб, мозорима тебсанг,  
Аёғим оғриди деб, қабрима жафо қиласиз.

Лабингни холини ўпмоқчи бўлиб савол этсам,  
Хирожги Мисру Бадахшон дебон баҳо қиласиз.

Гамингда Қози қулинг йиғлаюр ҳама дойим,  
Қошингни ёй этибон, киприкни қаро қиласиз.

### ТАРИХИ ЧОПХОНА

Минг уч юзу йигирма олтида чопмахона  
Очмоқға бўлди рухсат ва сўз бериб замона.

Мақсад бу ишдан эрди оламға илм касри,  
Ҳам қўймоқға асарлар ёдовари жаҳона.

Қасбу камоли ислом бўлмай тараққиятда,  
Ҳолиға тушмасун деб этдук бунни баҳона.

Биздин кейингилар кўб илму ҳунар топарлар,  
Ҳайфоки, анда биз йўқ, йўқ эътимодхона.

Оламдин ушбу она сонсиз кишилар ўтди,  
Мингдин бири қўюбдур оламға бир нишона.

Мен катта бой эмасдим ким айласам биное,  
Даҳлим етишмас эрди рўзғори чою ноно.

Сад хайфким, ганилар сарфини билмадилар,  
Еб-ичдилар семуруб, сиғмай туруб чопона.

Ўз асримизда ўтди бир неча ағниёлар,  
Қолдирмайин нишона ер остин этти хона.

Фикр айласа керакдур, бу даҳри бебақода,  
Ўтмиш Расул, шаҳлар кўб келмағай баёна.

Гар юзланиб бақоға кетсанг бу мамлакатдин,  
Қайтиб келиб бўлурму бу мамлакатга яна?

Бул сенга катта ибрат, ҳушёр бўлки кетди,  
Эмди сенга келурму кетган у ота-она?

Бу роқимни жалоли маъвоси қалъан хон,  
Чопхона котибидур, гар сўрса ҳар ким олон.

Ибрат тахаллусимдур, аҳфоди Ҳазрати Султон,  
Шухратда — Ҳожи тўра, маъвоси — Тўрақўрғон.

Тўрақўрғон, 1908 йил.

### ТАБРИК НАМАНГОНДИН

Эшитилди «Садойи Фаргона»,  
Келмаган эрди тошбу она.

Ҳақ муваффақ этиб мардона,  
Эшитилсун бу самъ инсона.

Бир жароиди ой биза лозим,  
Келмаган эрди ҳеч имкона.

Дастрас ўлди нумраи аввал,  
Ўқудук дафъатан фахрла она.

Энди табриклар эрур лозим,  
На учунким бу шугли мардона.

Халқимиз ўз-ўзига овора,  
Хоҳ ўз даври ва ё бегона.

Бизга энди бисотдур бу ғазет,  
Муддаони демоққа иқрона.

Ҳусни иқбола ноил этсун Ҳақ,  
Чиқса шояд давоми майдона.

Хидмати миллат этмади ҳеч ким,  
Чиқмади мамлакатда бир дона.

Миллатимиз тили жароиддур,  
Сўзлар энди булар далирона.

Миллатимизи тараққига тарғиб  
Айласун сўзни қилмай афсона.

Исми ноширки Обиду Маҳмуд,  
Чиқса шояд муваффақиятлона.

Йўқ бу вақтда ҳеч носихлар,  
Қилса то панд ҳар мусулмона.

Анбиёни юборди хидмат учун,  
Солмоққа элни роҳ ёзидона.

Фузало яхши фикрлар ёзсун,  
Хоҳиши бўлса халққа эҳсона.

Уқур энди ғазетни ҳар ерда,  
Хоҳ масжиду ёки майхона.

Илму ахлоқ ҳам фунуни мақол,  
Лозим ўлди бу аҳду паймона.

Қалбан энди таважжуҳ лозим,  
Шунчалнк ходим мусулмона.

Пойдор айласун буни нашридин,  
Мутаммади бўлур даврона.

Зийнат учун муборак жавоб,  
Айладук бу «Садойи Фарғона».

Ибрат олсун халқимиз бундан,  
Кирди бир руҳ жисми бежона.

#### МАНЗУМА

Ҳурматлу «Тужжор газети нашрига Тўрақурғон қозисидан зийнати газет учун «Тужжор»ни жавоб хати сулс илан сарлавҳа қилиб юборилди. Газетга қўймоқларин учун ва табрикка манзума дарж учун ирсол қилинди.

Оламга сўз матойин сочмоққа чиқти «Тужжор»,  
Табриклар қилинсун қилмиш бу ҳўб гуфтор.

Даҳр ичра кўб ҳаводис, халқ ичра мунташирдур,  
Ҳар қайси фикр ўзга ақлига ўзи мухтор.

Баъзиси қасди шуҳрат, баъзиси махси хизмат,  
Баъзиси афзалият халқ ичра айлар изҳор.

Оламда бу жариди бир мухбири ҳувайдо,  
Лобад эрур ёзарға гар бўлса яхши ахбор.

Бу яни фикрлардин гар бўлса манфаатлик,  
Халққа эшиттирурга ёзмоқ керак бу даркор.

Аввалги асрларда ваъз ила амру маъруф  
Ҳар ерда айтиларди, эмди жаридалар бор.

Миллатга яхши хизмат айланг ёзуб, биродар,  
Ёзилса сафҳаларга ўқур бу халқ ночор.

Бу Ўрта Озиёда икки жариди бори,  
Ислом эли ўқурга «Туркистон» ва «Тужжор».

Бу халқ маданий эрмас бу қўрқувдур газетдан,  
Маданий агар бўлурса кимдур ҳазор асфор.

Лозим на янглиг ўлса халққа демак насиҳат,  
Шаръи низоми сўздин гар бўлса яхши афкор.

«Тужжор»га «Тараққий» этмакка бермак имдод,  
Даркор эрди биздин сарлавҳа бўлди тайёр.

Позимни билмак истар бўлса киши ўқусун,  
Қозии Тўрақўрғон Ибратдур анга ашъор.

Биздин эрур нишона сарлавҳа бу газетга,  
Тавон қилиб юбордим зийнат тобар бу «Тужжор».

### МАДАНИЯТ ҲАҚИДА МАСНАВИЙ

Кўрдим, Ибрат, жаҳон машаққатини,  
Кўрамиз эмди анинг роҳатини.

Маданиятни кўрмай одамдин,  
Кетмасак эрди ушбу оламдин.

Маданият жаҳонда осойиш,  
Хулқ ҳусни анга оройиш.

Маданиятни (нг) шаҳрида турмиш,  
Қиши гўёки жаннат ичра эмиш.

Маданият халойиққа роҳат,  
Кўрмагай ғамни ҳеч соғат.

Маданиятни (нг) шаҳри ичра тур,  
Даштда юрма, гулистон ичра юр.

Санга бу олам ғаниматдур,  
Барча ашёси санга неъматдур.

Ўлтуруб еткарур ҳама ишни,  
Билмагай ҳеч ёз ила қишни.

Муддао жумласи муҳайёдур,  
Шаҳар кўчалари мусаффордур.

Бормоқ, келмоқ ишлари осон,  
Кўрмагай ҳеч қим машаққати жон.

Маданиятда юргил ўлгунча,  
Бадавиятда шоҳ бўлгунча.

Маданийлар ўзига шоҳ ўлгай,  
Бадавийларки бир гадо ўлгай.

Бадавий хулқи мисли дарранда,  
Маданий гўёки созанда.

Бадавийлар иши машаққатда,  
Маданийлар ҳамиша роҳатда.

Бадавийлик эрур ҳалокатлик,  
Илми ахлоқ йўқ, фалокатлик.

Маданий ранг-рўйидан маълум,  
Бадавий ҳолидан бўлур мавҳум.

Маданийлар кунда қирқ раҳмат,  
Бадавийлар қирқ кунда бир раҳмат.

Бадавийларда кўб жаҳолатлар,  
Ғайри шаръий ажиб касофатлар.

Бадавиятда жаминъ заҳматлар,  
Маданият ичинда раҳматлар.

Маданий ким деб қилурсиз фикр,  
Бадавийларни айладим кўб зикр.

Бўлгай ахлоқи илм ила марғуб,  
Бадавий жаҳл феъл ила маъюб.

Маданий шаҳар ҳозир оламда,  
Ун иккидур ҳисоб одамда.



Миср, Истанбул, Фариш, Берлин,  
Лундун ва Мадрид, Вашулгитун.

Вена, Петергрод ҳам Тукиё,  
Маданиятда бўлғувчилар бу.

Бирисини оти эрур Румо,  
Маданиятни (нг) ери эрур Доннё.

Маданийликда феълу афъолн,  
Роҳат ичра ҳамиша аҳволи.

Сафар айларга кўб темир йўллар,  
Ҳам ҳаво фойзин алар қўллар.

Ҳама уйларда тилифун бўлур,  
Печка иссиқ, совуқ сўлум бўлур.

Езда уйда совуқ печ ила шамол,  
Барча иликтр ила ўтгай ҳол.

Сандалу самовар иликтрийдур,  
Лампа ёруғлари ани (нг) еридур.

Симсиз тилигром, темирсиз йўл,  
Автомобеллар юрар машғул.

Фойизу конкаларга пул олмас,  
Юрмаган, тушмаган киши қолмас.

Бош ёруб, ич очуб турар жарроҳ,  
Неча минглар муҳандису тарроҳ.

Шаҳар буткул иморатидур олий,  
Кўча кенг, минг кишигадур холи.

Ҳама дардга ҳакимлар тайёр,  
Гар этар бўлса дардини изҳор.

Ҳама илма мударрислардин кўб,  
Халқ илми маош ўқур тўб-тўб.

Ҳама ўз иши бирла овора,  
Кўчада йўқки халқ-бекора.

Анда хотунлар ҳам қилурлар иш,  
Демагайларки, бутун ёзу қиш.

Барчасини маишати тайёр,  
Егайлар таомни меъёр.

### ШИКОЯТИ ЗАМОНА

Эй қалам, айла бир ҳикоят,  
Бу замона аҳлидин шикоят,

Қандоғ фалак кажрав ўлди акнун,  
Қўб турфа жафони солди гардун.

Юрди раҳи маъсиятга мардум,  
Ойини мусулмонлиғ айлади гум.

Жон эрди амонат ушбу танда,  
Эрдук Худоға бовужуд банда.

Жон ваҳмини қилмайин ҳамиша,  
Қилдук мудом гуноҳи пеша.

Ҳақни риоя айламасдин,  
Поймол ўлур шаръ демасдин.

Қўб бўлса ҳар кишида сим ила зар,  
Юрса қаёнда қилди кар-кар.

Уламони йўқтур эътибори,  
Тўю азода бой юқори.

Бўлди бари кибр ила ҳаволиғ,  
Қурт тушуб думоғига наволиғ.

Бўлди улуг жинон бағрат,  
Юқорида жойидур баҳурмат.

Борганда қаёнға шодмондур,  
Доим ани насибаси жафондур.

Бергай анга ним мовут дуробин,  
Маҳшарда на дегай жавобин.

Қўб фойдалар қўюб неча дўкандор,  
Қилди фуқарони қўб дилозор.

Етмай кучи неча камбағаллар,  
Ийғлар эди вақти бемаҳаллар.

Келгай ғазаби нойиб Худодин,  
Қилмадинг дегай нега ғимодим?

Деб неча бу сўзни кофир ўлди,  
Кўрдум нечаларни зоҳир ўлди.

Нега мани камбағал қилибсан?  
Хилқатда бемаҳал қилибсан.

Бир маснади кўтаҳ бойлар ҳам,  
Утса йилу ойлари ҳам.

Инсоф қилмагайки ўйлаб,  
Ҳаргиз ўлумни тафаккур айлаб.

Кундан-кунга умримиз тугагай,  
Кўнгул кўзини ғафлат олгай.

Борғум демай қариб гўрға,  
Қилмайди маишатини зўрға.

Келса ўлумни вақти ногоҳ,  
Ким қилди симу зарни ҳамроҳ.

Қолгай кафандин ўзга мунда,  
Кўргай жазони ҳашр кунда.

Қилмас эди охиратни ваҳмин,  
Жонға кетурмас эрди раҳмин.

Бўлди зиогару лобагар кўб,  
Бу ишлари ҳеч кима эмас хўб,

Бермас мунга ҳар киши ризолиғ,  
Тонг йўққи қилса дин жудолиғ.

Йўқтур ажални муҳлати келурға,  
Қай кунда ўлмишини билурға.

Хоҳ муллау, хоҳ хўжау эшон ҳам,  
Эл кўзига салласи калон ҳам.

Фисқу гуноҳ иктисоб айлар,  
Йўқ қимсага эҳтисоб айлар.

Фива-арақ ичмак ўлди одағ,  
Маст ўлса оғзида ҳақорат.

Фисқу фасод ривож топти,  
Туфроғи-ла дин юзини ёпти.

Тангридин айламас иболар,  
Кетти ҳама шарм ила ҳаёлар.

Мардум бари бенамоз бўлди,  
Беажзу беннёз бўлди.

Ҳеч кимса ҳақиқат айламайдур,  
Дилу жонда ғайрат айламайдур.

Бўлди заиф дини ислом,  
Эрди ҳама бўйла бесаранжом.

Сўз кўб десам ман, эй дилогоҳ,  
Қилдим охири қиссани кўтаҳ.

Тўрақўрғон тумани ижроқўмига  
*Исҳоқхон Ибротдин*

#### АРИЗА

Эй районга ранс ўртоқлар,  
Давлат узра юринг бўлуб соғлар.

Қуруди ўрик, олма, ёнгоқлар,  
Хўжасини қўюб бағрига доғлар.

Сайрашар эрди гул узра булбуллар,  
Булбул ўрнига қузғуну зоғлар.

Отунадин бўлдилар вакил сувга,  
Халқ ғамидин бўлмас уйғоқлар.

Сув бериш йўлини билмаслар улар,  
Баъзи бўлган мироб тўнғаклар.

Афу этинг хўжалик солиғини,  
Ё сув беринг, қурумасун боғлар.

1931 йил.

## ФАРҒОНА ТАРИХИ

### ВОҚЕАИ СУЛТОН САИИД ИБН МАЛЛАХОН

«...Бул вақеани ичинда юрган кишини қавли шулки, ҳазрати Амир Шоҳмуродни хон қилиб, Худоёрхонни Бухорога олиб кетди. Хўқанд дуоғўйлари: «Барчамиз амирни узатиб Шоҳмуродхон ила мулла Олимқул олдиға боруб эдук, амирдан ажраганда биз Шоҳмуродни қатлини эшитуб, мулла Олимқулга мулозаматдан бўлак чорамиз қолмай, мурожаатдан иборат эди. Мулла Олимқул қипчоқ қўшуни (била) экан, амир ила муни ораси бир манзил йўл эди. Мулла Олимқул бизларни келуримизни билур экан, истиқболға чиқди, эъзозу икром қилди, чодиринна олиб тушурди. Бир кўҳна лагандга нон ва бир яғоч табақда узум келтуруб, суфраға қўйди, мусофирликдур айб қилмайсиз, деб эътироз қилди ва илтифотлар этди. Ҳам этди: «Ҳазрати Амирни саломат жўнатдилармусизлар, барчамизга баробар дуоғўйларимиз сизлар. Амирни ҳақида, бизни ҳақимизда дуо қилмоқ лозимдур, келганларингизга хурсанд бўлдим», — деди. Мулойим, икромни камолда бўлса ҳам бизларни ипсиз боғлаб, Хўқандға қайтмоқға жавоб бермади. Шинғовулни чақируб, анга топшуруб дедики: «Бул жаноблардан воқиф бўласан, қўш лодир берасан, отларига бир сўйиш ва бир махсус ходим қўй, ўз ёнимизда яқин қўндур, аҳволлариндан хабардор бўл», — деб. Марғинонга жўнадук. Манзил-баманзил кўрунуш қилиб, салом бериб, Марғинонга қариб Ерматорга қўндук. Шаҳарни уламо ва фузало ва аёнлари истиқбол қилдилар, алар бирла ул жойда зиёфат бўлди. Адойи зиёфатдан сўнг мулла Олим сўз очиб дедики: «Мамлакатимизда бу хил бесаранжомликдур, муни сабаби бир кишиға инқиёдимиз йўқлигидур, — деди. — Лозимдурки, баиттифоқ бир хон насб қилиб, анга муте ва мунқод бўлсак, кимни хоҳларсизлар?» — деганда, Хўқанд уламолариндан Зиёвуддин махдум дедиларки: «Бу хизматга ўзингиздан алиқ одам кўрунмайдур», — деганларида Олимқулға маъқул бўлмай, эшитмаган бў-

<sup>1</sup> 1991 йилги нашридан (Ҳ. Бобобеков, М. Ҳасаний нашрга тайёрлаган) қисқартириб олинди.

луб, яна дедики: “Одамни таъйин қилмоқ керакдур!” — деганда мазкур махдум янада аввалги сўзларини иъода қилдилар. Олимқул Зиёвуддин қозиға хитоб қилиб дедики: “Сиз мани дерсиз, мани ниятим хон бўлмоқ эмас, ман хизматда бел боғлаган киши, хонзодаларингизни бирортасини насб қилинглари!”

Хонзодаларни бирин-бирин зикр қилиб, охирида Султон Саййидни зикр қилиб дедики: “Атоси кўбнинг йўлинда шаҳид бўлди, етимчадур!” — деганда, халқ мулла Олимқулни ғаразини фаҳмлаб, ҳамма: “Бу ўрунға Султон Саййид аҳақдур!” — дедилар. Филҳолоқ кигизга солиб, русумда уламо ва фузало ва аёнлар кўтардилар, тахтга чиқардилар, (у) ҳадди булуғга етмаган мароҳиқ эди, русуми қадим уламо ва фузало ва аёнларга сарупо бермак экан, мулло Олимқул дедики: “Тақсирлар, сизлар ўзимизники, саруони аввали Марғинон уламолариндан берсак!” — деганда Ҳасанхўжа Қозикалон мулла Олимқулга қараб: “Ўзлари билсунлар!” — дебдурлар.

Мулла Олимқул филҳол: “Дор ул-мулк Марғинондур, Хўқанд дуогўйлари ҳаммамизға баробар меҳмондурлар!” — деб, яна бу сўз меҳмонларға шофий бўлмагандек кўрунуб, ҳар икки тарафдан баробар сарупо бериб, кимхоб ва атлас, қимматбаҳо ашёдани хоннинг хизматида ва ҳудайчи ва неча ходим лавозимотини тайёрлаб аскар ва саркардаларга саросар оқ сарупо бериб, барчасини фариштадек қилиб чиқарди. Бу учтўрт соат ичинда мунча беш-ўн минг кишиларга мундоғ саруполарни қайдан тайёр қилди ённки аввалдин тайёр эдимубу деб ҳамма бу ишга офаринлар айтиб, таажжубга қолдилар».

Бул воқеа 1280 санада эрди. Анда мулла Олимқулни сараскар бўлуб, таждиди унвои берилиб, амирлашкар лақаб бўлуб, мундин сўнг Олимқул исми матрук қолди, амирлашкар бўлди. Султон Саййид фақат санад илайҳ курсига соҳиб бўлди, ҳамма инон ихтиёри узвий ва куллий амирлашкар қўлида эрди. Хонлик ишини бартараф эткандан сўнг кўб турмай, Хўқандға борди. Юртни еаранжомға солиб, фурсат ўткузмай, русия Туркистонға келди, деб хабар бўлди. Амирлашкар Тошкандға келди. Шодмонхўжани ўлдурди. Нормухаммад додхоҳни валийи Тошканд қилди. Давлат тожук деган кишини Туркистонға ҳоким қилиб юборди. Ўзи Хўқандға қайтди. Мазкур тожук Туркистонға келиши илан атрофдаги элатияни ғорат қилиб, талон-тарож этиб,

чопди. Бу бадафъол шумлиғидан жамъи қазоқия Русияга тобъь бўлди, келмакни хоҳлади ва оз муддатда русия Туркистонга кирди. Бу тўғрида ҳазрати султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий Туркистонга айтган башоратлари тўғри келди. Мундан саккиз юз йиллар илгари айтган эканлар:

Минг икки юз саксон бирда ўрус келгай,  
Туркистонни атрофини қамсаб олгай.

Мунга мувофиқ 1281 ҳижрийда Туркистон ва Авлиё-ота Русия тасарруфига ўтти. Андан Чимкандга қасд этгани амирлашқарга эшитилди. Хўқанд аскарини бир-ла қиш вақтида Чимкандга келди. Анда Русия аскарини Туркистондан чиққани йўқ экан. Чимкандда амирлашқар атрофга одам юбориб, катталарни чақирди, чунончи, булардан Сиддиқ тўра туркистонлик ва қазоқиядан Бойзоқ бийни. Амирлашқар Бойзоқбийни ўтқузуб қўйиб айдикки: «Бойзоқ, сан аввалдан ислом аскарини закот берар эдинг, нега эмди бизга бермай, Русияга бердинг?» — деганда, Бойзоқ бий амирлашқарга этибдурки: «Мен сизгада ҳам Русияга», — деганда: «Нега?» — деса, Бойзоқ айтубдурки: «Тақсир мен авлодлик киши; бир юз йигирма бийнинг атосимен, буларга жайлов деб Русиядан тўрт тошға қариб, яъни йигирма беш чақурум ерни ижарага олганман, ани ижоросини бераман, сизга закот бераман», — деганда, амирлашқар: «Сен икки марра аҳд қилдинг, яна буздинг!» — деб жомадорга: «Муни ғамбаракға солиб откил!» — деб буюрса, бечора Бойзоқ чол, қари киши эркан, ёши юздан ўтган экан, айтубдурки, «ҳой амирлашқар, мени буйла қилма, кўзимни кўр қилиб, Хўқандга жубор; мен русияга дафъ бўламан, мени хабарим болаларим ва бийларга етса, санга ёв бўлурлар, русияни санга бошлаб келурлар, ҳар иш қилиб, мени ўлдурма!» — деса, амирлашқар қулоқ солмай, «кафил хат берайин» деса ҳам қабул қилмай, охири юз пайса доруни ғамбаракға солиб, кичкина одам экан, ёнига икки бор қуруғ беда тикиб отдурбдур. Осмонга кетиб, на ўлуғи ва на суяғи ҳам кўрунмади.

Бойзоқни авлоди эшитиб, Русияга тобе бўлуб, урушлар бошланди. Амирлашқар Туркистонга бориб, уруш қилмоқ бўлуб, Иқонга борди. Туркистондан Русия аскарини чиқди. Ул вақтда сартияларни уруши русияга ҳеч писанд эмас, аҳамият бир оз аскар солдат ила урушга кирди. Мусулмониялар ҳамма отлиқ, пиёда

сарбоз йўқ, амирлашкарни ғайратидан қўрқуб, сипоҳларни арқога қайтганини чопуб турубдур, қор қалин, қорабўра деган дарахтларни шоҳларини боғлаб юматуб отушуб, мусулмониядан кўб қирилиб, кўб ярадор бўлуб эрди. Душабой фармоначини ўғли Муҳаммаджон Мирзо деган ўн саккиз ёшинда юзбоши экан, русия тарафида бир катта лашкарбоши дурбин солиб турганда амирлашкар тепасига келиб қолуб, ўшал дурбин солганин от, деб буюрганда отган экан. Алҳолда Иқонда паммит нишон этмишларким бўлса бўлсун. Бул урушда мусулмон аскарин учун ҳийла муқоваматлик уруш бўлуб, Русия аскарига янги аскар келмай, булар мудофаага қодир бўлуб, охири ҳол Русия солдатларин Туркистондан қайтуб кетиб турганда янги солдатлар Урунбур тарафидан келиб, қувват топиб, мусулмонлардан кўб қирилиб, сўнгра амирлашкар қайтганда булар арқосидан келиб, Чимкандда яна катта мухораба бўлуб, Иқондан Чимкандда одам кўп қирилди, дейдур. Алҳолда ҳам ул вақтдаги урушда бўлган кишилар кўб муояна биладурлар. Буларни ўз оғизларидан эшитуб, ўн кишини сўзини таққослаб, ўртасини олинди. Бўлмаса, муболағалик бўлса керак.

Бу Туркистон мухорабасиндан қайтуб келуб, Чимкандда уруш бўлган, бу Чимканд мухорабаси, деб қишининда бўлган Иқон Туркистон ила Чимканд аросида бул тўғрида эканки, Мингбой додхоҳ икки еридан ярадор бўлуб, қўшга тушуруб ётқузуб қўйган экан, амирлашкарни қўшига чақирди. Амирлашкарга айтди: «Эй Олимқул, кичик эдинг, катта бўлдинг, мунча ишлар бўлуб, қанча мусулмонлар ҳалок бўлди, эмди иш қўлдан кетадур: тожик аввалғи Давлат ўлди, қурама, қипчоқ каттаси ман бўлсам, бир ярим соатлик умрим қолди, эмди санга бир насиҳатим бор, қулоғингга олсанг, жами оқ туғ, қора туғ аскарларингнинг ол. Бухорога боруб, амирга қўшул, амир ила хоҳ (жанг), хоҳ мусолаҳа бўлса, бирга қилинглар, бўлмаса иш қўлдан кетди!» — деганда, амирлашкар айтубдурки: «Акажон, жон ширинлик қилиб, қўрқуб қолубсиз!» — деганда, Мингбой додхоҳ алфози қабиҳа илаи сўкуб: «Мусулмонларни ўлугини хоҳлаган ерингга ур!» — деб, қўшида турган амирлашкар кетган экан, амирлашкар чодирга етган ҳамон додхоҳ оламдан ўттилар, деб хабар келди. Боруб жанозасини ўқуб, Чимканд мазорига дафн қилдилар, раҳматуллоҳи алайҳ.

Бул тўғрида амирлашкар ғайратидан кўб сипоҳлар



қўрқуб: «Бизни совуқда оч ҳам қўйиб ўлдурар экан, амирлашкарни саранжом қилмасак бўлмайду», — деб умаролар маслаҳати илан бир сағир қул отубдур, ўлуғи анда қолди. Лашкар фатарот бўлуб бузилди. Ҳамма қочиб, Тошкандга келди.

Амирлашкар ҳукумати Маллахон фавтиндан сўнг Хўқандда ва четда гоҳи бутун ва гоҳи ярим мутафариқалик илан уч йилга етди. Ҳар на бўлса ул зот мамлакатдорликқа бир оз аҳамиятга ҳаракат қилиб муқовамат этди. Бу Фарғона ва Туркистон хонларидан икки киши фуқаро ва дини миллат учун ҳаракат этган эди. Бири бу амирлашкар ва бири марҳумий Маллахон. Тўплар қўйдуруб, милтиқлар ясаб, корхоналар қилиб, тўплар узрасига кумушлар билла ёзувлар ёзуб, яхши диққат эткан эди. Чунончи, бу назмлар бор экан:

Амирлашкарни ғозий карда нишон,  
Жаллоди тўб пурчашми оташфишон.

Бузругхон тўра ва Ўқуббекларни келгани бу таърихларда эди.

Бул ҳикояни этқучи Ҳожи Муҳаммадҷон Мирзо Душабой фармоначи ўғли эдики, Иқонда амирлашкар илан бирга бўлуб, белидан ўқ еб ётганда русия тарафидан отилган бир тўбни ўқи буларга яқин тушуб ёрилиб, бул бечора ярадор ётган ерида ёрилган ўқни бир бўлаги чапига тегиб, паст жағи тушуб, неча кунлар ҳақимлар муолажа қилиб, сўнгра навъи тузалган экан. Муни нуқсонлари ровийни гарданига ҳомилдур, эшитганча ёзилди.

### ХУДОЁРХОННИ ТУРТИНЧИ ХОНЛИГИ

Амирлашкар қатлиндан сўнгра Султон Саййид Тошкандда қолмади. Амир Худоёрхонни олиб, вақтни ғанимат билиб, Хўжандга келди. Аҳолийи Тошканд Мирзога одам юбориб, бизга мадад қилсунлар, деб илтижо қилдилар. Ул зот на имдод ва на маслаҳат кўрсатди. Худоёрхонни олиб Хўқандга кетти. Олиб боруб ўз қавлиндан хон қилиб қўйди. Худоёрхон хутбани амир исмига ўқутди, тобе ҳукминда бўлди. Баногоҳ русия илан муҳораба очсалар бир-бирга имдод бўлмоқ қасд эди. Ароларинда аҳди паймонлар этдилар. Бовужуди золика амир хўқандийларнинг узриндан амин бўлмай, Хўқандни Худоёрхонга, Тошкандни русияга ташлаб кетди.

Ровийлар қавлинча Тошкандда олтмиш кун ва баъзи қавлда саксон кун муҳосара бўлуб, ичиндан муҳбара, тошиндан муҳосара бўлуб, ҳижрийнинг минг икки юз саксон иккисинда, милодни минг саккиз юз олтмиш бешинчисида ёз кунлари, май ойинда русия қўлига ўтди. Бу тўғрида Султон ул-орифин сўзлари тўғри чиқди:

Дар соли «ғураф» бимони, бини,  
Мулку, малику миллату дин баргардад<sup>1</sup>, —

деганлари муояна бўлди. Аммоки, Тошканд ташинда муҳосарасиндаги Русия аскарлари икки минг миқдоринда бўлуб, қирғизу қазоқ қўшулуб кўб эди. Бу муҳорабада исломдан кўб одам нобуд бўлуб, русиядан талафот бир юзга етмас эди, дейдилар. Аҳолийи Бухоро бу сафарда ҳазрати амир русия илан бир иш қилиб биз фуқароларни роҳатландуруб қўяр, деб умид қилар эдилар. Амирни боруб, тарғиб қилиб, фарзияти жиҳодни уламолар айтганда амирни тоби бўлмай, ноилож бу гафоларни босмоқ учун ҳаракат қилди. Русияга тўғри келмоқга Бухородан чиқиб, Майдаюлғун деган ерға Бухоро аскарлари қўнган эди, олтмиш минг миқдор аскар эди. Кўплигига ишониб, мағрур бўлуб, боҳузур бокира қучуб ётдилар. Русия аскарлари буларни бепарволигидан истифода қилиб, оз аскар ила баъзилар беш юз, баъзилар минг миқдорда эди, дейдилар, кечаси дарёйи Сайхундан ўтуб, тўб отгани ҳамон лашкари ислом, зилзилаға тушуб, тўбу тўфанг, ўқу дори ва асбобу адволарини ташлаб, Бухорога кетдилар. Булар Русияни бир бор отган тўбини қўшун ўртасида ёрилганини кўруб бузилдилар. Қолган нимарсалар русияга ўлжа бўлди. Гафлатни эрликдан билмак бухороликларни иши эмиш. Ҳаракат этсалар ўз сипоҳларига ваҳм тушар эмиш ва ҳам хасмни писанд қилмаган эмиш. Қичкина болаларни фикрига иктифо қилиб, номусдорликни қўлдан бердилар. Русияга аскар жам қилиб, муҳораба қилгани сабабдан ва муҳолафот изҳор қилиб, шул иш иллат бўлиб, Хўжанд ва Уратепа ва Диззах қўлдан кетди, Русия забт этди. Мундин сўнгра русия илан ўзлашиб, мусолаҳа қилдилар. Русия илан бартараф бўлгандан сўнг Бухоро музофотига қўл узатиб, минг икки юз саксон бешинчи ҳижрийда Самарқанд олин-

<sup>1</sup> «Ғураф» йилигача яшасанг, мулк, подшо, миллат ва динни кетганини кўрасанг, Арабча «ғуроф» [ғ, р, ф] ҳарфларининг абжад ҳисоби бўйича йиғиндиси. 1280 ни ташкил этади.

ди. Андан Каттақўрғон олинди. Сўнгра ўртада амир ила мусолаҳа бўлуб, ислоҳат жорий бўлди.

Худоёрхон русиядан хотиржам бўлуб, вақтини ўйин-кўлки илан ўткаруб, қуш солмоқ ва кўкбўри чопмоқ йўлларинда бўлуб, уламо ва фузало насихатларига амал қилмай, жабру зулм тарафига ўтуб турганида, раияту халк юз ўгуруб турганида Мусулмонқулни ўгли Абдурахмон офтобачи вақт ганимат деб, атосини интиқомини олмоқ қалбиндан чиққан йўқ эди, ароларинда муҳсамаат пайдо бўлуб, хоннинг аскарлари офтобачи қўлида эди, хоннинг муқобала қилмоқға қодир бўлмай, фуқарони берағбатлиги, анинг устига русия тарафидан Хўқандға ўтган бир савдогарни молини Маҳрам деган ерда талон бўлуб, хонни чек аросиди учун Тошкандда Фон Гауфман генерал-губернатордан саволлар келиб туруб, ул саволларга жавоб ёзмоқға комил ва зир йўқлигидан, яна мулла Абдурахмон офтобачиға мурожаат қилиб, бу саволларга нима жавоб қилса бўлур, деганда офтобачи ёзубдурки: «Қаттиғ рад жавоби берулсун», — деб, ани маслаҳати хонға маъқул бўлмай, русияга боруб, жавоб қилмоқ бўлуб ва ҳам ўзидан чиққан фитна дафъиға русиядан имдод сўроқ бўлуб турганда, мазкур савдогар молини тўғрисида генерал-губернатор, Тошкандға хонни чақирган эди. Олтмиш итад қозоқ юбориб, Тошкандға лонлож бўлуб бормоқда уч тарафдан сиқилиб, охир ул-амр саксон ароба кўч хазина ва ойимлар, беклар, етти ароба танга илан Хўқандан Тошкандға жўнади. Атобек нойиб деган Наманган ҳокимини Хўқандға қўйди. Хоннинг катта халафи Насриддин бек эди. Хўқандға Андижон томондан келиб, фуқарони атворини билиб кўруб, офтобачи тарғиби илан Хўжанд тарафига жўнади. Маҳрамда бир оз муҳораба қилдилар, қилсалар ҳам ҳеч иш қилмай, Марғинонға қочди. Насриддинхон Хўқандда туруб, русия келиши илан истиқбол қилиб олди. Бу сабабдан Хўқандни Насриддинхонга берди. Уруш бошлаган офтобачи экан, ани тутмоқ қасдида бўлуб, русия аскарни Марғинонға борди, халқига неча минг тилло лак пули солди. Иштирофни сартияда лак пули дерлар. Валҳосил, ҳамма фасодни мабдаи офтобачи бўлуб, хон русия илан мусолаҳа қилмак бўлганда умаро ва фуқарони кўнглини бузуб, хон русия(ға) тобе бўладур, газот қилмайдур, тил берган, деб хонни ўзи бирла урушмак керак, Марғинонда Султон Муродбекни Хўқандға хон қилмоқчи бўлуб аҳду паймон қилиб турганда Насрид-

динхон боруб, офтобачиға эллик тиллоға шарт қилиб, Насриддинхонни хон қилмоқ муддаосида бўлуб, зоҳири газот, ботини фасод Насриддинхонни Хўқандга ўрдуга ўтқузуб, хон қилиб қўйуб, ўзи русияға урушмоқчи бўлуб, Маҳрамга боруб, андан Хўжандни муҳосара қилмоқ бўлуб, ҳеч иш қилмай, неча минг одам дарёга кетиб, Маҳрамдан қочиб Марғинонға кетди. Русия Маҳрамдан ўтуб, дарё лаби бирла Андижонға тобе, Тўда қишлоқда бозор куні эди, қўшун бор деб, эшитиб келган Русия аскарлари бозорчиларни кўруб, аларнинг кўбларини отуб, бозорлар бузулуб, алар қочтилар. Андан ўтуб, дарё лаби илан тўғри Намангонға келиб, Намангонни олди. Ул вақтда Марғинон тарафда Валихон тўра деган бир киши чиқиб, газот қиламан, деб қочган сипоҳларни жамлаб, Марғинонда Намангонни олмоқчи бўлуб, Балиқчи деган қасабага келиб ётганда Намангондан Русия аскарни чиқиб, дарё лабига боруб, кечаси дарёдан ўтуб туруб, Валихон тўрага русия келди, деб бир мусулмон хабар берган экан, ани(нг) ушлаб, боғлатиб қўйуб, агар Русия мунда келса сани сўзинг рост, деб ўзлари ўйинга машғул бўлуб, то сажарғача кокил солмоқ, бола ўйнамоқ, сўнгра ухлаб қотуб қолуб, субҳда русия бирдан тўб қўйганда уйқудағи бечоралар туруб, қочгани овора бўлуб, баъзи нодон одамлар русия қочганини отар эмиш, деган сўзларга ишонуб, қочмасдан отилуб ва қолганлари қочуб, бечора хабарчи сутунда боғлануб қолганча ул иморатга ўт қўюлуб ихроқ биннор бўлуб ўлди. Бул тарафда Намангонда Ботур деган киши чиқиб, эски сипоҳлардан йиғиб, муҳораба қилмоқ бўлуб, уч-тўрт минг одамни жамлаб, Тўрақўрғонни ғарб тарафидаги Сарсончап деган қирға аскар йиғуб, уламолар сўзлариға қулоқ солмай, ҳаракатда эрдилар. Якбора Русия сараскарни Гловачуб деган Искоблүф амри бирла Тўрақўрғонда ёв чиқибдур, деб дашт илан Русия аскарни Намангондан чиқиб Ботур Тўрага юруб келганда ўшал кун панжшанба куні Тўрақўрғон бозори эди, қиблагоҳимға меҳмон бўлуб келган Султон понсад ва Саримсоқ деган кишилар қипчоқияни катталаридан эрдилар, аларни меҳмон қилиб, тўйма меҳмон бўлуб, ноштадан кейин эди, шавла қилган эканлар, олуб чиқуб еб, ярмидан ўтган эрди, бирдан шимол тарафдаги қирдан тўб овози чиқиб қолди. Меҳмонлар дарҳол асбобларини белларига боғлаб, қўшунларига чопдилар.

Муаллифи китоб ул вақтда ўн беш ёшимда хату

саводим: чиққан талаба эдим, бирдан қоч-қоч бўлуб, ҳар ким ўз ҳолига свора бўлуб, қиблагоҳимиз ўз ҳолларига бўлуб, қаён кетдилар билмадук. Бизлар ўз маҳалламиздаги хотунлар ва болалар илан қочиб бир боғда ётдук, то шомгача бу тўпу милятиқ овози ўқлар бошимиздан овоз бирла ўтуб тургани ваҳмида ҳеч ерга чиқолмай, боғда эдик, баногоҳ, намози шомда катта кўчага, дарвозамиз олдига хабар олмоқда чиқиб эрдим, кўчада кўб қонлар тупроқ ўртасида ётибдур. Ҳайрон бўлуб туруб эрдим Уста Йўлдош деган киши келиб қолди. Айди: «Ҳой тўрам, қочинг, мана яна отуб келуб турубдур, бу қон Назар панжоҳоошини отини қони, тезроқ қочинг!» — деганда, яна қочиб турган боғимизга борсам: «Кечаси сизларни бир киши чақирди», — дедилар. «Ким экан?» — деб боғдан чиқсам, қиблагоҳимиздан келган одам экан. Ул киши Малакдўнгда эканлар. «Боруб, болалар асир бўлдимۇ ёки отилиб ўлдиму, эсон-омон кўрмак муяссар бўлса эди», — деб Юсуфхўжа ва Муҳаммад Зоҳид деган кишиларни юборган эканлар. Алар бизларни олуб, кечалар жўнадук. Қариб юз адад жон, икки волидамиз ва икки ҳамширамиз, булар олти-етти ёшларинда эди, кечалаб бордукки, қиблагоҳимиз Муҳаммад Раҳим Ҳофиз деган халифаларимиз янгида кўча оғзида катта ўт қўюб, хабарга қарас оқ хабар ё қора хабарму ёки ҳаёт кўрмак муяссар бўлур, деб турганларида, бирдан кўчадан чиқиб бордук, ана кўринг, йиғи-сиғи, ҳар ким ўз боласига қучоғини ёзуб, қариб ярим соат йиғламоқ, сўнгра бизларни ва бирга борган ҳамроҳларни(нг) тўйдуруб, пўрсиши аҳвол бўлди. Гўёки бизлар муҳорабадан келган биз.

Бу муҳораба Ботур Тўра аскар йиққандан бўлгон эди, ўзлари қочиб кетиб, Тўрақўргон фуқаросини бадном қилдилар. Мунда эски сипоҳлардан бир неча ададларни анча-мунча етушуб, Муҳаммад Мусо безанжир деган киши бош бўлуб, нодон кишилар ҳар ердан ўқ чиқаруб, Тўрақўргонни ҳам икки кун отув қилдилар. Охир уламр ҳар кўчада неча-неча кишилар шаҳид бўлуб, эртаси жумъа кунни юрт катталарни маслаҳат қилиб, мусолаҳа сўрамоқға Гловачўбга бир хўкуз, бир сабад нон қилиб, уламолардан мулла Абдулвоҳид қози ва бойлардан Раҳматуллоҳ бой, фуқародан Ашурбобо оқсоқол, булар чиқиб Ўрдада турган сараскариа борганларида, Гловачўб қаттиқ сиёсат қилиб сўзлашибдурлар. Айтибдурки: «Нимага эртароқ чиқмадинглар ёки тезроқ кел-

Мадинглар, мунча одам ўлмас эрди», — деганда, жаноби қози домла дебдурларки: «Кеча бизни фуқаролар қўймади, ўзимизга чиқмоқ бўлсак фуқаролар бизларни ўлдурур эрди, мана, ўзлари толиби сулҳ бўлдилар, эмди келдук», — деганда, айри соқол тўра жаҳлдан тушуб, насиҳатга ўтуб: «Русия катга подшоҳдур, сизлар урушолмайсизлар, яхши туруб фуқаролик қилсаларингиз, сизларни бои қиладур, агар жанжал қилсаларинг мана шунга ўхшаган отув қиладур. Фуқароларга айттинглар, сизларга подшоҳдан инъом бериладур», — деб ярошиб, Тўрақўрғонга беш юзча солдатни қўюб, ўзи Намангонга кетган эрди. Намангон халқи ҳам бузулуб, атрофдан келган мусофирлар кўб бўлуб, яқин бир ой бекорга ҳужум бўлуб, бул тўғрида Гловачўб қўлидаги солдатлар, Андижонда Фўлодхон деган чиқиб, юртни ғалва қилиб эди, ани босмоқ учун кетган эди. Намангонда озроқ муҳофаза солдат бор эди. Бу фуқароларни эски нодон сипоҳлар машварат қилиб ҳужум қилган эди. Охир ул-амр Гловачўб Андижондан ярадор бўлуб келган эди. Курдики, халқ ани атвори бузуқ, бекор ғалва бўлуб, муни босмоқ учун хабар чиқардики, эрта отув бўладур, кўчага бола чиқмасун деб, эртаси бирдан чиқуб кўчада кўрунганни отмоқ бўлдилар. Ҳамма қоч-қоч булуб, кўб мусофирлар хонақоҳ, масжидда эрдилар, куча одамлари анда кирганда арқодан кируб, кўб кишиларни отдилар. Ул вақтда ҳеч ким уламою уқалони сўзини олмай, ҳар ким ўз олдиға маст кишидек ўзига бир иш қиладургон кўрунуб, Намангон кўб бефойда ҳужум остида турганда уламолардан қози мулла Гурсун, Муҳаммад Охунд отланиб чиқиб: «Эй мусулмонлар, сизларга нима бўлди, ояту ҳадисга қаранглар, китобларда, бу қилган ишларингиз савоб демайду, бизда подшоҳ йўқ, асбоб йўқ, бул ғазот эмас!» — деб панду насиҳатлар қилсалар, мастдек муштни кўтарган, тўқмоқ ва чўянбош кўтарган жуҳалолар бирдан: «Урунглар, бул киши русиядан ришва олган!» — деб қозикалон домлани отдан йиқитиб шаҳид қилдилар. Муни кўрган уламолар бу фуқароларни алоҳол қўюб юбордилар.

Валҳосил, ўша отувдан сўнг Намангон тинчиди. Ушал вақт куз вақти ҳижрий 1293 инчи, 94 инчисида эди, қавс чилласи бўлса керак. Намангон тамом Русия давлатига ўтди. Бу ишларики, яъни беҳуда фасод ишлар сабаб ўз аҳлимизни беилм ва бефикрликдан бўлди.

Тарихлар ғамһи тоза қилур, лекин мундан аҳли андешалар ибрат олулар. «Хайр ул-калом қалла» деб яна ўз мақсадимизга боролук. Сўз Худоёрхон чиқиши, Фарғона Русия давлатига ўтуши эди. Насриддинхон Хўқандда мустақила бўлуб турган эдики, баногоҳ, Марғион тарафдан Фўлодхон деган киши бош кўтаруб, шуҳрати чиқди. Бул киши Муродхон деганни ўғли эмиш.

## ФЎЛОДХОН ИБН МУРОДХОН

Атоси Муродхон, бир ҳафта хон бўлуб, Мусулмонқул қўлида ўлган эди. Қўрдиларки, Хўқанд хонсиз бир жасади жонсиз қолди. Қирғиз, қипчоқ дарҳол хонзода бўлмаса ҳам отини хонзода қўюб, мақсадлари фасод, оқибатлари биъс ал-маҳод, атрофу акнофдаги талабгорларни йиғиб, уч-тўрт кун ичинда инқилобчи халқлардан кўб бўлуб шаҳарда катта фитна бўлуб, Насриддинхон ҳам буларни фитнасидан хавф қилуб турган эдики, мулло Абдураҳмон офтобачи муқовала илан боруб, Фўлодхонга муъинлик тариқада боруб айдики: «Эмди ишимиз қийин бўлди, бул сафар Русия илан уруш ихтиёрини манга бергил, мундан Ўрунбурга суруб боруб, шуҳратим чиқсун ёки майдони ҳарбда ўлгумни бир чуқурга тиксун!» — деганда, Фўлодхон кўзидан ёш чиқиб бажонидил қабул қилиб, хазинасида бор ақчасини чиқоруб жўнатди. Марғиондан Хўқандга Насриддинхон олдига келди. «Хўқандда устувор турунг, ман урушга кетдим!» — деб мундан жўнади. Фўлодхон олдида уруш тўғрисида онти акид ва қасами шадид ичиб, урушмак бўлуб, Хўжандга келди. Анда ҳеч иш қилмай, балки бутушуб, Фўлодхонни тутуб бермак бўлуб, Хўжанддан Марғионга қайтуб келди.

Офтобачи сўнгидан русия келди. Офтобачи Марғион катталаридан кўб кишини исмини ёзиб: «Фўлодхонни тутуб берсангизлар сизларга ҳеч гап йўқ ва илло, отув бўлурсизлар!» — деган хатни тутуб олуб, Фўлодхон хатга неми ёзилган ким бўлса, бирин-бирин тутуб келтуруб сўйди. Мана, бор хазинасини бериб, ишонган кишини аҳволию қилган мукофоти!

Валҳосил, Фўлодхон қочиб тоғларда юрди. Русия Хўжандга кирганда Насриддинхон истиқбол қилиб олди. Хўқандга олиб кирди. Байъат қилган сабабдан Насриддинхонни жойида қўюб, Марғионга жўнади. Анда, Фўлодхонни манга тутуб беринглар, деб бир

атосини Фўлодхон ўлдурган сипоҳни эҳсон ила буюрди. Ани тоғдан тутуб келдилар. Марғинонда баланд дор қилиб осди. Офтобачи, агар чандики, шунча фасод қилган бўлса ҳам, русия урушмагани учун Уринбургга юборди. Бу ўртада Валихон тўра деган бир девона киши Намангонга русия кирибдур, ғазот қилурман, деб Балиқчи қалъасига келиб, фуқарони беҳуда поймол қилди. Намангонда Ботур деган киши чиқуб, Тўрақўрғонни отдурди. Фўлодхон фитнаси тўғрисидин Исқоблублик пули солди, яъни Марғинонга иштароф солди. Булар ҳаммаси ўзларини бефикр ва беҳунар ва бенглик, сиксати аскарнидан беҳабарликдан тадбирсиз ҳукумати мусулмонияда қонуни аскарний йўқлиги сабаб, зоҳирний ва ботиний иродати Аллоҳга марбут.

Валҳосил, Хўқанд хонлари маҳв бўлуши Саййид Муҳаммад Худоёрхонни ўз фуқароларини беихлослиги, иккинчи, умароларни мухолафати, чунончи, офтобачи, учунчи русия илан ўрталариндаги савдогарни моли йўқолганлигини жавобгарлиги сабаб бўлуб, Тошкандга Гауфман генерал-губернатур олтмиш адад отлик қазақ аскар юборуб чақирганлиги, бу сабаблар илан Хўқанддан жўнамоқ муқаррар бўлуб, кўчлар юклар, етти ароба танга, асбобу адвот, беклар, оймлар, жами саксон ароба кўч илан жўнади. Бу сўзлар ровийси хонни хуфяси ва ҳам маҳрами асроридур. Мулла Ориф мулаққаб бир рикобдан ва ҳам хон илан бирга борган маҳрамлардан:

### ҲИКОЯ

Хўқанддан чиқуб, Маҳрамга бордук. Анда ўрдага тушдук. Мулла Маъруф додхоҳлар бирга ва қазақ аскарлар алоҳида қўндилар. Биз билан эллик адад маҳрам ила қўндилар, хон ухламади, хафаликдан таом ҳам емади, сўздан бир калима сўзламади. Олдига чой олиб кирдим: «Тақсир, тақдири илоҳийдур, нима қиласиз ва нима қиламиз, ўзунгизни хафалик ва ғамга солманг!» — десам, хон айди: «Эй нодон, сан ўз ишингга машғул бўл, мани хонликдан ажраб, хафа бўлган дерсан. Мани хафалигим фуқарони оёқ ости (бўлгани) учун ва мани ниятим бўлак эди, муяссар бўлмади!» — деб таом емадилар.

Кеча ўтуб эрга билан Маҳрамдан жўнадук. Исфисорга қўндук. Кечаси ётуб, эртаси жумъа кунни Хўжандга борилди. Уламо ва фузало истиқбол қилдилар. Хўжанд дарвозасида икки адад русия либосида кишилар



турган экан, тўхталди. Бир хонга салом қилиб дедики: «Ассалому алайкум, хон ҳазрат, қалайсиз, омонмисиз? Сиз ҳам биз тушган йўлга тушдингиз, эмди аҳволингиз шул экан-ку! Биз бир вақт сиздан паноҳ сўраб борганда бизни яқомиздан тутуб, русияга бердингиз, ўлганимиз йўқ, алҳамдулиллоҳ, ҳукуматдамиз!» — деди. «Мусулмон мусулмонга паноҳ берур деб, сўраб эдук, мана, эмди сиз ҳам кўрарсиз!» — деди.

Хон ғайратга кириб: «Қандоғ муртадсан?» — деди. Ул ҳам муртад деди. «Муртад сани айтурлар, юртингни поймол қилиб, мусулмонларни аёғ ости қилдинг!» — деганда, хон қилич суғуриб, ул ҳам қилич олганда аскарлар хонни муҳофазат қилиб, ани жўнатуб юборди.

Ўжандга кирдук, дарё лабида Гулбоғ деган жойга қўндук. Ҳукумат тарафидан жой тайёрланган экан. Анда бир кун туруб, кечроқ Қамолхон тўрани ҳавлиларига қўндук. Анда ул кун турдук. Акромхон тўра илан Мирзо Ҳаким Тошкандга кетган эканлар. Алар келгунларича таваққуф қилунди.

Ғикоб айтур:

«Хон мани хилват қилиб дедики: “Дарҳол отлан, бир маҳрам ол, Тошкандга бор, олти минг танга пул ол, мундан Пискатга бор. Оллобекқулига хатни бер, янги от берсун. Тошкандга боруб, Саййид Азимбойга этгил, биз боруб турибмиз, бизга бир маслаҳат берсунки, жавоби муомала учун шофий сўз керак”, — деб

Анда ман жўнадим. Бир маҳрам илан жўнаб, Пискатга бордим. Кечаси тун ярми эди. Яъқуббек ўғли Ҳақлибек<sup>1</sup> ҳавлисига қўндим. Эшикни базўр очдуруб кирдим. Отларим бўлуб қолди. Ҳақлибек уйқуда экан, уйғониб, дарҳол чиқди. Хон хатини қўлига бердим. «Тезлаб жўнатинг», — деган экан. Дарҳол ошга буюруб, тўйдуруб, янги от беруб, бизлар жўнаб, Тўйтепага боруб, бир дўконда чой ичиб, яна отланиб, намозни асрда шитоб бирлан Саййид Азимбой ҳавлисига келдим. Бой ҳавлида экан. Амонлашиб: «Хўш, нима гап?» — деди. Хонни хатини қўлига бердим. «Хон ҳазрат келиб турубдурлар, — дедим. — Сизга илтимослари бор» — дедим.

Хатни кўруб, афсус қилди. Кўз ёши қилиб дедики: «Сад ҳайф, ислом ҳукумати тамомга етдиму?» — деб дарҳол хизматкорларига буюрди: “Аробани қўш!”

<sup>1</sup> Бу ерда Ҳақлибек сўзи қалам билан ўчирилиб, устига Элбек деб ёзилган (М. Ҳ.).

— деб. Қаласкасини қўшуб, қани юрунг, деб яна сўради: “Ҳеч нима борму?” — деб. Ман: “Олти минг танга пул бор”, — дедим. Айти: “Хўқанд тангаси бўлмайдур!” — деб. Тангани жавониға қўйдук. Беш юз сўм ақча олди. Русия ичига бордук. Бир тўрани ҳавлисига кирдук. Хизматчиси хабар қилди. Ичкари кирдук. Бой илан амонлашиб бўлуб, бой бир неча калима русча сўзлашиб, баъдаҳу мазкур тўра ўрнидан туруб, жавонидан бир китоб олиб, қўб варағлади. Охири бир сатр сўз ёзди. Сайийд Азимбой манга айти: “Мусулмонча ёзинг!” — деб. Дарҳол ёздим. Сўз шул эканки, хон келур, генерал-губернатурни кўргани келур, амонлашур, сўнгра айтурки: “Государ импературни бориб кўруб келасиз!” — дер. Зинҳор хўб демай айтсунки: “Ман юртимга боруб, мамлакатни тинчитиб, ўрнумга нойиб қўйиб, сўнгра борурман?” — десун, деган сўз экан. Ёзиб олдим. Хонга отланиб чопдим. Қелсам, хон Пискалда Юнус мингбошини ҳавлисида экан. Дарҳол кириб, салом бердим. Хилват қилиб, сўзлашдим, хатни бердим. Хон дедиларки: “Биз Тошканд боргунча боруб, бир яхшироқ сўз бўлмасмикин?” — деб яна жўнатдилар. Ул кунни отланиб, Тошкандга чопдим. Яна аввалги йўлимда юруб, бойни олдиға келдим. Яна хон аҳволиға афсус қилиб, ароба илан бир бўлак адвокатга олиб боруб, анга уч юз сўм берди. Ул ҳам китоблар кўруб аввалги сўзлар мазмунини ёзуб берди. Жўнадим. Хон Тўйтепадан чиққан экан. Отдан тушуб, салом бердим. “Отлан!” — дедилар. Отландим. Тўғри келиб Арха бозорида бир боқға қўндук. Икки кеча анда турганимизда Тошканд фуқаролари сайлга чиққандек бизни кўргали келур эрдилар. Хон булардан сиқилиб, бир бўлак жой хоҳлаганда Гловачўб боғига қўндурдилар. Ул ерда уч кун турдук. Мажмуъи беш кун Тошкандда бўлуб, тўртинчи кунни яримподшоҳ яъни Гауфман келур эрмиш, деб шуҳрат бўлди. Хон бир уйда каравотда ўлтуруб эрдилар. Оқ чой ичар эрдилар. Маҳрамлари чой олиб кирдилар, ичмадилар. Танҳо ҳеч кимга гапурмай, кроватда ўлтуруб, бул тариқада тонг отди.

Эрта(си) қиём вақти эди, губернатур келур деган сўз бўлди. Замоне ўтуб эрдик, бир қанча қазоқ аскарлари илан губернатур келди. Келиб турганда хонга кириб: “Яримподшоҳ келиб турубдур!” — дедим. Хон ҳеч индамай, кроватда ўлтуруб эрди. Яримподшоҳ келди, эшикдан кирди. Бир тилмоч илан кириб, хонга салом қилди. Яримподшоҳ хонга қўл узатди. Хон қўл берди.

Хонни қўлини ушлаб туруб, анча сўзлар гапурди. Тилмоч, таржима қилди: “Губернатур хон сиздан илтимос қиладур, бизни государ импературни кўруб келмоқингизни”, — деди. Хон билотаваққуф хўб деди. Шул ҳолда губернатур ёнидан қилични суғуруб, ўшал хон ўлтурсгон уйни деразасига секингина ўрди, ёнига солди. Хайр-хўш қилди. Қайтди. Бу ҳолда хон олдида ҳозир кишидан мулло Маъруф додхоҳ, Мирзо ҳоким фармоначи бирла ман эшикни ташида туруб эдим. Ман дедим: “Э— вой, қани ул қанча ҳаракатлар илан топган сўзларимиз, нимага демадингиз?” Хон: “Ушал сўзлар дилимда такрор эди, аммоки мани тилим мухолафат этди, тилим хўб дегандин кейин билдим”, — деди. “Иш қўлдан кетадурган бўлганда, фуқаро мухолафат бўлганда кишини ўз аъзойи жавораси ҳам мухолиф бўлуруб экан, ўзим ҳам хайрон бўлдим!” — дедилар.

Ҳаммамиз бирдан хафа бўлдук. Йиги-сиги, кўз ёши бўлди. Ушал кун генерал-губернатур дарҳол қоғоз буйруқ чиқарди: “Эртага хон Ўринбурға жўнасуни!” — деб. Хон тақдирға тан қўймай, эмди, маслаҳати ҳаракат бўлди. Хонни раъйи бекзодалар ва ойимларни Тошкандда қўйуб кетмоқ маъқул бўлмади, на учунки, анда ишончлик одам бўлмади. Туркистонда ўзларига қараган эътимодлик кишилар бўлгани учун аҳли аёлларни Туркистонда қўйуб кетмоқ муқаррар бўлди.

Эртаси қиёмда жўнадук. Хон илан етмиш киши эди. Мундан Атобек пойиб қўлида юз эллик адад сипоҳлар ҳам бор эди Тошканддан жўнаб, бир қўнуб, Чимкандга бордук. Анда бу хафаликларимиз устига хон Атобек пойибга бир нима деди. Пойиб хонга бир нима деди. Гина ва афсус тўғрисида бир-бирлари ороз бўлуб, олти юз эллик сипоҳни олиб, Атобек пойиб Чимканддан Хўқандга қайтди. Хон қолган кишилар бирла жўнади. Туркистон борилди. Хон Мусо Али мингбоши ҳавлисига тушти. Бекзодалар ва аёлға алоҳида ҳавли тайёрлаб бердилар. Анда хон беш кун туруб, аҳли аёллар билан видолашиб, Туркистондан жўнадук. Маҳрамлар билан бирга эдук. Туркистондан чиқуб, бир Қулунсурон деган ерга борилди. Анда ётиб, эртаси хон маҳрамларға жавоб бериб айтдики: “Ҳар қайсиларингни аҳли аёлларинг бор, бизни бошимиздаги тақдирға ўзимиз мубтало, сизлар, овора бўлманглар!” — деб, ҳар қайсиларимизга бир мунчадан танга берди, фотиҳа берди. Бизлар қайтдук.

Хон илан бирга кетган кишилар булар эдики, чу-

нончи, мулла Маъруф додхоҳ, иккинчи — Қосим тўқсаба, учинчи — Жамил хазиначи, тўртинчи — Муҳаммад шарбатдор, бешинчи — Хурсанд деган қул, олтинчи — Муллача деган қул, еттинчи — Мирзабой сағир, саккизинчи — Тожи маҳрам деган, биз илан йиглашиб, бу саккиз адад киши бирга кетдилар, биз қайтдук», — деб.

Мулла Муҳаммад Умарбек Андижоний хон маҳрамлариндан бул киши ҳикоят қилдилар андан уёнги ҳолларни.

Камина муаллиф ҳаж сафарига боргонда Жиддада бир киши бир неча кун ҳамқўш бўлуб, неча кун мусоҳабат бўлган. Худоёрхонни хизматчиси Ҳожи Муҳаммаддон деган баён қилди. Кобилдан то вафотигача бўлгон ҳолларни ровийси ул эди. Нурмуҳаммад шарбатдор ўзи ҳам хонни Маккада қўймай, мамлакатга борайлуқ, деб бирга олиб келган киши эди. Бу таърихдан ўн саналар муқаддам вафот қилди. Бул шундоғ эканки, сфтобачи ҳажга бормоқ бўлиб жўнаганда хон эткан эканки: «Ушал тарафдан бир тадбирлик, истейдодлик одам олуб келғил, Макка ва Мадинага така солдурамиз», — деган экан. Мулла Абдураҳмон офтобачи Жидда шаҳридаги Ҳожи Муҳаммадбой Қонибодомийни олиб келган экан. Ҳамма ишларини қўюб, хон йўқлаган, деб ул киши келганда хон давлатлари авжида экан. Ҳожи Содиқ афандини чақируб, хонга манзур қилганда зиёфат қилиб, сарупо беруб, хизмат буюрмай, жўнатган экан. Хон хизмат буюрмаганларида боис нима деганда кўб кўрумсиз, бенамуд кичкина одам экан эмиш. Хон айтубдурки: «Бой афанди, Худо хоҳласа, хизмат буюрамиз», — деб жўнатган экан.

Ҳожи Содиқ Жиддага жўнаб кетгандан кейин офтобачи: «Тақсир кўб қатта бой экан, манга бир така бино қилиб, сарфини манга маълум қилинг деганларида дарҳол қилур эрди, такага боб жойни ҳам олуб келган экан», — деса, хон яна айтубдурки: «Кўп кўрумсиз киши экан, манга унча писанд бўлмади», — деган экан. Бу такага тайинланган ақчани масковчилардан Иброҳимжонбой дарҳол эшитиб, хонга келиб: «Тақсир, бир сўз эшитдим, рост бўлса, мун иўли бор», — деганда, хон: «Хўш, нима сўз?» — деса, айтубдурки: «Маккага така солмоқ учун бир мунча маблағни тайинланган экан, рост бўлса, ани бир йил тижоратга қўйуб, икки чанд қилиб, сўнгра юборуб қилдириш даркор эди», — деганда, хон: «Ани ким қиладур?» — деса, мазкур

Иброҳимжон бой: «Одам кўб бу хизматга, агар киши бўлмаса, мана, биз ҳам бажо қилурмиз», — деган экан. Хонга бойнинг бу сўзи маъқул бўлуб, дарҳол икки минг тиллони чиқаруб, Иброҳимжон бойга таслим қилибдур. Ул киши бу ақча билан Масков боруб, боҳузур айш қилиб ётган эканлар, хон Хўқанддан чиқиб, Уринбурга боруб, анда туруб қолганда, ўзлари алоҳида қўра олиб: «Маккаға борсак, бизга бир така солмоқ учун ақча лозим бўладур. Иброҳимжон бойдаги пулни олиб борсак», — деб одам юбориб, олдуруб, сўзлашуб ўтириб, хон сўз очуб: «Бой, эмди бу хил бўлди, мамлакатдан келдүк, ҳажга борсак, эмди, ўшал такяни ўзимиз солсак, ўшал амонат пулни берсангиз», — деганда хонга жавоб берубдирки: «Эмди ул бенизом шаҳарда ҳар иш ва ҳар маслаҳат сўз қилмоқ анда қолди, сиз мандан ақча талаб қилганда бир ҳужжат даркор, тегишли ерга кўрсатинг, мана судялар бор, топшурунг, ҳужжат бўлмаса, бу бекорчи сўзни айтмоқни фойдаси йўқ!» — деганда, хон айтубдурки: «Ҳо, гап шулму?» — деганда: «Ҳов, гап шул», — дебдур. Хон: «Кўх, кўх, бўлди, бале бой, бизни ишонган амин кишидан чиққан сўз бул», — деб, дубора ҳеч кимга индамабдур. «Худо билсун», — деган экан. Сўнгра Уринбурда баъзи вақтларда сайри шикорга эски одати бўлуб, шикорга боруб, бир неча кунлар шикорда қолиб, яна келиб, неча вақт ўтгандан кейин бир куни овда бир қазоқ ёфисга кира қилиб, Русия тупроғидан йигирма тўрт соатда чиқармоқ уч юз сўмга шарт қилиб жўнаб, бир суткада Эрон ҳудуди-га ўтқузган экан. Анда шоҳ Амир Насриддиншоҳ экан. Анга хат юборуб, сўзлашганда хонни кирмакига қабул қилмай, тўғри Афғон тупроғига ўтуб, афғон амири Абдурраҳмонхон<sup>1</sup> ҳам олмай, тўғри Ҳиндистон тарафига ўтган экан. Бир кичкина бош катта ер юзига сиғмай, эмди Худо ва пайгамбарни даргоҳидин умид этуб, тўғри Афғонистон ичи илан Пишовар тарафига юруб, Пишоварга кирганда хамшаҳарлар истиқбол қилиб, тўғри Пишоварга кириб, Гўрканд деган эски ўрдага тушган экан. Анда неча хамшаҳарлар зиёфат қилиб, сўнгра Лот тарафидан бир маъмур келиб, Худоёрхон аҳволларини сўраганда олдидаги нодон бефикрлар маслаҳати илан, мазкур маъмурга нима муомала қиламиз, деганда бири дебдурки: «Насоро улуғларидан ҳеч им-

<sup>1</sup> Бу исм қалам билан ўчирилиб, остига Шералихон деб ёзиб қўйилган (М. Ҳ.).

дод ёки ҳуқуқи маъош сўраш даркор эмас», — деб, маъмурни саволига ҳеч талаб ва ҳеч арз йўқ деганда, маъмур бул киши: «Фарғонанинг хони эмас, бир ваҳший киши», — деб Лотға ропурт ёзуб қайтарган экан.

Пишоварда хон тушурган ўрдани тамошо қилдук. Абдулкаримбек ўрдасини олдида гулзор, яхши жой экан. Пишовардан Бўмбайга жўнайдургон бўлуб, ҳожибошилар Бўмбайдаги ҳамшаҳарларга тилигром юборуб, хонни истиқболига ҳожибошилар чиқиб, Аҳмадобод деган шаҳарга чиқиб, хонни олиб келиб тушургон Ҳожибошини ўз оғзидан эшитилди. Ҳожи Муҳйиддин Бухорий, Ҳожи Юсуф Али маргинонлик, қори Абдулҳаким Марғиноний, Ҳожи Абдулҳаким Ғузорий ва неча ададлари хонни олиб боруб, уч ошиёналик бир қўноқ Банголага тушурган экан. Сўнгра Бўмбайда неча кунлар туруб, тамошо қилдуруб, сўнгра хонни жўнамоқ бўлганда, Жиддага тилигром беруб, хонни истиқбол қилиб олмоқға эълом этганларида, Жиддада ҳамшаҳарлар каттаси Ҳожи Содиқ афанди бўлуб, ул киши ҳамма гумашта ва одамларига амр қилиб, хонни Ялмам деган эҳромгоҳга боруб олиб келмоқ учун буюрган экан. Хонни Бўмбайдаги ҳожибошилар бир минг рупия жамлаб беруб жўнатуб, неча кун дарёда юруб эҳромгоҳга йигирма адад киши Ялмамга истиқбол қилиб, кичкина ўт ёпурға тушуб, дарё ичинда хон тушган ёпурға боруб, қоғозларини кўрсатуб, копиталлар шоти қўюб, ёпурға олганларида хон буларни кўруб, таажжуб қилуб, бу дарёни ичинда бухорий ҳожилар қайдин чиқдилар, деб турганда, ҳаммалари юқорига чиқиб, хон илан мулоқий бўлуб амонлашганда, хон сўрабдурки: «Сиз қайдин чиқдиларингиз?» — деб. Булар жавоб берубдурларки: «Тақсир, Жиддадан чиқдук», — деганларида: «Жидда яқинму?» — десалар: «Тақсир, бир ярим соатда кўринур», — деб чой ичиб ўлтурганларида йироқдан баланду паст оқ иморатлар кўруна бошлабдур. «Мана Жидда кўрунди», — деб яқин борганда ёпур йироқда лангар ташлаб ҳожилар хонни заврақға солуб олуб сўзлашубдурларки: «Сизлар қайдин, мунда нима ишда?»—деб. Булар жавоб берибдурларки: «Тақсир бизлар ўз қулларидин бўлурмиз, Хўқанддан, Марғинондан ва Андижондан, ҳаммамиз фарғоналик, мунда тижоратда машғулбиз», — деб гумруг, яъни дарё лабидаги божхонага борганда, Ҳожи Содиқ афанди хонни гувоҳномаларини олиб тайёрлаб турган экан. Дарё лабида гумрукхонада хон илан мулоқот қилиб, турк маъмур-

лари Фарғона насли эмиш, «боқалам» деб тамошо қилиб турганда Ҳожи Содиқ афанди тўрт адад файтунларни тайёрлаб, файтунга хон билан Ҳожи Муҳаммад Содиқ афанди ўлтуруб, тўғри Жидда растаси илан юруб, ўзини қўноғига қўндурган экан. Анда неча кун туруб, кўб хурсанд қилиб, охир ул-амр бир кун кечаси чой ичиб ўлтуруб, хон мезбон Ҳожи Муҳаммад Содиқ афандидан сўрабдурки: «Бой афанди, Хўқандга боргаймусиз?» — деганда Ҳожи Муҳаммад Содиқ айтубдурки: «Тақсир, каминна аслим фарғоналик, Конибодомдан бўлурман», — деганда, хон: «Яқинда Хўқандга борганмусиз?» — деса, Ҳожи жавоб берубдурки: «Ҳов, тақсир, офтобачи ҳажга келганда мани олиб борган эдилар, хизматларига бордим, фурсати хизмат бўлмади, буюрилмади, қариндошларимни кўруб келганман, хизматларига борганман», — деганда хонни ўшал, «пакана, кўрумсиз экан» деб, оқчани савлатлик Иброҳимжон бойга беруб, ололмай, хафа бўлганлари ёдларига тушуб, бир қанча фикрга кетиб, сўнгра деган эканки: «Эй афанди, ҳукумат экан, одамни сувратидан билиб бўлмас экан, бизни амин билган кишиларимиз хон ва қаллоб кишилар экан, бизга маъқул бўлмаган кишилар аминуну мусулмон кишилар эканлар, қўлига иш бериб, имтиҳон қилмай, чунончи, мана бизни бошимизга келдики, Иброҳимжон бой Масковчи сизга юбориб, тақя солмоқ бўлганимизда тadbир илан икки минг тиллони олиб, охири инкор қилди, тонди, мана, эшитган одамларимиз ман бул тўғрида сиздан хижолатман», — деганда бой дарҳол: «Тақсир, ҳеч хижолат бўлмасунлар, мана, олдингизда турган жойни тақя учун олуб борган эдим, офтобачи кўрган эдилар. Алҳол ҳам мумкинду. Тақсир, Фарғона аҳли учун бир тақя солмоқ кўбда катта гап эмас, ҳоло ҳам буюрсалар қилурмиз», — деб, тасалли хотир қилган экан.

Раҳматлик бой биз борганда олтинш ёшларинда бўлган, кичкина, соҳиб ақл киши экан. Кўб мусоҳиб бўлган эдук. Тошканд тақясини муқобилинда баланд ошёна ўрдаси бор эди. Мисрлик хотунидан Қосим исмлиқ ўғли мактаби эъдодияда ўқур эрди. Ёшликда вафот этди. Хонни тушурган қўноқларини кўрдук:

Валҳосил хонни уч кун зиёрат қилдургандан сўнгра Маккага тилигром бериб далилга келиб турганини билдурган экан. Ажала теваларга миндуриб жўнатганда далиллар Сафо ила Марва ўрталаринда бир эски ўрда бор экан, анга қўндирган эканлар. Лекин ул ўрдани

юқори ошёнәсида марҳуми Хўжа Қалон эшон Намангоний мужовар бўлиб эканлар. Ул киши илан ўғлилари Юсуфхон тўра ва Амон халифа бирга экан. Бир кун хон Ҳарамда ҳар кун кўриб Ҳазрати эшон марҳумийга изҳори хурсандлик қилиб: «Алҳамдулиллоҳ, мақсади аслийга восил бўлдим», — деб беш вақт номозларини Ҳарамда адо қилиб юганда, иттифоқо бир кун Ҳарамдан хон чиққанда бир киши бир пиёла чой тутган экан. Хон каравотда ўтириб, чойни ичиб турган пайтда бир киши бир катта тош илан отуб хонни оғзига тегиб, икки адад тишлари синган экан. Вақти зобидлар ургучини олиб бориб ҳибс қилгандан сўнгра хонни илож хонага олиб, сўнгра чиқариб, истинтоқ қилганда, бу ургучи Намангон фуқаросидан тўрақўрғонлик Солиҳ саркор деган Ортуқ саркорни ўғли экан. На учун ўз хонингни урдинг, деганда айтибдурки: «Ман бул кишига саркор эдим, Намангонни танобини йиғиб берганимда хазинага зарар қилгансан деб, мани ҳавли ҳарамларимдан жудо қилган эдилар, ҳаётлиқда бир қасос олмоқ мақсадим эди. Бул киши ҳажга кетган деб эшитиб эдим, келиб бул ерда топдим ва урдим», — деганда, тўрт йил ҳибсга ҳукм бўлиб, хондан сўраганда: «Ман афв қилдим», — деганда, икки йил ҳибсда қолган экан. Хон айтибдурки: «Ман Намангонда Муҳаммад Аминбек деган ҳоким қўйган эдим, бул киши ҳар нима қилса ул одам қилгандур, ман андан хабарим йўқ», — деб жавоб қилган экан.

Бир кун Қатта Хўжа эшон хонни таклиф қилган эканлар. Болохонга чиқиб, зиёфат бўлганда хон айтибдурки: «Мани бу Нурмуҳаммад асло қўймайдур, мамлакатга келайлук деб қистайдур. Бунга маслаҳат берсангиз», — деганда, эшон айтибдурларки: «Эмди сиз жанобни ҳукуматларингиз қирқ йил бўлиб, ҳукумронлиғ мунча муддат салтанат сўраган киши ҳавоқийни Хўқандда йўқ, мунга шукр этилса бўладур ва ҳам насиба бўлиб Ҳарам муҳтарамга дохил бўлиб, бу давлат яна марҳамати Аллоҳдур, буни шукрини бажо қилиб, эмди қолгон умрини Ҳарамда ўтқарсалар яхши эрди», — деб этконларида хон: «Ман ҳам шундоқ ўйлайман», — дебдур. Валекин Нурмуҳаммад шарбатдор хонни ўз ҳолига қўймай, мамлакатга олиб кетмоқ бўлиб, жўнаб келган экан. Марҳумий Хўжақалон ҳазрати Юсуфхон тўрага: «Утин ёрсанг, тепада ёрмай, пастга тушиб ёргил, хонни тепасида тарақ-туруқ қилма», — деб хонни рноя ва одобини бажо қилур эрдилар, дейдилар. Бу



тариқада Маккада туруб осойишта экан. Нурмухаммад-ни тарғибига унаб, охири Ҳиндистон ва Афғон илан юриб, дарёйи Амуга яқин Каррух деган ерда Эшони шаҳид деган Ислом шайхни катта муршидлари халифа Доруламон деганни хонақоҳларига келиб, анда ҳужра олиб, истиқомат қилуб туруб, анда Нурмухаммад шарбатдор мамлакатга хабар олиб кетмоқиға келганда хонни ягрин елкасига ўсма яра чиқиб, афғон ҳақимлари кесмак бўлганда, ҳақимлар доруйи беҳуш бермоқ бўлганда, хон қабул қилмай: «Ман умрумда беҳуш бўлган эмасман, ҳушёр турганимда кесинглар», — деган экан. Анда ўткузуб қўйиб, пиёлани оғзидек жойини кесиб олиб, дору қўйуб муолажа қилганда бир ойда тузалуб, ичинда андак жой қолганда хонни бетоблиги даража қилиб, анхўйлик Муҳаммаджон хожа яхши парво қилиб турганда ўшал бетоблигидан сиҳҳат бўлмай, ахийри 1299 инчи ҳижрийда Каррухда вафот бўдилар, раҳматуллоҳи раҳматан ва восиъатан.

Ушал ходим анхўйлик Жиддайн муборакда бизлар илан етмиш кун бир қўшда бўлуб: «Узум қўлимда қўйдим», — дер эрди. «Хонни қабридан бир дарахт кўкарди, қаю хил дарахтлигини билиб бўлмайду. Бир йил қабрда ётдим, сўнгра ҳажга прода қилиб келдим», — дер эрди.

Бар ҳар ҳол хонни Хўқанддан чиқиб, Уринбургда туриб, андан ҳажга боруб, қайтуб келиб вафотларига-ча ўртаси саккиз йил бўлуб, тўққизинчи йилида вафот бўлган экан.

Хонни авлодларидан Насриддинхон, Муҳаммад Аминебек, Саййид Умарбек, Урмонбек ибн Яминебек, Фансуруллоҳбекдур. Булардан Насриддинбек ила Урмонбек ва Фанасруллоҳбек марҳум, бўлаклари мавжуддурлар, чупончи, Муҳаммад Аминебек Тошкандда икки ўғуллари ҳукуматда хизматдадур. Саййид Умарбек, ул киши ҳам Тошкандадурлар. Ибн Яминебек, ул киши ҳам Тошкандда генерал-губернатурни хос маҳкамаларида хизматдадурлар. Бу беклар ичинда ҳаммаларини катта қариялари алҳолда Назирбекдурлар. Бул киши хонни акалари Сўфибегимни ўғлиларидур. Кўб музаввиқ сўзлашадургон муфарриҳ кишидурлар. Тўрақўрғонга ҳоқим ҳам бўлган эдилар. Аввали вақтлардан булар илан ҳар йилда бир маротаба мусоҳабат қилуб турамин. Биз ёшлиқдан иттиҳодмандлигимиз Бинёмин бегимиз иладур. Гоҳи хизматдан фориг бўлган вақтларида марҳамат қилуб келурлар ва гоҳи биз борурмиз, мувосалат

бор. Булар ҳаммалари Тошкандда алоҳида-алоҳида ҳавли-жой қилиб, ҳар қайсылари деҳқончилик ва тижоратларга машғулдурлар ва баъзилари ҳукумат ишида машғулдурлар.

Бу Хўқанд тарихини ҳатм этиб, бу Фарғонада бўлмиш шаҳарларни энг қадимий ва энг ободни бўлган Андижон тарихини ёзмоққа иштиғол этдук.

### ШАҲРИ АНДИЖОН ТАРИХИ

Бу Андижон аввалда Андигон бўлиб, арабийга олганда Андижон бўлур, чунончи, «кофи» форсий арабда «жим» ўқилур. Мана, фаранги лафзи арабда афранжий, бангн банж. Кофи форсий арабда «ж» бўлиб, Андигон араб лафзларида Андижон бўлган бўлса керак. Озарбойгон арабда Озарбайжон ёзиладур ва ўқиладур. Шунга ўхшаш Андижон лафзи асли Андигон бўлса керак. Бу Форсistonдан қўшилгандур, чунончи, бандигон ёки мардигон дегандек. Форсийда гонлар ўрнида мардлар ёки озодагон озодалар деган сўздек. Андигон андлар деган сўз. Анда турклар уруғини ўзбекларини айтур. Бул форсийлар тарафидан айтулган бўлиб, асли Андижон форсийлар, яъни араблар қўлига ўтмасдан аввал ҳам бор эди, чунончи, тарихи «Қутадғу билик»да ёзибдурки Уғузхонни Ҳиндистонга юрганини зикрида айтур. Уғузхон тамоми лашкари мўғуллар илан Талас ва Сарём келди. Тошканд ва Самарқанд ва Бухоро подшоҳлари саф тортиб урушолмадилар, улар шаҳар ва маҳкам қалъаларга беркиндилар. Уғузхон Тошканд ва Сарёмни ўзи қамаб олди. Туркистон ва Андижон тарафларга ўғлонларини юборди. Онлар 6 ойда Туркистон бирла Андижонни олуб, атоси хизматига келдилар, дейдур, яъни Уғузхон замонида ҳам Андижон шаҳри машҳур экан. Уғузхон Бўқухонни саккизинчи бобосидур, яъни Бўқухон Афросиёбни мўғулча исмидир. Афросиёб лақаби Фарран осие деган сўздур. Фаргонани Афросиёб бино қилди. Фарғонадан аввал Қубо бино бўлди, Қубодни вақтида. Аммоки, Андижонни қайси подшоҳни биноси эканлигига муътаמיד тарих ва маълумотимиз бўлмагандан бул тарихларга иктифо қилинди.

Тарихи «Қутадғу» дан мустазод бўлурки, Андижон тўрт минг йилдан муқаддам, яъни Уғузхон вақтида шаҳар бўлса ҳам, андан аввал ҳам ободон шаҳар экан. Уғузхон ҳазрати Нуҳ алайҳиссаломни тўқузунчи ўғли-

таридур. Валҳосилки, Андижон Фарғона шаҳарлари  
ичинда энг аввалги ва қадимийдур. Вақтига келганда,  
Афросиёб Турон подшоҳи бўлиб, Андижонни пойтахт  
қилиб, Кўникдўз шаҳридан гоҳо Тошканд ва Андижон  
қилиб юрар экан. Аммоки, афвоҳи носда қариялар сў-  
лдурки, Андижон аслида Одинажондур. Одинажон  
Афросиёбни қизидурки, анга ўрда ва боғ бино қилиб  
ёриб, ани исмига тасмия қилиб эди. Одинажонни тил-  
ла бузуб, муншира исмини форсийда Авазжон ағлоти  
ном ила Андижон қилган, дейдурлар. Бар ҳар боб эски  
шаҳар бўлуб неча мартаба бузулуб, яна обод бўлуб,  
габодули замон ва инқилобни ошон тузалуб, обод бўлган  
бир эски шаҳардур. Аммоки, «Тарихи фаришта»да ёзи-  
либдурки, Умаршайх ўғли Бобурхон Андижонга саккиз  
юз тўқсон тўққузунчи ҳижрийда ўн чикки ёшида подшоҳ  
бўлди. Тарихи валодатига шул тариқа назм қилибдур-  
ларки:

Андар шаши муҳаррам, шуд он шаҳн мукаррам,  
Тарихи мавлидаш ҳам омад «шашн муҳаррам»<sup>1</sup>.

Аммоки, Умаршайх Мирзо душанба куни чаҳоруми  
моҳи рамазон тисъа ва тисъийна ва самона миъада  
кабутархона тоmidан йиқилиб марҳум бўлди. Бобур  
Мирзо баиттифоқи умаро подшоҳ бўлди. Ул вақтда  
Аҳси подшоҳи Узун Ҳасан подшоҳ эди. Аммо Фарғонага  
Аҳсан Яъқуб ўғли подшоҳ эди, дейдурлар. Муаррих-  
лар бу шаҳарларга назман ёзган тарихлари бул экан,  
чунончи:

«Арал» Андижону, «марал» Марғилон,  
Ба тарихи ҳижрий «ғарал» Шаҳрихон<sup>2</sup>.

Шаҳрихонни Умархон жаннат макон вақтида ул  
киши амри илан Холмуҳаммад додхоҳ тожиқ бино қил-  
ди. 1250 инчи ҳижрийда бино бўлган экан. 1030 инчи-  
даги зилзилада Аҳсиқент бузилган. Мазкур зилзилада  
Андижон ҳам бузилган эди. Яна андан буён Русия та-

<sup>1</sup> Муҳаррамнинг олтисиди ўшал шоҳ мукаррам бўлди.

Туғилиш йили ҳам «шашн муҳаррам» [муҳаррамнинг олти-  
си] бўлди. «Шашн муҳаррам»дан абжад бўйича Бобурнинг ту-  
ғилган йили чиқади.

<sup>2</sup> Андижон тарихи «арал», Марғилонники «марал», ҳижрий  
йил бўйича Шаҳрихонники «ғарал»дир. Бу ерда «арал», «марал»  
ва «ғарал» сўзлари таърих бўлиб, улардан 230, 270 ва 1230  
рақамлари чиқади.

сарруфига ўтгандан сўнг тезроқ ободликга қадам қўйган эдики, 1316 нчи ҳижрийда бўлган зилзила ҳаммаи маълумдур. Анда яна зилзила бўлуб, бузилуб, ҳукуматдан, имдодлар бўлиб, аввалгидан неча даража обод бўлган. Мундан аввалги ободликни билмак бўлган киши «Бобурнома» тарихини кўрса бўлур. Ерларини ҳосилдорлиги, саноатлари ҳаммаси Фарғона бобида ёзилиб ўтди, такрорга ҳожат кўрулмади. Бинобарин, сўзимиз татвил этмай, қаноат этдук.

## ТАРИХИ НАМАНГОН

Намангон янгилик жиҳатидинму ёки биз аҳли ислом диний китобларга аҳамият беруб, тарихларга аҳамият йўқлиги сабабму, бу Намангонга ҳеч ким равшан тарих қилмаган экан. Бу сабабдан бир китоб кўрилмайдур. Қариялар оғзидан оғиз эшитилуб, ҳадди тавотурга етуб, ёнида бўлак қилу қол бўлмай, ҳаммаи масмуъи бўлган равшан сўзлар илан адо қилинадур. Форсий Чунончи, бу Намангон асли намангон эмасдур. Форсий лафзи бирла намақон—намак кондур. Муни маънисини шул эканки, бизни Чигатой тилида асли гонийўқ экан, бу шеваи форсийдур. Чигатойда кон ёки гон ё қон бўладур. Бу лафзи гон конни осон қилибдур. Ёки форсийлар ихтилотин ва ҳам баёни лафзи форсий учун гон деб машҳур ва бу лафзда мазкур бўлди. Чунончи, Намангон аввали ҳолда, яъни мундан тўққиз юз<sup>1</sup> йил илгари ерларда ҳеч ким бўлмаётган биёбон—кўлтўз бўлуб, ул вақтда Бухоро хонлариндан Абдуллоҳхон бу Фарғона тарафларига келиб, ҳар ерга гоҳ сардобалар кавлаб, саққойи мўъмининга чоҳларни тепасига гумбазлар қилиб, кўб халқга нафлик ишларни қилган хон экан. Ул киши бул Намангонни ерига келиб, алҳолда сардоба деган мадраса бордур, // бир чуст ва бир аминлик маҳалладур, ул ерга тушуб, дарҳол сардоба кавлатиб, неча кунлар тутуб, бир тарафи дарё ва бир тараф тоғ ҳавоси яхши учун бу ерга бир шаҳар бино қилмоқ бўлуб, ўз ичларидан бир оғолиқ мансабида турган кишини амр қилиб, шаҳар қилмоқ бўлганда, ўшал ерни дарё тарафи бутун шўр кўл бўлуб ётган туз экан. Бинобарон, намак кон деб, яъни туз кон деб ата-

<sup>1</sup> Тўққиз юз қалам билан ўчирилиб, ҳошнияга тўрт юз ёзиб қўйилган (М. Ҳ.)

ған экан. Бу намак кон лафзини форсийда гон қилиб ёзуб, намакконни намангон деб, бир нуни зоида илан намангон бўлди, асли намаккондур.

Намангон тарихи Абдуллоҳхон тарихидур. Абдуллоҳхонни тарихи «замона хароб»дур, яъни тўққуз юз олтинчи ҳижрийда бўлубдур. Бу Намангон тўрт маҳалла бўлуб, биринчи маҳалла Сардоба маҳалласидурки, аввали Абдуллоҳ сардоба бино қилган еридур. Иккинчи маҳалласи Лаббайтагодурки, ани ваҳҳи тасмияси мулла Бозор охунд деган киши бор эканлар // ул кишини бир жиянлари бор экан. Ҳар икки азиз ўрталари овоз етадургон масофат экан. Гоҳо жиянларини чақирганларида жавобан тағоларига «лаббай, тағо» деб овоз берганларида, аксар кишилар ул маҳаллани «лаббай тағо» маҳалласи деб атаб, «лаббайтағо» мусаммо бўлган бир маҳалладур. Бир маҳалласини «Чуқур кўча» дерларки, ул Намангонни ҳамма кўчасидин чуқурроқ учун Чуқуркўча тасмия бўлган. Ва бир маҳалласи Дегрезликдурки, ул ҳамма шаҳарларда бор, бир жамоа қазон қуядургонлар келиб жойланган бир маҳалладур. Бу Намангонни биносига тўрт юз йигирма етти йил, бул тарихдан ўтмаган бўлса ҳам тезда обод бўлуб, авлиёни киром ва машойихи изомлар бирлан мамлу бир шаҳар ўлуб, булардан сулуки алонияда муршид бўлган Анжир Фағанавий Намангондадурлар. Мулла Бозор Охунд ҳам Намангонда мадфундурлар. Машраби авлиёни ҳавли ва туғулган ери маҳалли махсусдур. Машойихи киромлар зикрларин мунда қилмоқ бўлмади — чойнак (чиқди), қумгон қолди — самавор (чиқилинур).

Бу Намангон атрофида бўлган қасаботлари ижмолан ёзмоқ лозим бўлди. Булардан Намангонни ғарбида бир бозорлик қасаба бу муаялиф ватани аслийсидурки, мунн Дашти қипчоқ хонларидан Аҳмадхон, яъни Шиғайхон бино қилган экан. Ул вақт муаррихлари Аҳмадхон исмига қалъа қилиб, Қалъайхон деб исм қўюб, бу лафз биносига таърих бўлган экан<sup>1</sup>, 861 инчи ҳижрийда бино бўлган экан. Аммоки, Тўрақўрғон демак маъноси Шиғайхонни Юсуф тўра ва Яъқуб тўра деган ўғлилари бино қилиб, Шиғайхон тарафидан Қалъайхон исм қўйсалар ҳам, уларни исмларига Тўрақўрғон деб шуҳрат бўлган эди.

<sup>1</sup> Қалъайи хондан 861 ҳижрий, 1456 милодий йил чиқади (М. Ҳ).

«Таърихи Чинғизия»да Шиғайхон авлодлари ила равшан ёзилгандур. Аввали вақтларда биносида то Русия давлатига ўтгунча бул Намангонни мақарри ҳукмати, яъни пойтахти Тўрақўрғон бўлуб, эскилиги жаҳатидан ва ҳам ислон ҳукуматдорлари бу ерни ўрдқўрғонлар қилиб, аскарни ислонни ватани мақари эди Аммоки, бул ўрда ичинда табаълардан Шоҳ Абдуваҳаб деган киши мадфундурлар. Бирлари Намангончиқадургонда, кўча оғзида мадфундурлар. Ул кишини исмлари Шоҳ Абдулазиздурлар. Ҳар икки азизлар Косон урушида келиб, бул ерда шаҳид қилган экан. Адҳолда ҳар икки азизни лақаблари ила зикр қилинур. Бирларини Қаровул ато ва бирларини Фалосбон ато дерлар. Қаровул ато ўрда ичинда, Фалосбон ато кўча оғзидадурлар. Яна бирлари Мир Шикор ато дерлар. Тўрақўрғонни жанубида тўрт чақирим ерда биёбонда мадфундурлар. Бул азизлар 94 ҳижрийдаги Жарир ибн Абдуллоҳни мўғуллар, илан қилган урушида шаҳид бўлгон араблардурлар. Бу Намангонни ҳокимига қарашли тўрт қасабот бўлуб, Тўрақўрғон, Чуст, Чаҳортоғ, Косон деган ерлар бўлуб, ҳар бири бир беклик ер эди. Намангонда Хўқанддан қўйиладурғон бек ҳавоқини Хўқандни энг катта бекларига бу ўрун берилур эди, не учунки, аввали мақари хонон ва пойтахтлиги сабабдан муни мўътамид ва жасур кишига берилур эрди. Русия давлатига ўтгандан сўнг шаҳар бутун Намангон бўлуб, ҳокимлар ҳам, аскарни ҳам Намангонга нақл қилинуб, Тўрақўрғон бир бўлестлик қишлоқ бўлуб қолди. Алҳолда Тўрақўрғонда асар ва ўрдадан хабар қолмай, табодули даврон ва инқилоби омон бўлуб қолди.

Тўрақўрғонда икки хиштин мадраса ва тўрт пахтазовуд, ўн бешдан зиёда пахта сарой бўлуб, ўртасидан Косон сойи ўтадур. Суви тоза ва ҳавоси покиза бир қасабадурқи, йигирма минг нуфуси бордур. Вассалом!

Таммат, 1344—1925

Қалами Иноятхон Тўрақўрғоний валади Улуғхўжа эшон мархумий:

## «ЖОМЕЪ УЛ-ХУТУТ»ДАН

13—14 ёшимда мактаби адабда меъморсен иштиёқинда эдим. Китобим саҳифасидаги ҳуснихат ва ҳусни-нақш фикрлари кунҳаёт ва таълимлари иштиёқни қалбимда муштағил бўлуб, ҳар хутутлар кўрсам, ваъз таълимларини билмагунча кўнглум сокин ўлмади. Умримни неча муддат бул хутутларга (ёзув ва тилларни ўрганишга — У. Д.) зоеъ этуб, оламин ислом хутутларини билдим. Иброний (қадимги яҳудий — У. Д.) ва сурёний ва юноний ва инглизий хатларин ҳарамайн тариқинда Ҳиндустон мулки Бўмбайда ўргандим. Ҳар бир заввор ва аҳли фазл кишини кўрсам кайфият ва таълимот маолларин андин сўрдим. Алалхусус, Ҳижоз тарафларида ҳарамайн тариқинда Ҳиндустон мулки бўлган Бўмбай шаҳрида неча муддат сукунат қилиб (яшаб) Ҳиндустон муравважи (Ҳиндистонда энг кўп истеъмолда бўлган — У. Д.) арбаи лисон, яъни арабий, форсий, инглизий, ҳиндий хатларин (тиллари ва ёзувларини) ўргандим.

1303 инчи ҳижрийда буларни машоқлик тариқинда саҳфа-саҳфа қоғозга ёки қитъан сангларга ва сатхи девор ва мадраса-масжидлар қабсаларига ёзганим муравварин замон ила бузулиб, манга афсус беандоза бўлди. Бу тариқа ёзмоқдин кўнглум сўлди ва бу сабаб бул хатларни боқий ва тариқ қарори муддао бўлуб ва ҳам миллатимизга ягона бир таърих қолдирмоқ қасдинда ва ҳам олама бир асар қолдирмоқ ният этуб бу мисраъ мужибн:

Асардурки оламга ўлғай нишон,

Киши беасардур кетар бенишон, —

мазмунича ботадвин айлаб, роин соқиб арбоби хасм ва арбоби фазл ва камолларига манзур қилиб, миллатимизга нишон қолдуруб, ҳам миллатимиз лисонин туркий учун умумий туркий илан сартия халқини нафъ олмоқи муддао бўлиб, адабий миллиёна қилмай, равшан туркий қилинди. Миллатимизни(нг) форсийларига иккинчи табъада форсий қилинур ва жамеъ хатларга жомеъ учун «Жомеъ ул-хутут» тасмня эдуб, ўз хатимиз ва ўз тилимиз ва ўз матбаамизда табъ қилмоқ мақсад бў-

луб, таъи шариф, аҳли расо ва қалби латиф, аҳли зақоларга пешкаш қилдим.

Маданият хотирга ўхшаган янги таомил, янги сўз, янги хат жорий бўлуб, эски нимарса, диний ишлар, бўлақлари ҳаммаси билкул қолиб, янги юруб кетар эканлар. Кулли жадидалариндинму, чунончи, зикр бўлган хутути қадималар ҳаммаси янгилар эскидан жорий бўлуб қолур экан. Чунончи, ўзингизда ҳозир турубдур, аён, ҳожат эмас баён, чунончи, чироғ қолди — ламфа (чиқди), чақмоқ қолди — гугурд (чиқди), чойжўш қолди — чойнак (чиқди), қумгон қолди — самавор (чиқди) ҳоказо янги нимарсалар кўб жорий бўлуб қолган нимарсалардек бу усул хатлар ҳам қолиб, янгиси жорий бўлган экан. Хатти даврондин сурёний чиқоруб, сурёнийдин кўфий чиқориб, кўфийдин сулусни, сулусдин таълиқни, сулус ила таълиқдин насхилиқни, насхтаълиқ китобий хатимиздури, 900инчи ҳижрийда Эрон шаҳри Табриз деган балдада Хўжа Мир Али Табризий чиқарганлар. Насх ила таълиқдин мураккаб учун настаълиқ ном қўйганлар. Бул хат Арабистонда жорий эмас. Ҳиндустон ва Бухоро, Туркистон, Фарғона, Қошғар аҳли ислом ораларида жорийдур. Бунга сабаб бу мулкларга Эрон подшоҳларини(нг) ихтилоту бўлуб, Бухоро бўлақларни олуб, ул вақтларда жорий қилган экан. Эронийларни(нг) туронийларни олгани тарих китобларда мазкур ва машҳурдур. Чунончи, Мир Али вазъ хат китоби ҳуснихатдаги маҳорати ва мартабаси аён ва баёндуру. Бул хат китобий ила жорийдур. Аммоки, насх ва таълиқларга махсус китоблари бўлуб, бизни Туркистонда бунга котиб йўқдур. Истамбул, Эронистон ва Ҳиндустонларда сулус котиби кўбдур. Сулуси анвое кўбдур: тавқеъ, таввом, райҳон, зулф, ҳумоюн неча тариқа ёзилур, намуналарин кўрилуру, аҳли иштиёқ завқларин жалб қилур.

Бизларда мабодо бирор шул хил хат ерлардан чиқиб қолса, олим йўқ, мутолаага эҳтиёж бўлганда маътал қолур эрдик, қодир мутолаа киши йўқ, маданият мукамал эмас. Асримиз маданияти бор эрди, бадавиятда эрмас эрдук. Чунончи, оташ ароба, телеграм, телефон, электри фанарлар, неча хил учадурган айрифлон, грамуфун, фотограф, литограф, типограф, анвоеъ мошиналар, афтомобил, велосифид, тилсиз телеграмлар, неча неча ашёи жадидалар, анвойи адидалар — ҳаммаси маъжуд эди... Бу намуналардин муддао буки, ҳар асрда бир олам табодил бўлуб, аср ўзгариб, олам, одам, ашё-



лар — ҳамма (нарса) табдил бўлмоғи бизга сархат-дур. Бунга қараб, ибрат олиб иш тутмак даркор. Аввали ҳолимиз ул, эмди бул олам юриши шул. Бинобарин, тажидиди аҳвол ва атвор ибрат бўлур экан. Шу ўттиз йил бир назар қарасак, кўб фарқлар бор. Оламни илм ва ҳунар даври келган. Кўрасиз, нималар чиқар оламга. Мундан эллик йил муқаддам ўтганлардек, бир мажлисда юз киши бўлса, ўн адад ўқуган киши чиқмас экан, чиқса ҳам илмлари саводдин иборатдур. Аксар тужжорларимиз икки хил хатга олим бўлдилар. Шул маосирлардан бир миёна мусанниф эдимки, илмларим кўрасиз, билмасангиз муосирларимдан сўрайсиз, ҳаммаси аёнду, «Жомеъ ул-хутут»да баёнду. Бу асрларда Туркистон ислолари ҳам анча-мунча маданият тошиб, ҳаводис ва жароидлар воситаси кўб илмларга моҳир бўлдилар.

### СЛАВЯН ХАТИ

Аввалда ҳамма фирқалар ҳам хатни(нг) осон йўлини тополмай, қийинлик илан ёзар эдилар. Осон қилмоқ иложи бўлмай, неча юз йилдан кейин финики халқи Миср ҳарфларидан осонларини ажратиб олиб, баъзисини ўзларидан қўшуб, йигирма икки ҳарф чиқордилар. Шул хатлар 400 йил милоддан илгари чиққан вақтда диний шайхлар қабул қилмай, 800 йил илгари чиққан «демаотика» деган хат олдилар. Ушбу Инжил хати то Искандар Румий асригача ишланиб, финики хати осон бўлса ҳам олмай, «кленофис» деган Эрон хатини қабул қилган эканлар. Финикини чиқорган одамни(нг) меҳнати бекор кетмай, Шомда тартиб бўлган ушбу финикини оромийлар, яҳудийлар қабул қилиб олдилар. Араб ҳарфига ҳам финики ҳарфидан аралаштурганлар. Юнонлар ҳам саккиз ҳарфни финикидан олиб, 14 ҳарф... юнон хатидан эди. Илгари юндилар ҳам ўнгдан сўлга қараб ёзар эдилар. Италёнлар ҳам юнондан олганлар. Аммоки, ҳаммадан осон ҳарф ва сифирлар лотин ҳарфларидур.

Искандар Румий Кичик Озияни олганда ва ҳам они ўрнига бўлган подшоҳлар юнон хатини ёзмоққа буюрганлар ва ҳам Мисрда турган юнонлар Миср тилини юнон хати илан милоддан уч юз йил ёзганлар. Юнонларни(нг) ери Таврид русия Кафказида бўлган сабабдин алардин олганлар. Русиялар қадим вақтда ўлукларини куйдуруб, ани қабрига тошга тарихини ёзар эдиларки, уруғ ва насабда подшоҳлари асрлари ҳам-

масини айдилар. 1000 инчи милодийда бир араб Русия мамлакатига келиб, бир оқ ёғочга ёзилган хатни кўрди. Андин қиёс қилурки, илгари Русия ва славянлар ҳам тошга ва ёғочга ёзар эканлар. 750 инчи йилда бир файласуф олим Константин Кирилл славян алифбосини чиқарган 38 ҳарф илан, 24 ададини юнондан олуб, 14 ададини славянлар ўз ҳарфлари эди. Аммоки, Инжилни шариф аввали юнон забонида экан, сўнгра 1057 инчи милодийда юнон забонидан славян забонига таржима қилинган ва ҳам аввал ҳарфлар илан ёзилган, ёзгучи киши Остромероф деган киши эди. Бу славян ҳуруфлари чиққандан то Петр Велики асригача ишланиб сўнгра Петр Велики тартиблаб яхши қилган эди.

Осонроқ йўлни тофуб, анда ёзмоққа буюрганлар эди. Ул асрда ҳуруфотлар босма бўлган бўлса ҳам, кўп ёзувдан ҳеч фарқи бўлмай, машаққат эди. Алҳол ул асрдан то икки юз йил ўтуб, қанча тамаддун ва тараққий бўлди. Юз йил катта назира ва ўлчов экан... Ҳамма хат — насроний ва яҳудийлар бундан чиқиб, оламга сабаби куллий бўлуб, умури идораи олам бул хатлар илан барпо бўлуб, оламини обод қилибдур ва бу даврлар эмди, ҳатто, Овруфиюнларни ёзмоқ зарурдир.

Алҳол Евруфа ҳуруфлари ва калималари бу вақтда жаридалар, эълонлар, фирискурант, каталог, афтика коғозлари, чой, валҳосил, Раси ишини(нг) ҳаммасида бул хат (кирилл хати — У. Д.) ёзилган. Мушоҳада ва мутолааси зарур. Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварага ҳаг қилмоқ инглиз, франсавий зарур, дорихона борганда лотинча зарур. Ҳиндустонга хат қилинса, инглизча бўлмаса олмайдур, Эронистонга франсавий. Биз Туркистон(ликларга) биринчи заруримиз русия хатидурки, муни қози(лар) инкор қилмаслар. Ахборнома, рапурт ёзарлар, ўзлариға зарур, мударрисларга бўлса, ўрусча биладурган киши(га) ақча бериб, рапурт ёздирадурлар, аларга жуда зарур. Савдогар Масковдан мол ёзмоққа зарур ҳукумат хати бўлуб, эҳтиёжи халқулло ҳамма жиҳатдин буни билмак зарурлиги бадеҳий (кўриниб турган ҳақиқат — У. Д.). Баъзи уламоларимиз ўзлари Ҳадиси Набавий калималарин мутоалла қилиб туруб инкор қилурлар. Агар динга хат зарари бўлса эди, Набийиуна алайҳиссалом котиб васийларини суръний ва яҳудий ўрганмакка амр қилмас эдилар.

## ЛУҒАТ

### А

абу-л-башар — башарият ота-  
 си, яъни одам  
 авзо — вазият  
 авло — яхшироқ, тузукроқ  
 авон — вақт, давр  
 адил — мованд, ўхшаш, тенг  
 адим ул-иститоат — қудрат-  
 сиз, имкониятсиз  
 азал — бошланиш, ибтидося,  
 помаълум ўтмиш замон  
 азл — бўшатиш, четлатиш,  
 тушприш  
 анмма — имомлар, дин пешво-  
 ларп  
 айман — Арабистонда бир жой  
 номи  
 акноф — томошлар, тарафлар  
 акнуи — энди, шу вақт, шу  
 лаҳза  
 ақобир — энг улуғлар, энг  
 катталар  
 алаахусус — хусусан  
 аласту — мен эмасми?  
 алкан ул-лисон — тили дудуқ  
 алҳол — ҳозир  
 алфоз — нафзалар, сўзлар  
 алфози қабиҳа — ёмон сўзлар  
 аммо баъда — шундан сўнг  
 амн — хавфсиз  
 ан-асл — асли  
 анбиё — пайғамбарлар  
 анбиён изом — улуг пайғам-  
 барлар  
 анвоъ — навлар, хиллар  
 анжом — охир, тугаш, сўнг,  
 натижа

анзор — назарлар, қарашлар,  
 текшириш  
 аном — одамлар  
 ашқариб — яқинда, тез фур-  
 сатда  
 аодий — душманлар  
 арз — баён, маълумот; ер, за-  
 миин  
 арзоқ — ризқ, насиба  
 асбоби ҳарб — уруш асбобла-  
 ри  
 асфал — энг паст, энг қуйи  
 афвоҳ — оғизлар  
 афвоҳи носда — одамлар оғзи-  
 да  
 афлок — фалаклар, осмон  
 афъол — феъл-ҳаракатлар, қи-  
 лиқлар  
 ашрор — бадкирдорлар  
 аълам — донишманд, доно  
 аъно — яъни  
 ақабинда — орқасида  
 ақаллият — озчилик  
 ақбо — қийинчилик  
 ақви — улуғлар, кучли  
 ақдае — муқаддасроқ  
 ақолими сабъа — етти иқлим,  
 ақрон — яқин, тенг  
 ақсон Шарқия — Узоқ Шарқ  
 аҳабб — жуда сеvimли, энг  
 яхши  
 аҳад — бир, ёлғиз  
 аҳком — йўл-йўриқлар, нивом-  
 лар  
 аҳфод — авлод  
 аҳмар — қип-қизил, қизил  
 аҳодис — ҳадислар

ақсай — гүзал, аъло, энг яхши

## Б

базл — инъом, эҳсон, ҳадиа  
базла — ёқимли сўз, шеърни ёқимли ўқип  
байзо — шок, равшан, оқ  
байнида — ичда, мобайнида  
байъат қилмоқ — бирор кишини ёки ҳукмдорни ўз устидан ҳоким деб тан олмақ  
балда — шаҳар  
балиги аён — ошкора балоғат эгаси, сўз устаси  
бар давр осудахол ва бар аср форигбол — ўз даврида тинч ва ўз асрида хотиржам  
бар ҳар ҳол — ҳар ҳолда  
бараҳна — яланғоч  
бардуш — елкада, елкага  
баста — боғлиқ, банд, боғланган  
баъд — кейин, сўнг  
баъдаху — ундан сўнг  
баъида — узоқ  
бақоё — қолдиқлар, боқимандалар  
багайри ҳақ — ноҳақ  
беадил — тенги йўқ, ўхшаши йўқ  
беҳамто — тенгсиз  
билкул — бутунлай, тамомия  
биъсал миҳод — ёмон ўрин  
бовужуди — шундай қилиб  
боний — бино қурувчи, қурувчи  
ботил — бузилган, беҳуда  
боқе — боқийлик  
бун — паст  
бурудат — совуқлик  
бурқаб — парда, ниқоб, ҳижоб

бурҳон — далил, ҳужжат, гувоҳ

## В

валасавфа юътика раббука  
фатарза — тез орада сенинг  
Раббинг сенга ато қилади  
ва сен рози бўласан (оят)  
вар — ва агар сўзининг қисқаргани  
васф — таърифлаш, мақташ  
вахдат — бирлик, яккаю ягоналик  
вожиб — шариятда бажарилиши зарур бўлган нарса  
вожиб ул-вужуд — борлиги, мавжудлиги зарурий, яъни Худо  
восил — эришувчи, етишувчи

## Г

гардин — ҳаракат, айланиш, юриш  
гири — йиғи  
гирибон — ёқа, кийим ёқаси  
гумашта — бирор ишни олиб боришга, бажаришга вакил қилинган киши  
гумрукхона — божхона  
гўш — қулоқ  
гўни айламоқ — эшитмоқ; қулоқ солмоқ  
гўнимол — жазо

## Д

дабистон — мактаб, адаб ўргатадиган жой  
далил — йўл бошловчи; ҳужжат, асос  
дастраст — етишиш, имконият  
дарж — киритиш, қайд этиш

дахл — бир нарсанинг ичига кириш, муносабатда бўлиш; алоқа, аралашини, суқулиш. Бу ерда «Дахллик пули» — «контрибуция пули» маъносида

дахана, даҳона — дарвоза, чегарадан кириш жойи

дахоқин — деҳқонлар

домод — куёв

домон, доман — этак, ўнгир

дун — разил, пастканш, бузуқ

дуруди номаъдуд — беҳисоб саловотлар

## Ж

жабҳа — мапглай, пешана, юв

жавор — ҳамсоя, яқин

жалло — гурбатда бўлиш, ватандан айрилиш

жовидон — абадий, мангу, доимий

жинон — жаннат

жорий — юрувчи, истеъмолдаги

жория — чўри

жулус — ўлтириш; мас., тахтга ўлтириш

## З

забар — уст, устки; баланд, юқори

завор — сафар қилувчи, ажнабий

завжа — хотин, аёл, жуфт

завол — йўқ бўлиш, сўниш

заврақ — қайиқ

зайл — этак, бир нарсанинг охири

закий — тоза, покиза, покиза табиатли

зарфинда — ичида

завал-уқул — ақл эгалари

зирих — зирак, ҳалқа, псирға; ўқ ва тиг ўтмайдиған уруш кийими, совет

зобит — забт этувчи, бошқарувчи, офицер

зобита — қонда, тартиб, дастур

зоҳир — кўриш, очиқ-ошкора

зул-уқул — ақл соҳиблари

зулфиқор — Ҳазрати Алининг икки дамли қиличи

зуннор — христанлар белбоғи

зуфунун — илм, ҳунар эгаси, донишманд

зуҳр — куннинг ўрта вақти, кун ўртаси

зуҳур — зоҳир бўлиш, кўришиш, пайдо бўлиш

## И

ибо — тортиниш, кўнмаслик

иддао — муддао, орзу, даъво

ижтиҳод — саъй-ҳаракат, тирилиш

иктисоб — касб қилиш, ўрганиш

иктифо — қонмоқ, чегараланмоқ

иложхона — касалхона

имгиноъ — тортиниш, чекиниш

инд ал-баъз — баъзиларнинг назарида

инжимак — рапжимоқ, хафаланмоқ

инжу — марварид

инналоҳи бариун минал мушриккин — Оллоҳ таоло покдир, мушриклардан ҳолидир (оят)

иннон — жилов, тизгин, олд

иноятнома — лутф ва марҳамат мактуби

**миқийд** — бўйсунуш, берилиш  
**миқизо** — тақозо, охир, тугаш  
**миқилоби овор** — замоннинг  
 зайли, ўзгариши  
**Ислонбул** — Истанбул  
**истиво** — кун ўртаси, туш  
 пайти, қиём вақти  
**истиқдол** — мустақиллик  
**иттиҳод** — бирлашиш, қову-  
 шиш, бирикиш  
**ихтилот** — аралашув  
**ихтилоф** — қарама-қаршилиқ,  
 келишмовчилик  
**иштиғол** — шуғулланиш, маш-  
 рулот  
**иғфол этмак** — ғафлатда қол-  
 дирмоқ  
**иҳроқун бин-нор** — оловда  
 куйган

## Й

**йуз** — овчи ит, гепард

## К

**каёсат** — ҳушёрлик, донолик  
**к-ал-анъом** — ҳайвонлар каби  
**каломи қадим** — яъни Қуръон  
**карг, каркадон** — каркидон  
**карим** — сахий, олижаноб  
**козиб** — ёлғончи  
**комрон** — ўз мақсадига эриш-  
 ган, бахтли  
**коғаз** — қоғоз  
**«кун» ибораси** — кун арабча  
 «бўл» дегани, бу ерда, Ху-  
 доий таолонинг «кун», сўзи  
 билан еру осмонларни ярат-  
 ганига ишора  
**комкор** — ҳукмрон, подшоҳ  
**кулли** — тамомила, бутунлай  
**курран арз** — ер курраси  
**кутуб** — китоблар  
**куффор** — кофирлар  
**кўш** — ҳаракат қилиш

## Л

**лавлока ламма халоқту-у-аф-  
 лок** — сен бўлмасанг, фалак-  
 ларни яратмас эдим (оят)  
**лафз** — сўз, ибора  
**лаҳву лаъб** — ўйин-қулгп, кўн-  
 гил хуши  
**лисон** — тил  
**ло будда** — зарурий  
**ло мутаноҳий** — тугалланма-  
 ган, чегараланмаган  
**ло ратаб вало ёбис фи кито-  
 бин мубни** — ҳўлу-қуруқ рав-  
 шан китобда... (оят)  
**луъбат** — ўйин, ҳийла-найранг,  
 ўйинчоқ

## М

**мабдаъ** — бошлапиш  
**мабъус** — юборилган, элчи қи-  
 линган  
**маваддат** — дўстлик  
**мавзий** — жой, ўрин, ер  
**мадфун** — кўмилган  
**мазбур** — ёзилган, битилган  
**мазбўт** — забт этилган, қайд  
 қилинган  
**мазоқ** — маза, таъм  
**макнун** — яширилган, махфий  
**макфуф** — ташланган, тарк  
 этилган  
**малиҳагўй** — ширин сўз, дил-  
 каш  
**малулият** — раижиш, азият че-  
 киш  
**мамдуҳ** — мақтовга лойиқ, га-  
 залда мақталаётган киши  
**мамолики баъида** — узоқ мам-  
 лакатлар  
**ман вазаҳа мўъминан фа-кан-  
 намо аҳёҳу** — кимки бир  
 мўъминини... уни тирилтир-  
 ган билан тенгдир. Бу ерда,  
 феъл ногўғри ёзилган:

манкуҳа — никоҳланган хотин  
мансужот — мато, материал,  
газмол  
мансух — эътиборсиз, амал-  
дан қолган  
маншаъ — бир нарсанинг ке-  
либ чиқиш жойи  
манқабача — мақталган ёки биг-  
рор хизмати баён этилган  
асар  
манҳуса — паҳс  
маойиб — айблар  
маосир — мақбул ишлар  
маъол — мазмун, натижа, оқи-  
бат  
маоний — маънолар  
марбут — боғланган, алоқали  
марзия — эмизувчи  
мароҳил — манзиллар  
мароҳиқ — балоғатга етмаган  
бола  
марқад — қабр  
масқанат — фақирлик  
маснуот — яратилган нарсалар  
маснуоти илҳий — Худо то-  
монидан яратилган нарсалар  
масрур — хурсанд, шод  
масруф — сарф этилган  
мастур — ёзилган, чизилган  
мастур — ниқобли, пардали  
матбуъ — ёқимли, маъқул,  
манзур бўлган  
матрук — тарк қилинган, таш-  
ланган, йўқолмоқ  
мафҳум — фаҳмланган, тушу-  
нилган  
маҳмул — юкланган, ортил-  
ган  
машоҳири суфийон — сўфилар-  
нинг машҳурлари  
маъво — бошпана  
маъдум — йўқотилган

маъкулот — ейиладиган нарсалар,  
озиқ-овқат  
маъруф — таниқли, машҳур  
маъсият — гуноҳ  
маъшар — одамлар гуруҳи,  
йиғин  
мақарри ҳукумат — ҳукумат  
жойлашган ер, пойтахт  
мақтул — ўлдирилган  
меҳтар — буюк, улуғ, катта  
миёна — ўрта, ўртача, бел  
мин — ...дан  
минбаъд — бундан сўнг  
моида — тузалган дастурхон,  
зиёфат  
момиқ — пахта  
мосуво — бошқа, ташқари,  
ўзга  
мофийҳи — ундаги, унинг ичи-  
даги  
муаррих — тарихчи  
муассиса — таъсис этувчи, пай-  
до қилувчи  
мубайян — баён қилган, аён,  
ва равшан бўлган  
мубдиъ — ихтирочи, яратув-  
чи  
мубин — очиқ, равшан  
мувадда — дўстлик  
муваҳҳид — яқка худоликка  
ишонувчи  
муваҳҳиш — ваҳшатга солув-  
чи, кўрқинчли  
мувосалат — борди-келди, кў-  
ришиб туриш  
муддати мадид — узоқ вақт  
муҷмалан — қисқача  
муҷиб — сабаб  
муҷовир — доим турувчи, му-  
қим  
музмаҳил — топталган  
музоҳамат — нотинчлик, заҳ-  
мат  
муковванот — яратилган нарсалар,  
мавжудотлар

мунис — улфат, ҳамдам  
 мункир — инкор этувчи, то-  
 пувчи  
 мунозаъат — низолашиш  
 мунқод — бўйин этувчи  
 муноҳазим — бузилган, енгил-  
 ган  
 муноҳасиф — тўтилган, нури  
 тўсилган  
 муованат — ёрдам, кўмак  
 муоyna — аён  
 мураввиж — ривожлантирувчи  
 мурассаъ — қийматли тошлар  
 билан безалган, қийматли  
 тошлар қадалган  
 муруфаа — шаръий шикоят,  
 еудлашув  
 Муртад — айниган, диндан  
 қайтган  
 мург — афсонавий ҳаққуш,  
 парранда  
 мусаллам — тобе бўлган, тас-  
 лим бўлган  
 мусаммам — бир ишга қатъий  
 қарор берилган  
 мусораат — шошилиш, суръат  
 этиш  
 мусолаҳа — сулҳ, ярашув  
 мустаҳаб — шариадда амал  
 қилинадиган қонда, маса-  
 лан, ҳожат ушатгандан сўнг  
 сув билан покланиш ва  
 бошқалар  
 мустаманд — ғамли, қайғули,  
 гирифтोर  
 мустамид — кўмак истовчи,  
 ёрдам талаб  
 мустаҳсан — маъқулланган,  
 мақталган  
 мутаватин ер — жойлашган,  
 ватаи тутган ер  
 мутаноҳий — тамомига етган,  
 тугалган  
 муташарриъ — шариад қонда-  
 сига тўлиқ амал қилувчи

мутиъ — итоат этувчи, бўй-  
 сунувчи  
 муттафиқ — келишувчи, якди  
 муфарриҳ — шодлантирувчи,  
 суюнтирувчи  
 мухобара — ёзишма, хабар  
 мухталит — қорипшиқ, аралаш  
 мухталиф — ҳар хил, турлича  
 мухолиф — тескари, қарама-  
 қарши  
 мушоввали — тапвишли, па-  
 ришон, беором  
 мушаддад — шиддатли  
 муширик — ширк келтирувчи,  
 кўп худодликка ишонувчи  
 муқайяд — тааллуқли, боғлан-  
 ган  
 муқовамат — қаршилиқ  
 муқовала — битим, шартнома  
 муқотола — қатл, уришиш  
 муътамид — ишончли  
 муҳораба — уруш, жанг  
 муҳосара — қамал  
 муқофизат — сақламоқ, му-  
 ҳофаза қилмоқ

## Н

набий — пайғамбар  
 наврас — ёш, ўспирин, янги  
 ўсиб келаётган  
 надам — афсус, пушаймон,  
 ҳасрат  
 надим — дўст, ўртоқ  
 нажжор — дурадгор  
 намаъдуд — ҳисобсиз, сон-са-  
 ноқсиз  
 наф — фойда, манфаат  
 нақд — бойлик  
 нағамот — куйлар, оҳанглар  
 наҳж — тартиб, кўриниш  
 наҳну нуқиссу ала аҳсан ул-  
 қисал — биз сенга энг яхши  
 қиссаларни ҳикоя қиламиз  
 (оят)



наҳс — ёмон, ҳусул қилмаган,  
лопоқ

писор — фидо, сочпш  
ниҳод — табиат, сифат, таъб  
новдон — тарнов  
нозил бўлмоқ — тушмоқ  
ноком — истагига етолмаган  
нокор — яроқсиз  
номашруъ — шарпат қонда-  
сига хилоф  
носиҳ — насихат қилувчи, на-  
сихатгўй  
ноқисе — нуқсонли, камчилиги  
бор  
нуамо — неъматлар  
нуерат — зафар, ғалаба, кў-  
мак, ёрдам

## О

обдон — катта, энг қимматли,  
овон — вақтлар, муддатлар  
оёт — Қуръон оятлари  
озар — ўт, олов; қавс ойининг  
бошқа бир номи  
озурда — озор чеккап, ранжи-  
ган  
олами фоний — ўткинчи дунё  
ом — умум, омма, халқ  
онти ақд — кучли қасам, қа-  
сам (онт) ичмоқ  
орий — маҳрум, яланғоч, бурч  
отил баён — баёни қуйида  
келади  
охир ул-амр — патижада, сўн-  
гида  
ошуфта — мафтун, ошиқ, га-  
ришон

## П

пироҳан — кўйлақ  
помол, паймол — бёқ остида,  
қолган, эзилган  
пўш — кийим, либос

## Р

рабту забт — боғлашиш ало-  
қаси  
Ражаб — ҳижрий йил ҳисоби-  
нинг еттинчи ойи  
ражо — умид, тилак  
разийаллоҳу анҳу — Оллоҳ ун-  
дап рози бўлсин  
рамз — имо, ишорат  
раъй — фикр, қараш  
риё — иккиюзламалик  
риқоб — узанги; ҳузурда  
юриш; қул  
рожиъ — боғлиқ, тегишли, қай-  
тувчи  
роғиб — мойил, хоҳловчи, та-  
лабгор  
ройи соҳиб — фикри ёруғ  
рўъб — қўрқув, ваҳима

## С

сабаби куллий — асл сабаби,  
моҳияти  
сабий — гўдақ  
сайф — қилч  
салламаҳуллоҳ — Оллоҳ уни  
саломат қилсин  
самип — қимматбаҳо  
самий — эшитувчи, тинглов-  
чи  
сандалий — сандал ранг, сан-  
дал ёғочдан ясалган курси  
саноеъ — санъатлар, ҳунар-  
лар, бадиният  
сардия — сартия, сартлар  
сардоба — сув сақланадиган  
чуқур ҳовуз  
сарир — тахт  
сарийъ — тез, суръатли  
сарозир — букилган, эгилган  
сарубун — бошдан-оёқ

**сатр** — парда, ёшиш, берки-  
тиш  
**саҳо** — сахийлик  
**саҳв** — хато, янглиш.  
**саҳоб** — булут  
**саҳоба** — пайгамбарнинг дўст-  
лари, у билан ёнма-ён юр-  
ган кишилар  
**сийм** — кумуш, бойлик, ку-  
муш тавга  
**сикка** — тамга урилган, олтин  
ёки кумуш тамга  
**сила** — инъом, бахшиш  
**сипоҳ** — аскар, қўшин  
**сирож** — чироғ, ёруғлик  
**сирот** — кўприк,  
**сиққа** — сўзи ишончли, ино-  
са бўладиган  
**содот** — сайидлар, мўътабар  
кишилар  
**сонъ** — яратувчи, пайдо қи-  
лувчи  
**сония** — иккинчидан  
**солор** — аскар бошлиғи, бош-  
ляқ  
**сувар** — суратлар, шакллар;  
ташқи кўринишлар  
**сукун** — бирор жойда туриш,  
тўхташ  
**суманбар** — оқбадан, гўзал,  
севгили  
**сунний ул-мазҳаб** — сунний  
мазҳабдаги киши  
**сухансанж** — сўз устаси, сў-  
замол  
**Сухо** — Хулкар буржидаги юл-  
дузларнинг энг хираси

## Т

**тааддуд** — савалиш, кўпайиш  
**тааййуши афъол** — ёқимли  
фёлу ҳаракатлар  
**таашшуқ** — ошиқлик, севиш

**табдил** — айбланш, ўзга-  
риш  
**табодули замон** — давр ўзга-  
риши  
**табъ** — табиат, характер  
**таваққуф** — тўхташ, тек ту-  
риш  
**тавзиҳ** — изоҳлаш, шарҳлаш  
**таворих** — тарихлар  
**тавр** — тартиб, йўл, равиш  
**тавҳид** — Оллоҳнинг ёлғизли  
гига ишониш, ягона деб  
ҳисоблаш  
**тавқиф** — тўхтатиш, тўхта-  
тиб қўйиш, бандга солиш  
**тадвин** — китоб ёзиш, тўплаш  
**таждиди унвон** — мансабни  
янгилаш  
**такия, такия** — дарвешларнинг  
махсус турар жойи, уму-  
мий ётоқхона, суяпчиқ  
**талаба** — талаб қилувчилар,  
илм олувчилар  
**талаф бўлмоқ** — йўқолмоқ  
**талъат** — чеҳра, юз, гўзаллик  
**тамаввуж** — мавжлаиш  
**тасарруфига ўтмоқ** — қўл ос-  
тига ўтмоқ  
**тасмия** — от қўйиш, ном қў-  
йиш, аташ  
**тасхир** — қўлга киритиш,  
амри остига олиш  
**тасҳиҳ** — тузатиш, хатоларни  
тўғрилаш  
**татвил** — узайиш  
**тафосир** — тафсир. Қўръон  
оятларининг шарҳи  
**тафтиш** — тергов, текшириш  
**ташаббуҳ** — ўхшашлик, ўхша-  
тиш  
**таъдиб** — адаб бериш, жазо  
бериш  
**таъдил** — тўғрилаш, тузатиш  
**тағйир** — ўзгартириш, ўзгариш  
**таҳта с-само** — осмон ости

теъдод — ҳисоблаш, сон,  
миқдор  
тижорат — савдо-сотиқ  
тийбат — яхшилик, хуштаби-  
атлик, хуш ислик  
тир — ўқ, камон ўқи, ёй ўқи  
тугро — подшо фармонининг  
бошида келтирилладиган исм  
ёки лақаб

## У

убур — ўтиш  
увлул абсор — узоқни кўра  
олувчилар  
улё — энг олий, энг юксак  
умаро — амирлар  
умм — она  
уммол — амал қилувчи, иш  
кўрувчи  
уруж — юксалиш, юқори кў-  
тарилиш, кўкка кўтари-  
лиш  
уқало — ақллилар, ақл эга-  
лари

## Ф

фавокиҳ — мевалар  
фавт — вафот, ўлим  
фасиҳ — очиқ, равшан, чирой-  
ли сўзловчи  
фасиҳ ул-баён — чиройли баён  
этувчи, сўз устаси  
фаҳи — ёмон сўз  
фехраст — китоб мундарижаси  
фириб — алдамоқ, алдаш  
фонқ — юқори, устун  
фоний — йўқ бўлувчи, йўқо-  
лувчи  
фосиқ — ёмон ишлар қилувчи,  
ёмон йўлга юрувчи

фузало — фозил кишилар,  
олимлар  
фуъоли мо юрид — яратувчи  
нимамаки хоҳласа

## Х

хавос — хосиятлар  
хавоқин — хонлар  
хайр ул-калом — сўзнинг ях-  
шиси  
хайр ул-калом қалла — сўз-  
нинг яхшиси—озги  
хатми Қуръон — Қуръонни  
бошдан-оёқ ўқиб чиқиш  
хивзи иктифо — хотирада сақ-  
лаш билан кифояланиш  
хишт — ғишт  
хиштин — ғиштан қилинган  
хилқат — яратилиш  
хоб — уйқу  
холиқ — яратувчи  
холиқ ул-халқ ва с-само ва  
соний ул-кавокиб ва-л-ҳа-  
во — маҳлуқот ва осмонлар-  
ни яратувчи, юлдузлар ва  
фазони мавжуд қилувчи  
хулафойи киром — азиз хали-  
фалар  
хулиқа лакум мо фи-л-арзи  
жамийан — ер юзидаги бар-  
ча нарсалар сизлар учун  
яратилди (оят)  
хур — қуёш  
хурондан — овқатлантирмоқ,  
ичтирмоқ  
хуруж — чиқиш

## Ч

чаҳ, чоҳ — чуқур, қудуқ  
чаҳор ёри изом — тўрт улуғ  
дўст, яъни Абу Бакр Сид-  
дик, Умар, Усмон ва Али

шарорат — ёмонлик, ярамас-  
 лик  
 шафий — воситачи, ҳимоятчи  
 шафоат — восита бўлиш, ҳи-  
 мояга олиш  
 шарқовот — бадбахтлик  
 шаҳодат топмоқ — шаҳид бўл-  
 моқ  
 шиноот — ёмон ишлар  
 шомил бўлмоқ — ўз ичига ол-  
 моқ, иборат бўлмоқ  
 шорий — диний қонун-қоида-  
 ларни тузувчи, қонуншу-  
 нос  
 шофий — исломдаги тўрт  
 мазҳабнинг бирини тузган  
 имом Абу Абдуллоҳ Муҳам-  
 мад ибни Идриснинг ла-  
 қаби ва шу мазҳабга ман-  
 суъ бўлган кишилар

эъроб — ҳаракат  
 эҳтисоб — кузатиш, текши-  
 риш

## Ғ

ғайри мавзъ — ўринсиз  
 ғозий — ғайри динлар билан  
 урушда ғалаба қозонган  
 киши

## Ҳ

ҳивзи иктифо — хотирада са-  
 лаш билан кифояланиш  
 ҳола — ой, қуёш атрофидаг  
 гардин  
 ҳушманд — ҳушёр, ақлли, ..  
 ли

# СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ

*Фалак ҳам сен каби овораю  
саргаштадир, Ажзий,  
Вале билмасмиким. раҳм этмади,  
чандон наво этдинг.*

## ШОИР ХОТИРАСИНИ ИЗЛАБ

Мен бу номни биринчи марта 1962 йилда эшитган эдим.

XX съезддан кейинги, жамият баданига хиёл илиқлик югурган йиллар. Биз, ТошДУнинг филология факультетида ўқиётган бир гуруҳ студентлар дипломишлари олиш учун ўзбек адабиёти кафедрасига мурожаат қилдик.

Кафедрани таниқли адабиётшунос Фулом Қаримов бошқарарди. Уқитувчилардан Озод Шарафиддинов, Лавиз Қажумов, Матёқуб Қўшжонов номлари маълум ва машҳур эди.

Диплом мавзулари бирпасда тала-тала бўлиб кетди. Менга «Сиддиқийнинг адабий мероси» тегди. Билмайман. Эшитмаганман.

Домлаларга мурожаат қилдим. Фулом Қаримовга йўллашди. Рўнара бўлдим. Домла бош-оёғимга синчиклаб разм солди.

— Самарқандлик шоир, маърифатчи. Бизда ўрғанилмаган. Ургансангиз, қизиқ материаллар чиқиши мумкин. Лекин, тили, услуби жуда оғир. Дарвоқеъ эски имлони биласизми? Форсчага қандайсиз?

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошига доир бир қатор китобларни кўздан кечирдим, қани энди номи учраса Йўқ. Ҳафсалам пир бўлди. Қизиқиш хавотирга айланган бошлади. Ногаҳон Фаттоев деган кишининг ўша йиллари рус тилида босилиб чиққан «Самарқанднинг таниқли педагоглари» китобига кўзим тушиб қолди. Унинг шеърларини, асосан, «Ажзий» тахаллуси билан ёзган ўзбекча асарлари билан бир қаторда тожикча ҳам шеър ва дostonлари борлиги маълум бўлди. З. Ш. Ражабов, И. С. Брагинский, А. М. Богоутдинов каби олимларнинг тадқиқотларидан шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир талай маълумотлар, фикр-мулоҳазалар аниқланди. Ниҳоят, ўша 1962 йил Тошкентда душанбелик Р. Аслонов «Сиддиқийнинг дунёқарашини» (мавзуда) фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Ўзимизда ҳам айрим мақолалар пайдо бўла бош

лади. Номи гоҳо Ҳамза атрофидаги қаламкашлар рўйхати-  
га қўшиладиган бўлди. 1973 йилда Ғафур Ғулом нашриё-  
тида ихчамгина бир шеърӣ тўплами ҳам чиқди. Мат-  
буотда икки хил баҳо ўртага тушди: 1. Жаид—мил-  
латчи. 2. Тараққийпарвар—маърифатчи. Жамиятимиз  
иқтисодий-маънавий турғунлик ботқоғига чўккан са-  
йии Сиддиқӣ ҳақидаги гап-сўзлар ҳам сўниб борди.  
Ва сўнг, у деярли эсдан чиқди...

1987 йилда шоир умрининг катта қисми ўтган Са-  
марқанд теграсидаги Ҳалвои қишлоғига боришга аҳд  
қилдим. Унинг киндик қони тўкилган, вояга етказиб,  
шуҳратини узоқ-узоқларга ёйган шундай жойни бир  
зиёрат қилишга иштиёқим баланд эди. Мақсадимни  
ўша ёқлик ҳамкасаба дўстим Абдуғани акага айтган-  
нимда маъқул тушди.

Апрелнинг охирларида Самарқандга қараб йўл  
олдик. Кўклам камёмғир келганлигидан ўт-ўланлар  
ерга ёпишганча турибди. Қирларнинг кунгай бағирлари  
жизганак.

Зарафшон кўпригига етмасдан машина ўннга бу-  
рилди. Бир вақтлар Миёнкол деб номланган воҳага  
кирдик. Ғобур «Ғобурнома»сида Миёнколни, унинг  
қўрғонини икки жойда тилга олган эди. Отам раҳмат-  
лик асримизнинг ўнинчи йилларида Қашқадарё этагида  
жойлашган Касби теграсидан бу ерга туякашлик қи-  
либ, жуда кўп келганлар. Бу ернинг қовуни таърифли  
дер эдилар.

Лекин нега Миёнкол? Ё Миёнқўлмикин?

— Зарафшон Чўпонота мавзеида Оқдарё ва Қора-  
дарёга бўлиниб, 130 чақиримча нарида Хатирчида бир-  
лашган, шундан, эҳтимол, Миёнқўл (Ўртақўл) бўлса.  
Кейин Ўртабўз деган жойимиз ҳам бор. Ҳозир шуни  
устидан ўтамиз, — фикр берди Абдуғани ака.

Оқдарё қуриб изи қолибди ва бир туманда номи.  
Дарё ўзанидан ўтиб қишлоққа буриламиз. Устидан  
асфальт тушган эски дарё ўзанидан бормоқдамиз. Унг  
— ўша биз излаб келаётган Ҳалвойи. Чапга буриламиз.

Қишлоқнинг номи Бошдархон. Умуман, бу ерда  
«дархон»лар кўп. Тошлоқдархон, Ошкадидархон, Қирқ-  
дэрхон. Наймаңдархон, Озоддархон...

— Асли биз Зоминдан эканмиз, — дейди кекса мао-  
рифчи, фронтовик Эрмамат ака. — Нима бўлади-ю, чигирт-  
камн, вабо-ўлатми сабаб бўлиб, халқимиз Самарқандга  
келиб қолади. Ҳозир ҳам Самарқандда Зоминлигузар  
бор. Ушандан қолган. Хуллас, мана шу кишилар Бу-

хоро амири Насруллахонга совға-саломни қуюқ қилиб, мурожаат этадилар. Амир уларга шу жойларни инъом этади. Бу жойлар тошлоқ, бир қисми қамишзор, тўқайзор бўлиб, Самарқанд аҳлининг ёзлик, шикоргоҳ ерлари ҳисобланган.

«Дархон»нинг маъноси «озод», «имтиёзли» эканлигини кўзда тутсак, тахминда жон бордек.

Эрмамат акани олиб тушдан кейин Ҳалвойига ўтдик.

Бир вақтлардаги шошқин Оқдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бу қишлоқ қадим қишлоқлардан. Маҳаллий халқ уни Хўжа Ҳалвойи деган кишининг номи билан боғлайди.

— У бизнинг «дархон»лар Оқдарёнинг ўзанига тушган, сув билан силжиб кетаверган, Ҳалвойи—Оқдарёнинг собит қишлоғи, қачонлардир Чўпонота билан туташ бўлган.

Эрмамат ака ҳар бир гапини салмоқлаб гапирди.

Ҳар манзилнинг тарихи қабристондан бошланади. Одатда у жуда кам ўзгаради. Маросимлардан жуда секин янгиланадигани аза маросимлари бўлса керак. Сабаблари маълум. Шунга кўра улар ўз бағрида энг кўҳна удумларни сақлаб келадилар. Бироқ Ҳалвойи қабристонига эски мақбаралар, тошлар йўқ. Кекса азим чинорларгина бу жойларнинг қадим манзилгоҳлардан эканлигига гувоҳлик бериб турибди. Ажаб замонлар, ажаб одамлар бўлган экан-да. 40-йилларда колхозда раис бўлган Яхшивой Ботиров деган киши қабристондаги кўҳна тарих—мармар тошларни тердириб, чойхонага келтирган, сўнг эса у... қурилишларда ишлатилиб кетган экан. Кичкина бир қишлоқ қабристонигаги тошларни айтамыз, Мирзо Улуғбекнинг жаҳоншумул расадхонасидаги олтиндан қиммат сектантнинг тепа ярми ўша атроф уйларнинг пойдеворида эканлиги илгарироқ матбуотда ёзилганмасмиди?!

Сиддиқийга қайтайлик.

«Бизнинг текширадиганимиз самарқандли шоиримиз Ажзийдир. Исми Сайидахмадхўжа, унвони Сиддиқийдир. Ўзининг асосий касби бўлиш эътибори ила ҳозир ҳам Самарқанд теграсида Ҳалвойи қишлоғида деҳқончилик билан машғулдир»<sup>1</sup>,—деб ёзган эди у ҳақда 1924 йилда Вадуд Маҳмуд. «1864 йилда Самарқандда туғилди. Отаси Туркистонлидир. Амир Абусайид за-

<sup>1</sup> Вадуд Маҳмуд. Турк шоири Ажзий//Инцилоб. 1924, 12-сон.



монида (XV асрда — Б. Қ.) Самарқандга кўчиб келмишдир»<sup>1</sup>,—деб маълум қилган эди 1928 йилда Турсунқул. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Сиддиқийни яхши билганлар. Биринчиси шоирнинг ҳаётлик пайтида (у 1927 йилда вафот этган) чоп этилган. 20-йилларнинг зукко зиёлиларидан бўлган В. Маҳмуднинг исми адабиётимиз тарихи билан шуғулланувчиларга бир қадар таниш. У Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг машҳур «Васият»ида «фарзанд» қаторида тилга олинади. Бироқ В. Маҳмуд билан шахсан мулоқотда бўлган адабиётшунос Солиҳ Қосимовнинг гувоҳлик беришича, унинг Беҳбудийга даҳли йўқ. У Садриддин Айнийнинг қайноғаси — хотинининг акаси. 1937 йилда қамалиб, 1956 йилдан кейин оқланган. Ўзбекистонга «сиғмасдан» Душанбега кетган. Айнийлар уйда яшаган. Бундан ўн йилча олдин вафот этган. Умрининг охирида 2 жилдлик «Фарҳанги забони тожик»да тузувчилардан бири сифатида иштирок этгани маълум.

Унинг Сиддиқий ҳақидаги «Турк шоири Ажзий» номли мазкур мақоласи<sup>2</sup> 20-йиллар адабий танқидининг ёрқин намуналаридан, «Турсунқул» имзоси билан босилган мақоланинг муаллифи эса 20-йилнинг фаолларидан Раҳим Ҳошим эди.

Мақсадга келайлик.

Сайидахмад 5—7 ёшларида отаси Ҳасанхўжа вафот этиб, дастлаб бобоси Алихўжа қўлида, сўнграқ уста Абдулқажом эшигида етимликда катта бўлгани маълум. Бўлажак шоир янгасида савод чиқарди. Мадрасага қатнаб «Шарҳи мулло»гача ўқишга муваффақ бўлди. Лекин насосий сабоқни ҳаётдан олди. Билимни кўпроқ мустақил эгаллади. Замондошлари унинг уқувқобилиятини алоҳида таъкидлайдилар.

Вадуд Маҳмуд ёзади:

«Буюк бир истеъдодга эга бўлгонидан кўп санъатларнинг устосидур. Бошлаб Сиддиқий яхши бир техникдур. Соат ва мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдур. Яхши тўқувчи ва тикувчидур. Кўп йиллар бу санъат ила яшагондур. Яхши овчидур, мусиқи билан

<sup>1</sup> Турсунқул. Сиддиқий тўғрисида мулоҳазалар//Маориф ва ўқитувчи, 1928, 3-сон.

<sup>2</sup> Ушбу мақола «ЎзАС»нинг 1989 й. 10 ноябрь 46-сонида айрим қисқартиришлар билан босилган. Ҳар икки мақола сўнграқ «Миллий уйғониш» (Т.: «Ўниверситет», 1994) тўпламида босилиб чиқди.

ҳам анча шуғуллангандур. Уз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладур. Форсча шеърлари форс адабиёти билан яхши таниш эканига шоҳиддур. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошнодур».

Турсунқул мақоласида ўқиймиз:

«Уз фитрат—истеъдоди билан русча ўқиш кераклигини сезиб, русча савод чиқаради. Бир муддат Бухорода ишлайди. Бухороли ўртоқларининг ташвиқлари билан шоирликка ҳавас пайдо қилади ва шеър ёза бошлайди. Фикрида ўзгариш бўлгондан кейин бундай шеърларни куйдургани маълумдир».

Дарҳақиқат, бухоролик Неъматулла Муҳтарамнинг XIX аср адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланадиган «Тазкират уш-шуаро»сига шоир Ажзий ҳам киритилган.

Муаллиф у ҳақда шундай ёзади:

«Ақзий таҳаллуси заковатпаноҳ, фатонатогоҳ, тарҷимон жаройид хушманди, нурдон, мақосид, хирадманди Ҳожи Сайидаҳмадхўча Самарқандий астки, ниҳоли табъашро Самарқанд мукаррар аст. Асмойи аном аз таътир ашъораш муаттар. Мушорунилайҳ дар аксар ҳунареки аҳли асрро баҳри як аз он ифтихораст, ў бар ҳақойиқ он камоянбағи вуқуф дорад, мисли онки, дар соатсози якто, дар хиёти баҳамто ва дар аснофул лисониҳи ва истилоҳоти ориф ва дар жузъиёти фуҳум ва синоати воқиф ва жузъи хубу хатти марғуб ва табъи баланд услуб дорад. Уро бо каср фузалон дорулфохирати ва Самарқанди карим ихтилотихо ва дар муҳовиратан эшонӣ нек абно тайҳост. Ин ашъорки, нақли маҳофил фузалост аз он соҳиб табъ расост» (Ажзий заковат эгаси, фаҳму идроклилар сараси, хушмандлиғ равишининг ифодачиси, хирадмандлик истакларининг билимдони Ҳожи Сайидаҳмадхўжа Самарқандийнинг таҳаллусидирким, [ул зот] табъи дарахтининг меваси [ҳамиша] қанддек тотлиғ эрур ҳамда одамлар димоғи [анинг] шеърлари атридан [доимо] муаттардир.

[Мазкур мавлононинг] замондошлари агар биронтасига эга бўла олсалар, ифтихор қилишлари мумкин бўлғувчи [турли хил баракатли] касбу ҳунарларнинг кўпчилиги сирларидан хабардорлиги бор. [Шундай санъатлардан бўлмиш] соатсозликда ягона, тикувчиликда тенгсиз, тил мусаннифи ва ислоҳотда ориф, жузъий илмлар ва синоатдан воқиф, яхши хулқлик, ёқимли хатлик ва юқори йўсинли табълик кишидир. Ул зот шаҳарлар фаҳри [Бухоро] ва улуг Самарқанд

фозилларидан кўпи билан илиқ мулоқотга ва улар суҳбатида яхшигина ҳурматга эга).

Неъматулла Муҳтарам ўз тазкирасида Сиддиқийнинг ишқий мавзудаги иккита форсий шеърини келтирган.

Бирининг матлай:

Ғалтида бар ораз зи по зулфат чу паҳлу мезанад,  
Ҳар дам ба жони ошиқон сад ханжар он мў мезанад

(Юзинг узра чўк тушган сочинг марди майдон талаб қилади ва ҳар лаҳза ошиқлар кўксига юз бор ханжар уради).

Иккинчиси:

Раво (мадорки, /рўят набинаму мирам,  
Мапўш чеҳра зи ман то ду бўсае гирам

(Раво кўрмагил, сочинг кўрмайин ўлмоғим,  
Елма юзинг, шартдир икки ўпич олмоғим).

Ўзбекча ишқий шеърлари сақланмаган.

Сиддиқий 90-йилларнинг охирида Маккага сафарга отланади. 1900 йилда Русиянинг Жиддадаги элчихонасида таржимонлик ҳам қилгани маълум. Тифлисида Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Тойирзода (Собир) билан танишади.

Шоир 1901 йилда она юртига қайтади ва янгитипдаги мактаб очади...

Тадқиқотчи Турсунқул 1928 йилда мазкур мактабни «бу кун Самарқанд туманида энг мунтазам мактаб биноларидан» деган ва Сиддиқийнинг кейинги пайтларгача шу ерда «мудир ва муаллим» бўлиб турганлигини айтган эди...

«Ҳалвойи мактаби»нинг бу «мунтазам бинноси» 86 йилдан буён турганмикин?

Уша ёққа шошиламиз.

Узоқдан дарахтлар ортида бир-бирига туташиб кетган иморатлар оқариб кўринади. Оддий қишлоқ мактаби. Яқинлашганингизда бошқаларидан ўзилиб турган рангсиз гиштин бино қад кўрсатади. Олди кун чиқарга қараган. Ҳам содда, ҳам пухта. Ҳам вазмин, ҳам салобатли. Икки хоналик. Ҳар бирига қирқтача ўқувчи сиғади. Пол, шип, голланд печкалари. Соф рус-европа услубида. Бинонинг жанубида гиштан гизак-кунгура чиқарилиб, 1903 санаси ёзиб қўйилган.

Қишлоқ оқсоқолларидан Қаландар ака Юнусов ҳикоя қиладилар:

— 1918 йилда туғилганман, 1943—47 йилларда колхоз эди, шу ерда раислик ҳам қилдим. Сельсовет бўлдим. Инқилобгача эмас, 30-йилларгача ҳам, бу мактаб шу яқин-атроф қишлоқлардаги бирдан-бир ўқув даргоҳи эди.

Мен ҳам шу ерда ўқиганман. Домла Сиддиқийнинг ўзларида савод чиқарганман. Кичкина жуссали, қотмадан келган, абжир киши эдилар. Тиллари сал чучуқроқмиди. Ёш бўлганман, бошқа нарса эслолмайман. Лекин, шуни биламанки, у кишини ҳурмат қилмаган киши йўқ эди. Уйлари мактабга яқин эди, ҳозирги Меликбобонинг, Мулла Ражаббобонинг ўғиллари Мулла Шарофбойларнинг уйлари ўрнида...

Гапни мактабга бураман.

— Бу мактабнинг қурилиши бир тарих, — завқ билан давом этади Қаландар ака. — Куропаткин дегани ўтган экан-ку, губир ҳам бўлган экан. Уша десангиз, бир йўли тушиб, айланиб Самарқандга келиб қолибди. Самарқанддаги шотирлар бу обрўли генералнинг кўнглини олмоқчи бўлишиб, овга бошлабдилар. Овнинг макони эса Оқдарёнинг тўқайи. Тустовуқдан ёввойи чўчқагача бор. Қишлоғимиздаги одамларнинг ҳар иккитасидан бири овчи, мерган. Ҳатто, тиркичилиги шундан. Дарвоқе, домланинг ўзлари ҳам яхшигина овчи бўлганлар. Хуллас, Очил мерган деганимиз, денг, Куропаткинга бир тўнғиз отиб келади. Қизиқчиликка тортиб кўрадилар. 18 пуд чиқади! Эриб кетган генерал Очил мерганга қараб.

— Тила, тилагингни!—деб юборибди.

— Мактаб дегин, мактаб! — шивирлабди дўстининг қулоғига Сиддиқий.

Очил мерган ўзини босиб олибди-да:

— Бир мактаб очиб берсангиз бизга. Бу бир меннинг эмас, бутун қишлоқнинг тилаги,—дебди.

— Хўп, шундай бўла қолсин,—жавоб қилибди генерал.

Шу тариқа мактабга рухсат тегибди. Тезликда хумдонлар қазилиб, ишга тушибди. Бор от-уловлар Самарқандга керакли асбоб-ускунага юборилибди. Жуда қисқа муддатда оловдек қип-қизил гиштин иморат қад кўтарибди.

— Самарқанд, шу ердан кесиб чиқилса, роплароса ўн чақиримлик йўл,—гапга аралашади Эрмамат ака.—Илгари йўл тўғри эди, шундай Чўпонотанинг пастидан чиқарди. Ҳозир айланиб, 14—15 километр

бўлиб қолган. Кичкиналигимизда яёв бориб келардик. Оби Раҳматдан бир сув ичсак, етганимиз эди.

Ургут яқинидаги шаффоф булоқлардан Самарқандга сув олиб келувчи Боғи Баланд билан Боғи Майдонни оралаб ўтиб Қорадарёга қуйиладиган бу машҳур анҳор не-не воқеаларни кўрмаган. Буюк Улуғбекнинг «зеби жаҳон» (Навоий) расади ҳам шунинг ёқасида эди.

Шоирнинг сатрлари эсга тушади:

Сўйлай сана бир намуна ҳужжат,  
Вор шаҳринга наҳри Оби Раҳмат.  
Машҳури шаҳи замон Улуғбек,  
Илму фана таржимон Улуғбек.  
У наҳри канорин этди марсад...

Тўпланганлардан бири қўлини пахса қилиб гапира кетди.

— У Сиддиқийнинг замонида Оби Раҳмат эди, ҳозир ичиш у ёқда турсин, қўлингизни тикқани ҳазар қиласиз. Оби Раҳмат эмас. Оби Мағзава!

Бир лаҳза чалғийсиз. Сўнг яна хаёл шоир доғонадаги сатрларга уланади:

Боғ ичра зилол ариғда жорий,  
Гуллар-ла дўлу ариғ канори.  
Гулларсиз чекуб наво-ла булбул,  
Сан ўйлаки, нағмасоз ўлуб гул...  
Фаввора-ла су(в) дўкуб Регистон,  
Фавворайи теграсинда бўстон.  
Бўстон ила мадраса ароси,  
Йўл ўлмишу на гўзал ҳавоси.  
Фавворая су(в) вериб Зарафшон,  
Бўстони эдарди гавҳар афшон...  
Атрофини чашмаи сафойи,  
Кавсар суйи янгли босафойи.  
Маҳсур эдуб Ҳисор тошиндан,  
Дуфроға у су(в) кетарди бошдан.  
У майл ила ҳар эва бориб су(в),  
Исми каби ташналарга дору.

Булар орзу эди, албатта. Шунга қарамасдан Обираҳматнинг сундан 75 йил бурун, мазкур асар ёзилган пайтда шакардек ширин бўлганига шубҳа йўқ.

Яна гап мактабга келиб тақалади.

— Бу мактаб шу атрофдаги йиғирмага яқин қишлоққа маърифатхона бўлиб хизмат қилди. Бу бино сўнгги

86 йиллик тарихимизнинг тилсиз гувоҳи. Эҳе, бу бино нималарни кўрмади, кимларни кўрмади.

Қаландар ака ҳикоясини ҳаяжон билан давом эттиради. Менинг хаёлимга эса 1914 йил эсга тушади. Аслида бу гап илгарироқ, мактаб очилиши билан бошланган эди.

Самарқандда дув-дув гап тарқалди. «Ҳалвойида ўрис мактаб очилганмиш»...

Туркистоннинг турли-туман жойларидан бу мактабни кўргани кела бошладилар. Ёруғ, баҳаво хона. Бўйра ўрнидаги парталар, дарсларнинг муайян тартиб—программа билан олиб борилиши, умумий, миллий жуғрофия, тарих, ҳисоб, ҳандаса, табиёт ўқитилиши, харита, курраи арз (глобус) каби кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш кўпчиликни ҳайратга солди. Энг қизиғи, дарсларнинг асосий қисми рус тилини ўрганишга қаратилган, муллаваччалар орасида руслар ҳам бор бўлиб, улар ўзбеклар ва тожиклар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олишади (Самарқанд Медицина институтининг профессори таниқли медик, марҳум Г. Н. Александров Сиддиқийнинг Ҳалвойидаги мактабидан чиққанини бундан 20 йилча муқаддам «Тошкент оқшоми» саҳифаларида ифтихор ва миннатдорлик билан ёзган эди).

Бундай мактабнинг дўстлари билан бирга душманлари ҳам кўпайиб борди. Шойр шаънига баланд-паст гап оралади. Асарларига Туркистонда йўл бекилди. Сиддиқий «Анжумани арвоҳ» («Руҳлар йиғини»), «Миръоти ибрат» («Ибрат ойнаси»)ни дўстлари кўмагида Тифлисида бостирди. «Миръоти ибрат»нинг ўзбекчасини Самарқандда 1914 йилдагина бостиришга муваффақ бўлди.

«Анжумани арвоҳ»да осмондан икки киши шоҳлик либосида тушиб келадилар ва ўз тилларидан ўзларини фош этадилар. Улар Бухоронинг марҳум амирлари Музаффархон ва Абдулаҳадхон эдилар.

«Миръоти ибрат»да эса шойр хаёлий мамлакатларга сафар қилади. Ўз орзусидаги Самарқандини чизиб беради. У озод, обод, фаровон, илм-фан самараларидан музайян эди. Унда, ҳатто, шунчаки телевиденне эмас, биз бугун, 70—80 йилдан кейин гувоҳ бўлиб турган воқеалар ҳақида гап борарди:

У ерда ўлуб аён Самарқанд,  
Кўнглум бу ўюндан ўлди хурсанд.

Дошдан ҳама ер иморат ўлмиш,  
Бир янгича шаклу ҳайъат ўлмиш.  
Бнигларча трамвў-автомобил,  
Ҳар ерда электр ила қандил...  
Ойнайи барқ ила тилифўн,  
Сўйлашмақа ҳар ким у биричун.  
Манзур эди кўзгуда мухотаб,  
Ҳар ким тилифўна айласа габ...

Асарнинг «хотима»сида эса шоир асл мақсадни шундай ифода қилган эди:

Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,  
Бундан ўла халқи бахти масъуд:  
Илми ила олмоқ ва фунунни,  
Давлатни ва лисонни, зақунни.  
Ҳар қавм булардин ўлди маҳрум,  
Истиқболи ҳолидин ўлур гум.

Илм-фан, давлат, тил, қонун—буларсиз ҳеч бир миллатнинг истиқболи йўқ. Бу тўрт нарсани қўлга кiritмаган миллат ҳалокатга маҳкумдир.

У халқлар дўстлигини, ўзаро ҳамкорликни қўйлаган эди. Ҳар бир халқнинг тилини билиш унинг дилига йўл очади, деб ҳисоблади.

Ҳар қочки лисони чўқ билурсан,  
Дунёда азизроқ ўлурсан,

— деб ёзди.

Ўзбек ва тожик тилларини ўз она тили ҳисоблаган шоир араб, рус тилларини мукаммал эгаллаган, биринда шеър ёза олиш, иккинчисидан малакали таржима қила олиш (Н. В. Гоголнинг «Шинель» повестини ўзбекчалаштирган) даражасига кўтарилган эди.

Булар кимларгадир ёқмади.

«Туркистон вилоятининг газети»дан:

«3 январ жумъа 1914 йил Улуғбек мадрасаси ичидаги жомеъда 5—6 минг мусулмонни ҳузурда муаззин тарафидан жадидчиларни ва русча ўқитмоққа тарғиб қиладургонларни кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадидга берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлиши форсий тил ила узун ва баланд бир нутқ ила халойиқга билдирибдур ва ҳам аларни кофир, ўрус ва ҳамда кофир ва ўрус қилғувчи деб эълон қилибдур».

Гап, асосан, Ҳалвойндаги Сиддиқий-Ажзий мактаби

билан Ражабаминдаги Абдулқодир Шакурий мактаблари ҳақида эди. Сиддиқий Ражабаминнинг имоми шаҳрисабзлик Абдулқажумнинг муаллим Абдулқодирга дашномларини эшитган эди. Шаҳардан арава ёллаб парта келтираётганида такаббур ҳамқишлоқларидан бири: «Мулла, энди уйингизга бир бутхона ҳам солинг!»—деган эди. Чидаш керак. Бошқа йўл йўқ. Маърифат мана шундай қурбонликлар талаб қилади.

Беҳбудийнинг «Ойна» журнали Сиддиқийга ўзини ҳимоя қилиш учун минбар берди.

Аз ҳақгўйи забон кашидан куфраст,  
То жон дорам, каломи ҳақ мехонам

(Ҳақиқатни сўзлаш куфр бўладиган бўлса, токи жоним бор экан, ҳақ сўзни айтаман) деган сатрлар бор эди унинг такфир қилувчиларга қарата жавобида. Жалил «Мамадқулизоданинг бутун мусулмон Шарқида маълум ва машҳур «Мулла Насриддин»ида босилган иккинчи бир шеърида эса камоли истеҳзо билан:

Ҳақ сўйлаян инсонлари такфир эдажаклар,  
Имонли мусулмонларинга шукр, Худоё!—

деган эди.

Уни қўллаб чиққан мақолалар-чи?! Айниқса, тошкентли Мирмуҳсин Шермуҳаммедовники. «Туркистон вилоятининг газети» да 1914 йилнинг бошларида босилиб чиққан бу мақола «Афандим самарқандлилар!..—деб бошланарди.—Бугун беҳамиятлиғингиз майдони жаҳолатда мубориз талаб қилур. Йўқ эса, бир зўрғина жамият орасида бир хоин миллат исломга ҳақорат забонин тебратуб, отиға мағойир нутқлар сўзлаб, сизларнинг номусингизни хоки мазаллатға қўшибдур. Бечоралар, олти минг чамасида экансизлар, орангизда бирғина диёнатпарвар чиқиб, ул хоини бадбахтға муқобил ўлуб бир сўз ҳам демасдин, ўз хоҳишингизча ул мажмуа орасидин таралуб чиқғонингиз миллати исломга ҳақорат эмасму?! Муҳтарам «Ойна»фурушларимиз миллат терасини тузатмоқ бўлғонларида тарақа-туруқлари Сурайёдин ҳам юқорида кўринур эрди...»

Шубҳа йўқ, бу даргоҳ фақат ҳарф танитадиган эмас ҳуқуқ танитадиган ҳам жой бўлган. 1916 йилда Самарқандни ларзага солган Даҳбед қўзғолонининг жуда кўп қатнашчилари Сиддиқийда ўқиганлар дейишга асос бор. Аввало, Даҳбед бу ердан бор-йўғи 10 чақиримча. Бу



атрофдаги энг машҳур мактаб Ҳалвойида эди. Иккинчидан, унинг муаллими Самарқанду Бухородагина эмас, бутун Туркистонда, балки Тифлису Бокуда ҳам таниқли, эрксевар шеърлари билан тилга тушган шоир эди.

У миллий уйғониш даврининг барча шоирлари сингарй кенг оммани маърифатга бошлаш, ҳақ-ҳуқуқини англаштириш адабиётининг бош мавзуи деб билди. Уни ўз аҳволини англашга, дунё билан баробар яшамоққа чақирди.

Шеърларида Ватандан, унинг даҳшатли фожиаларидан сўз очди. Замондошлари орасида биринчилардан бўлиб, унинг бўғзида турган «яди бедод» («зулм дасти») ни ўз оти билан айтди:

Яди бедоди яғмодин на ўлмиш, эй ватан, ҳолинг,  
Асири фитнау қайди ғам ўлди ақлу фаолинг.

Юзинг қарсу қамар рухсори янглиғ чок-чок ўлмиш,  
Каму бахти қаролар, тийра диллар этди помолинг.

У алвон чечакларда ўзга маъно тонди, уларда қипқизил қон кўрди. Қирмиз япроқларни «хуни ноҳақ» рангидан қизарган «хоки ватан» деб атади:

Кўранда лола яфроғин гумон этмак чамандур бу,

Лисони ҳол ҳарифи дарси ибрат анжумандур бу.

Шаҳиди ханжари ишқи ватанлар лахта қонидин,

Кўрунмиш пардан номус илан хунин кафандур бу.

Бу гулшан саҳнида гул яфроғи ранги гумон этманг,

Қизармиш хуни ноҳақ рангидин хоки ватандур бу.

Ўксиз, хароб ватанни ислоҳ қилиш дарди билан яшади:

Ватан харобасин ислоҳина интизоридаям,

Бу интизорима бир интизордир боис.

Бунинг учун бирлашиш керак, шунчаки кўр-кўрона эмас, маслак, эътиқод асосидаги чинакам иттифоқ, бирлик лозим деб билди:

Маризи иттиҳодам, анжуман базми табибимдур,

Банинг шўро шароби боиси дафъи хуморимдур.

Тахмин қилиш мумкинки, бундай фикр-туйғулар 1916 йилги мардикорлик воқеалари билан қўзғалган «юрт эрлари» (Нозимахоним) учун маънавий-руҳий омиллардан бўлган эди.

Шу маънода шоир «исёнкор шеърляти»нинг Даҳ-

бедгина эмас, машхур Жиззах қўзғолони билан ҳам маълум боғланиши бор.

Бежиз эмас у 1916—17 йилларда Туркистонли зиёдилар орасида биринчилардан бўлиб, Биринчи Жаҳон урушининг ғайриинсоний характерини кўрсатиб берган, чор ҳукуматининг, сўнг эса Муваққат ҳукуматининг урушпарастлик сиёсатини фош этган эди. Шоирнинг 1917 йил «Хуррият» газетасида босилиб чиққан «Таажжуб сўз», «Йўл бўлсин, қаерга борамиз?!» каби мақолаларини ўқисангиз, унинг тийрак фикридан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ.

У 1917 йилга жуда катта умид билан қаради:

Зулм кўрган кунларинг энди фаромуш ўлғуси,  
Зулм ўти оби адолат бирла хомуш ўлғуси,—

деб ёзди. Бироқ кўп ўтмай, алданганини сизди. Уша давр матбуотида, хусусан, «Машраб» журналида босилган ҳажвияларида буни пайқамай қолмайсиз.

Сиддиқий 1919 йилда Самарқанд вилоят адлия бўлими мудирининг ўринбосари, кейинроқ эса бўлим мудири бўлиб ишлади.

1922 йилда яна асл касби муаллимликка қайтди...

Сиддиқийнинг 24 йиллик ҳаётига гувоҳ бўлган бинога тикиламан.

— Икки марта ремонт бўлган холос,—хаёлимдаги фикримни уққандек,—гап ташлайди Қаландар ака,— 1936 йилда ва урушдан кейин. Биринчисида Охунбобоевнинг шахсан ўзи тунука юборган. Иккала ремонтда ҳам шипига тегмаганмиз. Бир марта поли ўзгартирилган. Қолгани—ўша, ўша.

Тушдан кейин Сиддиқийнинг ҳовли-жойини изладик. Ҳозир у ерда Шарофбой акалар туришар экан. Йўлакдан уйга бурилар эканмиз, сўрида эски китобга энгашган кўзойнакли кекса кампир диққатимизни тортди. Салом бердик. Пайқамади. Шарофбой ака рўпараларига ўтиб имо қилди. Кампирнинг кўзи бизга тушди-ю, ўнғайсизланиб, ўрнидан қўзғалгандай бўлди.

-- Онамиз бўладилар. 90 дан ошдилар. Домлани яхши билар эдилар. Афсуски, қулоқлари оғирроқ.

— Сиддиқий домлани суриштириб келишибди, Сиддиқий домлани! Тошкентдан келишган.

Шарофбой ака таништирган бўлди.

— Сиддиқий домлани?

Кампир бир бизга, бир ўғилларига қаради. Сўнг

Муаззамхон ая (исмларини кейин билдик) ичдан тўлиб келган нафасни бирдан бўшатишга урингандай:

— Валий эдилар, — деб юборди. — Хушсурат, хушқомат, пурҳикмат...

Шарофбой ака 1928 йилда, Сиддиқий вафотидан бир йил кейин туғилган.

— Сиддиқий домланинг номини эски авлод жуда баланд тутади, — дейди Шарофбой ака. Ота-онамиз биз турган жойда бир вақтлар домланинг оилалари истиқомат қилишганини кўп айтардилар. У жойлар ҳозир бузилиб кетган. Домланинг рафиқалари исми ҳам Муаззамхон бўлган экан. Ҳокимхон ва Қосимхон деган ўғиллари бўларди. Ҳокимхонни яхши танирдим, йиллари сичқон эди, урушда бедарак кетдилар. Кичиклари Қосимхон 11—12 ёшларида ўлган. Самарқандда ҳам бир аёллари бўлган. Рассом ўғиллари Аъзамхон ўшандан туғилган. Ҳозир ҳалвойилик хотинларининг уруғлари қишлоғимизда бор. Мен домлани кўрган эмасман, албатта. Лекин уйда у кишининг гаплари кўп бўларди. Бобом Фахриддин билан жуда қалин жўра эканлар.

Кейин, биласизми, нима учун «Ажзий» тахаллусини танлаганлар. Бобом раҳматлик шу воқеани кўп айтар эканлар. Домланинг ота-оналари ота манзил Туркистонга зиёратга борганларида Туркистонни ўрис босади. Зиёратчилар маслаҳатни бир ерга қўядилар-да, «Қувваи ислом» Бухорони қора қилиб йўлга тушадилар. Кўчиш, тўда бўлиб юриш тақиқланган. Ҳаммаёқда айғоқчи. Тунда яширинча юриш мумкин холос. Кундузи йўл аро овул-қишлоқларга аралашиб жон сақласа бўлади. Бироқ кечалар хавотирга тўла. Чиласи чиғиб-чиқмаган Саидахмад йўлда уриниб, касалликка чалинади. Табиийки, касал йиғлайди. Бундай ҳолда юриб бўлмайди. Бутун бир тўданинг қўлга тушиши ҳеч гап эмас. Юрмасликнинг ҳам иложи йўқ. Она сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлади. Тунлари йиғи зўрайганда чақалоқнинг оғзини тўсиб боради. Шу ҳолда яқин 2 ой қўниб-юриб Самарқандга етиб келадилар... Домланинг жуссалари нозик, мўъжаз бўлиб қолганлиги ҳам, тахаллусларининг «ажз»дан олинганлиги ҳам шундан...

Шарофбой ака дераза рўпарасидаги текис, баравж ўсаётган чиннигулга кўз ташлайди-да, гапни бошқа мавзуга олади:

Лекин гулга ўч бўлганлар. Ҳалвойида уларнинг

ҳовлисидагидек гулзор бошқа бўлмаган. Ичида айланисъ юришни яхши кўрар эканлар.

— Бир куни денг, домла жўралари билан гап еб ўтирган эканлар, — бирдан завқ билан ҳикояга тушиб кетади Шарофбой ака. — Қиш куни, қор шивалаб турибди. Қишлоғимизда уста Аҳмад деган ўтган, синчковнинг синчкови. Эски қишлоқ меҳмонхоналарини биласиз, деразаси йўқ. Кеча қоронғи. Хуллас, ташқарида нима бўлаётганини чиқмагунча билмайсиз.

— Уста, қор қанча бўлди?—сўрабдилар домла фалон пайтдан кейин.

Уста кўзларини юмганча бир-икки тебранибди-да:

— Айтарлик қор йўқ. Шу пайтгача ёққани пишак изи бўлди, холос—деб жавоб берибди.

Синагани кўчага чиқибдилар ва устанинг ҳақлигини кўрибдилар. Домла уйдан тўн олиб чиқиб, устанинг елкасига солибди.

Сиддиқий ҳақидаги ҳикояларнинг изи узилмайди.

— Нимага шундай кишини кўтармагансизлар?

Шоирнинг ҳамқишлоқларидан сўрайман.

— Эй домлажон, айтишга осон,—жавоб қилади суҳбатдошларимдан бири. Катта бир шоиримиз жаҳид деб қўйгандан кейин бир нарса дейишга кимнинг ҳақди бор эди. Ахир ҳаммамиз, «йўқ-йўқ, танимаймиз» гача борганмиз-ку! Яна сиз, у кишидан ҳеч нарса қолганми, деб сўрайсиз. Ҳаммасини йўқотиб бўлганмиз. Мана энди ёзишяпти. Бизнинг ҳам оғзимиз очилиб қолди. Яқинда Ойхумор деган қизимиз район газетасида «Мангуликка даҳлдор» деган мақола ёзиб чиқди. Отасига раҳмат! Чалақўрғонлик Умархўжа Усмонов ҳам материал тўплаб юрибди...

Хаёлимга шоирнинг бир байти атрофида кечган баҳсу чиқарилган даҳшатли айбнома келади.

Мондан зулфи чалипо зери абруён ҳилол,

То гужо дар зери по гирад ҳилолери салиб?

(Ҳилолнинг жамолини гажак сочлар-қоплаб олди, Салибнинг ҳилолни поймол этиши қачонгача давом этади?)

Сиддиқий бунинг учун миллатчиликда айбланган эди. Ҳозир буни биз ўз оти билан миллий мустақиллик учун кураш демоқдамиз.

Аслида ҳам шундай эди... Шоир ғайридин истилочилар оёқлари остида топталган Туркистоннинг, аҳли

исломнинг ҳаққу ҳуқуқини талаб қилиб майдонга тушган эди. Уша замонда бу тенгсиз жасорат эди.

Бироқ бу инқилобдан олдин эмас, кейин «фош қилувчи ҳужжат» вазифасини ўтади. Уни сталинча авлод тўқиб чиқарди. Шоирнинг ўзи йўқ эди, вафот этиб кетган эди. Мероси, хотираси ҳибсга олинди.

Дастлабки ишларимиздан бири Жомбой туман газетаси «Шонли меҳнат»нинг бу йилги тахламининг кўздан кечириш бўлди. Ёзувчи Ойхумор Асатованинг «Мангуликка дахлдор» (1989 йил, 11 февраль) мақоласи билан танишиб чиқдик. 16, 18 февраль сонларидаги унга акс-садо сифатида босилган материалларни ўқидик. Эртасига 30 апрель куни У. Усмонов билан учрашишни хаёлимизга тугиб қўйдик.

Эрталабдан ёмғир бошлади. Далалар қорайиб кўринади. Деҳқоннинг олди пахтасини кўкартириб олган. Энди экканлари ҳам бор. Ҳовлиларда янги тортилган жўяклар, яқиндагина қадалган помидор кўчатлари кўзга ташланади.

Жомбойга йўл олдик. Первомайская 37 га боришимиз керак.

— Ҳаммомдан кейинги кўчада, — тушунтиради йўловчилардан бири.

Абдугани аканинг тилчилиги тутади.

— Ҳаммомнинг этимологиясини биласизми?

Жавобини кутиб ўтирмай, давом этади.

— «Ҳамма бом»дан. Бом том дегани. Демак кўп том. Ухшайди-а?!

Ёмғир шатирлатиб ураётган гумбазларига ишора қилади.

37-уйга етиб келганимизни Эрмамат ака машинани тўхтатганидан билиб қоламиз.

Эрмамат ака Умархўжа ака билан ёшликда бирга ўсишган бўлса ҳам замона зайли билан узоқ йиллар кўришишмаган. Эрмамат ака ўзини танитади. 60 йиллик қадрдонлар бошқатдан кўришадилар. Олис ёшликни эсга оладилар.

Умархўжа ака 65 ёшда. Чалақўрғондан. Жомбойга келиб қолган. 30-йилларда Ҳалвойида ўқиган.

— Ораси беш юз метр чиқмайди, — ҳикоя қилади Умархўжа ака. — Лекин бизнинг қишлоғимиз ҳам таърифли. Бобур давридан қолган дейишади. Битмай чала қолган бўлса керак-да, — Умархўжа ака завқ билан кулади.

— Уша замонларда ҳам чала ишлар кўп бўлган экан-да,—гап қистиради Абдуғани ака.

Умархўжа ака бўш келмайди:

— Олмасини айтмайсизми! Ундай олма ҳеч ерда йўқ. Себи Самарқандни мана шу Чалақўрғоннинг олмасига айтган. Лекин бошқа ерда униши қийинроқ. Бир-икки тупини Жомбойга олиб келиб экдим. Кичикроқ бўлди. Бир куни денг, бозорга олиб чиқдим. Чалақўрғонни эшитиб кўтара олиб кетишди.

Гап айланиб Сиддиқийга тақалади.

— Дадам Усмонхўжа Маъруфхўжаев (1899—1982) домлада ўқигаплар. У кишини яхши билар эдилар. Тилларидан тушмас эди. Шу-шу бизда ҳам у кишига эътиқод пайдо бўлган. Бир томони қариндошликлари ҳам бор.

Хонага домланинг қизлари чой кўтариб киради. Ота-боланинг русча муомаласига ажабланиб қарайман.

— Янгангиз қозогистонлик, рус казакларидан. Урушда топишганмиз, изоҳ беради Умархўжа ака. 4 ўғил, 2 кизимиз бор.

Бир лаҳза тараддудланди-да давом этди.

— Бизнинг кўрганмиз кам эканми, Алишеримиз ҳам Афғонистонда қон кечиб келди. У ҳам менга ўхшаб иккинчи группа инвалиди.

— Ўзингиз ҳақингизда сўзласангиз.

— Ўзимми?! Қасбим ўқитувчилик, тарихчиман. Чалақўрғондаги 21-мактабда директорлик ҳам қилдим. Ҳозир пенсиядаман. Кўпдан буён кўнглимни бир армон қийнаб келади. Қишлоғимиздан чиққан, номи олис-олисларда ҳам машҳур бўлган Сайидахмад Сиддиқий-дек юртдошимизни бугунги болаларимиз билмаса, нима дейсиз?! Бизнинг ўзимиз уни танита олдикми?! Сиз Ҳалвойидаги мактабда бурчак очиш ҳақида гапирасиз, ўқувчиларини қўятулинг, ўқитувчиларидан сўрангчи, нечтаси Сиддиқий номини эшитган экан. Қайси куни бир мажлисда: «Ўртоқлар, колхозимиз мана неча ўн йилдирки, Жданов номида. Унинг ким эканлигини, мана бугун билиб ўлтирибмиз. Сиддиқий шу ерда ўзимиздан чиққан, шеър дostonлари, маорифчилиги билан Ўзбекистонга Тожикистонга танилган. Колхозимизга шунинг отини берайлик»,—десам, биттаси ўрнидан туриб: «Шу оти озгина қийинроқ экан-да»,—дейди. Хўш, куласизми, куясизми? Бўлмаса, шоирнинг 25 йил умри шу мактабда кечган. Яна қандай умр денг!

Умархўжа ака қизишиб боради.

Ҳа, 1926 йилда Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Сиддиқийнинг 25 йиллик педагогик фаолиятини тақдирлаб, умрий пенсия тайинлаган эди. У 10-йиллардаёқ шоир ва мураббий сифатида доврўқ қозонган. Шеърлари Кавказда «Мулла Насриддин», «Дирилик» журналларда босилган. «Миръоти ибрат» хўжандлик Тошхўжа Асирийга чақмоқдек таъсир қилган, «фархунда фитрат» (қутлуғ истеъдод) Ажзийга таҳсинлар айтиб, «“Тимсол”и Асирий дар жавоби “Миръоти ибрат” Ажзий Самарқандий»ни ёзган эди.

Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тожик» (1926) да Сиддиқий шеърларидан ўқувчига тақдим этар экан:

«Ин абёт ҳама интибоҳ ва танбеҳист, агар авроқи ни мажмуа танги намекард, ҳар байтро ба саҳифаи шарҳ додан лозим меомад. Ҳоло, ба диққати хонанда гони хиром ҳавола шуд, зинҳорки, сарсари нагузаранд» (Бу байтларнинг ҳаммаси муҳим ва диққатга сазовордир. Ушбу мажмуанинг, имкон кўтарса, ҳар бир байти маъносини шарҳлаш учун бир саҳифа лозим бўлади. Энди биз буни ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола қиламизки, зинҳор юзаки қараб ўтмагайлар), — деган эди.

20-йиллардаги қизғин ижодий фаолияти-чи? «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон», «Овози тожик» газеталаридаги ўнлаб мақолаларисиз, «Машраб», «Мулла Мушфиқий» журналларидаги ҳажвий шеърларисиз 20-йиллар адабий ҳаёти тўқис бўлмайди. У ўзбек сатири расининг илк намуналарини яратган, гоёвий-эстетик йўналишини белгилаб берган, классик шеъриятнинг бой арсеналини янги даврга хизмат қилдира олган шоирлардан эди.

Унинг 1920 йилда тузилган ва асосан, Шарқ миллий озодлик ҳаракатларини бўғишни ўзига мақсад қилиб олган «Лига наций» (Миллатлар лигаси) ҳақидаги шеърига эътибор қилинг:

Жим ўтирма, жаллодга мандат бер,  
Каттасан, мақсадингни англа, бер.  
Тўпга тутдир арабни, яғмо қил,  
Дод эшитма, кўзунгни аъмо қил.  
«Лига носа» эрур сенинг отинг,  
«Панлава», «Чемберлен» эрур зотинг.  
Бойга тегма, фақирни ўлдургил,

Мингтасин бир чуқурга кўмдургил.  
Коммунистдан сира вакил олма,  
Ўз бошингни тузоққа илдирма.  
Шарқ эли «культура»ингдан айлансун,  
Қул бўлуб мандатингга бойлансун.

Мадраса таҳсили билан вояга етган шоирнинг 20-йиллар шаронтидаги бу хил сиёсий кескир, халқчил фикрлари кишини ҳайратга солади.

Эстетик қарашлари-чи?

1926 йилда «Овози тожик» (74-сон)да «Инчунин бояд» («Шунақа ҳам бўларкан») деган маза-матрасиз бир шеър босилган эди. Кўп ўтмай, худди шу радиода ва номда «Машраб»да Сиддиқийнинг ҳажвия-жавофи пайдо бўлади.

Кўзимга учради ногоҳ, бир ашъор «Инчунин бояд»,  
Ман айтдим унга таҳсин ила такрор «инчунин бояд»,—

деган сатрлар билан бошланарди шеър. Ва у:

Ғазал вазну қафо, ширин иборатдин иборатдир,  
Муроду мақсаду маъно чи даркор, «инчунин бояд»,—

каби чандишлар билан лиқ тўла эди.

«Машраб» журнали 1926 йили 2 йиллик тўйи муносабати билан шоирга шундай ҳазил қилган эди:

Ажзий бобо, ҳамани сўкинги,  
Сўкишдан ҳам тўйиб бўкинги.  
Зиёнли муллолар оғзига  
Қаламнинг захрини тўкинги...

Умархўжа ака қўлимга бир ҳужжат тутқазди.

«Ҳалвойи қишлоқ меҳнаткашлари номидан мурожаатнома

Ҳурматли ўртоқлар!..

1989 йил 13 февраль куни 1600 кишилиқ Ҳалвойи қишлоғининг аҳли номидан уруш ва меҳнат ветеранлари, 19-сон ўрта мактабнинг бир группа ўқитувчиларининг йиғилиши бўлди. Бунда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси Ойхумор Асадованинг «Мангуликка дахлдор» мақоласини муҳокама қилдик. Бу мақола айни шу куннинг долзарб масаласини кўтариб чиққан. Ҳақиқатан ҳам биз халқимиз фидойилари хотирасига бефарқ қараймиз. А. Дониш, Муқимий, Фурқат, С. Айнӣ каби ижодкорлар қаторида турган ҳамқишлоғимиз Саидахмад Сиддиқийнинг номи бугунги кунда нега



абдийлаштирилмаган? Нега у асос солган ва 1903 йилда қурилган мактаб бугунги кунда хароб ҳолда?... Наҳотки бутун умрини маърифатга бахш этган ҳамюртимизнинг хотирасини абдийлаштириш мумкин эмас?!

Мана, бу йил С. Сиддиқийнинг тугилганига 125 йил тўлади. Биз Ҳалвойи қишлоғи аҳли номидан Жданов номли колхозга ёки 19-сон ўрта мактабга шоир номининг берилишини илтимос қиламиз<sup>1</sup>. Биз, ҳалвойиликлар ўз маблағимиз ҳисобидан С. Сиддиқийга ҳайкал қўйишни ташкил этар эдик. Иккинчидан, районимизда ягона бўлган ва 1903 йилда рус меъморчилиги усулида қурилган мактаб бугунги кунда авария ҳолатида. Уни таъмирлаш, жиҳозлаш ва музейга айлантиришда ёрдам беришингизни илтимос қиламиз». Жамъи 21 нмзо.

Ҳечдан кеч яхши, албатта. Лекин ҳалвойиликларнинг совуққонлиги, она тупроқ, ота юрт ифтихорининг етишмаслиги бор. Дунёни таниш ўзни танишдан бошланмайдами? Ўз фарзандининг қадрига етмаган халқнинг бошқалар фарзандига меҳри қанчалар самимий бўлади?! Юртнинг чин ўғлонларини таниш ва танитиш аждодлар билан авлодлар (силсиласини боғлайдиган шундай бир ҳалқаки, унга бефарқ қараш халқнинг тарихига эмас, тақдирига ҳам бефарқ қарашдир.

Тўрақўрғондаги 3-сон ўрта мактабнинг Ёқуб Гафоров сингари фидойи ўқитувчилари эса тушадди. 1961 йилда у кишининг ғайрат ва ташаббуси билан ўлкашунослик тўгараги тузилиб, машҳур маърифатпарвар Исҳоқхонтўра Ибрат қадамжолари бўйлаб 40 дан ортиқ саёҳат ва экскурсия уюштирган. Тўгарак Ибратнинг 80 дан ортиқ замондоши билан суҳбат ташкил қилган. Қатнашчилар шоирнинг бир қатор асарларини, шахсий буюмларини топишга муваффақ бўлганлар.

1964 йилда мазкур мактабга, шаҳар кўчаларидан бирига Ибрат номи берилди. 1967 йилда унинг номи билан аталган мактаб олдига шоирга ҳайкал ўрнатилди. 1972 йилда эса мазкур мактаб қошида Ибрат ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи музей очилди. Ҳозир унда 2500 дан ортиқ экспонат бор.

Наманганликлар 75 ёшида репрессия қилинган ва у билан боғлиқ барча хотиралар йўқотилган Ибрат

---

<sup>1</sup> 1989 йилнинг ноябрида мазкур мактабга Сиддиқий номи берилди, унинг қошида шоир музейи ташкил қилинди.

таваллудининг 125 йиллигини мана шундай кутиб олган эдилар!

Сиддиқий-Ажзий бугун биз учун хизмат қила оладими?

Албатта. Негаки у ёрқин истеъдод эди. Узи яшаган инқилобий даврнинг барча масалалари билан қизиққан ва буларга кенг меҳнаткаш манфаати нуқтаи назаридан ёндошган ижодкор эди. Она юртнинг тарихи ва тақдири унинг учун ҳеч қачон бефарқ бўлган эмас.

У бир томондан, қадим гўзал юрти билан фахр этди. Иккинчи томондан, жаҳолат ва зулматда қолган халқ дардига малҳам, «ҳозик табиб» қидирди. Эркисизликка, мустамлакачиликка қарши бош кўтарди. Жаҳолатнинг миллий зулмда асосий воситалардан бўлиб келганлигини англаб етди. У миллийликни адабиётнинг жони деб билди. Инсонпарварликни миллат унинг тақдири билан боғлаб талқин этди. Айни пайтда миллий, диний айирмаларга қарши чиқди. Тенглик, ўзаро ҳурмат асосига қурилган халқлар дўстлигини, миллатлар ҳамкорлигини орзу қилди. Бундай фикр-туйғулар эса ҳеч қачон эскирмайди. Инсон бор экан у ўлмасдир...

Тушга томон ёмғир кучайди. Ҳаво совуб кетди. Тошкентга йўлга тушганимизда қорга айланди. Булунғурдан усти оқарган машиналар кўпайиб борди.

Далаларда анвойи бир манзара: йўл бўйидаги дарахтлар усти қор, кўм-кўк экинлар, ўт-ўланлар усти қор. Бир текис унган икки қулоқ гўза кўчатлари устида босиб тушган қорнинг салмоғидан букчайиб турибди.

Ҳаёлимдан ўтади: совуқ уриб кетди. Шунча умид, шунча меҳнат кетди.

Тасалли топаман: майли, экинни бемаврид келган совуқ урса, қайта экин мумкин, жилла қурса ўша йили ҳосил камроқ бўлар. Лекин бемаврид келган изғирин миллий уйғонишдан барг ёзган истеъдод ниҳолларини, ҳаётга, бахтга ишонч чечакларини қовжиратиб кетсачи?

Бенхтиёр муқоясага бориб қоламиз.

Тўғри, Сиддиқий 37-йилгача етиб келмади. Етиб келганда ҳам омон қолмасди. У сталинчилар деган офатдан жисман зарар кўрганни йўқ. Лекин бу изғирин шоир одамлар қалбида ундирган ишонч, меҳру муҳаббат гунчаларини сўлдириб кетди. Ақлу вужудини машъал қилиб зулматдаги Туркистонни ёритган, уни уйқу-

дан уйғотиб озодликка етаклаган Сиддиқий мансуб авлодни улар ўз ҳаётларини бағишлаган халқига душман қилиб кўрсатди.

Буларни ўрнига қайтариш учун қанча вақт керак бўларкан?

Бир авлод умри етармикин?

Лекин ҳақни қарор топтириш бошланди. Кишининг ишонгиси келади: шоирнинг номи у асос солган Ҳалвойидаги мактабгагина эмас, унинг авлодлари яшаб турган маҳалла-кўйдагина эмас, миллионлаб ўқувчилари қалбига ҳам қайтади. Уша кундан у ўзининг иккинчи умрини бошлайди.

Ушбу нашрда шоирнинг 1973 йилда босилиб чиққан «Танланган асарлар»и асос қилиб олинди. Айни пайтда «Айнул адаб», «Ганжинан ҳикмат» шеърӣ тўпламлари, «Миръоти ибрат» достони ҳамда маҳаллий матбуотда эълон қилинган асарларидан олинган намуналар билан тўлдирилди.

## ҲАЗАЛЛАР

Ҳилолнинг сувратидек, эй фалак, қаддим дуто этдинг,  
Вужудим оташи ҳасрати-ла ёндурдунг фано этдинг.

Алим озода экан занжири истибдода банд этгач,  
Танимни хаста кўргач, раҳм умид этдим, жафо этдинг.

Қаноат этмадинг жисмимни зери ноа отмақ-лан,  
Тазаллум тиги-лан бошим кесуб, тандин жудо этдинг.

Бани гафлат шароби сархуш этмиш жоми макрингдан,  
Бошимга лашкари ғам фавж-фавжи-лан раҳо этдинг.

Балолар ўқларин ёгдирдинг, ижро ўлди у бешак,  
Бу мақсад-лан бани маҳдуфи пайкони бало этдинг.

Ҳаётим, шавкатим, шоним йиқуб дуфроға паст этгач,  
Сарукоримни вайрон айладдинг, бахтим қаро этдинг.

Бузилсун чодиринг, анжумларинг назимдин айрилсун,  
Хароб ўл бан киби ким обрўйим зиру по этдинг.

Тани мажруҳими қон қатраси қат ўлмаюб ҳоло,  
Бошимга ханжари бедод чекмак, муддао этдинг.

Фалак ҳам сен каби овораю саргаштадир, Ажзий  
Вале билмасмиким, раҳм этмади, чандон наво этдинг.

*«Айнул адаб», Самарқанд, 1916 й., 20-бет.*

\* \* \*

Ғамингдин осмон беҳад замирин то ҳилол этмиш  
Санго таъзим эдуб зотинго исбот камол этмиш.

Вужудинг партавидин ўда ёнмиш машъали ходар,  
Анго сайёрадин парвонаи ошуфта ҳол этмиш.

Эдуб бинг навъ манъинг биря у афроз инсонинг,  
У ким таҳқиқи зотинг истамиш айлар дубол этмиш.

Сани вор ўлдуғинг ҳаққинда авсофинг кифоятдур,  
Кими тахт узра султон, кимсаларни поймол этмиш.

Мубарросин хаёли фикру авҳому тасаввурин,  
Хато қилди уким шаънингда таҳдид эҳтимол этмиш.

Таним, руҳим, иродам, феълим, аҳволим эрур сандаи,  
Дағил сансиз уким ворлиқда йўхдин иштиқол этмиш.

Ададсиз таъи лаъи ҳар гунда бир шаънинг кўруб Ажзий,  
Бу мазмуни-ла умринг даҳри ҳар дам ўзга ҳол этмиш.

*«Айнул адаб», Самарқанд, 1916 й., 12-бет.*

\* \* \*

Вермак озурдаларинг қалбина озор, ғалат,  
Кина афгор таним айламак афгор, ғалат.

Сайди бедодам ҳамиша жафоя бесим алим,  
Ким эдар бесим-ла бе мол, кина такрор, ғалат.

Кимса мустақбали таъминини этмаз матлуб,  
Ҳарнаким даҳрда этмишса, пирикор, ғалат.

Мот ўлур донаи сатранж эда ҳамбоз хато,  
Йўл адашмазмиким, этмиш эса рафтор, ғалат.

Кимки оғози дуруст ўлмади анжоми бузуқ,  
Юз верур қалби салим ўлмаса, гуфтор, ғалат.

Шарт инсофким эт, дийдаи бино шукрин,  
Не ажаб, гулшани аъмодия гар кори ғалат.

Шаҳди ағёра бадал ёр жафоси, Ажзий,  
Лутфдин сонмақ эрур шафқат ағёр, ғалат.

*Уша китоб, 14-бет.*

\* \* \*

Сийнам, аҳбобларим, оташи ғамдандур доғ,  
Танда руҳим неча осори аламдандур доғ.

Фаёл сармоясидан дасти муродимдур танг,  
Оҳким, хаста дилим мояи камдандур доғ.

Улмади меҳрим асрори ҳаририм самади,  
Зоҳидинг сийнаси савдойи санамдандур доғ.

Булбули хокнишин этди гулистон шавқи,  
Қафаси даҳрда раъноӣ эрамдандур доғ.

Бодаи ҳирс ила арбоби каримдур сарҳуш,  
Ажзий бу борада арбоб карамдандур доғ.

*Уша китоб, 16-бет.*

\* \* \*

Парирулар паришон зулфитек хотир паришонам,  
Паришонам недан хотир паришонлиқ-ла ҳайронам.

Недан овора дашти ғамда нолон кездуким билмам,  
Магар мажнунни Лайлоси нашоти базми урфонам.

Гирифтори саводи хатту холи сафҳан дардам,  
Асири кулфату ранжу балоу доғи хирмонам.

Фоқиди эътиборам сарват асҳобин қопусинда,  
Садафтек баҳри босомон олам ичра урёнам.

Ҳаводис сарсари ҳарёна кездурмақ-ла ҳар соат,  
Паришонам, паришонам, паришонам, паришонам.

Ғиноу сарвати мардумдан истиғнодаям аммо,  
Фақирам гарчи фақр майдонида султонам.

Дегил ҳар зарраким ўз оламинда қарс ходардан,  
Бу янглиғ гўшани узлатда гўё бир сулаймонам.

Давои заҳмина сўрим эмишдур суҳбати ориф,  
Вале маҳдуфа пайкон балойе қавм нодонам.

Эшит ё раб, бу Ажзий эътирозинким деюр ҳардам,  
Умид авфинга этмак навла гар мумтоз нуқсонам.

*Уша китоб, 21-бет.*

Дун баним ранжу малолимдан хаёл этмиш ҳилол,  
Пўқса қаддини ғаму кулфатда дол этмиш ҳилол.

Ҳолати бадри тамошойи сўрур ғайри эмиш,  
Бизга қолгач, ўзни мақдури завол этмиш ҳилол.

Меҳрим асрори нури машъали хуршид экан,  
Хожатин арзу тавозеъ-лан савол этмиш ҳилол.

Чарх пирин домани дутмақ-ла нқдом айламиш,  
Ким бу мазмуи-ла такаммули камол этмиш ҳилол.

Ўлмаюб парвонайи хуршиди умри дунмаюб,  
Бадраким кўрмишки нока интиқол этмиш ҳилол.

Чекмаюб бози риёзат ҳосил ўлмаз муддао,  
Гўшагир ўлмоқда таҳсили камол этмиш ҳилол.

Еш экуб зонау Ажзийтек мароқиб ўлмадан,  
Доғина андиша тасвирин ҳиёл этмиш ҳилол.

*Уша китоб, 21-бет.*

Кўнглум асрорини шарҳ этмака бир маҳрам йўх,  
Ҳамдаму дард баним дардима бир ҳамдам йўх.

Бахт ёр ўлмадигин англадим андинким бан,  
Ҷисми мажруҳима марҳам диларам, марҳам йўх.

Хуррам ўлмоқда жаҳон боғина шарт эрди баҳор,  
Даҳр боғинда баҳор ўлди—дили хуррам йўх.

Жаннат обод эди Одам ила Ҳавводан,  
Жаннат аҳволи надур, шимди анго одам йўх.

Ўлди тан қалъаси ғам лашкарин истехкоми,  
Ғам учун ғайри танин қалъаси мустаҳкам йўх.

Ўлма озурда бан зордин кўнглумким,  
Бан у соатдаки маъдум ўларам, сан ҳам йўх.

Сонмишам ўйлаки Ажзий, бана махсусми ғам,  
Дедилар, ғам емаким даҳрда бир беғам йўх.

*Уша китоб, 8-бет.*

\* \* \*

Кимса, ё раб, бу дили зорима этмазми илож?  
Дили ғам дийдайи, афкорима этмазми илож?

Ғам ҳужуми-ла дўкар дийдаларим қон, ҳеч ким  
Бани бу дийдайи хунборима этмазми илож?

Халқдин ёрлиқ истарман ул умидим илаким,  
Келмиш ағёрдин озорима этмазми илож?

Шон қавмияти душвор кўкурсан помол,  
Кимса бу ҳолати душворима этмазми илож?

Роҳатин бузмишам афғон ила қўш (н)уларими,  
Бири ҳам оҳи шарар борима этмазми илож?

Ранж армони-ла беморлара йўхми табиб,  
Раҳм эдуб, зумраи беморима этмазми илож?

Даҳр афсоди сарукорими бузмиш Ажзий,  
Шимди гардун бу сарукорима этмазми илож?

*Уша китоб, 7-бет.*

\* \* \*

Нолаю фарёд этарму кимса бемор ўлмаса,  
Сийнаси тиғи тазаллумлар-ла афгор ўлмаса.

Улма ғафлат ёриким «аннавму аҳ-ул-мавт»<sup>1</sup> айтмиш  
Мурда таъбириндадур ҳар кимки бедор ўлмаса.

Сурати девори мафтун жамоли ўлмаким,  
Йўх дурур тасвир дар девор, девор ўлмаса.

Фитнахўлар кедидан омин дегил аҳли тамиз,  
Сайди дом фитна ўлғай кимса ҳушёр ўлмаса,

---

<sup>1</sup> Аннавму аҳ-ул-мавт — ўлим уйқуқи.



Жадда қасдилап кедан вопур эдар азми Адан  
На худо сайри сафонн ичра саркор ўлмаса.

Ера арзи муддао тақдим этардим ошкор  
Махфили дилбарда номаҳрам-ла ағёр ўлмаса.

Шеваи гуфторим асрорига маҳрам ўлмади,  
Кимсаким Ажзий муаммодин хабардор ўлмаса.

*Уша китоб, 3—4-бетлар.*

\* \* \*

Бу кун ашҳоду зотинг ила гуфтор айларам иншо,  
Вужудинг «ло» дин исбот этмака аллола истисно.

Кўзум ашки-ла бағрим қони тасдиқ этса аҳволим,  
Бу мазмун ила ишқинг иштиёқин айларам даъво.

Ибодат-ла жаннат истамак одобдин бесалим  
Қабулинг ўлгалл жон нақди-лан бан этмишам савдо.

Саннинг-лан ошнолиқ халқ икромин писанд этмаз,  
Надур Мажнуна мажнунлиқ-ла Лайли ишқида парво.

Ҳариминг дуфроғи ўлмоқ хаёлати-ла тарк этдим,  
Халойиқ эътиборин зарратек кўюнгдаям шайдо.

Ишим ғам тешаси-лан жисмими доғини қазмоқдур,  
Бани Фарҳода бенгзатмак дагил инсофдин хошо.

Вужудум ўтда ёндирмоқ-ла дунмам ишқ куфринин,  
Муҳаббат кўйида чўқ меҳнат илан этмишам адо.

Фано даштинда беному нишонлиқ эътиборимдур,  
Ҳузурн боргоҳинг узра агар бир лаҳзаям пайдо.

Не ғам Ажзий, агар оламда расволиқда машҳурам,  
Ҳақиқат салтанатга манда султон-этмая расво.

*Уша китоб, 2-бет.*

Амомали шайтонларинга «шукр», Худоё!  
Бу фоқиди иймонларинга «шукр», Худоё!

Сад чекмака ирфон йўлига амр эдамишлар,  
Бу фикрли султонларинга «шукр», Худоё!

Ғайрат-ла қамаб мактаби савтийлари<sup>1</sup>, ҳайҳот,  
Бу зумран нодонларинга «шукр», Худоё!

Мактаблара хас узра чўжуқлар ўхударлар,  
Дилдодан ирфонларинга «шукр», Худоё!

Ислон на деюр, биз на дериз, сан на деюрсан,  
Ўўлдан чихан инсонларинга «шукр», Худоё!

Ўз кайфина дунёни тасаллуд эдажаклар,  
Қозиларинга, хонларинга «шукр», Худоё!

Чойхоналара мактаб очиблар рамазонда,  
Атфоли ғазалхонларинга «шукр», Худоё!

Созандалара бахш эдажаклар кумуш, олтин,  
Бу соҳиби эҳсонларинга «шукр», Худоё!

Ҳақ сўйлаян инсонлари такфир эдажаклар,  
Иймонли мусулмонларинга «шукр», Худоё!

Ҳар соата юз дурлуқда зайфимиз ўлмиш,  
Даъватсиз у меҳмонларинга «шукр», Худоё!

Дўхтурларин-мўхтурларин ҳайрон бўрохўрлар,  
Жиндори парихонларинга «шукр», Худоё!

Ҳар бесару сомон сару сомона эришмиш,  
Бу бесару сомонларинга «шукр», Худоё!

Дунёни кечуб охирати, алдан отублар,  
Бу фонли хусронларинга «шукр», Худоё!

*Уша китоб, 29-бет.*

<sup>1</sup> XX аср бошларида ҳарф-товуш усулига асосланган янги усулдаги мактаблар.

\* \* \*

Ниҳоли дарддур бани ҳосилим ашки қаторндур,  
Фано гулзорин обод айламиш жисму назоримдур.

Дўкар қон бағрими гул яфроғитек чоки-чокиндин,  
Чаманда гунча бағрим ҳолидин ойина доримдур.

Чаман раъноларин сиридан истиғнодаям, зеро,  
Сариғ рухсора оқмиш қон ёшим наҳри баҳоримдир.

Диликлар жисми бетобимда тиг зулми гардундин,  
Очилмиш гулшаним тан боғида ё лозоримдур.

Таним бинг пора этмакдин банго қитъа ҳаёт узар,  
Бани вор ўлдиғим исботи, йўқ ўлмақда воримдур.

Кўзум олинда мақсудим эдар жавлон маҳрумам,  
Бу аҳволимки оҳу кўзларимда интизоримдур.

Ҳаёт маънави мафтуним, зинҳор айб ётманг,  
Бу савдо кулфати-ла бе шуур ўлмоқ шиоримдур.

Маризи иттиҳодам, анжуман базми табибимдур,  
Банинг шўро шароби боис дафъи хуморимдур.

Бадан роҳат-ла улфат дутмаки тарк этмишам Ажзий,  
Сабаб, симобтек жисмимда руҳ беқароримдур.

*Уша китоб, 9—10-бетлар.*

\* \* \*

Баҳор файзи тароват-ла меҳрим ўлмиш боғ,  
Навои булбула ҳар гунча гулда ўзга қулоғ.

Ер узра хилъат истаб роҳ ўлди сабза сабз,  
Қулоҳи фахрини хуршида еткуруб дуфроғ.

Музайян айлади олтун шамат-ла сабзалари,  
Сочиб насим-ла раъно-у настарин яфроғ.

Сеҳрда шабнам эдуб гўё нисори инжу,  
Чаманда сунбули зулфина савсан урди тароғ.

На андалиб фақат масту жом бодаи завқ,  
Ҳар ошёнда букун хуррам ўлди чўғз ила зоғ.

Бу янгли аср тамаддунда чашми ибрат бин,  
Кетдурди ғами руқъа этди, тоза ўлди думоғ.

Нузул қилди жонон боғидин ҳавас жадид,  
Жонондин ўлмади мумтоз доғу дашт ила боғ.

Ниҳоли маърифат очди чечак бу гулшанда,  
Мурод лоласи лаб ташналарга сунди аёғ.

Уянди миллат хобидан сўйла, эй Ажзий,  
Нидои «ай-йу-ҳо ал-аҳвон»<sup>1</sup> демакни чоғи бу чоғ.

*Уша китоб, 17-бет.*

\* \* \*

Надур фарёда боис, надур афғон этимдан матлуб,  
Агар инсон чекар роҳат ва гар булбул чаман матлуб.

Бан ўз ранжим-ла бемор ўлдиғим ваъз табиатдур,  
Фано ўлмоқ ғами аҳбобидандур анжуман матлуб.

Вуфури сарвату жоҳ ила масрур ўлмазам ҳарғиз,  
Банго парвонатек жон вермадан ҳифзи ватаи матлуб.

Жароҳатига марҳам истаян ҳозиқ табиб излар,  
Магар бу жустижўдин йўхми ислоҳи бадан матлуб?

Оёқ остинда искон айламак беорлиқ Ажзий,  
У ким бу ҳола бош қолдурмаз этмишдур кафан матлуб.

*Уша китоб, 4-бет.*

\* \* \*

Ғунчасин очмиш тамаддун гулшани жавлон эдуб,  
Олам аҳлини санойе гуллари ҳайрон эдуб.

Ҳар тараф то уни ғафлатдин эсуб боди ҳамим,  
Бу ҳам ўз таъсиридин ислоҳ эвин вайрон эдуб.

<sup>1</sup> Ай-йу-ҳо ал-аҳвон — эй, биродарлар!

Мактаб атфола ҳамд ўлсулки, вермиш тоза жон,  
Тоза қонуни-ла таълим айламак нишон эдуб.

Фикр асҳобига табрик айламак шоистадур,  
Ҳар дам, ҳар соат, ҳар лаҳза дастижон эдуб.

Даҳр авзойин мужарраб айламак осон дагил,  
Бўйла бир мушкулни мушкул англамоқ осон эдуб.

Олам имконида мумкин суратин имкони вор,  
Мумтанеъ ҳар мумкин этмазсан агар имкон эдуб.

Шаръи қонуни-ла йўл кезмак тилар қалби салим,  
Ҳар заиф имонни ўлмаз соҳибни виждон эдуб.

Халқни, Ажзий, тараққиёта саъй этдурмака,  
Айларам таклифи урфон хислатин бурҳон эдуб.

*Уша китоб, 4—5-бетлар.*

\* \* \*

Банго қарорсиз ўлмоқда вордур боис,  
Қарорин вермақа алдан қарордур боис.

Сабаб на лоласифат маскан этмишам ҳомун,  
Банинг жунунима фасли баҳордур боис.

Юракда асрадук асрорим, ўлди фош недан,  
Кўзим жаворида ашк қатордур боис.

Ватан харобасин ислоҳина интизоридаям,  
Бу интизорима бир интизордур боис.

Қибор таънаси-ю маҳдуфим суфор дошин,  
Бу қонли чашма суфору кибордур боис.

На ўлди миллат, ўлуб эътибордин маҳрум,  
Бу йўлда маслак безътибордур боис.

Бан иттифоқ шароби-ла сархушам Ажзий,  
Бани бу ҳолима ранжи хумордур боис.

*Уша китоб, 6-бет.*

\* \* \*

Дардмандамки дурур дардима дармон малҳуз,  
Зулмат Лайлим учун шамъий шабистон малҳуз.

Андалиби чамани сийнаи парҳунам бан,  
Хотири зорима йӯх сайру гулистон малҳуз.

Бу ўлук жисмим учун руҳ тамаддун мақсуд,  
Ўйла ҳар мурда дилинг қалбинадур жон малҳуз.

Зоҳидинг ҳаббаю дастор муродидур сабр,  
Демаким хоотири мақдурина имон малҳуз.

Мустаҳиқӣ ҳарамӣ жаннат эрур кофири ишқ,  
Аҳли зуннори муҳаббат эда ризвон малҳуз.

Олам арбоби ғино сарвати обод эдамиз,  
Магар у соҳиби эҳсон эда умрон малҳуз.

Жаҳл борича таҳаммул неча инсоф дегил,  
Бу сабабдин даҳа Ажзий эда урфон малҳуз.

*Ўша китоб, 14-бет.*

\* \* \*

Навла раҳм этса фалак бан каби беморлара,  
Дашт ҳирмони-ла ғам доғида афгорлара.

Очил, эй дийдайн ибрат назарим, олама боқ,  
Кўкда тайёралара, сувдағи сайёрлара.

Уманм сонра саҳбойи камолот ила маст,  
Биз фақат бенгзаюруз сурати деворлара.

Бу сарукоримиз асбоб тамаддун ўламаз,  
Ўғрагай офат ғайби бу сарукорлара.

Гардун саъйими занжири бало этмиш асир,  
Ворми, ё раб, раҳи тадбир бу рафторӣ ара.

Биза ислом бу тақлифими этмиш, ҳайҳот,  
Гезуруз сархуш ўлуб раста-у бозорлара.

Илм экан фарз, недан жаҳлга табдил этдук;  
Ғарқам зийнат ўлуб ҳуббаи дасторлара.

Ғарб илан Шарқ уёнмақ-ла бошин қолдурди,  
Таъна пайконини маҳдуфи биз агёрлара.

Жонинг афсоди замони-ла сиқилмиш Ажзий,  
Сабрдин ўзга недур чора бу душворлара.

*«Ойна» ж., 1914 й., 38-сон, 905-бет.*

\* \* \*

Надур, ё раб, бу гирён чашми хунборим таманноси?  
Бани ғарқи бало тўфони этмишдур бу дарёси.

На гулшандур буким, ҳар гулдадур бинг ханжари хунрез,  
Надандур бенгзамиш жаллода ҳар бир сарви раъноси.

Бу гулшан гулшан эркан, даҳр хористон эмиш яксар,  
Насил хор ўлди гулшан, гулшан олди хор маъноси.

Тамаддун бизда эркан, чўла кезмиш ваҳшат асҳоби,  
Надан, ё раб, бу дам ваҳшат-ла ўртулмиш саро поси.

Маориф турраи мушкини савдоси-ла Мажнунам,  
На сеҳр этмиш бани холу хати урфонни Лайлоси.

Букун ҳабси садолар фанни, осори жадид эрмас,  
Бизим чўқдан садомиз ҳибса олмиш жаҳл хулёси.

Матои маърифат бозори савдосиндаям, Ажзий,  
Қаму савдо солиб бошимга бу савдони савдоси.

*«Ойна» ж., 1914 й., 37-сон, 886-бет.*

\* \* \*

Кўранда лола яфрогин гумон этманг, чамандур бу,  
Лисони ҳол, ҳарфи-дарси ибрат, анжумандур бу.

Шаҳиди ханжари ишқи ватанлар лахта қонидан,  
Кўрунмиш пардаи номус ила хунин кафандур бу.

Бу гулшан саҳнида гул яфроғи ранги гумон этманг,  
Қизормиш хуну ноҳақ рангидан хокн ватандур бу.

Диликлардур сўқоқу расталар гардун харошидин,  
Тазаллум новакидан йўқса чок ўлмиш бадандур бу.

Сариқлар соҳибин кўрдукча қувватлатма уммининг,  
Тамаддун, маърифат, урфон йўлида роҳи зандур бу.

Жилойи зохири дорилфунуннинг ўлма мафтунини,  
Тақобун сўи таъсири ила дорул миҳандур бу.

Кесилмак миллати исломи дасти саъйи, эй Ажзий,  
Фалокат мазҳари ўлмақ, недандур бу, недандур бу!

*«Ойна» ж., 1914 й., 39-сон, 932-бет.*

\* \* \*

Дийдайн гафлат уёнди, маҳв ўлуб бедорлиқ,  
Сийна умронини вайрон этти баткирдорлиқ.

Ҳосили урфона ўд верди самуми жаҳлу бухл,  
Воримиз йўқ ўлди, яксон ўлди йўқу ворлиқ.

Ҳифзу номус ўлди соқит дасти истибдоддан,  
Қалъан ғайратни вайрон айлади беорлиқ.

Шинква шимди бахти номасъуддан жоиз дагил,  
Бахт ёр ўлдук-да биз нафрат-ла кесдук ёрлиқ.

Сарвати мол ила бир қоч вақтлар масрур эдук,  
Қора табдили зиён верди букун тужжорлиқ.

Ҳар оёқ ҳар қўлда бинглар дўсти қайда эҳтиёж,  
Боғлади бир танни бинг занжира бадрафторлиқ.

Сабҳа соймақ зоҳидинг имонин исбот айламаз,  
Мўмин ўлмаз барҳаман гезмишса гар дасторлиқ.

Сархуши жомий-ла лааб, панди-ла ўлмаз ҳушёр,  
Баски лавҳу жаҳл очиб бужодада хумморлиқ.

Иззату шону шараф қатъ айлади саъйу нифоқ,  
Оқибат бу жустижўдан арса олдук хорлиқ.

Танда қолмиш қатра қон ҳирсинда бинг фассода, боқ,  
Ишда бинг номус эдур, ўрнинда мусиқорлиқ.



Бул ҳаваслик бизни кўпдан айламыш хуршид, хоҳ,  
Босмаюрмизким оёқ олтинда йўқми ғорлиқ.

Қайди бемавқеъ таваккуллар бизи этмиш асир,  
Истаюб ризқи ҳаводан коримиз бекорлиқ.

Кунда ҳар миллат яшаб, бир ёш эдар даъвойи рушд,  
Биз анинг зиддин-да ҳар дам айлаб истисфорлиқ.

Ғайрилар атри тамаддундан ўлуб мушкин димоғ,  
Биз бобо исмини сотмоқ-лан эдуб атторлиқ.

Ажзий, бан тири жафойи чархдан озурдаям,  
Ё гунаҳ билмазми гардун бўйла дилозорлиқ.

*«Ойна» ж., 1914 й., 40-сон, 955-бет.*

## МУХАММАСЛАР

### Е РАБ!

Е Раб, эшит бу хаста дилимнинг навосини,  
Ким сандин ўзга чора эдар муддаосини,  
Токай чекам замонаи бор жафосини,  
Ҳар дам отар нишонима тири балосини,  
Майдони жаҳла сурди нифоқ аждаҳосини.

Миллат уйини йиқди фалокат эдуб хароб,  
Мавжин талотум этди букун баҳри инқилоб,  
Биздан арусн ақл юзига чекуб ниқоб,  
Е Раб, қачон учаримиз ўлгай раҳи сабуоб,  
Дафъ эт, Илоҳи, роҳи хато раҳнамосини.

Инсофдан, жаҳонда касолат-ла содайиз,  
Ҳаб корвон сувораси ва биз пиёдайиз,  
Ҳар нокасин алинда асир қалодайиз,  
Маст шароб, ғафлату махмур бодайиз,  
Е Раб, на офат урди бу миллат ҳаёсини?

Субҳ қиёмат ўлди, биз уйқудайиз ҳануз,  
Кўз очди ҳар жамоа, биз осудайиз ҳануз,  
Хабс нахусу накбата олудайиз ҳануз,  
Жуҳҳол зери пойина фарсудайиз ҳануз,  
Ким солди бизни бу ера тобсун жазосини.

*«Ойна» ж., 1914 й., 33-сон, 792-бет.*

### ФАХРИЯ

Бизда бинг дурлу ҳунар анвоъи ҳикмат вордур,  
Бинг чашид тадбири юз бинг рангги санъат вордур,  
Саъйинмиз майдондадур маълум ва ҳиммат вордур,  
Қайда бизтек зумраи ағёра ғайрат вордур?  
Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур.

Хуни поҳақ айламакдан инча ҳикмат кимдадур?  
Нақиб қозмақ, мол чолмакдек синоат кимдадур?  
Кўкнору бангу май кайфича роҳат кимдадур?  
Бу бизим рафтору бу одатча одат кимдадур?  
Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур.

Ҳеч бир қавм ичра ўғлонларда кокул вор эмас,  
Эркак ўғлонларни қиз қилмоқ, биза душвор эмас.  
Бу насл ҳикмат дагилдур, бунга ким иқрор эмас;  
Ҳеч бир ҳикмат бу ҳикматтеқ жаҳонда вор эмас,  
Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур.

Боқ, на ҳикматдурки, бесармоядур тужжоримиз,  
Муфтаўр, яъни қаландар-лан дўлу бозоримиз,  
Иўхми ҳикматдан бизим бу расму бу кирдоримиз,  
Бўйла бир қонуни ҳикмат-лан дурур рафторимиз,  
Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур.

Уғалар су(в) ичра вопур-лан кезиб оворадур,  
Бир тақимлар кори тайёр айламак тайёрадур,  
Бўйла кулфатлар, машаққатлар бори бекорадур,  
Уйда санъатлар-ла ким шуғл этди бахти қорадур,  
Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур.

Улди ҳикмат-лан мусаххар каклику бедоналар,  
Бир-бири бирлан урушдурмақ насил эълонлар,  
От илан чопмақ кичи(к)лар мурдасин ким айблар?  
Аҳли санъат бу бизим ҳикматлара ҳайрон қолар,  
Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур.

Афтомобиллар, трамвайлар, қаро вопурлар,  
Барчаси беҳуда шайлардур саросар дардисар,  
Куфр ўлмасми бу бидъатларға солмақлик назар?  
Ҳикмати жиндорлик бергай биза ғайби хабар,  
Мўминиз, ҳикмат бизимдур, бизда ҳикмат вордур.

*«Ойна» ж., 1914 й., 41-сон, 978—979-бетлар.*

### ИСМОИЛБЕК ҲАЗРАТЛАРИ ЁДИҒА

Ажр эдан вазифасин, қўл ила, лисон ила,  
Нашр этди халқға мавъидасин «Таржимон» ила.  
Халқ бўлди ошно бу сабабдин жаҳон ила,  
Ҳал этти мушкilotи фунунинг баён ила.  
Саъй этти хизмат этмаға сарват-ла, жон ила  
Ислома равнақ истади тўл замон ила.  
Устод кулли маҳозин, урфон анахтари,  
Исмоил Забиҳ<sup>1</sup>ча жонбоз Ғаспари.

*«Ойна» ж., 1914 й., 51-сон, 1228-бет.*

<sup>1</sup> Забиҳ — қурбонликка аталган. Исмоил номига ишора.

## ТАРКИББАНДЛАР<sup>1</sup>

\* \* \*

Ҳоли ғариб зорима раҳм этдукунгми бу?!  
Ед ола кетдукумда алим дутдукунгми бу?!  
Чўлларда, кўйларда бани сокин этдукунг,  
Қон оғламиш замонима овутдукунгми бу?!  
Иссними айтдукум, сана халқ ичра юрдукум,  
Отдунг ябона ё гуноҳим ўтдукунгми бу?!  
Ҳар лаҳза бир ҳаводиса ўғраштурдунг,  
Дунёдан эса бағрими совутдукунгми бу?!  
Ё сан ҳам ўйла дашти балоларда зорсан,  
Ҳам нек эдуб ўзунг-ла бани дутдукунгми бу?!  
Ўлсун хароб гунбази найранг парваринг.  
Ёнсун шарори оҳим ила сабз чодаринг.

\* \* \*

Қавкабларинг-ла миллати ислома отма дош,  
Бағрин жароҳати диламаз шимдидан харош.  
Эй кири жанг қомат ўю бас магар мариз,  
Амр айламиш ҳақим даво лозим ўлди бош,  
Абру жаҳолат ила бизи пардапўш эдуб,  
Чўхдин ёшурдунг эл бошидин шуълаи қуёш.  
Вердинг биза бу сояйи чўх тарбиятларинг  
Таҳқиқ ўлуб жаҳолатимиз халқа ўлди фош.  
Ё Раб, бу не бало эдиким, ўградук анго,  
Ҳар фардимиз гурур матонн этуб талош.  
Инсофимиз чекилди виждонимиз хароб,  
Ҳар қавм шимди биздан эдар ору ижтиноб<sup>2</sup>,

\* \* \*

Бизларга ҳеч маъруф даркор эмазмидир?!  
Ётмоқ оёқлар остина бир ор эмазмидир?!  
Бўш йўқми сийнамиз ҳунар, фан фазлдин,  
Суратда нақш жубба ситор эмазмидир?!  
  

---

<sup>1</sup> «Миръотн пбрат» (Самарқанд, 1916) дostonига иловадан олинди.

<sup>2</sup> Олдинги нашрда тушириб қолдирилган эди.

Ганжинаи маориф йўқми ано ҳасрати,  
Ҳар саъй жаҳонда устивор эмазмидир?!  
Бенлму беҳунар ҳама акнофа, ҳар ера  
Расвойи роҳу растау бозор эмазмидир?!  
Очмақ керак эмазми бу кўзлари олама.  
Ибрат махозинина бу очор эмазмидир?!  
Ётмоқдин ўлди хаста сўнгалар, қабиргалар,  
Келди у кунки, тамаъ эдар этни қаргалар!

\* \* \*

Ҳар бошимиз у бошимизи фикридан узоқ,  
Ҳайлула дутди орамиза бухлу нифоқ.  
Фарзанд отая, қардоши қардоша мунҳариф,  
Ё Раб, магар бизимча, ҳаром ўлди иттифоқ.  
Масжидлари макотиби йўқдур аморати,  
Атфолимиз сўқоқда ўйнар чиллак чамоқ.  
Афғонимизни кимса эшитмаз ажаб замон,  
Ё халқ карми ёки биза ворми эҳтиноқ.  
Саргарм ибрат ўлмади бир зот орамиза,  
Миллат атадиги манзилу мақсуддан йироқ.  
Ал чекди фазлдан уламомиз, авомимиз,  
Шуҳрат кўтарди олама бадликда номимиз<sup>1</sup>.

\* \* \*

Эй кўзларим, очил, назар айла, бу олама,  
Боқ ҳар қабила ҳолини авлоди одама.  
Сан эй қулоқ, эшит, на садо бу жаҳона вор,  
Ҳар эл каломин англа деюр найла, найлама.  
Эй қўлларим, китобу қалам, қоғоза узан!  
Ўт вер жаҳолат эвина, йўл сол муродима!  
Кўнглум, сан ўл саройи маориф-ла комёб,  
Ҳар фандин айдуким эдакўр сан муколима.  
Эй ақл, бо савоб салимим ҳидоят эт!  
Этма дучор кулфату андуҳ мотама!  
Эй тийнатим, таҳсили урфони шод ўл!  
Эй сийратим, тажалли ҳақ ниҳод ўл!

\* \* \*

Чихдуқ халойиқ ўртасидан ижтинобдан,  
Тарҳ ўлди оқибат ададимиз ҳисобдан.

<sup>1</sup> Олдинги нашрда тушириб қолдирилган эди.

Хуршид агар умума мос верур шафоғ,  
Қасб ўлмади ҳарорат биза офтобдан.  
Фатво маокас ўлди ҳалолу ҳаром ила,  
Нақл ўлди баъзи бидъати манъи китобдан.  
Аҳли улумимиз муташайжи лисонлари,  
Манъ айламакда халқни шарр шаробдан.  
Улмак дучор бўйла оғир бир фалоката,  
Оройи солиҳ ўлмадиға инқилобдан.  
Исо керакми бизлари ислоҳ этмаға  
Еинки бир баними мурода етушмаға<sup>1</sup>.

\* \* \*

Эй қардошим, рафиқим, отам, ёрим, улфатим,  
Оғзим, тилим, сўзум, қаламим, аҳли суҳбатим.  
Сан бирла бир муомала бирлан бўлунмалийиз,  
Йўқ-йўқса халқа машварат этмак-ла рағбатим.  
Ез, сўйла, нола ила фиғон чек-да, оҳ ур!  
Охирда бу санинг-ла ёпилмиш васиятим.  
Таън этса, лаън этса, қулоқ верма ҳар каса!  
Эй жоними зиёси, эшит, бу насиҳатим!  
Ҳар ким кўзина лавҳайи бандим дучор қил!  
Алдан буроқма, этма хиёнат омонатим.  
Ахвонларим бу ваъз ила ҳушёр қил!  
Дуфроға дўкма сўзларими эътибор қил.

---

<sup>1</sup> Олдинги нашрдан тушириб қолдирилган эди.

## ҲАЖВИЕТ<sup>1</sup> (1918—1927)

### «ЛИГИ НОСА»<sup>2</sup>ГА ТАВСИЯ

Жим ўтирма, жаллодга мандат бер,  
Каттасан, мақсадингни англа, бер.  
Тўнга тутдир арабин, яғмо қил,  
Дод эшитма, кўзунгни аъмо қил.  
«Лиги Носа» эрур сенан отинг.  
«Паплава», «Чемберлен» эрур зотинг.  
Бойга тегма, фақирни ўлдургил,  
Мингтасин бир чуқурга кўмдургил.  
Коммунистдан сира вакил олма,  
Ўз бошингни тузоққа илдирма.  
Шарқ эли «культур»ингдан айлансун,  
Қул бўлиб мандатингга бойлансун.

*«Майна», «Машраб» ж., 1925 й., 32-сон.*

### ИНЧУНИН БОЯД<sup>3</sup>

Кўзимга учради ногоҳ, бир ашъор «Инчунин бояд»,  
Ман айдим унга таҳсин ила такрор «инчунин бояд».

Гар ин гов-говки андозан, чи донад лаззати шеър<sup>4</sup>  
У ким фаҳм айлади, шеъримни хушёр «инчунин бояд»

Ғазал вазну, қафо, ширин иборатдин иборатдир,  
Муроду мақсаду маъно чн даркор, «инчунин бояд»?

<sup>1</sup> Шоирнинг ўзбекча ҳажвий шеърлари «Машраб» журналидан олинган.

<sup>2</sup> Лига Нацин — 1920 йилда тузилган халқаро ташкилот. Ташкилотга Америка президенти Вильсон бошчилик қилган бўлиб, шу йилларда дунё миллий озодлик ҳаракатини бўғувчи ташкилотга айланган. Шеър шу ҳодисани фош қилишга қаратилган.

<sup>3</sup> «Овози тожик» газетасининг 74-сонида «I» имзолик кишининг шеърига жавоб тариқасида ёзилган.

Сиддиқийдан ташқари «Баттол» лақабли шоир (С. Айний) ҳам пародия ёзган. Қаранг, «Машраб» ж., 1926, 35-сон.

<sup>4</sup> Агар у ҳўкиз бўлса, ҳўкиз менинг шеъримдан қандай лаззатлансин.

Сиёсат сиррини кашф айламакни орзу қилсанг,  
Ҳамин бир сўзни такрор айла «асрор инчунин бояд».

Агар тасхири жину дев қилмоқни ҳаваслансанг,  
Ўзинга айла бозу банду тумор «инчунин бояд».

Жаҳонда шеърни бир тусдадур деб ўйлама, жоним,  
Бирн бор «ончинон на буд»<sup>1</sup>, бири бор «инчунин бояд».

Агар шоирнинг унвонини ҳаср этмакчисан, айтма!  
Неданким даҳр айвонида бисёр «инчунин бояд».

Баногоҳ кўрса шеърим нозими Фирдавсию Саъдий,  
Дер эрди ҳар бири ҳам: «ҳусну гуфтор инчунин бояд».

### ЧИН ВА ЁЛҒОН ЗИЁЛИЛАР

Букун сиздан очарман дostoniston зиёлилар,  
Эрур мумтоз мадҳимдан ҳама ёлғон зиёлилар.

Ҳузури олами инсон учун даркордан бошқа,  
Вужуди олами ахлоқ учун нуқсон зиёлилар.

Сўзи бир мактаби олий, ўзи бир манбаи урфон,  
Юзи миръоти ибрат, қалбида виждон зиёлилар.

Тилида заҳри афъюн, ниши ақраб ҳар каломида,  
Юзи инсонга ўхшар, тийнати шайтон зиёлилар.

Вужуди марҳами дорушшифо мажруҳ танларга,  
Жаҳолат тифларига нойиби Луқмон зиёлилар!

Йўл узра тошдек тўсқу бўлиб элни тўқуштурғон,  
Йиқилғон халқнинг пешонасин ёрғон зиёлилар.

Башар наслига ҳомий халқ авлоди ўз авлоди,  
Биров жонини ўз жони каби билғон зиёлилар.

Кийиб бошига гоҳ дастор, гаҳи фас, гаҳи телпак,  
Юз алвон ҳар нафас «дажжожатул маржон»

зиёлилар.

---

<sup>1</sup> Унақа эмас.



Чолишқон халқ аҳёси учун бир лаҳза тинмасдан,  
Бўлиб саққойи оби чашмайи ҳайвон зиёлилар.

Қасофат наҳсу накбатларни дойим орқалаб юрғон,  
Кўринган, учрогоннинг бошига урғон зиёлилар.

Биров роҳатсиз ўлса, танда бўлғон жони роҳатсиз.  
Биров мазлум экан, золимга ўқ отғон зиёлилар.

Ўзи жони учун минг жон қадрин бир фулус этган,  
Қилиб ўз фойдасига халқни қурбон зиёлилар.

Ҳадаф бўлғон бало-ю, таън-лаън ўқиға ҳар соат,  
Нажоти зумрайи инсон учун қалқон зиёлилар.

Ўздан ўзгани инсон экан деб эътироф этмай,  
Ўзининг билмаганин билгилик билғон зиёлилар.

Зиёлиларнинг анвоъини тасвирини ман чектим,  
Қаюсин билгусиз, инсонлар, инсон зиёлилар.

*«Гина-гина». «Машраб» ж., 1926 й., 35-сон.*

### ТАБРИК

«Машраб»<sup>1</sup> бобо ҳайитлар, бўлсин санго муборак!  
Бу янги бир замонда янги асо муборак!

Ҳар кимса хизматингни табрик этарда тақдир,  
Йилларча иш тутишға аҳду вафо муборак!

Қолса қўлинг ёзишдан қарфит бўлиб қаламлар,  
Танбаллик ўлса сандан, биздан рижо муборак!

Муллою хўжаю бой, эшону муфти аълам  
Деб қилмагил риоя—бу феъл но муборак.

Эшон йўлиға суққил ҳайвон суробларни,  
Рафтори номуносиб бошад гужо муборак.

Зухҳоду шайхларни қўрқмай уриб йиқитғил,  
Унларга бу замонлар мотам, азо муборак!

<sup>1</sup> Шу номдаги журналнинг бир йиллик юбилейига бағишланган.

Масъул ишчиларни кўп сиқма, айла инсоф,  
Зероки, баъзнисидан элга жафо муборак.

Бўлсун узоқ умри, эгрини бир нафасдек,  
Элдан илоҳи омин, сандан дуо муборак.

«Шашпар». «Машириб» ж., 1925 й.; 24—25-сонлар.

### ДЕҲҚОН МАҚОМИДА ПАҒМА

Ўртоқларим, борми назар бизни томонга?  
Кўчдик кўзигиз бердик эмас яхши ёмонга.  
Мен илгари бир «хўжа» эдим еру су (в) бирлан,  
Яхши ҳама асбобларим—жонлию, бежон.  
Омборда тўла ғаллаю сандуқда тўла нон,  
Ош бирла (тўла) эрди қозон, кечди у даврон,  
Энди кўзимиз термуладур парчайи нонга,  
Ўртоқларим, борми назар бизни томонга?

Кунжолага куч етмади, хўкузлар ўлди,  
Отимни нолуғ бермас учун оқсоқол олди,  
Синдию ёқилди омочим, мола йўқолди.  
Билмай турамен тиш ила тиркишни ким олди?  
Ўт ёнмади бир ҳафтада, бир ойда қозонда,  
Бизнинг куну тун ўхшади моҳи рамазонга.  
Қолдим ўралиб кўҳна кийим, эски чопонга,  
Ўртоқларим, борми назар бизни томонга?

Уйимда палос ўрнин олиб шоли похоли,  
Бир неча йил ўлди (ки) кўзим кўрмади шоли.  
Бўлди неча кун босмачилар юртда воли,  
Ахир на бўлур қишлоғимиз аҳлининг ҳоли?  
Бу манзара манзур бўлур, кимга қачонга?  
Азроил агар ханжарини ўрмаса жонга?  
Қолди кунимиз хўл ўтину эски сомонга,  
Али сотиб, свқат қиламиз неча жонга.

Ўлтурғон уйим энди йиқилмоққа етишгон,  
Болори синиб, томи чўкиб, вассаси тушгон,  
Эшиклари ёпилмас ўлуб тахтаси шишгон,  
Бир-икки ёғин бўлса бўлур ерга ёпишгон.  
Ким солгай экан қайтадан (энди) мунн сонга?  
Келгайму бирон раҳбари ушбу томонга?  
Токай мани жойим бўладур кунжи мадонга?  
Ўртоқларим, борми назар бизни томонга?

Мендан сўраманг бой ила мулло нима бўлди?  
Кўз олдидадур барчаси, дунё нима бўлди?  
Аввал на эди бунлари ҳоло, нима бўлди?  
Шаҳр аҳли нечук бўлдию, саҳро нима бўлди?)  
Қай тусда эди турмушимиз эски замонга?  
Аввалдаги ул манзаралар кетди қаёнга?  
Дехқонга муножот ажали тиклади жонга,  
Ўртоқларим, борми назар бизни томонга?

Бу ҳола энди қиламан шукр зиёда,  
От овқати(н)дин йўқ ғамим, азбаски пиёда.  
Аввалда бошим қолгон эди турли балода,  
Роҳат ётаман энди очиқ яхши ҳавода.  
На ўғрию на босмачидин ғам бу жаҳонга,  
Ҳар ер ана роҳат, ана роҳат бу замонга!  
Ит сояни мандин ола билмас саратонга,  
Ким боқса ҳаваскор бўлур бизни томонга.

. . . . .

### ЭКИН ЕРЛАРИНГ ДАРДУ ҲАСРАТИ

Хут ойи кириб, янги ҳаволар яна чиқди,  
Дехқон деган ул эски балолар яна чиқди.

Қор остида қиш қишлар эдим, кўрмади дехқон,  
Энди кўраман барчасининг қўлида кетмон,  
Ҳар қайсисининг белида белбоғида бир пон,  
Ҳоло кўрунарким, бўладурлар манга меҳмон,  
Меҳмон дема ул, аҳли жафолар яна чиқди.  
Дехқон деган ул тоза балолар яна чиқди.

Энди яна омоч била кўксимни тиларлар,  
Кетмон ила аъзо баданим пора қиларлар,  
Сан, ўйлама, мола ила бошимни силарлар,  
Ҳар жавру жафо қоидасин яхши биларлар.  
Анвои бало бирла қазолар яна чиқди,  
Дехқон деган ул эски ваболар яна чиқди.

Кўксимни қилиб пора, экиб арпаю буғдой,  
Кунжид била андову зиғиримдин олиб мой,  
Еганлари оппоқ палов, ичганлари кўк чой,  
Дехқон тамоми меним орқамдан эди бой,  
Хут ойи кириб тоза ҳаволар яна чиқди,  
Дехқон деган ул эски балолар яна чиқди.

Шоли экаман деб мени лойимда ҳам ишлаб,  
Тўрт ой мени бечорани сув остида ушлаб,  
Хирмон қиламан деб, бету бошимни тарошлаб,  
Шолимни олиб, боз ялангоч мени ташлаб,  
Кетгаң уйига юзи қаролар яна чиқди,  
Деҳқон дема беору гадолар яна чиқди.

Бир неча йил эрди (ки), улар камбағал эрди,  
Ер дам олиб эрди, ҳама деҳқон касал эрди,  
Танбал эди, хушёқмас эди, кам амал эрди,  
Аммо биз учун, яхши замон, хуш маҳал эрди,  
Уйғонди ажузранг балолар яна чиқди.  
Ўт кирди-ю, бешарму ҳаёлар яна чиқди...

Янчилғон эди бошлари ўлдирган илондек,  
Рухсораларни ранги эди барги хазондек,  
Чўнтаклариди бонка пули бўлди сомондек,  
Бўлди ҳамаси энди фалон ибни фалондек,  
Худ камбағалу бойнамолар яна чиқди,  
Деҳқон деган ул бахти қаролар яна чиқди.

Ман кутган эдим энди улар оч қоладир деб,  
Бир-икки йил ўтмай ҳаммаси(ни) ўладир деб,  
Ерлар ҳама беэгаю ҳайрон қоладур деб,  
Иўқ эрди гумон киссаси пулдан тўладур деб,  
Хут оғи кириб, тоза ҳаволар яна чиқди,  
Деҳқон деган ул катта балолар яна чиқди.

Ер бошига жаллоднамолар яна чиқди,  
Уйғонди ажуз ранг балолар яна чиқди,  
Деҳқон дема беору гадолар яна чиқди,  
Ул юзи қаро, кўзи алолар яна чиқди,  
Чиқди, яна чиқди, яна чиқди, яна чиқди.

*«Шашпар». «Машраб» ж., 1925 й., 18-сон.*

### ЧЕРВОН

Червонсан, червонсан, ишнингдир найранг,  
Охир бизни ошиқ этарсан червон.  
Ақлу ҳушимизни олдинг ўзингга,  
Бизларни кимларга сотарсан, червон?

Червон ҳаргиз бизни кўзга илмайдур,  
Ошиқлигимизни червон билмайдур.

Червоним йўқ бўйса, кўнглим тинчимайдур,  
Кимнинг ҳаменинда ётарсан, червон?

Ерда қилиб авлиёлик даъвосин,  
Қўлинг тутсак, силкиб тортиб оларсан.  
Молимизни қилиб арзон баҳосин,  
Бошқалардан қўрқиб турарсан червон.

Бизнинг буғдой, арпа, шоли гуноҳкор,  
Орқалаб юрурмиз бозорма-бозор,  
Оқибат сотолмай бўлурмуз безор,  
Молимизни арзон оларсан, червон.

Сани ушлаб, қассобликқа келтурсак,  
Червони бор деб, олдида ўлтурсак,  
Ёки баззозга «мол бер» деб гапурсак,  
Рангинг ўчиб, титраб қолурсан, червон.

Бойга келсанг тўрт оёқлаб келурсан,  
Белингни юз жойдан боғлаб келурсан,  
Бизга оёгингни ёглаб келурсан,  
Ярим нафас зўрға турарсан, червон.

Бизнинг уйга келсанг, ҳаддан ошарсан,  
Ишим кўп деб кетмоқ учун шошарсан,  
Елғиз юрарсан—ман-манликдан тошарсан,  
Бой қўлида қулдан баттарсан, червон.

Кеча-кундуз дерман сенинг сўзингни,  
Кўп замондир кўрсатмадинг ўзингни.  
Қачон бўлур эди кўрсам юзингни?  
Қачонгача мenden қочарсан, червон?

Юзинг иссиғ ҳар ким кўнглин оларсан,  
Меҳрингни эл юрагига соларсан,  
Йўлда қолғонларин қўлин оларсан,  
Бизнинг қўлни қачон оларсан, червон?

Декрет—қонун ёзилғандир юзунгда,  
Ҳақу ноҳақ ҳукми санинг ўзунгда,  
Сеҳру афсун, жоду ҳам бор кўзунгда,  
Тош бағирни тасхир этарсан, червон.

Эллик бешак ақлу ҳушлар шоширғон,  
Ҳақни ноҳақ пардаларга ёшурғон,

Юзинг кўрғон оёғингга бош урғон,  
Унгни терсу терсни ўнг айтарсан, червон.

Эллик беш деб, юз деб сўзни бошлайсан?  
Эллик бешу юз бирлан кимни ушлайсан?  
Кимни қўлга туширғонда тишлайсан?  
Кимни виждонсизга қўшарсан, червон?

Тухмат сўзлар фатвонг билан рост бўлур,  
Хомуш қилсанг, ҳақ ноҳақдан ост бўлур,  
Ким бирлан сан бўлсанг, забардаст бўлур,  
Ҳам қози, ҳам муфти эурсан, червон.

Заҳматкашдан кийик каби қочарсан,  
Қочуб қутулмоққа йўллар очарсан,  
Қанотлар чиқариб кўкка учарсан,  
Киминг маконига қўнарсан, червон?

Бобо Равшан айтур, кулфатим бисёр,  
Елғиз бошим юз балога гирифтор,  
Червон, агар сен бўлмасанг мадаккор,  
Бобо ҳолин хароб этарсан, червон.

*«Шашпар». «Машраб» ж., 1925 й., 21-сон.*

### КЕЛДИК

Бу дунёга келишда гул бўлиб, ғунча отиб келдик,  
Очилмасдан юмуқ ҳолда хурофотга ботиб келдик,  
Адаб бирла иши йўқ, катта «харсанг»дек қотиб келдик,  
«Азизлар топди шундан» деб, ҳамоқатга чотиб келдик,  
Ҳаёу шарму номусни қаро пулға сотиб келдик.

Оти мўмин, қуруқ даъво, у дунёнинг адоси биз,  
Чатоқ йўлида ҳар турли ёмонлиқнинг гадоси биз,  
Қимирлаймиз махов бетдек, қўтур итнинг қудоси биз,  
Челаклаб май ичишга ҳеч етолмас ғамзадоси биз,  
Нечун қусқунча ичмасга майи ваҳдат татиб келдик.

Биза дерсанки, подонсан, фунун арбобиға қатнаш,  
Жадидлар мактабига кир, жунун арбобиға қатнаш,  
Театрни томошо қил, ўюн арбобиға қатнаш,  
Ўзунгни эбу зеб айла, ҳусун арбобиға қатнаш,  
Биз алданмай у сўзларға жаҳолатға ётиб келдик.

Мусулмонмиз қасам ичган, ҳаловатдан ҳаз олмасга,  
Ҳаёта қаршилар донмаз, саодатдан ҳаз олмасга,  
Жибинлик ихтиёр айлаб, шужоатдан ҳаз олмасга,  
Бутун аъмолимиз қуллик рафоҳатдан ҳаз олмасга,  
Қасам ўрнида турсин деб, тамаддуини вотиб келдик.

Шу фоний дунёда уч кун ичиб еганга не етсин,  
Ўраб салла, белниг боғлаб, чопон кийганга не етсин,  
Жувонбозларга қош қоқиб «акам!» деганга не етсин,  
Ҳалола эру хотиндек ётиб турганга не етсин,  
«Акамсан»,—деб жувонликдан киса харжи топиб келдик.

Ажаб турмуш мусулмондан ҳикоят айлади «Майна»,  
Барин ўтган азизлардан ривоят айлади «Майна»,  
Билимдон ҳам билимсиздан шикоят айлади «Майна»,  
Разолат ҳам сафолатдан сиъоят айлади «Майна»,  
Бу бадбахтликини «Мирсаид Шариф» лардан олиб келдик.

*«Майна». «Машраб» ж., 1926 й., 35-сон.*

#### УЛАМОЛАРГА

Шукр энди чиқиб қолди мусулмон уламолар,  
Аввалда эди барчаси нодон уламолар,  
Тафсиру ҳадис айлади «шоён» уламолар,  
Мушкул ҳама ишни этиб «осон» уламолар,  
Хонандаю, «донандаю Қуръон» уламолар,  
Фатвоси—«ҳақиқат», сўзи «бурҳон» уламолар.

Тўрт юз йил эди чиқди неча майнаси йўқлар,  
Нафсига асир эрди бари фикри бузуқлар,  
Отини қўйиб муфти неча оғзи совуқлар,  
Мушкул эдиким олса ривоят пули йўқлар,  
Йўқ бўлди букун сурати шайтон уламолар,  
То чиқди бу дам «соҳибни виждон» уламолар.

Эски уламо қўлда тарозиси бор эрди,  
Ҳар кимга пулига яраша мол сотур эрди,  
Ҳақ сўйласа, ҳокимлари кўп қўрқутур эрди,  
Ночор салотини йўлиға иш тутар эрди,  
Султонларига тобеъи фармон уламолар,  
Ҳақ сўзини қиларлар эди кетмон уламолар.

Ҳар уйдаким бўлса эди шоҳи Бухоро,  
«Бошдин оёғи айни шарнат»,—деди мулло,

Муфтиси бериб «ҳийлаи шаръий» ила фатво,  
Эл ўғли-қизи ҳур ила ғалтон эди анго,  
Ул тобеъи зор бандаи султон уламолар,  
Бўлди ҳамаси ер била яксон уламолар.

Ҳар ким янги мактабга агар берса боласин,  
Қофир қилар эрдилар анинг ота-бобосин,  
Бир ота-бобоси йўқ, амакиси, тоғосин.  
Кўрса, не дер эрди, бу замоннинг уламосин,  
Ул бахти қаро тийнати вайрон уламолар,  
Ҳоло кам экан фоқиди имон уламолар.

Жаннат ерини халққа тақсим этадирлар,  
Ўз қўлидаги ерни бировга сотадирлар,  
Ҳар бир кишининг орқасидан тош отадирлар,  
Эл меҳнат ичида—улар ухлаб ётадирлар,  
Роҳат била жонларини севган уламолар,  
Мансаб йўлида динини сотқон уламолар.

Тафсири маъноси букун «тоза» очилди,  
Ул йўлдин адашкон уламони ҳама билди,  
Ҳуррияти гуфтор кўрким, нима қилди,  
Ноҳақ юришу эгри равиш йўли бузилди,  
То чиқди бу кун «мадҳга шаён» уламолар,  
Маҳв ўлди ўшал фоили хусрон уламолар.

Мажлисида эди садр, улар тўю азода,  
Ҳурматларини тутқон эди мардуми сода,  
От минса улар, эл тушуб олдиға пиёда,  
Чексиз бор эди иззату ҳурмат арода,  
Кўр, чиқди бу кун «ҳомийи инсон уламолар»,  
Оламға сочиб «нуру дурахшон» уламолар.

Зулмат кўтарилдию жаҳон бўлди шафақгун,  
Гўёки қуёш орқасида қирмизи болун,  
Бўлди ҳама эски уламонинг иши вожун,  
Ҳолига уларнинг оз агар йиғласа маймун,  
Қон йиғласалар йўлдан адашқон уламолар,  
Эл бошиға зулмат суйи сочқон уламолар.

Чин бўлсами йўқ ўлғони ёлғон уламолар,  
Пул устига, нон устига ўлғон уламолар.

*«Гина-гина». «Машраб» ж., 1926 й., 38-сон.*



## НИМА ЛОЗИМ?

Эй мардуми ҳайратзада, ҳайрон нима лозим?  
Душвор бир иш бор эса, осон нима лозим?

Мактаб не керак? Илм ила урфон нима ҳожат?  
Бул саъй не даркору жавлон нима лозим?

Олам ҳама олим бўладур, ким қиладур иш?  
Мулло агар иш айласа, нодон нима лозим?

Оғзингда тишинг борку қавурмоч сябергил,  
Тишлик киши дарсин сенга талқон нима лозим?

Пул ошиқи бўл, топ на тариқ айлаки бўлсун,  
Инсон отини ўйлама, виждон нима лозим?

Асбобу ҳунар ўзгаларинг мулкида тўлгон,  
«Ташвиш зиёди ба мусулмон» нима лозим?

Урганма азо-тўй русумини жуҳуддан,  
Тўй кўпкариси бўлмаса, майдон нима лозим?

Улдир нечани, молини ол, ҳибс бўл охир,  
Сендаг шу амал бўлмаса, зиндон нима лозим?

Фарзандинг агар бўлмаса бор, йиғла мозорга,  
Ул қўлламағанда «Сайид Аҳсон» нима лозим?

Ҳар ерда юруб, маст бўлуб, кайфу сафо қил,  
Гар меҳнат учун жон чекасан, жон нима лозим?

Ё тарки жаҳон машқини қил, пирга қўлинг бер,  
Мункир эсанг эшонга, «Маликхон» нима лозим?

Гар текса вабо жонга, дўхтурга ишонма,  
Фолбин ила қушночу дуохон нима лозим?

Бўйнингни чўзиб боқма, киши пул санағонда,  
Одамку товуқ эрмас, унга дон нима лозим?

Қулликдан ўзингни сира қутқармағил ишчи,  
Ўз бошингга ҳуррияти даврон нима лозим?

Гар чиқмаса ердан кўкариб банг ила кўкнор,  
Чин халқи не даркор эди, Эрон нима лозим?

Ерлар ўзи энди экилар, чиқди трактор,  
Энди хўкизу от ила деҳқон нима лозим?

Бир йўлга ҳама халқни савқ этса табиат,  
Ҳинду нима даркору мусулмон нима лозим?

«Одам» ила «Ҳавво»ку яланғоч ўтиб эркан,  
Одам ишидан бизга пушаймон нима лозим?

Беш купчалик умрда ташвиш нима даркор?  
Йўл ўтгучиға дастгоҳу дўкон нима лозим?

Дунёда беш-ўн дона киши бор, шу кифоя,  
Игво ишин ўрганмаган шайтон нима лозим?

Мен сенга тагин бир хабарн тозаин айтай,  
Бовар қилабер тухмату бўҳтон нима лозим?

Жаннат сифати олди букун шаҳри Самарқанд,  
Ҳоло сенга жаннатдаги филмон нима лозим?

Кел кўз ила кўр, гар сўзима бўлса гумонинг,  
Ёлғончи эмасмен, сенга кетмон нима лозим?

Тўлғон ҳама раста-ю бозорда фавоқиҳ,  
Нон урсун, ишонгил сенга ёлғон нима лозим?

Тошдан ариғ, оққан суйи тайёр атала,  
Бир косасини ичсанг агар, нон нима лозим?

Вақтоки ҳайит ўтди, ҳинонинг ери маълум,  
Ўткарсанг агар дардин, дармони нима лозим?

Улма эшагим, арпа ейиш вақти яқиндир,  
Тўғри сўзим, ўроқ каби ёлғон нима лозим?

Бел боғламаса хизмат учун эгри минора,  
Одам оти домод регистон нима лозим?

Модом(ки) қулоғимға насиҳат асар этмас,  
«Машраб» нима даркор, «Зарафшон» нима лозим?

Журнолу газет ўқима, «Муштум»га ишонма,  
Сафсата «Қизил Ўзбекистон» нима лозим?

«Олмос». «Машраб» ж., 1925 й., 22-сон.

### «МАШРАБ» ҲАҚИДА<sup>1</sup>

«Машраб» деган афсоначидан энди сўранг гап,  
Анинг оти «Машраб».  
Девонайи ҳушёр, сўзи гоҳ ўнгу, гоҳ чап,  
Кавлаб сўра, кавлаб.

Утган сана шул кунда келиб эрди жаҳонга,  
Бизларнинг томонга.  
Мағлудига йил байрамн этмиш бу замонга,  
Билдингми қачонга?

Энди чақалоқ тил чиқарар ёшига етти,  
Нодонлиги битди.  
Ул кунгалагу гаччалигни мавсуми ўтди,  
Андишаси кетти.

Эл айбини ойдин ёзар, оч, кўз-қулоғингни!  
Инг сўлу соғингни.  
Ҳушёр бўлуб, энди билиб бос оёғингни,  
Чўзма томоғингни.

Ришват ошини кўп ема, сассиғ кекурурсан,  
Кўпроқ югурурсан.  
Бора-бора ҳаддин ошар, онангини кўрурсан,  
Итдек бўкурурсан.

Бошинг кўка етсун, кўз оёқ остидан узма,  
Рафторингни бузма.  
Вақтоки йиқилдинг, кўзинги ёшин оқузма,  
Овозинги чўзма.

«Машраб» тили кўп, бирта эмас, минг қулоғи бор,  
Сўта—таёғи бор.  
Ҳар жойга кўзи етса, шу жойда оёғи бор,  
Қўлда яроғи бор.

<sup>1</sup> Бу шеър ҳам «Машраб» ҳажвий журнали юбилеи муносабати билан ёзилган.

«Муштум»дану мендан гила қилма, кўр ўзингдай,  
Ё эгри сўзингдан.  
Ҳеч ким сени ой кўрган эмасдур-ку юзунгни,  
Эй, қора кўзингдан.

*«Олмос». «Машраб» ж., 1925 й., 24—25-сонлар.*

### МУНОЖОТ

Қайси бир неъматларингни шукрини баржо қилай?  
Раҳматинг шукронасиң чоғир ичиб ҳаржо қилай.

Мустафонинг тишларин тош бирла синдургангаму?  
Тавфиқу инсоф бериб умматни тиндиргангаму?  
Ҳам лаванд мўминлари ғайратдан эндиргангаму?  
Жумла кофирларни болунларга миндиргангаму?  
Қайси бир неъматларингни шукрини баржо қилай?  
Раҳматинг шукронасин вино ичиб ҳаржо қилай.

Фан бирига мужтаҳид ҳайзунифо ёзгонгаму?  
Хотунин четда қўюб, ўғлон ила озгонгаму?  
Қайғу еб, уммат учун сувсиз ариқ қозгонгаму?  
Тааъм излаб, ҳар томонга бўйинни чўзгонгаму?  
Қайси бир неъматларингни шукрини баржо қилай?  
Дин сотувчи муллоларнинг мадҳини ҳаржо қилай.

Раҳматинг тошиб бизи ҳечликка мойил айлагил!  
Нақддан маҳрум қилиб насяга ноийл айлагил!  
Жаннат аҳлимиз, шунинг-чун бизни сойил айлагил!  
Илми кофирга бер, мўминни жоҳил айлагил!  
Шундай этсанг мен унинг шукронасин баржо қилай,  
Раҳматинг шукронасин коньяк ичиб ҳаржо қилай.

Эй Худоё! Бизни подон қилки роҳат айлайик,  
Бизга билдир, ўлма кўнгил, роғиб ўлса найлайик,  
Бир сани излаш учун қаттиқ камарни бойлайик,  
Илму донишдан қочиб кўнгулга жаҳли жойлайик,  
Қайси бир неъматларингни шукрини баржо қилай?  
Раҳматинг шукронасин шампон ичиб ҳаржо қилай.

Ё Илоҳо, охират-чун қил мусулмонни гадой,  
Ҳар балоға учраса дафъ айламай десун «Худой!»  
Истагим сандан шудир, қандай қувонмасдан чидай?  
Отинга жон, зотинга имонимиз бўлсун фидой.

Шунча фазллик бордур шукронасин баржо қилай,  
Май ичиб ўғлон ила кайфу сафо ҳаржо қилай.

*«Майна». «Машраб» ж., 1925 й., 26-сон.*

### ЯШИЛЧА

Муножот айлади мискин зўр Аҳмат,  
Деди: Ё Раб, китоб айтишни тўхтат.  
Керак сўзни бари айтилиб бўлди,  
Қоғоз ғуслу таҳорот бирла тўлди.

Солинди охиратга тўғри кенг йўл,  
У йўл жаннатга қистар элни «бўл, бўл!»  
Яна йиғлаб сўранди шул зўр Аҳмат,  
Деди: Парвардигоро, фанни тўхтат.

Кўтармас ер юзи шаррин, буни (нг) бил,  
Кўрарга йўқ кўзим баҳрин, (уни (нг) бил,  
Бунинг офатидан сақла Илоҳи,  
Эурсан борча оламнинг паноҳи.

Эшиткан қўрқушуб, ул зўрни (нг) номин,  
Кўзидин ёш оқизиб дерди «омин».  
Вале шайтон падарлаънат куярди,  
На бўлди деб бетин чимчиб ўярди.

Нечун? десак мусулмон хайридур бу,  
Унингчун куйди-пишди ғайридур бу.  
Қабул бўлди «дуо», фан кетди дилдан,  
Китоб айтиш иши ҳам чиқди элдан.

Ана ғайрат, мана ҳиммат биллинглар,  
Яна бир оз сухан айлаб келинглар.  
Дуодан сўнгра шайтон битди ётиб,  
Бу ерда турмайин кетди уётиб.

Кетиб бундан Фарангистонга ўтди,  
Улар бирла бирикди, фанни тутди.  
Вале ул ўйлағондек бўлмади иш,  
Агарчи юрса-да тинмай ёзу қиш.

Худо қилди Фарангни бизга ёлчи,  
Билай десанг қулоқ «Машраб»га солчи.

Апа энди, мусулмонлар, қаранглар,  
Нечун расво бўлиб қолмиш фаранглар.

Унинг аксинча ислом бўлди олий,  
Билимсиз ҳам ҳунарсиз ўтди холи,  
Бу дунёси хароб, у дунёси хўб,  
Тусаб жаннатни «кўнгли хулёси хўб».

Шу йўл бирла етар мақсадга мўмин,  
Нега десак олибдур бунга таъмин.  
Ва лекин шум фаранглар ғамда қолди,  
Унингчундир билим фикрига толди.

Биз учун солғони турли иморат,  
Темур йўл, кема, болундан иборат.

*«Майна». «Машираб» ж., 1925 й., 27-сон.*

#### **ЎЗИ АНГЛОВЧИГА!**

Бу кун, эй жўралар, ман бир тарйиқ ишлашни ўргандим,  
Биров уйиға бир кирганда бир қишлашни ўргандим.

Ўз оғзим бирла ман тишлар эдим, энди тишим синди,  
Бировни бошқалар оғзи билан тишлашни ўргандим.

Агар бўйни(м)дағи ҳалқа—тузоғимдан халос бўлдим,  
Қиши бошиға бир ўрнига юз мушлашни ўргандим.

Бурун бир тусда ишлардим, бугун янги чопон кийдим,  
Бу янги тўн тагида, янги тус ишлашни ўргандим.

Тишим ўсмасмикун деб ҳар замон ашкимни ушлайман,  
Недан тишлашни ҳам, соққолдан ушлашни ўргандим?

Кўзинг борми? Юзинг борми? демасман қўлға тушганда,  
Яқосидан тугиб ҳар сори силкилашни ўргандим.

*«Олмос». «Машираб» ж., 1926 й., 36-сон.*

## ТОЖИКЧА ШЕЪРЛАРДАН<sup>1</sup>

### РУБОИИ

Гуфтам ба хирадки соҳиби урфони,  
Бинмой роҳи нажотам аз нодони.  
Гуфто: «Мақтаб, мақтаб, мақтаб, мақтаб.  
Бояд хон, хони, хони, хони!».  
(Урфон соҳиби ақлга мурожаат қилдим:  
— Менга нодонликдан қутулиш йўлини кўрсат.  
Деди: «Мақтаб, мақтаб, мақтаб, мақтаб,  
Ўқи, ўқи, ўқи, яна ўқи!»)

Зоҳид ту саро по ба, риё, шудаи,  
Гумномтар аз миёни мардум шудаи.  
Аё, ту намоз баҳри мардум бекуни,  
Яшми тамаъ ба чайби мардум шудан.

(Зоҳид, сен бошингдан оёғинггача риёкорликка  
ботдинг,  
Шунинг учун кишилар ўртасида эътибордан қоляпсан.  
Хатто, сен бировни баҳри учун намоз ўқи —  
Ётганингда ҳам икки кўзинг ундан тамаъ излайди).

### ДАР ЖАВОБ ТАҚФИР КУНАНДАГОИ

Куфрам бедаҳони халқ зоҳир нашавад,  
Кофир кун ман, ажабки, кофир нашавад.  
Ман ҳамчу мукаффирон мусулмон нашавам,  
То ҳамчу он жамоа кофир нашавад.

Чамъики маро беайби нуқсон бинанд,  
Он айбибешон ҳуши ниҳон бинанд.  
Онҳок маро беағм такфир кунанд,  
Рўзи худро чу ман мусулмон бинанд.

Умрест берости сабақ мехонам,  
Олий дарс дар ин варақ мехонам.

<sup>1</sup> «Ганҷинаи ҳикмат» (Самарқанд—Тошкент, 1914) дан олинди.

Аз ҳақгўй забон кашидан куфраст,  
То жон дорам, каломи ҳақ мехонам.

Эй беимон забон каш аз такфирам,  
Огоҳ шав, оз маони тақрирам.  
Гўямки бепўш авратат ўрё нашав,  
Ман амр бефарз ту куни таҳқирам.

Имонам аз офтобе равшан бошад,  
Подортар аз ҳисор оҳан бошад.  
Он яке маро бедахр кофир хонд,  
Ман ҳар че беназд уям, у ман бошад.

Он кор ту дар калом ҳақ то бегужост,  
Оё кетмон бегуфтаи, ростро дост.  
Ал ҳақ лаъли дарин маро имонест,  
Ҳар жо насхики ҳақ ту ло лаъли аст.

#### КОФИР ДЕГУВЧИЛАРГА ЖАВОБ

Кофир деб аталдим, лекин халқ мени кофир деб билмади,  
Мени кофир дейишди, лекин мен кофир бўлиб қолмадим.  
Мени кофир деб атаган жамоа мён сингари кофир эмас  
Экан, мен ҳам кофирлигига товон тўловчи мусулмон  
эмасман.

Мендан айб ва нуқсон топаётганлар ўзларидаги  
гуноҳларини кўришни истамайдилар.  
Мени бутун важоҳатлари билан тақфир қилувчилар,  
ўзларини мусулмон дея олармиканлар?

Токи ҳаёт эканман, ростликдан сўзлайман,  
тўғрилиқни маҳкам ушлаб, шуни муқаддас ҳисоблайман.  
Агар ҳақиқатни айтиш кофирлик бўладиган  
экан, сўнгги нафасимгача ҳақиқатдан сўзлайман.

Эй, имонсиз, мени кофир деб лаънатлашни бас қил,  
менинг гапларимга қулоқ сол. Айтмоқчиманки,  
у ёқ-бу ёғингни бекитиб ол, очилиб қолибди, яна  
мен сени ҳақорат қилиб қўймай.

Имоним офтобдан ҳам равшан, темирдан  
ҳам мустаҳкам.  
Биров мени кофир деб устимдан ахлат тўқди.



Аслида мен уни назарида қандай бўлсам,  
у ҳам менинг назаримда шундай.

Елгон ва бўҳтонлар рост саналар экан,  
Сенинг ҳақиқат ҳақидаги гапларинг қаёқда қолди?  
Ахир ҳақиқатда менинг имоним лаълдек тоза-ку?!  
Ҳақнинг ноҳақдан эътиборсиз бўлиши адолатсизликдир.

*«Ойна» ж., 1914 й.. 16-сон.*

### ЧИСТОНЛАР

Аввал ҳолаш хук барин,  
Баъд ҳолаш шулук барин.

Т а р ж и м а с и:

Олдин аҳволи чўчқадай эди,  
Охир аҳволи зулукдай бўлди.

*(Порахўр)*

Шўра барин шўри дорад,  
Ғўра барин тўрши дорад.  
Аз димоғаш кибр мешорад,  
Аз жабҳош ғурур меборад.

Т а р ж и м а с и:

Шўра каби шўрдир, ғўра сингари нордон,  
Димоғидан кибр, пешонасидан ғурур ёғилади.

*(Тўра, амалдор)*

Чашмаш ало,  
Ҳашмаш бало,  
Доругираш вабо,  
Сайёди бемилтиқ,  
Жаллоди бекорд,  
Нон дода жон меситонад,  
«Сбама хўрди, пилла деҳ!»—гўйе  
Аз гов ғадуд медиҳад.

Т а р ж и м а с и:

Кўзи ола,  
Ғазаби бало,  
Олиш-бериш вабо,  
Милтиқсиз овчи,  
Пичоқсиз жаллод,  
Нон бериб,  
Жон олади.

*(Бой, судхўр)*

Зоҳираш фаришта,  
Ботинаш шайтон,  
Афташ инсон.  
Рафтанаш ҳайвон,  
Саллааш як ман,  
Ақлаш ним миққол,  
Каллааш кадун холи,  
Мияаш чамоқи бемаз,  
Авомро лажом мекунад,  
Корашро томом мекунад

Т а р ж и м а с и:

Кўринишда фаришта, феъл-атворда шайтон,  
Афти инсондек, қилмиши ҳайвондек.  
Салласи катта уйдек, ақли ярим миққол.  
Калласи холи қовоқ, мияси мағизсиз пўчоқ,  
Авомга нўхта солади, нишани тамом қилади.

*(Мулла, имом)*

Ҳар барин ҳангас мекашад,  
Саг барин уллос мекашад.

Т а р ж и м а с и:

Эшакдек ҳанграйди,  
Итдек улғийди.

*(Сўфи, муаззин)*

Номаш калон,  
Домаш ниҳон.  
Дар забонаш зеб дорад,  
Дар дилаш фиреб дорад.  
Зоҳираш мегирад,

Ботинаш механдад.  
Аз даст медорад,  
Аз поят меовезад.  
Гадои бетўрба.  
Соили бевасила.

Т а р ж и м а с и:  
Номи улуг,  
Тўзоги пинҳон.  
Сўзига беради зеб,  
Ичи тўла фириб.  
Зоҳиран йиғлайди,  
Ичидан қаҳ-қаҳ уради.  
Қўлингдан ушлайдию,  
Оёғингдан осад.  
Тўрвасиз гадой,  
Сабабсиз тиланчи.

*(Эшон)*

Хари бенўхта,  
Гови бешох.  
Шефтаи мавҳумот,  
Фирефтай хурофот.

Т а р ж и м а с и:  
Нўхтасиз эшак,  
Шохсиз ҳўкиз.  
Мавҳумотнинг гирифтори,  
Хурофотга алданган.

*(Мурид)*

Либоси макрро бесўзан медўзад,  
Хонаи мардумро беоташ месўзад.  
Пишак барин муш мепояд,  
Тортанак барин магае медорад.

*(Шайхи мазор)*

Т а р ж и м а с и:  
Макр либосини игнасиз тикади,  
Бировнинг уйини оловсиз ёқад.  
Мушук каби сичқон пойлайди.  
Тортанакдек нашша ушлайди.

*(Мозор шайхи)*

Аз нифоқ хабар дорад,  
Як лак дардисар дорад.

*(Марди дузана)*

Т а р ж и м а с и:  
Нифоқдан хабар беради,  
Узи эса бир вагон дардисар.

*(Қўш хотинли эр)*

Бой шуда роҳат намекунад,  
Қамбағал шуда меҳнат.

Т а р ж и м а с и:  
Бой бўлиб роҳат қилмайди,  
Қамбағал бўлиб меҳнат.

*(Қиморбоз)*

Дар хона лоф мезанад,  
Шаробро соф мезанад.

Т а р ж и м а с и:  
Уйдл лоф уради,  
Шаробни соф уради.

*(Кўкнори)*

Даҳанаш дар-дарак дорад,  
Ганда нафасак дорад.

Т а р ж и м а с и:  
Оғзи дардаракдай, нафси ёмон балодир.

*(Дуохон)*

*«Гумном». «Мулло Мушфиқий» ж., 1927 й., 6-сон.*

## ДОСТОН

### МИРЪОТИ ИБРАТ

#### БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Эй подишаҳи тамоми олам,  
Халлоқ парию жину одам,  
Йўл бошлаб ўзинг ҳидоят айла,  
Дуткил алими ва раҳмат айла.  
Ибрат-ла кўзум жаҳона очгил,  
Лутфунг гуҳарин жаҳона сочгил.  
Асрори жаҳона ошино қил,  
Идрок ила ақлу раҳнамо қил.  
Ғафлат думанин кўтар бошимдан,  
Селоба оқузма кўз ёшимдан.  
Бан кандам агарчи ҳар заҳонам  
Ойинаи ибрат эт фасонам.

\* \* \*

...Бир тун беқазои иттифоқи,  
Ҳсчмиш эдим уймақа ётоқи.  
Қочмиш эди кўзларимдан уйқу,  
Ё кимсами айламишди жоду.  
Юлдузлари соймоқ эрди корим,  
Йўқ уймақа алда ихтиёрим.  
Тун тифлина суд верурди маҳтоб,  
Бан уймақи ҳасрати-ла бетоб.  
Ҳар шаҳра хаёл илан кетардим,  
Бошдин оёқини сайр этардим.  
Ғаҳ Миср тасаввуримда, ғаҳ Шом,  
Гоҳи ётоқ узра фикр ором.  
Кечди неча муддат ушбу ҳола,  
Уйқу бани олмади хаёла,  
Ой ҳам назаримдан ўлди ғойиб,  
Субҳ ўлди қарийб тонг бўзориб.  
Уймишману неча бир ўзумдан,  
Ўлмишди жаҳон ниҳон кўзумдан.  
Кўз очмишим ила бир замона,  
Келмиш эдим ўзга бир жаҳона.  
Бир кимдан эшитмамишдим они,  
Не шаҳри, не томи, не нишони.

Бир турфа ажиб шаҳри зебо,  
Жаннатми, эрамми билмам аммо?  
Бозор ила раста-ю сўқоқи,  
Жаллоб назора иштиёқи.  
Меъёри ҳавоси вѣтидола,  
Не иссиқ, не совуқ хаёла.  
Бош оғриси сандали насими,  
Жон роҳати гулларин шамими.  
Наззора чашмаи зилоли,  
Атшонлиги боиси зилоли:  
Этмишди сафода шишани (нг) лол,  
Даъвои сафоя қолмаюб ҳол.  
Дуфроғини ранги эрди заъфар,  
Заъфарла қўқурди мушк анбар.  
Олтун шажарини жисми порлоқ,  
Порлоқ зумуррад анга яфроқ.  
Тут меваси инжудан пчиб су,  
Ҳар дона тути ўлуб бир инжу.  
Ҳар шоҳа зумурради ниҳола,  
Еқуту гул эрди сонга лола.  
Яфроғи синуб қотиғ назардан,  
Яфроғми, жонми билмадим баи?  
Ким урса латофат исмидан дам,  
Шохи ани вазнидан ўлур ҳам.  
Ҳар бир ера ҳавз эрди дошдан,  
Манзур эди кўзгуи қуёшдан.  
Дош ҳарфини сўйламак машаққат,  
Топмиш эди дош демак-ла заҳмат.  
Бир донаи лаъл, бир иморат,  
Рашки вера лаъл эвина ғорат.  
Еқут у бири, бири — забаржад,  
Маржон ила инжу эвда йўқ ҳад.  
Еқути эвини ҳасратидан,  
Еқутни қон томуб дилидан.  
Ўлмишди забаржад ўйла бир ҳол,  
Рухсораси сарғаюб эди лол.  
Ҳасрат-ла дутуб икиси мотам,  
Дош сандуқина ёшинди маҳкам.  
Маржон ила инжутек маконлар,  
Маржона урарди захм жонлар.  
Инжунни дўкарди обрўсин,  
Дуфроға верарди ранг дорусин.  
Рашк ўди бу иккисин эдуб зарқ,  
Дарёи хижолата эди ғарқ.  
Фирузан сабзадин эшиклар.

Ферузага таҳнишон эдуб зар.  
Олтун-ла кумуш каллиди мавжуд,  
Ишланмиш оғочи сандали уд.  
Эв тоқина су ариғда жорий,  
Тоқлар ичина ариғча бори.  
Эвлар орасинда бўстонлар,  
Гулбосғчалар ила гулистонлар.  
Ҳар фоқиҳа жинси раста-раста,  
Навъи чечак эрди даста-даста.  
Бог ичра зилол ариғда жорий,  
Гулларла дўлу ариғ канори.  
Гулларда чекуб навола булбул,  
Сан ўйлаки нағмасоз ўлуб гул.  
Сарвин эдуб ошиёна қумри,  
Ку-ку-ла кечармиш анда умри.  
Товуслари хиром эдарлар,  
Бош узра чекуб тонгла чодар.  
Ҳар ерда фавворалар дурафшон,  
Гул бошина су-ла гавҳар офшон.  
Фавворами су сепарди таъин,  
Ё гунча сочармиди гулобин?  
Бу сўзни тар шаҳарла яксар,  
Бог ичра ҳаво эди муаттар.  
Гулларда дулу эди трамвой,  
Бир қоч ера марказ—анга бир пой.  
Кезмак иши суръат ила ҳар ён,  
Ҳар ён анга кезмак ила инсон,  
Гулларда дераклар эрди барпо,  
Бир дона ақиқдан мусаффо.  
Ой шаклида осмиш анда қандил,  
Қандили эдуб ҳилола ташкил.  
Ахшом улар ўлсалар чарогон,  
Гўча ўла ўйла кавкабистон...  
Ҳар эв эшигинда шим зина,  
Бегар зина? Солди самина.  
Халқи ким эди малакми ёхуд  
Инсон демак айламиниши тамҳуд.  
Сонсанг парӣ кўза оид эрмас,  
Бир ўзга демак муносиб эрмас.  
Атфолу қодинлар ою юлдуз,  
У тунда кезар булар на кундуз!  
Раҳёб ўламаз нифоқ арода,  
Дутмиш улар иттифоқ арода.  
Ҳайрат бани этди нақши девор,  
Билмамки юкудаманми, бедор? ✓

Бир пир банга йўлуқди ногоҳ,  
 Асрори ҳама замондан огоҳ...  
 Ҳар бир сўзи ҳазра оби ҳайвон,  
 Сурагда мужассам вали-ю жон.  
 Дутди алим илтифот эдуб пир,  
 Бу дутмаки ҳолим этди тағйир.  
 Сўз бошлади бир неча савола,  
 Бан келдим у сўз ила хаёла.  
 Вор ўлдиғими тасаввур этдим,  
 Пир анжуманин тақаррур этдим.  
 Аҳволими сўрди пири барно,  
 Ким ўлдиғими бан этдим ифшо.  
 Масрур ўлуб айдим: эй хирадманд,  
 Юрдум банибалдаи Самарқанд.  
 Ким этди бани бу жоя эрод?  
 Ё зумран дев, ё паризод?  
 Билмамки малакми ё кетурди?  
 Рўёдамн кўрдуким бу юрди?...  
 Заннамча бан ўлмишам жаҳондан,  
 Жисмим бани фориф ўлди жондан.  
 Ҳақ раҳмат эдуб бани бу она,  
 Келтурди бу гулшани жинона.  
 Пир ўлди табассум ила дамсоз,  
 Лутф ила такаллум этди оғоз.  
 Айди бана: Эй хўжаста фарзанд!  
 Сўйла бана ким насли Самарқанд.  
 Кел хонама, суҳбат айла бир дам,  
 Кирдим бан у пир эвина дар дам.  
 Ултурдим лаҳза суҳбат этдим,  
 Бир лаҳзада истироҳат этдим.  
 Тавсиф эда бошладим Самарқанд,  
 Фирдавса дедим у шаҳр монанд.  
 Жон дуфроғидан кўкарса имкон,  
 Йўқ кимса дея бу сирни ялгон.  
 Бир ҳола Дамашқ ила ҳавоси,  
 Жаннат елидин дўлу фазоси.  
 Наҳри суйи Нилтек мусаффо,  
 Уч мила канор шаҳра дарё.  
 Шарқ ила жануб ила шимола  
 Доғларда хиром эдар ғазола.  
 Ҳар турли гиёҳ сабзалар вор,  
 Анвои шажарла жинси асмор.  
 Ким сабзасин айласа тамошо,  
 Қолмас юрагинда зарра савдо.



Дош остида сарғаюб равочи,  
 Ҳар бир тарафа чўзуб қулочи.  
 Дош остидин этогин чиқоруб,  
 Бармоқлари лолатек қизоруб,  
 Сафроя веруб шикаста бозор,  
 Лиму ўлуб у сабабла бекор.  
 Ҳар ёна хиром эдар ҳилоли,  
 Жаннат суйи чашмасин зилоли.  
 Ҳар ердан учуб пар (р) анда хайли;  
 Ҳар шоха қўнуб гар ўлса майли.  
 Ҳар сояда гизлануб ғазола,  
 Ҳар лола дутуб ала пиёла.  
 Шаҳр ичра халойиқни ададсиз,  
 Эркакла ўгул, қодинлару қиз,  
 Мавжуд ўла ҳар тариқа инсон,  
 Габр ила жуҳуд ила мусулмон.  
 Анҳор суйи сўқоқда жорий,  
 Сувлар сепулуб сўқоқи бори.  
 Дўрт мадраса вордур анда барно,  
 Кошила мунаққашу мужалло.  
 Ишланди недан бу нақши зебо,  
 Кошиларина хитойи мино.  
 Босин буларнинг ол—Темур.  
 Дорулфунуна бу дурди машҳур,  
 Бундан дигар анда чўқ мадорис,  
 Ҳар илма ўлуб маҳалли тадрис.  
 Халқ ичра ано дили икидур,  
 Турки чиғатою тожикидур.  
 Руси, араби даҳо керакдур,  
 Лек айламаз ани халқ манзур.  
 Лозим эса бу ики лисона,  
 Муҳтож ўла халқ таржимона.  
 Балчиқ-ла ёғочдан иморат,  
 Улмиш бу равиш-ла бошдан одат.  
 Балчиқ—сада, лек шакли марғуб,  
 Бўр узра чеканда нақши матлуб.  
 Ҳар масжида ҳавзи дилназири,  
 Ақвомни маҳалла обгири,  
 Атрофин оғочи су юзинда,  
 Яфроғи су узра соя ерда.  
 Ҳар бир ера шаҳрнинг канори,  
 Вордир ариғ ила чашма сори.  
 Қавсарни (нг) эдуб сафола бекор,  
 Гар шишая бенгзасанг эдар ор.  
 Буздан неча мартаба сауқ бу,

Буз бағрини рашки айламиш су.  
 Ылмаз балда аҳли қадрин они,  
 Бехуда кетар бу су мижони.  
 Дуфроға душар бу дурри ноёб,  
 Сри душа дуфроға дурри ноб.  
 Сўйлай сана алъои, хорижини,  
 Маълуминг эдуб узоқ, яқинни.  
 Бўстон ила, боғ ила дўлудур,  
 Ҳар йўлда ариғ-ариғда сувдур.  
 Боғларда халойиқи работи,  
 Девог ила ўртўлан ҳаёти.  
 Боғ ичра анор, анжилу лимў,  
 Майдонлари ҳар бирини айру.  
 Шафтолу ила тариғу бодом,  
 Пишмиш бари гарчи дигари хом.  
 Ҳар боғда дулу юзумла анжир,  
 Анжирини таъми бол илан бир.  
 Анвои фавоки юздан ортуқ,  
 Ҳар бирисидин бириси тотлуқ.  
 То бир-ики фарсах ўйла гулзор,  
 Ҳар фарсаха қоч маҳалда бозор.  
 Ёўл жонибида ўсуб оғочлар,  
 Ҳар сори чўзуб ал-у-қулочлар.  
 Тужжор ила шаҳр ичинда бозор,  
 Гўёки бу шаҳр шаҳри тужжор.  
 Ҳар растада бинг сарою дўкон,  
 Ҳар турли матондин бинг алвон.  
 Амволи фараиғи дурлу-дурлу,  
 Ҳар растада ҳар дўконда мамлу.  
 Тожир ҳама саъй эдар бизим-чун,  
 Биз андан, алар бизим-ла мамнун.  
 Малбуса таҳаюлли-ла қайғу,  
 Ёўқ бизда ким ўйла фориг асру.  
 Амриқо оёқ қопила машғул,  
 Заннамча жаҳон бори биза қул.  
 Қоғоз-ла китоба Бўмбаёу Рум,  
 Чўқ мол верар Адес-ла Ботум.  
 Шанхайда эдуб таҳян чой,  
 Бунлар бизи порадин ўлуб бой.  
 Бу навъда истиқоматимиз,  
 Бай-бай на гўзал иқоматимиз.  
 Баъд ўйла ўз вилоятимиз,  
 Кўмур, ўтуи олмақ одатимиз.  
 Мош ила биринж, арпайи беда,  
 Тариқ-ла сабон ҳам орасида.

Бу жумласи ерли мунбатимиз,  
Озроқ эдар ўзимиз отимиз.  
Пир айлади бу сўзумга таҳсин,  
Таҳсини киноя эрди таъйин.  
Пир олдида бир қафас турарди,  
Бир тўти қуш анда ўлтурарди.  
Боқди бана кулмак этди оғоз,  
Кулмакдин ўлушга қолди бир оз...  
Зан этдим учаклари узулди,  
Зероким у қадра кулди ўлди.  
Бу кулгу бана чўқ этди таъсир,  
Аҳволими айламишди тағйир.  
Ғофил эдим иш ҳақиқатидин,  
Ал топсам ва они айласам бан.  
Сўз бошлади яна пири барно,  
Мақсудини сўзла айлаб ифшо.  
Айди банго эй, гузида меҳмон!  
Вей ғаррату, эҳтирома шаён.  
Ҳар сўзки банго дединг инондим.  
Бе шубҳан шак сўзунгга қондим.  
Воқиф эсанг ўйла этма кетмон,  
Кетмон эдар одамига нуқсон.  
Гар воқиф эмас эсанг жаҳондан,  
Аҳволи мағойири замондан,  
Гуфторима воқиф ўл қулоқ вер,  
Дунё иши жумла илму тадбир.  
Инсон бадани жаҳона бенгзар,  
Аъзо бариси барина ёвар.  
Боқ гар бири ўлса ноқис аъзо,  
У азавий иш ўлурми барно,  
Айтдинг бана ўйла шаҳри таъриф,  
Таърифинг эди камоли тавсиф.  
У шаҳринг эрур ғаризи тансиқ,  
Юз бинг-карт эдукунгдан ортиқ.  
Айгум сана бир мисоли монанд,  
Маҳбуби ғаризатек Самарқанд.  
Лекин баданинда иллоти вор,  
Ҳам иллағу ҳам касолати вор.  
Зоҳирда эрур латифу зебо,  
Ботинда хароблик муҳайё.  
Қон фосиду меъдаси бузуқдир,  
Бу дард ила унсури суғуқдир.  
Бан одамизод эмам, париям,  
Бўҳтон ила кизбдин бериям.  
Олам назаримдадур намудор,

Махфий бана йўқ тамоми асрор.  
Беш қитъаси беш бармоғимтак,  
Келтурма сўзумга шубҳан шак.  
Дунёи мадоридир тижорат,  
Асбоби бино ила иморат.  
Дунёи тижорат эмакидур,  
Улким пима экмак ула ранжур.  
Вор олам ичун даҳо бир асбоб,  
Номуси таҳаффуз этмага боб.  
Ул илму фунуннинг ҳисори,  
Оламдадир они иштиҳори.  
Масмуниг ўланса ҳарб Болқон,  
Не мақсуда қон дўқур верур жон.  
Мақсуд бу миёндадир тижорат,  
Йўқ йўхса зар ила сима орат.  
Хифзу ватана бириси қурбон,  
Дуфроға бадал веруб бири жон.  
Омода тафангу туб вопур,  
Бириси бирисина эдуб зўр.  
Майдона кируб сабуъга бенгзаб,  
Бир-бирла урушмадин на матлаб.  
Бу жумла тижорати балоси,  
Дунёни тижорадир баҳоси.  
Мағрур ўласизки жумла дунё,  
Этмиш сиз учун матоъ муҳайё.  
Бу сирдин этай сани бан огоҳ,  
Огоҳ ўл унутма они ногоҳ.  
Фарз айлаки, йилда неча милйўн  
Ё эксик, ё бирозча афзун.  
Амвол кирарса шаҳр ичинда,  
Сарф ўла балдда қарясинда,  
Олтун бадалига келса тишрў,  
Дунмарса у пора ёна киру.  
Фикр айлаю оч кўзунг, ўзунг боқ,  
Носил ўларни англа тезроқ.  
Мол ўрнина мол ўларса хориж,  
Тенг ўлса мусорифа мухориж.  
Нуқсони мухориж ўла помол,  
Мол ўрнина сан верур эсанг мол.  
Инсон нафас олма-вермаси вор,  
Тамсили тижорадир бу кирдор.  
Дунмазса нафас чиқуб баданда,  
Уммиди ҳаёт узулди тандан.  
Дунёи мадори олгу-вергу,  
Вергуя талофи йўқму? Олгу!

Уя жайбнига бержи имтиҳон қил,  
Вер-олмада боқ, иш ўла носил.  
Ҳар бириси пора версанг-олсанг,  
Надан ўла пора жайба солсанг.  
Бир кун ўла пора мисли анқо,  
Исми қолажак сўз орасиндо.  
Ҳар чанд боқанда кўрмадим ҳеч  
Шаҳрингда матоъ боби хориж.  
Васф этдукунг у мадорас аъло.  
Аъло ва мунаққашу мужалло.  
Кирричлари ҳар бири бир олтун,  
Бил олтундан баҳоси афзун.  
Тўллоби онг эдар на таҳсил,  
Ҳар ҳафтада уч кун ўлса таътил.  
Ҳар кунда бирор сабақ ўқурлар,  
Сўнг ўйнамақ ала ё ўюрлар.  
Бир жумладан онжақ ортуқ эрмас,  
Олмиш сабоқи бу жумладир бас.  
Умрунг боши зиди юмруқидур,  
Бир кун киши дарси ушбумидур?  
Мушкул бу равиш-ла бўйла рафтор,  
Кечмазми бунингла умр бекор?  
Инсоннинг азиз эмазми умри?  
Ё айдуким ўйла йўқми ваъзи?  
Салла қозонида қайнатуб бош.  
Ким ўйла қозонда қайнаюр ош.  
Кофими эмаз қозонча дастор,  
Ҳар лаҳза даҳо фузун этарлар.  
Анжақ бу равиш-ла наҳв сарфи,  
Таҳсил эда исму феълу ҳарфи.  
Ислома улум эмазми лозим?  
Инсона фунун эмазми лозим?  
Инсонсиза ҳамд ўла ҳам илом,  
Хар иккиси лозим айтмак итмом.  
Сўйлаёй сапа бир намунна хужжат,  
Вор шаҳринга наҳри Оби Раҳмат.  
Машҳури шоҳи замон Улуғбек,  
Илму фана таржимон Улуғбек.  
У наҳри канорин этди марсал,  
Бундан на эди у зота мақсал?  
Билмоқ неча сайр этар кавокиб,  
Гоҳи кўрунур, гоҳ ўла ғойиб,  
Ер фанина этмаюб қаноат,  
Чекди неча бу фан узра заҳмат.  
Не лозим агар кераксиз эрди,

Бу ранжи қабула олмаз эрди.  
Йўлларда, сўқоқларда атфол  
Кезмак-ла ва ўйнамак-ла хушҳол,  
Мақтаб кўзи интизор аларга,  
Ҳар лаҳза умидвор аларга,  
Тифл ўйнамақи ила йигитлар  
Серкарм фасод ва фитна яксар.  
Гар бир ерда ўн нафарни кўрсанг,  
Аҳволни ҳар бирини сўрсанг,  
Ҳар иллата ҳар бири гирифтор,  
Яъни бири ўғри, бири хунхор.  
Хашшош бири, бириси каззоб,  
Шаробми ила бириси шодоб.  
Мутриб бириси, бириси хуммор,  
Девона бири, бириси айёр.  
Қолмиш у бирисиким қаландар,  
Бундан ёри кўру, ёриси кар.  
Қаттон тарийқ ила падаркуш,  
Ҳаб бодаи фитна ила сархуш.  
Бу зумра бори адои миллат,  
Елғиз на адо, балойи миллат.  
Бу фитнау бало надандир?  
Таътил макотиб этмадандир.  
Жорий ўла эрди наҳри урфон,  
Инсон малак ўлмак эрди имкон...  
Луғз абридин ўйла маҳрум,  
Дин ҳукми алар олинда мактум.  
Матрук ҳукуматинг лисони,  
Излаб керак ўлса таржимони.  
Инсон юриши дагил бу рафтор,  
Инсон иши йўқ бу феъл-кирдор.  
Қонун ҳукумату лисони  
Билмаклигини истамазсан они.  
Масжид-ла мадёрисинг сотарсан,  
Чўлларда баҳиматек ётарсан.  
Фурсат кечуруб фунун ўқулмаз,  
Сўнг истар эсангда алда галмаз.  
Таҳсил ўла рус мактабинда,  
Анвои фунун анинг дилинда.  
Илми ҳама ихтироу ҳикмат,  
Таълими зироату тижорат.  
Билгунг ясамоқ одати олот,  
Мошин ила фирмофону соат.  
Вопур саманду фар, тилифўн,  
Ҳам ҳикмату тилғирофу болун.

Мансуми помбарху барсим,  
Мактабда ўлур тамоми таълим.  
Ҳар қочки лисони чўқ билурсан,  
Дунёда азизроқ ўлурсан.  
Ким давлатининг лисони билмаз,  
Таъсиф сўнгинда суд вермаз.  
Пир онда тугатди ўз каломин,  
Бан дутмишам они эҳтиромин.  
Тўти сари айлади ишорат,  
Верди бана янги бир башорат.  
Айди бу қуш ўйла жонивордур,  
Гўё бир овуч демакла пардур.  
Бир бошу ики аёғчаки вор,  
Бир қўйруқ ики қанодчаки вор.  
Илму фана бу Алидин ортуқ,  
Сўзлар ғойибинг Валийдин ортуқ.  
Донойи таданний, тараққий,  
Ҳақ сўзла мулаққаб ўлди ҳақиқий.  
Бу сўз бошима кетурди ҳушим,  
Ҳушим на демак очилди кушим.  
Улдум мутаважжи они сори,  
Ул қушким эди пирн ёри.  
Айди банга эй, хўжаста меҳмон,  
Улмишдим у лаҳза бан ки хандон.  
Олдинг банго кина шимди авф эт,  
Меҳмонсану сарфароз ўлуб кет.  
Қуш шаклида лек жаброилам,  
Гумроҳлара ҳоди-ю далилам.  
Уч иш-ла ўлур хароб олам.  
Дут бу сўзуми қулоға маҳкам.  
Таҳсили улуми ноқис этмак,  
Ҳам мавонзинг канора отмак.  
Ал чекмак эрур даҳо фунундан,  
Бу ҳибси натижаи жунундан.  
Дин илми эмазми қуввати жон,  
Жон қуввати ҳам жалойи имон.  
Беш ишдин эрур онинг биноси,  
Оллоҳи ризосидур адоси.  
Уқбода верур анга мукофот,  
Дунёда ким айласа ибодат:  
Ҳаж, рўза, намоз закату ваҳдат,  
Бу беш биза маркази итоат.  
Бундин ки дигар фунуни таҳсил  
Этмак-ла булар ўлурми таътил.  
Бу беш анма монёъ ўлмамишдур,

Дунё иши ўзгача бир ишдур.  
Билмазмисан у Мустафони?  
Пайгамбару расул Худони?  
Тоатда унуд демиш жаҳони,  
Эт шавқла тоати Худони.  
Ўлмақда тасаввур эт у соат,  
Қим бир ўла ўлмақ ила тоат.  
Дунё иши айладинг арода  
Ўлмақ на эмиш хаёла олма.  
Тўти бана зарб уруб бу амсол,  
Ҳайрат бани айламишди помол  
Ул дам эдиким сабоҳ азони,  
Етди қулоғима билдим они.  
Турдим уёнибки, бан ётоқда,  
Тонг ўлмишу эвдаман у чоқда.  
Мўмин души гар ўлурса содиқ,  
Мазмун ҳадисинадур мувофиқ.

\* \* \*

Мўминлари ваҳи рўятидур,  
Гар содиқ ўла бу қул машҳур.  
Ё Раб, бу жаҳона вор на найранг,  
Ҳар соату ҳар нафасда ҳар ранг.  
Таъсири фусун чархи афлок,  
Қим дур анинг-ла курран хок.  
Ўлмазса бу сеҳр агар қуёшдин,  
Ердан оғоч, ўт чиқарми дошдин?  
Бинг уч юз ўтуз бир эрди таърих,  
Эрди у замон ҳалола таслиҳ.  
Айёми баҳор эди замона,  
Сайр этмаки истадим ябона.  
Остимда сувори тез гоми,  
Чолок эди барқдин хироми.  
Ўлди ҳавасимда сайри саҳро,  
Ҳам касби ҳаво, дафъи савдо.  
Чиқдим ўла шаҳрдин равона,  
Юзланди таковирим ябона.  
Хуррам эди сабза-сабзадан дашт,  
Саҳройи насим эдарди гулгашт.  
Гул фасли сабзалар бошинда,  
Фаскал каби яфроғи қошинда.  
Сунбул сочи тарқалуб сабодан,  
Машшога фикр эди ҳаводан.  
Вермиш ера сабза-сабза хилъат,



Вор сабзада ори сабз хилқат.  
 Бан сабза назораси-ла дилшод,  
 Дил шоду қайғу-ғамдин озод.  
 Бир наҳри азима рост келдим,  
 Кўнглумда на хавф бор, на бим.  
 Бу косан осмон шабраиғ,  
 Уйнаб печа бир тарийқа найранг.  
 Найранг жаҳон фитна ангех,  
 Афсуни замонаи балохез.  
 Қурмуш на ўйини бан они билмам?  
 Йўқ кўнглума бу гумон-ла бир ғам.  
 Бан наҳри суйини эдам тамошо,  
 Ким у сув эди ажиб мусаффо.  
 Дошлар су ичиндадур намоён,  
 Сув мавжи эдуб сув узра жавлон.  
 Сув оқиши лек аждаҳотек,  
 Инсон назаринда бир балотек.  
 Таъсирим эдуб фусун мори,  
 Вермиш эдим алдан ихтиёри.  
 Этмишиди бани бу наҳр афсун,  
 Бан беҳуд ўлуб ким ўйла мажнун.  
 Наҳр ичра таковаримни сурдум,  
 Бир-ики-да тоз ёна урдум.  
 Дутмак ила чўмдук от ила бан,  
 От бандан узулди, отдан бан.  
 Дарё қуйилинда банми Морут,  
 Юнустек эдимми луқман ҳут.  
 Йўқ вор эди анда ўзга савдо,  
 Наҳр ичра ғариб бир тамошо.  
 Сув тахтина дошлара етушгач,  
 Қўрдум ўзуми кўзумни очгач,  
 Бир гумбаз зиру об ичинда,  
 Сув қуббасидин ҳубоб ичинда.  
 Осуда нафас чекарман, аммо  
 Еткурмади сув мазарра банго.  
 Жоним бани лек изтироба,  
 Ул хонаи оби ҳубоба.  
 Бир лаҳзада истироҳат этдим,  
 Ҳар жонибими назорат этдим.  
 Қўрқувдан эди иситма танда,  
 Қўрқмишдим у фарқ ўлан замонда.  
 Гўё сув ичинда бан эдим нор,  
 Етмай сира-биримиздан озор.  
 Бир йўл сув ичинда эрди пайдо,  
 Мусо йўли Нил ичинда гўё.

У йўл ила чиқмоға ёпишдим,  
Дарёйи қирғоғина етушдим.  
Жондан эдим ўлинча навмид,  
Навмидликимдан уздум умид.  
Соҳилда бир оқмишман ўзумни,  
Қопмишман иситмадан кўзумни.  
Гоҳо хабар ўлмаюб ўзумдан,  
Сафсата аён ўлуб сўзумдан.  
Гоҳи кўзума келуб гўристон,  
Ҳар шаклда шаҳри боғу бўстон.  
Этмиш бу иситма бир сароя,  
Угротмая яна бир балоя.  
Билдим-ки, у мулк Чиндир, аммо  
Мулки Чин Эмишда Шарқ ақсо.  
У ерда бир ошинойи кўрдум,  
Сўзлашмоққа ортидан югурдим.  
Ул дамки онинг-ла ҳамдам ўлдум,  
Гам кетди ва шоду хуррам ўлдум.  
Масрур ўлуб у хизр ахлоқ,  
Жодугари фари-ю, офоқ.  
Эв сори бани таориф этди,  
Йўл бошлади ва алишни дутди.  
Улдук ики жисм бир бадантек,  
Миррих ила ой қирон эдантек.  
Ул маъдани лутф ошинонинг,  
Ул манбаи жуд ила сахонинг,  
Вақтоки иморатини кўрдум,  
Йўл устида қулларини кўрдум.  
Йўл жонибида макон ённида,  
Улкар каби қаҳкашон ённида,  
Юксак эви бир қоч ошиёна,  
Гўқ эрди мисоли бу жаҳона.  
Гул боғчаси вор эди ичинда,  
Тимсоли йўқ эди тамом Чинда.  
Жаннат елитек сарин ҳавоси,  
Кўзгу каби сувларин сафоси.  
Раъно сочуб олтунини ҳар ён,  
Авроқи эдуб ери зарафшон.  
Бодом ила сарв, нахл-у лимў  
Майдони ўлуб булар-ла малу.  
Шингарфа қизил гули веруб ўд,  
Ёминидан хижил эди суд.  
Гуллар орасиндаги гиёси,  
Чин қизларин алларин хиносси.  
Саҳбо каби мавж гунчаи гул,

Сонким дута соҳи соғари мул.  
 Бан бир неча муддат онда турдум,  
 Роҳат-ла бир-икки кун кечурдум.  
 Бир кун эди қулларинг бириси,  
 Эълон ила келди кун ёриси.  
 Ливои ўюндан этмиш эълон,  
 Найранг ўюни ўлурмиш олон.  
 Вормиш яна ҳикмат хаёли,  
 Манзур эдамиш баён ҳоли.  
 Мозий хабари ҳудус оти,  
 Ҳал этмага ақд мушкулоти,  
 Бу навъда чўқ эмиш ўюнлар,  
 Айру дағи бир неча фунунлар.  
 Сеҳр айлади бу кўнглуми найранг  
 Шавқи ила ҳолатим эди танг.  
 Улди банго кўрмак орзуси,  
 Майдон олуб они гуфтигўси.  
 Вордим етиб онда бан у соат,  
 Ким кечди беш-ўн дақиқа фурсат.  
 Йўқ кимса вале ўзумдан ўзга,  
 Бир кимса кўрунмамишди кўзга.  
 Бу ҳам ани сеҳридин эмишди,  
 Ҳар кас дигарини кўрмамишди.  
 Ҳар ерда вале одат найранг,  
 Бирси оғоч-у бири эди санг.  
 Бир лаҳзада бир қуш ўлди пайдо,  
 Солди ера бир юмурта анда.  
 Бир тифл юмурта орасиндан,  
 Синдурди-ю хориж ўлди андан.  
 Товуқ ила байза ўлди барҳам,  
 Бир лаҳзада тифл ўлди одам,  
 Мавжуд эди мандали алинда,  
 Ҳикмат на эмишди мандалинда.  
 Ёйди ера анда мандалини,  
 Мандалдин узоқ эдуб алини.  
 Бир ҳолат илан таважжуҳ этди,  
 Келди яна мандалини дутди.  
 Дутмақ-ла кўтарди мандалини,  
 Гуфтора кетурмаюб дилини.  
 Улди у замон банга намоён,  
 Бир чўл ила бир жамоа инсон.  
 Дошлар қуёшнинг ҳароратиндан,  
 Удлар чиқоруб табиатиндан.  
 Ҳайвон дериси алар либоси,

Дуфроқ ила дош эди палоси.  
Баъзи буларниг эди ялангоч,  
Баъзиси тўқ эрди, баъзиси оч.  
Масканлари харсанг ила чодар,  
Чодар-ла дўлу у чўл саросар.  
Ичмишлар алар қўйи судиндан,  
Ҳайрат-ла боқардим онлара бан.  
Ҳайвон суди барчасин таоми,  
Экмак на? Унутмиш онлар они.  
Олтун на эмиш, кумуш на, дирҳам?  
Ўлмиш алар орасинда барҳам.  
Ой қурсини нон эдуб тасаввур,  
Бу ҳолати бан эдум таҳайюр.  
Найрағидан айладим саволин,  
Ким сўйлая—бу жамоа ҳолин.  
Кимдур бу жамоан паришон,  
Базилами ёки жинси инсон.  
Айди бангоки, даҳо бир иш вор,  
Сўнг бан санга сўйларам бу асрор.  
Бир лаҳзада гойиб ўлди онлар,  
У харсангу чодари ябонлар.  
Ёйди яна мандалин замина,  
Олди яна они ушбу ҳина.  
У ерда ўлуб аён Самарқанд,  
Қўнглум бу ўюндан ўлди хурсанд.  
Дошдан ҳама ер иморат ўлмиш,  
Бир янгича шаклу ҳайъат ўлмиш.  
Бингларча трамвў, афтомобил,  
Ҳар ерда электр ила қандил.  
Фаввора-ла сув дўкуб Регистон,  
Фавворан теграсинда бўстон.  
Бўстон ила мадраса ароси,  
Гўл ўлмишу на гўзал ҳавоси.  
Фавворая сув веруб Зарафшон,  
Бўстони эдарди гавҳар афшон.  
Ҳар мадраса бир луқонат ўлмиш,  
Ҳар бирини бир-да од қўюлмиш.  
Ёнида гарибтек минора,  
Матбах думонила бу фаввора.  
Ўлмишди расад ер ила яксон,  
Кирмиш букун анга тозадан жон.  
Ойиннайи барқ ила тилифўн,  
Сўйлашмақа ҳар киму биричун.  
Манзур эди кўзгуда мухотаб,  
Ҳар ким тилифуна айласа габ.

Пассажи эди Чорсу ериня,  
Ҳар жаннати бенгзаб у бирина.  
Атрсфини чашмаи сафойи,  
Кавсар суйи янгли босафойи.  
Маҳсур эдуб Ҳисор дошиндан,  
Дуфроға у сув кетарди бошдан.  
У майл ила ҳар эва бориб су,  
Исми каби ташналар дору.  
Масжид ерина ўлуб калисо,  
Бир янги шамойил ила барпо.  
Дарёя қадар ўлуб иморат,  
Тонмиш эди бўйла зеби зийнат.  
Жамъ ўлмиш эди чўқ анда нисон,  
Лекин йўқ эди бири мусулмон.  
Ҳайрон эдим анда ушбу ҳола,  
Чўқ фикр келар эди хаёла.  
У қавм на қавм эрди билмам,  
Гўё эди барчаси бир одам.  
Улдум бу ўюндан анда маъюс,  
Этмиш эдим агламақда номус.  
Бир лаҳзада бу ҳам ўлди пинҳон.  
Бан қолмиш эдим у ерда ҳайрон.  
Найрангги келуб ёнима ногоҳ,  
Ким айлая ушбу сирдан огоҳ.  
Деди: Бо не ул ўюнда кўрдунг?  
Онлар эди ким, алар-ла турдунг?  
Онларда йўқ эрди илму урфон,  
Беилми тижорат этди нуқсон.  
Ҳар мола веруб ҳамиша дирҳам,  
Дирҳамлари охир ўлди барҳам.  
Савқ этди бу водия жаҳолат,  
Бунданмч огир ўлур жиноят.  
Билмишса сулар улуми даркор,  
Ўлмазди бу офата гирифтор.  
Кўрдунг сан икинчи пардадан шаҳр,  
Обод ўла келди то лаби наҳр.  
Бошдан на эди, кунун на ўлмиш?  
Умрон ила халқ шаҳра дўлмиш.  
Чиқди у жамоа шаҳр ичиндан,  
Тарк айлади халқ илм ила фан.  
Кирди бу жамоа шаҳра альбон,  
Бу навъа дўланди шимди даврон.  
Чихди бири, кирди у бириси,  
Даврон сўнгра шимди бу бариси.

Ёдима етушди тўти-ю пир,  
Фикрим ўлуб истамакда тадбир.  
Дугди алим устоди найранг,  
Кўйди бани бир қафас аро танг.  
Мандалла қафасни этди пўшиш,  
Бан турмақа айлаб анда кўшиш.  
Бир лаҳза кечуб қафасни олди,  
Очдум кўзум у макон йўқолди.  
Кўрдумки, от узра ман на ғарқам,  
Дарё кечарам от узра маҳкам.  
У дашт, у йўл, у от, у дарё,  
Сув ичмақа от дурурди ҳоло.  
Бу фурсата бу қадар ҳикоят,  
Оё банго эрди бу на ҳолат?  
Ҳар кимса-я сўйладим бан они,  
Ҳар ерда эълони ва ниҳони.  
Билмамки, бу сўз ўлурми ибрат?  
Еким банами дутар адоват?  
Вордир бунинг икки эҳтимоли,  
Ё ибрат ўла ва ё малоли.  
Дарёдан эмаз бу сеҳр, афсун,  
Фикр айласанг ўзгадир бу мазмун.  
Сувдан эмаз у ривоят аммо,  
Вер анда даҳо бир ўзга савдо.  
Ойнайи ибрат у саросар,  
Бошдан аёғи сафою жавҳар.  
Мажнун бани сон-да, ҳушёр ўл!  
Афкори салима барқарор ўл!  
Уймақ-ла бани тасаввур айла,  
Аммо сан ўзунг тафаккур айла.  
Келтур ала шаръу фан, қонун,  
Бунларсиз эдар ҳалок гардун.  
У кимсаки илми сарвати вор,  
Бешубҳа жаҳонда роҳати вор.

### ХОТИМА

Бир кун назар айладим жаҳона,  
Аҳволи мағойири замона.  
Ҳар кимсая бир насиҳат этдим,  
Ҳар билдукими васият этдим.  
Этмишдим улум ва фана таклиф,  
Этдим ани билдукимча тавсиф.  
Халқ этди бани сўзумни эҳмол,  
Ҳар бир сўзум ўлди муфта помол.

Лозим банго ўлди бир баҳона,  
Назм этмака ўйла бир фасона.  
То ўлса бунинг-ла халқа рағбат,  
Айдим на қадарса илми ҳикмат.  
Нуқсонни жаҳолат этдим иншо.  
Мақсуди бунинг-ла этдим иншо  
Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,  
Бундан ўла халқ бахти масъуд.  
Илми ала олмоқ ва фунунни  
Давлатни, лисони ва зақунни,  
Ҳар қавм булардан ўлди маҳрум,  
Истиқболи ҳолидан ўлар шум.  
Инсон демак ўлса оснели,  
Мумкин малак ўлса овруполи,  
Унлар агар ўлса навъ инсон,  
Мумкин булар ўлса махз ҳайвон.  
Давлат қопусинда хору зормиз,  
Ҳар ерда фақир эътиборсиз.  
Хор ўлмақи боиси маоли,  
Иўқ ҳақ жасорати саволи.  
Бу жаҳл ила толиби жинонмиз,  
Ҳарчандки фоили зиёнмиз.  
Жаннат дилаян бедуни тоат,  
Рўе-да магар кўрарса жаннат.  
На раҳмата қалбимиз муносиб,  
На жанната руҳимиз муносиб.  
Аммома ила либоса мағрур,  
Бу тийнату суврат ила масрур.  
Кофи биза бўйла шакл марғуб,  
Инсон орасинда биз-да маҳсуб!

## ШОҲИЗИНДА ШАЙХИНИНГ ҚАРОМАТИ

(Воқеий ҳикоя)

Аз қаромати пирри мо чи  
ажаб; гар барф дийду гуфт:  
«Қор ёгади»<sup>1</sup>.

Шоҳизинда шайхларидан бири бўлгон шайхи боло, яъни ҳазрати Сайид Эҳсонхон тўрамнинг қароматларидан намуна:

Ман бир кун Шоҳизинданинг мақбарасини кўрмак учун саёҳат қилиб борган эдим, ҳамма ерларини тамошо қилиб аста-аста юқорига чиқдим. Энг юқорига мақбаранинг чап қўлдаги ҳужрасига кўзум тушуб қолди, кўрдумким бир зоти бобароқот, хўжаста сифат ҳужранинг тўрида, сандалининг ёнида зикру ҳақ айтиб ўлтирубдурлар.

Ман ташқаридан салом бердим, саломимга жавоб бериб, қани меҳмон ака келинг, қани марҳамат, марҳамат! деб ерларидан (им хез) бўлуб, кўрушдилар. Кўрушаётқон вақтда бирдан «Ё оллоҳу ҳақ!» деб, қичқириб юбордилар. Ман кўрқушимдан саросима бўлиб, ҳеч нима айтолмадим. Сўнгра ерларига ўтуруб, мани ёнларига ўтурушга таклиф қилдилар. Ман ҳам астигина сандалининг бир бурчагига ўтурдим. Фотиҳани узун ўқиғондин сўнг, мани фарғоналик гумон қилиб, Фарғонадан сўз бошладилар.

Қароматларидан ва ҳазрати Шоҳизиндадан нақл қилиб айтдиларким:

— Шу геча ман ҳазратимни тушумда кўрдум. Ҳазрат айтдиларким: «Эрта Фарғонадин мани зиёрат қилғучи мухлисим келади, у одам Худонинг яхши бандасидур, меним мухлисимдур, санга ҳам мухлис бўладур, ўша кишининг кўнглида бир муддаоси бор, сан айтким, келтурган назру ниёзини эътиқод билан берса, назру ниёз қабули даргоҳ бўлгондон кейин, муддао ва талаби ҳосил бўлур». Ман ҳам ҳазратнинг фармойишларига мувофиқ чилламдан қолиб, ҳолигача сизга маҳтал эдим, сиз ҳам келиб қолдингиз, кўб яхши бўлди, агар назр ва ҳадянгиз бўлса, берсангиз, ман ҳазратнинг руҳларидан тиласам, назрингиз қабули даргоҳ бўлгондон сўнг муддао ва талабингизга етарсиз.

<sup>1</sup> Пиримзининг қароматларидан не ажаб? Агар қор ёгаётганини кўрсалару десалар: «Қор ёгади».



Ман ҳайрон бўлиб айтдимки:

— Шайх бобо! Қамина Фарғонаги не, аз ҳамин жо мебоша.

Шайх:

— Эй ҳали ҳамтуми? Бисёр нағз, ҳай-ҳай, ҳай шумо аз ҳуди будидку, аз кадом гузар ҳастид?

Ман айтдим:

— Асли мо Самарқанди не, мо аз Панжкент мибосем, чанд сол астқи, ба Самарқанд омада, дар мадраса истиқомат дорем. Имрӯз андағи хапа шудем, бинобарин саёҳат карда ба ин жониб омадемқи, шояд зиёрат кунем, аз хапаче бароем.

Шайх:

— Бисёр нағз кардид. Зиёрати аҳли қубур ва зиёрате жанобе ҳазрат пирам «Шоҳизинда ҳуд, Оллоҳ ҳақ» бисёр савоби кулли дорад. Ба охират ҳам дастгири мекунад.

Шу чоғда остдан бир шӯри қурғур камбағал деҳқон келиб қолди. Унинг атрофини бирдан ўттуз-қирқ мозор шайхлари ўраб олиб:

— Қани бой бобо! Қани бой бобо, келинг, биз сизни зиёрат қилдирайлиқ!—деб унга ёпиша бердилар.

Бу орада бояғи Ҳазрати Сайид Эҳсонхон тўрам ҳужраларидан чиқиб:

— Қани бу ерга кел, бўтам! Кел, кел! Бўтам кел!—деб чақирдилар.

Шӯри қурғур деҳқон лоилож бўлиб:

— Ассалому алайкум жон тўрам! — деб келди ҳамда эшон тўрамнинг қўлларини ўпиб кўбдан-кўб сўради. Эшон тўрам узун фотиҳа ўқуб, сайҳа тортиб, аҳвол сўрашиб айтдиларким:

— Кел бўтам! Яхши келдинг. Шу кеча ҳазрат кароматлари билан саннинг келишингни манга изҳор қилган эдилар. Сенинг борангда ҳазрат кўб шафқат қилиб, илтифотлар қилдилар. Бечора ўзбак саросима бўлиб:

— Тахсиржон, тахсиржон, шундоғ бўлса керак, ман ҳам ўзларининг мухлисларидирман, — деди. Ҳазрати эшон тўрам назру ниёздан сўз бошлаб айтдиларким:

— Саннинг кўнглунгда талаб ва ҳожатинг бор экан. Қелтурган назру ниёзингни берсанг ҳазратинг руҳларига боғишласақ, талаб ва ҳожатингга етарсан.

Бечора деҳқон:

— Хўб бўлуптур, жоним билан тахсир, сизга жонимни ҳам ҳадя қиламан. Шайх бобо:

— Албатта шундоғ бўлса керак, Худонинг йўлиға

Молингни эмас, жонингни ҳам берсанг арзийдир, қани назрингни чиқар, нима келтурдинг? Деҳқон:

— Ҳозирча эшон бобо, озгина назр қилган пул билан шамъ ва нон келтурган эдим,—деб чиқариб берди. Эшон тўрам пул ва нарсаларни олиб ерга қўйиб:

— Ҳамма келтирган нарсанг шуми? Ҳазратнинг каромати ва илтифотлари санга бошқача эди. Саннинг кўнглунгда кўп ҳожатлар бор, деган эдилар. Унга қараганда бу ҳеч нима эмас. Саннинг кўнглунгдаги ҳожатга кўра, ҳазрат учун бир қўй, биз учун бир тўн ва қабринг бошига етти жуфт шамъ лозимдур. Шу нарсаларни эртага бозордан келтуриб бермасанг, ман сани «садди наби қиламан, бор!» — дедилар.

Камбағал деҳқон:

— Ҳой тақсир, эшон тўрам! Тавба қилдим. Ман ўзларининг қулларидирман, тақсиржоним! «Садди наби» қилманг, эртаги бозорда эмас, ҳозирда ҳам қўй билан тўн ва шамъларини келтуруб бераман, жон тақсир, тўрам! — деб узр тилади. Эшон тўрам ҳам:

— Хайр, хайр, бор, тезлик билан буюрган нарсаларимни келтир. Ман ҳазратга бир илтижо қиламан, кўнглунгдаги мақсуд-муродингга етарсан, — деб деҳқонни жўнатдилар. Қайтиб ҳужрайи шарифларига кирмакчи эдиларким, ман ҳам ижозат сўраб, эртага келишимни англатдим. Шайх бобо:

— Ҳа, ҳа, меҳмон, кетасизми? Зиёрат қилмайсизми? — деб ҳужраларига кирдилар.

*«Найза». «Машираб» ж., 1924 й., 12-сон, 7-бет.*

## МАҚОЛАЛАР

### ТУРКИСТОНДА МАКТАБ, ЖАРИДА ВА УЛАМО

Ислом интишоридан неча асрлар илгари илми ҳикмат юнон ҳукамолари ўрталаринда тараққий топиб, мазкур ҳукамонинг баъзилари бу кундаги ҳукамо кашфларини исбот қилган бўлсалар ҳам, ҳукамодан баъзилари анга аҳамият бермай, осмонлар филзот ва жавоҳиротдан иборат бир журм. Давра юлдузлар эса ҳар бири бир нимарсани мураббаъсидур, дер эканлар. Халойиқ ҳам ушбу тариқа эътиқодда эканлар. Ерни балиқ устинда ва балиқ ҳўкуздадур, ерни иҳота қилган Кўҳиқоф зумуррадандур, они ранги биринчи осмонга уруб кўк кўрсатадур, деган сўзларга ишонуб юрган эканлар. Ислом уламолари тараққий топгандан сўнгра бу ҳикмат илмини юнон ва финикидан таржима қилиб, китоблар ёзиб таълим бериб келган эканлар. Ва ушбу ақида ислом аҳолисини руҳлариға ерлашиб қолган эди.

Ҳукамои мутаахирин эса асбобу олотларини комил қилиб ул сўзларни хилофиға кашф қилибдурлар. Ушбу кун Туркистондан бошқа ерларға уламои жадидани сўзлариға тобе бўлгандурлар. Ҳукамои замониянинг аксар сўзларини уламои ислом оёти Қуръонияға мутобиқ топибдурлар. Бу охирин фирқан ҳукамони сўзлари: осмон фазойи лоятно ҳойн илоҳийдур. Дунёда Кўҳиқоф маълум бир тоғдур. Ва оддий тошлардандур, зумуррад эмас. Ер бўлса куррадур, ҳўкуз ва балиғ устида эмас, дерлар.

Демак, эски ҳукамо наздинда эътиқод қилиб юрган нимарсаға муҳолифат қилгон учун уламо наздинда янгилар мазҳари мўжид такфир бўлганлари кифоя қилмай, Самарқанд уламоларидан баъзилари ёш фикрликлар устидан хусусий шикоятлар илан ҳукуматға мурожаат қилган эканлар. Янги мактаб ва жаридалар ва асҳоби яктурфа бўлсун деб. Ҳукумат эса ушбу гариқа фалсафий ва ақлий муноқашалар ҳар тоифа ўрталариға воқеъ бўлуб, балки алҳолғача мунга ўхшаш фалсафий ва илмий муноқашалар тамом бўлмаган учун бу шикоятға аҳамият бермабдур.

Агарда жаридалар зарарлик нимарса ёзсалар ва мактабларда зарарлик нимарса бўлса, алар данўс қил-

масдан ҳукуматни ўзи ёпар. Ҳолбуки жарид ва мактабларни устидан ҳукуматни нозирлари бордир. Бир сана муқаддам усули жадид мактабини жаноб губернатор ва маориф муфаттиши ва Петербургдан келган бир нафар катта меҳмон ва таржимонларни ҳузуринда Самарқанд саёз ва қозиларни, шарнатга мувофиқлиги ва ҳукуматга муҳолиф ҳеч бир фикр бу қоида тобеларидан воқеъ бўлмагонлигига шаҳодат бергон эдилар. Аммо бугун ношаръий ва зарарли деб яна шу қози жаноблари ҳеч ким сўрамасдан ҳукуматга баён қиладурлар. Бу шикоятларига Бухородаги янги мактабларни боғлангани боис бўлса керак. Энди эшитган ва билган кишилар тахайюр этарларки, эшон қози жанобларини аввалги сўзларни дурустми ёкинки охиригиси дурустми?

Сиддиқий.

«Ойна»: Эшон қози ҳазратларини мактаб, жарид ва «Ойна» муҳаррири ҳақиндаги сўзлари ажойибдур. Чунончи, мусулмон мажлисларинда мактаб бидъат ва «Ойна»нинг муҳаррири русларни яхши деб ёзгучи ва халқни руслашдиргучи мазҳабдин деб шикоят қиладурлар. Ҳукуматга бўлса мактаб ва газетчилар ҳукумат хилофига сўзлагучи ва ҳар шаҳарга ҳам хорижияга боргучи ва одам юборгучидур ва аларни... қилмоқ керак, деганлари маълумдур.

Бу сўзларни Самарқандни катта уламо ва қозиларидан муҳтарам бир киши катта мажлисларга ва ҳукуматга сўйлагонлари учун тубандаги сўзларни юз биринчи дафъа ёзармиз: «Ойна» муҳаррирининг маслаги 10 санадан зиёда бир муддатдан бери жарид ва рисолаларга ёзгон мақолалари илан ҳукуматга ва бутун халойиқга маълумдур. Қози ҳазратлари «Ойна» муҳарририга икки нимарсани нисбат беруларки, кайфияти юқорида ёзилди. Аммо иккисид ваҳмий сўзлардур.

Биз халқни рус ва насоро қилмоқчи эмас ва дини мубин исломни хароб қилдирмоқчи эмас, балки муҳтарам аҳли динимизни моддатан тараққий этдурмоқчи ва дини шарифимизга маҳкам туруб, Русияда яшамоқчимиз. Русиянинг граждани, илм ва ҳуқуқлик чин табъаси бўлуб ва руслардан қочмай, балки қўл(ни) қўлга бериб Русия ватанига болфеъл шерик бўлуб тараққий қилмоқ ва Русия давлатининг мансабларига мустаҳиқ қилатургон, Русиянинг илм ва фани замони ўқутадургон мактабларига ружу қилмоқга муҳтарам

ҳамватанларимизни даъват ва ташвиқ этгувчи бир кишимиз.

Муни 10 санадан зиёда бир муддатдан бери ёздук, яна умримизни охиригача ёзармиз. Ва ҳам ёзганларимизга амал этмоқга бўлиб, ўз ўғлимиздан бошладукки, бугун халқ ўртасинда кофир ва ўрус қилгувчиликга, махраби динликга исм чиқориб, боламизни рус гимназиясинда ўқутуб турубмиз. Келайлук, ҳукуматга мухолиф сўзламоқга ва Истанбул сафарига, Туркистон ёшлари эскиларни фикр ва манъига расман рус илми фунунига, маданият ва ҳунарига кундан-кун мойил бўлмоқдадурлар. Ва бу майлоннинг олдини оладиргон қувват йўқ. Ва Русия зарарига алардан букунгача бир шайъи зоҳир бўлган йўқдур.

Истанбулга борганимиз махфий эмас. Балки нуқтабануқта «Ойна»да ёзилиб турубдур. Агарда Истанбуллик бўлмоқни хоҳласайдук, кетардук ва ё болаларимизни анда ўқитардукки, мунга монеъ қонун Русияда йўқдур. Ҳолбуки Истанбулга ўқигон ила бир зарар мушоҳада қилинмайдур. Балки турклар дерларки: «Русия муаззам ва муҳташам бир давлатдур. Илму фани ҳам маданиятидан касб этингиз. Бизда онинг ила дўст бўлмоқчи ва Русияга талабалар юбормоқчимиз». Ал-он Русияга душманлар ҳарб этар экан, биз Русия мусулмонлари иттифоқ бўлмай, бир-биримизни ҳукуматга соят этиб, халқ орасинда душманлик ва тафриқа солмоқга саъй этармиз. Хулоса, биз мусулмонлар душманларимизни кулдируб, дўстларимизни йиғлататургон бир ҳолдамиз. Оллоҳ барчамизга инсоф ва басират берсин.

**Маҳмудхўжа.**

*«Ойна» ж., 1914 й., 44-сон, 155—158-бетлар.*

### **ОРЗУ ЕКИ ХАЕЛ**

Агар ман бой бўлса эдим, закот ва бошқа ҳайрот ўрунларига ҳамда тўй ва азоларга исроф қилинатургон ахчаларимни йиғиб, аларнинг ўрнида муаллим етушдуратургон бир рушдий мактаб солур эдим, лекин афсуски, пулум йўқ. Агар ман «варасатул анбиё» сифати олияснини ҳоиз бўлгон чин уламодан бўлса эдим, фойдасиз ҳавоший ва зарарлик мужодалот мазҳабия ўрнида тафсир, ҳадис каби зарур илмларни шогирдонимга ўргатуб, ҳозирги жадид ила қадим низо жузъинига ҳеч

қўшулмас ва аҳамият бермас эдим, лекин таассуф ўлунурки, жоҳилдурман. Агар хатиб бўлса эдим, минбари хитобатга чиқуб ўзбекча хутба ўқур эдим, токи халқ сўзумга тушуниб мутаассир бўлсунлар, лекин на қилайки одамларга хушомад ва маддоҳия қилуб, хатиблик мансабиға чиқмоқни виждоним қабул қилмайду. Агар маним нуфуз ва иқтидорим бўлса эди, барча мактаб ва мадрасаларни мувофиқи замон ислоҳ этиб, таълими ибтидоияни мажбурий қилуб, ўғлини ўқутмагон кишиларга жазо берур эдим ва мўнинг ила йигирма беш йил ичида бутун Туркистонни маориф ва маданият нури ила зиёландура эдим. Лекин оҳ, чи чораки... агар ман муаззин бўлса эдим, сахар чоғида мезана устиға чиқуб азондан кейин: «Эй мусулмонлар! Хоби гафлат ва жаҳолатдан уйғонингизки, маориф офтоби Мағрибдан чиқа бошлади», — деб қичқира эдим. Лекин воосафоки, замонамиз истилоҳинча муаззинлик...дан иборатдур. Шул сабабли бу вазифадан ҳам маҳрумдурман.

*«Гумном». «Ойна» ж., 1914 й., 34-сон, 819 бет.*

### **ЖУВОНБОЗЛИК ТАРАҚҚИДА**

(Жувонбозликни ким ман этар?)

Самарқандда Рамазон ал-муборакнинг яқинлашмоқи ила баробар жувонфуруш самоварчилар, қартабоз қиморчилар, халқнинг оғзу ўпкаларини заҳарландирувчи нос ва тамокифурушлар, бедонабозлар, бекор ғийбатчилар. бир оз жонлануб ҳаракатга кела бошладилар, чунки ушбу Рамазони шариф кунларида мазкур жонварларнинг касбу ҳунарлари тараққий этуб, жоҳил халқнинг ҳамоқат ва сафоҳатидан юзларча ва баъзилар мингларча сўм фойда қилурлар.

Бир неча кундан берн самоварчиларнинг ҳар қайси Рамазони шарифни камоли эҳтиром ила қаршуламоқ нияти ила бир-икки хушрўй жувон бачаларни бир ойлик савдо қилуб сақламоқдадур. Нос ва тамокифурушлар бўлса бечора мусулмонларнинг жаҳолат ва гафлатини ганимат билуб, халқнинг миясини заҳарландирувчи тунд, тез ва баланд нос ва тамокулар ҳозирламоқ ила машғулдурлар. Бедонабозларга қарасангиз, ҳар қаюси икки қўлида қимматбаҳо ва жангари бедоналар кўтаруб, гарав қўуб, урушдурмоқ учун тайёрламоқдадур.

Гийбатчилар эса қайси дўконнинг олди ўлтурмоқ-га қулайроқ бўлса деб ўйламакдадурлар. Чунки бу зотларнинг бекорлик ва ишсизлик сабабидан ичлари қизиб, бирор дўкондорнинг қошига ўлтуруб, ямон кўрулгон кишиларнинг гийбатини сотмоқ ила бироз кайфлари жойнга келиб, бухл ва хусудлари камаядур. Агар бу жаноблар шул одати қабиҳаларини икки-уч кунгина тарк қилиб турсалар, гўё томоғлари бўғилуб ўлгандек бўлурлар. Мана шул сабабли булар «тарки одат амри маҳол» ҳукминча дўкондорларнинг савдодан қолдируб, гийбат сотмоқ ила азиз умрларини ўткармоқга мажбурдурлар. Байт:

Хўйи бад дар табиатики нашаст,  
Наравад то ба вақти марг аз даст.

Мақсадга келайлик. Бултур самовархоналарда, жувон сақлатмоқ ва ўйнатмоқликнинг манъи хусусида ҳукумат тарафидан жумла муҳтарам мансабдорларга амр берилуб эди, аммо на сабаб бўлдики, алар тарафидан жувонбозлик манъ қилинмади. Бу ишга бизлар таажжубда қолгон эдукки, мундай ношаръий ишларнинг манъи зотан муҳтарам амалдор ва руҳонийларнинг вазифалари эди. Яна мунинг устига ҳукуматимиз манъ қилингиз деб буюргон ҳолда на учун алар мусоҳала этуб, жувонфурушлик ва жувонбозликни манъ қилмадилар? Энди бу йил раияпарвар ҳукуматимиздан чин кўнгул ила рижо ва умид қилурмизки, жаноб қози ва амалдорларга буюриб қатъий суратда жувонбозликни манъ қилдурса эди.

*«Гумном». «Ойна» ж., 1914 й., 38-сон, 916—917-бетлар.*

## ШИНЕЛ

(Таржимадан парча)

Бир департамент маъкамасида бир чиновник хизмат қилур эди. Чиновник рутбаси унча улуг ва эътиборли бир рутба дегудек мансаб эмас. Шул чиновник киши пакана буйлик, юзи чўтур, малла, кўзга кўринишда сўқур монанд, чекалари бурма-бурма хатлар, сур бир тусда, касалга ўхшаш эди. Рутбаси эса умри муста-шорлиқ эди. Бул кишининг фамилияси Бошмачник эди. Бу иборатдан маълум бўладурки, бу лақаб «бошмоқ» сўзидан чиқиб қолгандур. Фақат бунинг қайси замон-да ва қаю муносабат билан ва не тариқа бўлиб бош-моқдан чиққани ҳеч кимга маълум эмас эди. Бу киши-нинг атоси, бобоси, ҳатто, қайин оғоси ҳам ҳақиқатда бошмоқчи эдилар. Булар ўз оёқларида ҳам этик кийиб юрар эканлар. Йилда уч қатла этикларининг ултонини янгилаб таглатиб олар эдилар. Бул кишининг ўз оти Акакий Акакиевич эди. Унинг шу идорага қачон ва қайси замонда киргани ва кимнинг уни бу ерга тайин-лагани бировга маълум эмас эди. Неча қатла ҳокимлар алмаштирилғон бўлсалар-да, барчалари уни шул ерда, шул кундаги ишда ва шул мансаб, шул ҳолатда кўрар эдилар. Рутбасида ҳамон чиновниклик эди ва ҳаминша иши хат ёзмоқ. Урда аҳли муддатлардан сўнг ўйлаб тушунғон эканларки, бул киши дунёга бу кунки усти-да бўлғон кийими (вице-мундири) бирлан туғулғон экан. Бул идорада анинг иззат, эҳтиром ва эътибори бўлмай, они биров ҳурмат қилмас эди. Ул киши юрғон-да фаррошларнинг ўрундан турмаслиқлари нари тур-сун, балки юзига ҳам қарамас эканлар. Гўёки бир чи-бин даҳлиздан учуб уйдан чиқиб кетгандек ҳам эмас эди. Ҳокимлар эса унга совуқ истибдод кўрсатар эдилар. Идора-устол бошлиқларининг ноиблари унга қоғоз кетирганда тўғри унинг тумшугиға ташлаб, ҳатто, бунн кўчуруб ёзинг, ё мана сизга иш, ё бошқа бир калима сўз ҳам айтмас эдилар. Таҳқир назари билан қараб, эътиборсизлик билан сўзлар эдилар. Шундай бўлғон вақтда ул киши ҳам олдиға келган кишиға қарамай, қоғозни ким олдиға ташлади, ул шу ишга маъмур ва



ҳақли эдими, йўқми, унга иши бўлмай тўғри келган қоғозга қараб, тўхтовсиз уни ўрунға келтурмоққа тутунар эди.

Ёш чиновниклар унга киноя ва нукталар билан тамасхур қилиб, идора руҳининг бардоштиға кўра унга мутойибалар қилар эдилар. Ўз олдида унинг таржумойи аҳволидан, 70 яшар хотунидан ҳиқоялар бошлар ва унга: «Сизнинг хотунингиз урар экан, сиз қачон тўй бўласиз», — деб бошидан қоғоз парчаларини сочиб, «қор ёғди бошингизга!» каби сўзлар айтар эдилар. Ул эса бунга қарши бирор оғиз сўз сўйламасдан, олдида бирор киши бўлмоғондек ўлтурур. Бунинг шикоятмуз сўйлаган сўзларида шундай ёшрин бир таъсир бор эдики, маҳкамада ишлайдургонларға янгигина қўшулгон бир ёш йигит ўртоқлари билан бирга кулуб масхара-раласа ҳам бирдан заҳарли бир санчиқ туюб, бутун ўзгариб, бошқа бир ҳолға тушар эди. Қандайдир илоҳий бир куч уни ўртоқларидан, яқинда таниган ва ҳаётнинг муҳим унсурлари деб билган йўлдошларидан ажратар эди. Сўнгра кўп вақтлар энг ширин суҳбатлар орасида, энг севинчли кунларда шу паст ва манфур чиновник кўзига кўрунур ва мазлумона инграшлари қулоғиға чолинур эди: «Нега мени шунча оғритасиз, мени ўз ҳолимға қўйинг!» Бу ўткир сўзларда бошқа оҳанглар инграр эди. «Мен сизнинг қардошингизмен!» Бунини эшитган бечора ёш йигит юзини қўллари билан ўртуб, яшагон асрида одамларда инсониятсизликнинг қандай кўплигини ва ҳаёни, шахсиятларда қандай кўполлик ва инсофсизлик кўплигини ўйлаб титрар эди.

Дунёда шу даража ўз хизматида туруб, ишлайтургон киши йўқтур. Бул кишини гайрат ва ё муҳаббат билан ишлагувчи десак ҳам унинг ҳаққини адо қилиб бўлмайдур. Ул ўз ишини қилиб, яъни хизматини ёзиб турғонда назарига дунё марғуб ва маҳбуб, ранг-баранг бир манзарада арз этадир. Агар ёзгон хатидан бирор ҳарфи ўзига маъқул ва яхши кўрунуб қолса, юзида фараҳ ва севинч аломати кўрунадур. Фақат бирор маънони тушуниб қолғанда ўзи-ўзига маҳв ва мустағриқ бўлуб, янги бир аҳволға тушуб, ўз олдида табассумлар қилуб, кўзларини қисуб, лабларини буруб, имо ва ишоратлар билан бир шаклга тушар эдиким, қаламиннинг ёзгон ҳарфлари юзида ўқулар эди. Агар унинг саъйига мувофиқ мукофот берилатургон бўлса эди, анга статский советниклик рутбаси берилиши лозим эди. Шундай бўлса ҳам уни зеҳнсиз ва идроксиз деб

бўлмас эди. Бир вақт бир ҳоким, инсофлик бир киши бўлғонидан Акакийга раҳм қилиб, кўп хизмат қилғони учун унга мукофот бермакчи бўлуб, буюрғон эдики, унга муқаррарий ёзишмаларидан бошқа, аҳамиятли бир қоғоз берсинлар. Акакий шул қоғознинг унвонини ўзгартириб, баъзи саҳифаларни бошқа қилиб, феълларнинг баъзиларини мутакаллим сийғасидан ғойибга бадал қилсун. Ушбу таклиф унга шу даражада оғир кўрундики, юзидин хижолат терлари оқиб, манглайнинг терини артиб қўйди ва деди: «Менга бирор нарсадан кўчуруб ўлтируш яхшироқ».

Шундан кейин уни нусхадин кўчиришга махсус белгиладилар. Ул ўз кўнглида шундай ўйлар эдики, дунёда кўчурушдан бошқа иш йўқдур...

*1908—10 йиллар.*

*«Маориф ва ўқитғучи» ж., 1926 й., 1—3 сонлар.*

## ЛУҒАТ

### А

абр — булут  
 ави — ёр, мадакдор  
 авроқ — варақлар  
 ажр этмоқ — адо этмоқ; тў-  
 ламоқ  
 аёғ — май  
 акноф — жой  
 ал — қўл  
 амвол — моллар (молнинг  
 қўпчилиги)  
 аммома — салла  
 анахтар — калит, очқич  
 анвойи ўюн — хилма-хил  
 ўйинлар  
 арс — мерос  
 асмор — мевалар  
 асрор — сирлар  
 атфол — болалар  
 афзул — ортиқ  
 афсод — ифлослик  
 ахвой — биродарлар  
 аъмо — кўр, нобино  
 ақвом — қавмлар  
 ақд — тугун  
 ақраб — чаён  
 ақсо — энг чекка нуқта

### Б

бадал — тенг, уйғун, бирор  
 нарсанинг ўрнини босиш  
 байза — тухум  
 балда — вилоят  
 бан — мап  
 барқ — чақмоқ  
 барҳаман — барахман

бақима — тўрт оёқли ҳайвон  
 бедод — адолатсизлик, зулм  
 бенгамоқ — ўхшамоқ  
 беқазон иттифоқи — тўсат-  
 дан, тасодифан  
 бим — қўрқув  
 бинг — минг  
 ботин — ич, моҳият  
 буз — муз  
 бунлар — булар  
 бухл — бахиллик

### В

варасат ул-анбийе — авлиё ме-  
 росхўри  
 вахдат — бирлик  
 вермак — бермоқ  
 вопур — кема  
 вопур саманд — оташ ароба  
 вор — бор  
 вофир — фаровон

### Г

габ — гап  
 габр — оташпараст  
 гаида — ярамак  
 гардун — дунё  
 гене — яна  
 гом — қадәм  
 гузид — мумтоз  
 гулоб — атиргулнинг суви  
 гуфтингў — гап-сўз  
 гуҳар — гавҳар  
 гўча — кўча

дамсоз — ҳамдам  
 даҳр — дуйё  
 дерак — терак  
 дери — тери  
 дигар — бошқа  
 дил — тил  
 диллазир — кўнглига ёқувчи  
 дор ул-миҳан — ғам-алам уйи  
 дош — тош  
 доғ — тоғ  
 думан — туман  
 дурафшон — дур сепувчи  
 дурлу-дурлу — турли-турли,  
 хилма-хил  
 дурри ноб — соф дур  
 дутмоқ — тутмоқ, ушламоқ  
 дуто — икки букилган  
 дуфроғ — тупроқ  
 дўлу — тўла

## Е

Есмин — жасмин, хуш исли,  
 оқ ва сариқ тусли гул.

## Ж

жадда — кўча, йўл  
 жайб — чўнтак, ҳамён; кўн-  
 гил, дил  
 жалло — тапплаб кетиш  
 жерм — жисм  
 жиндор — қўриқчи, қоровул  
 жинси — жаннат  
 жониб — томон, тараф  
 жоҳ — бойлик  
 жубба — шайхлар киядиган  
 тўп  
 жуд — қўли очқилик, сахий-  
 лик  
 жунун — телбалик  
 жустижў — излаш, қидириш

зар — олтин  
 зарқ — мунофиқлик  
 заъфар — сариқ  
 зери по — оёқ ости  
 зироат — деҳқончилик  
 зоҳир — ташқи  
 зумра — тўда, жамоа

## И

иттиҳод — уюниш, бирлашиш  
 ифто — фолш этиш, ошкор  
 этиш  
 иштиҳор — шуҳрат  
 иқомат — бир жойда туриб  
 қолиш

## К

кавкабистон — юлдузлар тўла  
 осмон  
 кавокиб — юлдузлар  
 каззоб — ёлғончи  
 калисо — ибодатхопа  
 кас — киши  
 касолат — сустанлиш  
 канор — қирғоқ  
 қақашон — сомон йўли  
 кизб — ёлғончилик  
 комъёб — бахтиёр  
 кор — иш  
 кефий — кифоя қилиш  
 коши — кошин  
 кулл — барча  
 куш — шодланиш  
 кўкрмак — қаттиқ овоз билан  
 фарёд қилмоқ  
 кўшини — уринмоқ

## Л

лааб — гўзаллар  
 лаҳв — ўйин, эрмак

пиму — сариқ  
исон — тил  
оютанахи — чексиз

## М

мавоиз — панд-насихатлар  
мавъиза — ваъз  
мадорис — мадрасалар  
мазарра — зарар, зиён  
мазҳару мужиб — намоёнш-  
корона  
мактум — бекитилган  
чалбуса — либослар  
малҳуз — лозим маъносида  
мамлу — тўлган, тўла  
мандал — рўмол  
мансуми помбуку барсим —  
чиройли, духоба матолар  
мариз — касалликка чалиниш  
марғуб — ёқимли  
масмуъ — эшитилган  
матрук — турк  
мафкуд — гум бўлган  
махозил — хазиналар  
машварат — кенгаш  
машшота — пардозчи  
маъвиза — мол-матохлар  
маъдан — кон  
мақдур — тақдир қилинган  
маҳдуф — нишона  
маҳсуб — ҳисобда бўлмақ  
маҳсур — чегараланган  
маҳтоб — ой, ой юзли ёр  
мино — ҳаворанг шиша  
монанд — ўхшаш  
мор — илон  
мужалло — жилоланган  
мужодалот — баҳслар  
музайян — зийнатланган  
мунаққаш — нақшланган  
муноқаша — баҳс  
мусаххар этиш — фатҳ этиш  
мусиқорлиқ — ҳуштакбозлик  
мусохала — эътиборсизлик

муस्ताқбал — келажак, иқбол  
мустаҳиқ — ҳақли  
мутааххирин — кейинги давр  
мутаважжих — ёнига яқин-  
лашмоқ  
мутобиқ — мувофиқ  
муфаттиш — тафтиш қилув-  
чи  
муфтаҳўр — текинхўр  
мухарраб — хароб этувчи  
мухотаб — эшитувчи

## Н

накбат — бахтсизлик  
насл — қандай  
настарин — оқ гул  
намудор — кўриниб турган  
нахл — хурмо дарахти  
нақб — лаҳм  
нақус — ярамасликлар  
наҳв — синтаксис  
наҳр — ариқ  
ниҳод — табиат  
ниҳон — яширин  
новак — ўқ  
номасъуд — бахтсизлик  
нор — анор, анор донаси маъ-  
носида  
нузул — тушиниш

## О

обгир — сув олувчи  
од — ном, исм  
озурда — озор чеккан  
ойинайи барқ — телевизор  
олот — асбоблар  
олт — ост  
олуда — қоришиқ  
омода — тайёр  
ори — рост  
осафо — афсус  
осор — асарлар, белги-нишо-  
налар  
огоз — бошланиш

## П

пирикор — иш устаси  
пурхун — қон тўлган  
пўшини — ёпмоқ, бекитмоқ

## Р

ранжур — касал  
рағмон — қарши  
раҳёб — йўл топиш  
раҳнамо — йўл бошловчи  
роҳ — бу ерда шодланиш  
маъносида  
роҳизан — йўл тўсар  
рушд — тўғри йўл  
рўё — туш, хаёл  
рўят — кўриш

## С

сабза — яшил  
сабон — сомон  
сабҳа соймақ — тасбеҳ ўғир-  
моқ  
савсан — гулнинг номи  
сайд — ов  
самад — абадият  
самум — иссиқ шамол  
санг — тош  
сандал — хуш исли ёғоч  
сарват — бойлик, мол-дунё  
саросар — бошдан-оёқ, тамо-  
ман  
сару сомон — саришталик  
сарф — грамматика  
сарфароз — шодланмоқ  
сафа — тишиқ, равшан  
саҳо — сахийлик  
саъй — ҳаракат  
саҳбо — қизил май  
сийна умрони — кўнгул фа-  
роғати  
сим — қумуш, бойлик  
сиоят — иғво, бўҳтон

ситора — парда  
соймоқ — суймоқ, кузатмоқ  
соғари мул — май тўла пиёла  
субҳ — тонг  
суд — фойда; сут  
суфар — мис  
сўқоқ — кўча

## Т

тазаллум — зулм  
такаллум — сўз  
таковар — чопқир от  
талофи — қўлдан кетган пар-  
сани қайта қўлга киритиш  
тамаддун — маданият  
таориф этмоқ — уйига бош-  
ламоқ  
тафриқа — гавго, жанжал  
тахайюл — хаёл  
таъсиф — пушаймон  
тақаррур — барқарор туриш,  
англаш  
тақобул — дўст билан учра-  
шув; жанг  
тағйир — ўзгартирмоқ  
тағобон — алдов  
тахайюр — ҳайратланиш  
таҳаффуз — сақлаш  
тижорат — савдо  
тифл — гўдак, ёш бола  
тишрў — четдан келган то-  
вар, мол  
тужжор — савдо аҳли (бир-  
лиги тожир)  
турфа — янги  
тўл замон — узоқ вақт

## У

уд — ёқимли ҳид таратувчи  
ёғоч  
уймоқ — ухламоқ  
Улкар — Хулкар  
улум — илмлар

умрон — ободонлик  
урён — ялангоч  
урфон — маърифат

## Ф

фавокиҳ — мевалар  
фалазот — металллар  
фар — ҳашамат, гўзаллик  
фаранг — француз  
фарсуда — эзилганлик, урин-  
ганлик  
фасона — афсона, ҳикоя  
фирдавс — жаннат  
фориг — қутулган, озод бўл-  
ган  
фосид — бузуқ  
фоқа — муҳтожлик  
фоқид — йўқотган, муҳтож  
фунун — фанлар

## Х

хабс — тубанлик  
хайл — тўда  
хайрот — хайрия  
халлоқ — яратувчи  
харош — жароҳат  
хашшош — кўкнори  
хирадманд — ақлли, доно  
хиром — ноз билан юриш  
хоқинини — мутеъ, ҳақир  
хориж ўлмоқ — чиқмоқ  
хуршидхоҳ — ўтпараст  
хўжаста — қутлуг, бахтиёр

## Ч

чашит — хилма-хил  
чодар — чодир  
чолок — чаққон, илдам  
чўжуқ — бола  
чўқ — кўп  
чўғз — бойқуш

## Ш

шажар — дарахт  
шайъ — нарса  
шамат — нақш  
шарор — ўт, аланга  
шиква — шикоят  
шимди — энди  
шингарф — қизил бўёқ

## Э

эв — уй  
эълон — ошкора  
эътидол — мўътадил, дилга  
ҳузур берувчи

## Ю

юмрук — мушт  
юмурта — тухум  
юрд — юрт  
юҳу — уйқу

## Я

ябон — дашт, саҳро  
яксар — бутунлай

## У

ўд — олов  
ўртулан — айлантириб ўрал-  
ган; уринган, йиртилган

## Қ

қать — кесип  
қатгой тарийқ — йўлтўсар  
қирон — икки сайёра юлдуз-  
нини бир буржда тўқпа-  
шуви  
қодин — хотин  
қонмоқ — бекитмоқ

қону -- эшик  
қоч -- неча

## Ғ

газола -- оҳулар  
гамн руқъа -- дилдаги қат-  
қат ғамлар  
ғариза -- табиатан гўзал  
ғаррот -- мағрур  
горат -- барбод берши

## Ҳ

ҳаббода -- гнёҳванд  
ҳаводис -- ҳодисалар  
ҳавоший -- улфатлар  
ҳаёт -- полиз; бировга тобеъ  
ер; боғча

ҳамбоз -- ўйиндаги мухолиф  
томон

ҳамим -- қайноқ  
ҳарир -- фарёд  
ҳаққий -- ҳақиқатни айтувчи  
ҳидоят -- тўғри йўл кўрса-  
тиш  
ҳилол -- уч кунлик ой  
ҳирмон -- маҳрумлик, умид-  
сизлик  
ҳисор -- қўрғон  
ҳифз -- сақлаш, ҳимоя қилиш  
ҳоди -- йўл кўрсатувчи  
ҳозик -- билимдон  
ҳовз -- эга  
ҳоло -- ҳозирда  
ҳомуш -- дала  
ҳубоб -- биллур гумбаз  
ҳудус -- ҳодисалар



# МУҲАММАДШАРИФ СУФИЗОДА

*Қадрдоним қалам, мардона бўлгил,  
вақти хизматдур,  
Агар мендан кейин қолсанг, либосинг  
сийму зардандир.*

## ҲАҚИҚАТГА ХИЁНАТ ҚИЛМАГАН ШОИР

1926 йилда Ўзбекистон ҳукумати ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида тақдирлаб, адабиётимизнинг икки забардаст вакилига юксак фахрий унвон берган эди. Буларнинг бири — Ҳамза, иккинчиси — Сўфизода эди. Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар Жумҳурияти 1926 йил 27 феврал 35-сон фармони билан Ҳамзага «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», Сўфизодага «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонини берган эди.

Дарҳақиқат, Сўфизода XX аср бошларидаги ижодни ва фаолияти билан халқимизнинг миллий ва ижтимоий уйғонишига салмоқли ҳисса қўшган, 20-йиллардаги шеърлари билан эса янги ўзбек поэзиясини яратишда самарали хизмат қилган шоирларимиздандир. Айни пайтда, у маърифатпарвар, мураббий сифатида ҳам маориф ва маданиятимиз тарихида салмоқли ўринга эга. У ўнинчи йиллардаёқ янги усулдаги мактаб очиб, болаларга дарс берган, илм-маърифатни кенг халқ орасига ёйишда жонбозлик кўрсатган кишилардан эди. Бинобарин, Сўфизода ҳақида гап кетганда унинг истеъдоди ва фаолиятига хос бўлган мана шу икки жиҳатни — ижодкорлиги ва мураббийлигини таъкидлаш лозим бўлади. У худди мана шу жиҳатлари билан XIX асрнинг охири, XX аср бошидаги ўзбек маданиятининг Исҳоқхон Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Авлоний ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби вакиллари билан бир сафда туради.

Тожиқ маърифатпарварларини ўрганган ҳамкасбларимиз Тожикистондаги бундай ҳаракатчилик ҳақида тўхталганда уларнинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда икки авлодга ажратадилар. Ўзлари бевосита мактаб очиб дарс бериш билан шуғулланган қалам эгаларини иккинчи авлодга киритадилар. Агар шу ҳол ўзбек маърифатчиларига нисбатан ҳам қўлланилгудек бўлса, Сўфизодани кўпгина замондошлари сингари иккинчи авлодга — ўз қарашларини бевосита ҳаётга татбиқ этишга бел боғлаган фидойилар даврасига қўшишга тўғри келади.

Унинг асарлари Биринчи жаҳон уруши арафасида ва 20-йилларда оғиздан-оғизга ўтиб, кенг халқ оммаси

қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг номи билан боғлиқ ҳикоялар кекса китобхонлар, адабиёт мухлислари орасида ҳалигача мавзу бўлиб келади.

Сўфизода шеърларидан намуналар 30-йиллардаёқ мактаб дарсликларига киритилган. Масалан, Абдулла Авлоний 1933 йили нашр эттирган ўрта мактабларнинг VII ўқув йили учун тузган «Адабиёт хрестоматияси»дан Сўфизодага махсус жой ажратган. Жумладан, шоирнинг «Маданий макиёнлар»<sup>1</sup> шеърини «Пролетар диктатураси даври адабиёти» намунаси сифатида берган эди. Умуман олганда эса, Сўфизода ижоди ҳақида ёзилган мақолалар 20-йилларда ҳам учрайди. Масалан, Лутфулла Олимий 1925 йилда у ҳақда мақола ёзган. 1934 йилда эса Миён Бузрук Солиҳов «Сўфизода ва унинг ижоди» деган китобча чоп эттирди. 1935 йилнинг 29 январиди Сўфизоданинг туғилганига 65 йил тўлиши муносабати билан юбилей ўтказилган ва 200 дан ортиқ шеъри нашр этиш учун тўпланган эди... Бироқ насиб қилмади. Шоир қатағон қурбони бўлди.

Унинг иккинчи ижодий умри 60-йиллардан бошланди. 1968 йилда адабиётшунос Тўлқин Расуловнинг ташаббуси билан Сўфизода шеърларининг бир қисми кичик китобча бўлиб босилиб чиқди<sup>2</sup>. Ўша йили «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг биринчи жилдида шу муаллифнинг шоир ҳақидаги мақоласи нашр этилди ҳамда унда Сўфизоданинг адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидаги ўрни ҳақида фикр юритилди<sup>3</sup>.

Муҳаммадшариф Сўфизода 1880 йилда Чустда ҳунарманд оиласида туғилди. Отаси Эгамберди Сўфи пичоқчилик билан шуғулланган экан. Онаси Зайнаб хола-нинг саяйи ғайрати эвзига Муҳаммадшариф ён қўшниси Манзура отин қўлида савод чиқаради, сўнг эса маҳалласидаги эски мактабда таълим олади. Бўлажак шоирнинг адабиётга кўнгил қўйишида ғазални дид билан ўқувчи бу хушовоз аёлнинг таъсири катта бўлган.

Сўфизода адабиёт даргоҳига 90-йилларда, яъни Муқимий ўзининг машҳур сатиралари билан бадий ижодда демократик йўналишни тайин этган, Фурқат маърифатпарварлик руҳидаги шеърлари билан бу давр адабиётининг муҳим бир хусусиятини белгилаб берган пайтларда кириб келди. Табиийки, унинг дастлабки

<sup>1</sup> Шеърнинг тўла номи — «Маданий макиёнларга туҳфамиз».

<sup>2</sup> Сўфизода, Тароналар.—Т., 1968.

<sup>3</sup> Қаранг. Ўзбек совет адабиёти тарихи, 1-т.—Т., 1968, 319-б.

шеърлари мана шу икки катта санъаткорнинг фусункор мисралари таъсирда вужудга келди. Унинг «Ғубор дарду алам», «Упай» каби лирик ғазаллари, «Дақанинг», «Бедананг» каби ҳажвиялари, маърифат ҳақидаги қатор шеърлари унинг демократик адабиёт ости-насига киришида ўзига хос йўлланма бўлди. Шунинг-дек, 1893—98 йилларда Қўқонда яшаб, Муқимий тўғарагида фаол қатнашиши шоир дунёқарашининг шаклланишида, бадний маҳоратининг ўсишида ўзига хос мактаб бўлди. Жуда қисқа муддат ичида оддий пичоқчи Эгамберди Сўфининг ўгли Муҳаммадшариф «Ваҳший», «Сўфизода» таҳаллуслари билан бутун Фарғона водийсида шуҳрат топди. Лекин ижтимоий тузум ҳомийларини шарманда қилувчи заҳарли ҳажвиялари шоир бошига катта ташвиш олиб келди. Уни «дахрий» деб эълон қилдилар. Унга «беадаб», «бадасл» деган тавқи лаънат тамғаси босдилар. Бу ҳам етмади. Уни қатл этишни лозим топдилар.

Шоир қочишга ва натижада 1900—1913 йилларда она диёридан узоқда дарбадар ҳаёт кечиришга мажбур бўлди. Урта Осиёнинг бутун шаҳарларини кезиб чиқди. Тифлис, Бокуда, Арабистон, Ҳиндистон, Туркияда бўлди. Бироқ шоир қаерда бўлмасин, бари бир она диёрига қайтишдан умид узмади. У ўз шеърлари билан Кавказ ва Оренбург матбуотида, Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон» газеталарида фаол қатнашиб турди. Ниҳоят, 1913 йилнинг охирларида Чустга қайтиб, янги усулдаги мактаб очди. Табиатан даңгал, тиксўз, ҳатто, бир оз чапанифёъл бўлган шоир мактаби тенасига шундай деб ёздириб қўйган экан: «Мен ул бўёқчиманки, мактаб хумида ранг бериб, қора чапшаларни ўн икки ойда оқ қиламан»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, гувоҳлик билдирувчи кишилардан олинган маълумотларга қараганда, бу мактаб ўша пайтларда шаҳарда дунёвий билим ўргатувчи бирдан-бир илм ўчоғи бўлган. Унинг мактабида она тили, жугрофия, ҳандаса (геометрия) каби фанлар ўқитилган.

Бу мактабдан ташқари Камарсадада ҳам у етим болалар учун «Дорулайитом» (Етимлар уйи) ва катталар учун кечки курслар очади<sup>2</sup>. Лекин бу мактаблар тезда ёпиб қўйилади. «Туркистон вилоятининг газети»нинг

<sup>1</sup> Қаранг, Расулов Т. Шоир Сўфизода ҳақида//Сўфизода, «Тароналар» китобида.—Т., 1968, 6-б.

<sup>2</sup> Сўфизода. Тароналар, 7-б.

1914 йил 1 январь сонида қуйидаги хабар босилиб чиққанди: «Чуст шаҳарида бир мулла шоир усули жадид мактаб очкан экан. Чуст аҳолилари анинг ахлоқи бузуқ деб мактабни тарқатиб, ўзини Чустдин ҳайдаб юборган эканлар».

Орадан кўп ўтмай, «Туркистон вилоятининг газети»да шоирнинг:

Муаллимни қувиб, мактабни ёшган чустилар, бизлар,  
Бериб пора, приставларни топган чустилар, бизлар,—

деб бошланадиган, ўткир киноя ва қочириқларга тўла бўлган шеъри босилиб чиқди. Унда Сўфизода мактаб ёпилиши воқеасини қуруқ қайд қилибгина қўя қолмади, балки масалани чуқурроқ таҳлил қилди. Мактаб баҳонасида, Чуст мисолида, умуман, Туркистон миқёсида фикр юргизиб, у ердаги тоқат қилиб бўлмайдиган турмуш манзараларини чизиб берди:

Дуо қилсин дедик, қизларни сотдик оқсоқолларга,  
Валекни қилгучи оламни вайрон чустилар, бизлар.  
Кўринг инсофни, пулсиз камбағал, қирқ ёшида бўйдоқ,  
Дағи бир чорасиз, ҳар ерда сарсон чустилар бизлар...  
Калова сотса, тенг ярмин олурмиз бева занлардан,  
Худонин эрка абди, ҳар бири хон чустилар, бизлар...  
Есин тўқлар, эшик олдида турсин телмуриб очлар,  
Шу одатни чиқарган, хўб пурдон чустилар, бизлар.

Шеър ҳукумат вакилларини ларзага солди. Шоирга нисбатан таъқиб ва тазйиқлар бошланди. Уни қамадилар, оёғидан судраб сазойи қилдилар. Уламолар: «Ваҳший учун боққол мол сотмасун, сартарош сочинин олмасун, чойхона ва йиғинлар уни тагжойдан маҳрум қилсунлар»,—деб фатво бердилар. Оқибатда шоир яна ўз ватанидан ббш олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Лекин у ўзи танлаган йўлдан, ҳақиқатни халққа етказишдан иборат бўлган маслак-эътиқоддан ҳеч қачон қайтмади. Масалан, мана бу гапни ўз фикрининг ҳақлигига астойдил ишонган, ўз маслағига садоқатни ҳамма нарсадан азиз тутган, адолат тантанасига заррача шубҳа қилмаган кишигина айта олади:

Қувди мени жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,  
Лекин қува олмас суҳанимни даҳанимдан.

Дарҳақиқат, Сўфизода адабиётга ижтимоий дард билан ёниб кирган шоирлардан эди. У ўзининг биринчи шеърларидаёқ ижтимоий ҳаётдаги тенгсизлик ва но-

ҳақликка, жаҳолат ва нодошликка қарши исён кўтарганлардандир.

Сўфизода дастлаб ўз замондошлари, сафдошлари сингари маърифатпарвар шоир сифатида танилди. Унинг озарбайжон адиблари Жалил Мамадқулизода, Алнакбар Собир билан яқиндан танишуви дунёқарашининг шаклланишига катта ёрдам берди. 1905 йилдан кейин шоир ижоди янги босқичга кўтарилди. Унинг бу давр шеърлятида миллий туйғулар пайдо бўлди.

Шоир тутқун ва тургун ўлкада шеърлятнинг ўткир ғоявий қурол бўла олишини чуқур ҳис этади ва ўз қаламини мустақиллик, эркинлик йўлида курашга сарфарбар қилади. У ўз шеърларидан бирида:

Қадрдоним қалам, мардона бўлғил, вақти хизматдур,  
Агар мендин кейин қолсанг, либосинг сийму зардандур,—  
деб ёзган эди. Дарҳақиқат, унинг қалами ҳам фаолияти сингари ҳақиқатгўй ва курашчан эди.

Шоирнинг 10-йиллар шеърляти марказида зулматга чулганган Ватан ташвишлари туради:

Ватан ҳолиндан ўтру кўзларим сақфинда қон оғлар,  
На ёлғиз кўзларим, мажруҳ ўлан жисмимда жон оғлар...  
Ёзуқ олий ватан ўксиз каби бир ҳола душмушким,  
Агар таҳрир эдарсан, хомаи мўъжиз баён оғлар.

Шоир жафокаш эл аҳволига разм ташлайди. Умри чўрилик билан ўтаётган маъсума қизлар, шўр пешона оналар, эшик олдида термулиб турган очлар шоирни изтиробга солади. Шул боис уларнинг инсонийлик ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб чиқади ва ўз замондошига қарата:

Қўлингдан келса, ётган камбағални тур, деб уйғотгил,  
Қараб кўр: шоҳу баргу мева асли бир шажардандур,—  
деб хитоб қилади.

Мана, шоир фикрини байд этган муаммолар. Унинг ҳузур-ҳаловатини йўқотиб, унга тинчлик бермаган ўйлар.

Сўфизодани кўпроқ бадиҳагўй шоир дейишади. Дарҳақиқат, унинг турли муносабат билан кўча деворларига, дарвозалар тепасига, чойхоналар эшигига дафъатан ёзиб қолдирган шеърлари ҳалигача халқ ўртасида сақланиб келади. Гарчи унинг 1917 йилга қадар ёзган шеърлари жуда кам сақланиб қолган бўлса-да, улардан шоирнинг етук бадний маҳоратини илғаб олиш қи-

йин эмас. Яна бир томони борки, шоир шеърларининг кўнчилиги конкрет адресга эга. Баъзиларини у, ҳатто, аниқ номини айтиб, сарлавҳага ҳам чиқарган. Масалан, юқорида тилга олинган сўнгги шеър «Чуст қозиси Аббосхон Ҳожимуҳаммад ўғлига жавоб» деб номланган.

Иккинчидан, бу шеърлар кескин баҳс асосига қурилган. Мавзуси — адолат ва ҳақиқат.

Учинчидан, бу шеърларнинг жўшқинлигини кескин сатирик руҳ ташкил этади.

Туркистонда Октябрь тўнгариши юз берганида шоир чет элларда қувғинда эди. Масалан, у бир муддат Ҳиндистонда бўлади. У ерда ҳам ўқитувчилик қилади, бироқ бу ерда ҳам инглиз полицияси таъқибига дуч келади. Натижада у ердан кетиб, Афғонистонга ўтади.

Афғонистонда у каллапазга шоғирд тушади ва карвонсаройларда яшаб, кун кечиради. Нима бўлади-ю афғон газети «Сирож ул-ахбор»да илм-урфон ҳақидаги 3—4 форсий шеъри босилиб, амир Ҳабибуллохоннинг назарига тушади. Ҳабибуллохон уни қабул қилиб, мактаб очишга рухсат беради. Омонуллохон тахтга ўтиргач, маориф вазирлигига ишга олинади.

1919 йилда Афғонистон делегацияси таркибида ўз юртига келади. Афғон давлат арбоблари қаторида ўлкага келган шоир Афғон ҳукуматининг Тошкентдаги вакили ҳузурига кириб: «Ўз юртимизда яшашга имконият бўлмаган чоғларда ва оғир кунларимизда юртингизда ишлашга имкон бердиларингиз. Бунга ташаккур изҳор этаман... Бунинг арз этмак бирла омонатларингизни топшираман», — деб мурожаат қилади ва ўз юртида қолади.

Шоир биографиясини махсус ўрганган Т. Расуловнинг берган маълумотига кўра, Сўфизода ўз тугилган шаҳри Чустга бориб, маориф ширкатлари тузган. Идора пештоқига эса: «Жаҳон савдогари — қаллобларга бунда йўл йўқдир, қўли қадоқ, товони ёруқ, эски чопонлар хуш келибсизлар!...» — деб ёздириб қўйган экан.

Бироқ у, кўп ўтмай, она Туркистонининг озодлиги хомхаёл эканлигини англаб етди. Ва бундан қаттиқ изтиробга тушди.

Сўфизода 1937 йилда 57 ёшида ҳалок бўлди<sup>1</sup>.

Ушбу нашрга шоирнинг «Тароналар» китобчасидаги (тадқиқотчи Т. Расулов 1968 йилда эълон қилган) шеърлари асос қилиб олинди.

<sup>1</sup> Қарағ, // ЎзАС, 1993, 23 июль.

## ЎПИҚА

\* \* \*

Ғубор дардў алам сийналарни қилди фиғор,  
Фиғор қилғуси, албатта, захру зангу ғубор.

Чу дор остида қолдим, тараҳҳум айла, ниғор,  
Ниғор қилса ғазаб, лозим ўлмасунму чу дор.

Шнори шуълан шавқингда майл бўлди наҳор,  
Наҳор васлинг учун ҳажр шом топди шнор.

Фанор ёқса мусаффо бўлур Яману Ясор,  
Ясор бирла баробар қилур Ямандан фанор.

Ки зор Сўфини бебахраси ҳамиша мазор,  
Мазор баҳравари шулки, ҳақ йўлини кезор.

Қиморхонага кирганда дов қўйса на ор,  
На ор жонни қўйиб, нишқ йўлинда ўлса қимор.

Анор донасидек ҳасратим қатор-қатор,  
Қатор риштан назминга (боз) терилди анор.

Бу зор Ваҳшини қадрига Шамси ҳожи етар,  
Етар ҳам ани қадрига хўп яхши бу зор.

### ЎПАЙ<sup>1</sup>

Кел яқин, ороми жон, рухсори олингдан ўпай,  
Гул юзинг устига қўнган эрка холингдан ўпай.

Бўса пешонангни қучган дуррадан мумкин эмас,  
Анбарни зулфингни искаб, рўймолингдан ўпай.

---

<sup>1</sup> Бу ғазал Муҳаммад Қосирнинг қўлёзма баёзида «Муҳаммаси Қосир дар ғазали Ваҳший» номи билан учрайди. Биз апа шу муҳаммаснинг ҳар бадидаги охириги икки мисрани териб олдик (муҳаммас бўлгани учун олдинги уч мисра Қосирга тааллуқли бўлиши керак деб тушундик). (Т. Расулов изоҳи — таҳририят).



Тишларинг дурдонаси янглиғ такаллум чоғида,  
Ҳар замон лаъли лабинг маржон мисолидан ўпай.

Сурмасо гипноси кучлик кўзга ёндошмак маҳол,  
Усма огушида беркинган ҳилолингдан ўпай.

Орзу ҳажрингда хуржин бўлмасун, эй нозанин,  
Лоақал бир дафъа дасти бемалолингдан ўпай.

\* \* \*

Хоним, суюкли сочинг вор, на суд шонаси йўқ,  
Очиб десам сўзими маърифат нишонаси йўқ.

Ҳилола бенгзар у қошларки, сенда вор анжақ.  
Зиёси миллат учун партави махонаси йўқ.

Езув гизолнин сайёд кўзларинг танимас,  
Масалда ворки, анинг доми вору донаси йўқ.

На хайр умед эдилур қирмизи ёноқлардан,  
Ҳижоб одат эмиш бошқа бир баҳонаси йўқ.

Тилинг такаллума зангин вале фасоҳатисиз,  
Бу бир гани кабидир миллата ионаси йўқ,

Қулоқларингда гўзал гушвора вор, аммо —  
Қувоби сомеан нутқи шоиронаси йўқ.

Баёз аллар ила инжа-инжа бармоқлар  
Санга верурминш экаи фазли котибонаси йўқ.

Гетуб макотаба касби камола иқдом эт,  
Жамоли махза гурур этманинг замонаси йўқ.

Жаҳон жамиласи ўлсун адиба ўлмасса,  
Демак ўлур у қизинг зийнати замонаси йўқ.

Насл таассуф эдилмас шу ҳола, ой қизлар,  
Ватанин халқларини маърифатли онаси йўқ.

Сабаб надур, душунинг, Оврүпо усулинча  
Биз ўйла қуш кабимиз, вале ошиёнаси йўқ.

*«Шўро» ж., 1911 й., 10-сон, 312-бет.*

## ҲОНИМЛАР ИСМИНДА

На ёнди эр сайлин ганжлара биз ёқолим,  
Насл эрди у тараққий сиз этдингиз, боқолим.

На ерда қизлар учун мактаб этдингиз таъсис,  
На ердадур у китобларки, биз ўқиб ёзолим.

Саноъи удабодин хони адаб кўпаси,  
Лисона юра эдиб жон қулоғина тоқолим.

Ҳижобимиз биза мони эмасми таҳсила  
Табнийдур, вор экан бошда чоршаб қочолим.

Никоҳимиз ўлажақдир бўлувиға эрмасдан,  
Афандилар, буюринг, биз на вақт кўз очолим.

Бизи тутиб соталар, жабр-ла орсиз боболар,  
Бу ҳола кўзларимиздан керакки, қон сочолим.

Буюк талотум ваҳшат ичинда қаптансиз,  
Нажот соҳилина биз печун оёқ босолим.

Деюрсангиз ўқуюнг, вера эскиларда деюр,  
Усули савтия мактабларин йиқиб ёқолим.

Ажаб шошурди бизи турли-турли ташвиқот,  
Омон шўронларинг ҳанги бирисин соёлим.

*«Шўро» ж., 1911 й., 13-сон, 410-бет.*

## ЎҚИНГ, ОНАЛАР

Мушча ёмон шўрлади пеноналар,  
Қизларимиз жорияи хоналар.  
Сиз эдингиз жонлара жононалар  
Қадрингизи билмади дебоналар.

Қумри билан булбулу бедоналар,  
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар.

Бир қарангиз, ерда кўкарган гиёҳ,  
Сизга қилур ҳар бири этиб нигоҳ.  
Лола кулиб, тағин кулар ойму моҳ,  
Умр азиз, жоро туриб этди оҳ.

Қумри билан булбулу бедоналар,  
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар.

Миллати исломиянинг бонуси,  
Ўзбек элининг қорақўз оҳуси.  
Қар қилур бир кун жаҳл оғуси,  
Илму амал ушбу касал доруси.

Қумри билан булбулу бедоналар,  
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар.

Дод ўшал олами руҳонидан,  
Қилди маншат фуқаро қонидан.  
Хурми эди дини азиз жонидан,  
Миллат учун кечмади ўз қонидан.

Қумри билан булбулу бедоналар,  
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар.

#### • ГАЗЕТА ТЎҒРИСИДА

Яшнатиб дил гунчасни, фасли баҳор айлар газет,  
Сув бериб кўнгул боғни сабзавор айлар газет.

Шарқдан Мағрибгача бўлгон ҳаводисни ёзиб,  
Не гўзал марғуб хабарлар ошкор айлар газет.

Кўб ўқур бўлсанг, бўлурсен эл аро чун нуктадон,  
Сўзлаганда сўзларингни беғубор айлар газет.

Гоҳи-гоҳи келмайини қолса ўзининг дўстларин  
Шавқида телмуртириб кўп интизор айлар газет.

Чиқса бир хурсандлик сафҳасида дарж ўлуб,  
Фикри завқ-ла қалбни беихтиёр айлар газет.

Э нехушким, халқимиз суймакда кун-кундан сени,  
Бир вақт зарларни бошингдан нисор айлар газет.

Ноумид бўлма, чиқар бир кун ҳақиқий дўстларинг,  
Ердам айлаб, муштарийни бешумор айлар газет.

Йўқсул эл аҳволидан гар сен ёзиб берсанг хабар,  
Дарж этиб бу йўлга жалби эътибор айлар газет.

Гар қорайгон дил, тўнук руҳларга бердикчи зиё,  
Бўлгани жон доимо бошқа тумор айлар газет.

## БЎРГАЛАР

Бераҳм, бағритош, жафокор бургалар,  
Бердинг манга кўп мунча ҳам озор, бургалар.

Ҳар ёнга уриб оҳ ила ўзни ситамингдан,  
Ағнаб чиқаман кечаси бедор, бургалар.

Бир менми десам, шоҳу гадо ҳасрат этарлар,  
Фарёд қўлингдан сани хунхор, бургалар.

Қиргач, саратон бирла асад, сунбула, сабза,  
Сакраб турасан кўрпада тайёр, бургалар.

Дунёда ёмон сен каби махлуқ бўлурму,  
Сизларга жазо бермаса қаҳҳор, бургалар.

Айтгин берайин ё қўлимдан ушла, тўсиб ол,  
Бўйнимда мени қанча ҳақинг бор, бургалар.

Ваҳший била кўп ўйнама, қил тавба-тазарруь,  
Англагил ахир сенга на даркор, бургалар.

## ЧУСТ БОЕНЛАРИНИНГ БИР ГАПХОНАДА БИР-БИРЛАРИГА МАҚТАНИНГАНЛАРИ

Муаллимни қувиб, мактабни ёпган чустилар, бизлар,  
Бериб пора, приставларин топган чустилар, бизлар.

Шаҳарга қўймадик поездни, келсун, халқ, кун кўрсин,  
Ажаб мўминсифат, эски мусулмон чустилар, бизлар.

Узун тўн, малла салла, кавиш-маҳсиллик, очиқ кўкрак,  
Мулойим содаванш, яъни номозхон чустилар, бизлар.

Маориф арз қилманг, жумламинз бирдак тўкулчибиз,  
Муриду мухлисун муллау эшон чустилар, бизлар.

Бухоро шаҳрига эшон юбордик, Ушга бир миршаб,  
Ҳама ишким калону корчаллон чустилар, бизлар.

Хусусан маслаҳатда Ҳожи Маҳмуд соғ бўлсинким,  
У ернинг соясида маҳв ҳар он чустилар, бизлар.

Сотиб ҳовли, ҳарамин, нечамиз байгул ҳарам кетдик,  
Ҳамиша ўтган ишлардан пушаймон чустилар, бизлар.

Закок ҳечга(?)\* йўқ ангоримиз вақтинча қўйганмиз,  
Риёли ишга роғиб, кирли виждон чустилар, бизлар.

Уқуб, илму адабни ўрганиб авлодимиз нетеун,  
Фалонсиз, илмсиз, савдога чаққон чустилар, бизлар.

Дуо қилсин дедик, қизларни сотдик оқсоқолларга,  
Валекин қилгучи оламини вайрон чустилар, бизлар.

Кўринг инсофни, пулсиз камбағал, қирқ ёшида бўйдоқ,  
Дағи бир чорасиз, ҳар ерда сарсон чустилар, бизлар.

Калова сотса, тенг ярмин олурмиз бева занлардан,  
Худони эрка абди, ҳар бири хон чустилар, бизлар.

Қатиг бозорига даллол таъйин айлади саркор,  
Бу мазмун илаким очларга божмон чустилар, бизлар.

Қаландархонамиз бор, тақямиз бор, бошқамиз ҳам бор,  
Фақат оламда бир муҳтожи капшон чустилар, бизлар.

Худоё шукур сонсиз мардикор бозоримиз обод,  
Чоқиқ чоппоқ, ўроқ ўрмоққа полвон чустилар, бизлар.

Мабодо тўй қилсак, рўзада ифтор қилдирсак,  
Тамомни садри мажлис боини подон чустилар, бизлар.

Есин тўқлар, эшик олдида турсин теймуриб очлар,  
Шу одатни чиқарган хўп нурдон чустилар, бизлар.

Сўз улким, халқ элликбошимиздан ақл ўргансин,  
Зиҳи одамшуносу ибни Луқмон чустилар, бизлар.

Омон бўлсин вақили шаҳр бўлган депутат бойлар,  
Аларни сайлаган жонлиқ тегирмон чустилар, бизлар.

Бадавлатмиз дуохон ва чиллаёсинчи қорига,  
Қоқимчи ҳам йўқимчиларга деҳқон чустилар, бизлар.

---

\* Закоғу ҳаж бўлса керак. (Б. Қ.)

Заказ қилган киши билсинки Сўфизода адреси,  
Олувчиларга кўп қилғучи эҳсон чустилар, бизлар.

## ВАТАН

Ваъан ҳолиндан ўтру кўзларим сақфинда қон оғлар,  
На ёлғиз кўзларим мажруҳ ўлан жисмимда жон оғлар.

Салоҳи хоним он фикринда оғлар хонадонлар чўх,  
Фақат бан ошкоро оғларам, онлар ниҳон оғлар.

Қироатхона-у шўродағи мактаб-ла ҳар балда,  
Бу кун маъмур экан Фарғона беному нишон оғлар.

Муборак мамлакатлар бир тақим ҳайвонлара ҳоло.  
Чарогоҳ<sup>1</sup> ўлдуғундан ноши<sup>2</sup> еру осмон оғлар.

Эвет, инсон сайилмаз ўлмаянлар исминна мазҳар,  
Масал вор бизда: «Виждонсизларинг оғзида нон оғлар».

Чиқиб курсида воиз онлара сотдуқча ризвони,  
Ҳалоснидан жаҳаннам шод ўлур, боғи жиннон оғлар.

Жаҳондан маҳв ўлиб ул қаҳбалар бир кун кетар онжақ,  
Мисоид аср ичинда фавт ўлан ушбу замон оғлар.

Ёзуқ олий Ватаи ўксиз каби бир ҳолда душмушким,  
Агар таҳрир эдарсан, хоман муъжиз баён оғлар.

Шариф ўлмас у масқанки, шариф ўлмас эса сокин,  
У танбалларки, вор устинда яъсиндан макон оғлар.

## ЧУСТ ҚОЗИСИ АББОСХОН ҲОЖИМУҲАММАД УҒЛИГА ЖАВОБ

Менинг ёзганларим, билсанг агар, хуни жигардандир,  
Бу нутқи томаларким дуқман ноки падардандир.

Тилинги сақла, бадгўйликка одат қилма, эй аблаҳ,  
На билдинг модарим дарвешалардан ёки ғардандир.

Жаҳонда йўқ эди бачча, ани сенлар чиқаргансан,  
Суюқлар бошчиси, билсанг, сенингдек «катталар»дандир.

<sup>1</sup> Яйлов.

<sup>2</sup> Мавжуд.

Тишинг то чиқмагунча волиданг албатта нон бермас,  
Тошиб нонимни миннатсиз есам, фазли хунардандир.

Сени йўлдан чиқарган Кўр шайтон тилгиром эрди,  
Бу назми сандан эрмас, бир сариқ юз баччагардандир.

Сабаб: тўн бермаган тўю азога бормадинг ҳаргиз.  
Мусулмонлик муборак, ушбу мўъминлик, қачондандир?

Тўрам деб сажда қилсам, яхшилаб ҳар қайда  
мақтардинг,  
Ёмон отлар қўйишмак — эски одат дардисардандир.

Ўз оғзимдан эшитгил сўзни сиррин ёки бир бошдан  
Эшитмак, англамаслик билки, ўғлинг гўши кардандир.

Бориб байтул ҳарамга сан на қилдинг, ман на келтирдим,  
Шу озроқ фикри дониш меван нақди сафардандир.

Қўлингдан келса, ётган камбағални тур деб уйғотгин,  
Қараб кўр: шоҳу барғу мева асли бир шажардандир.

Ман ўлган сўнг билурлар, сўзни қадрин, сан на  
билгайсан?  
Синёҳим сурман дилсув анга нури басардандир.

Қадрдоним қалам, мардона бўлгил, вақти хизматдир,  
Агар мендин кейин қолсанг, либосинг сийму зардандир.

Қалам бирлаи курашдим, сўзни ёздим кўпни нафънга,  
Сўзимни уқмади, кўнглинг темирдан ё хажардандир.

Бурун ёзган тамоми сўзларим ёлғонми, инсоф эт?  
Сўзи, билганга, Сўфизодани гўё шакардандир.

\* \* \*

Кириб ваҳдат хумига носаводлиқни рангланглар,  
Ки қилмоқ ошнолиқ боридин ғайри-ла тангланглар.

Қаю мазҳабда аҳли ишқни қатли эрур вожиб?  
Мусулмонлиг агар шул бўлса, мўъминлар  
парангланглар.

Бунн масжид деюрлар, на само аҳлиға манзилдур,  
Боринг, эй сўфилар, эшшак каби саҳрода ҳангранглар.

Ҳазар қилманглар, эй аҳли муҳаббат, муҳтасиблардан,  
Кириб рағбат ила кунжу харобот ичра бангланглар.

Начун қўймас экан(лар) бизни май ичгали зоҳидлар,  
Қиличлар қўлга олиб, бу фасод аҳлига жангланглар.

Биҳамдиллоҳки, ишқинг журъасига сарбалаид ўлдум,  
Бу базм ичра кишиким кирса тийру тапангланглар.

Қилибдур қози шаръи ихтисоб аҳли муҳаббатни  
Туринг бу беадабни бошига бир неча сангланглар.

### МУСАДДАС

Пайт пойлаб душманим қўйди йўлимга лойтузоқ,  
Гулдираб чалқанча тушдим, тойилиб бўлдим чўлоқ.  
Судралиб қолгон кунимда бўлмади қўлтиқ таёқ,  
Илтимосимдан зерикдинг, дўстим, бўлдинг йироқ,  
Қайғуриб кўп йиғламоқдан кўзларим бўлди шафоқ,  
Жола янглиғ кўз ёшим ҳар қатраси бир носқовоқ.

Бойдан ёрдам талаб қилдим, бурушди шалғами,  
Бизга ношаръи деди, тўртинчиларнинг ёрдами,  
Эл орасида масал: «Мазлум сиққон мотами,  
Раҳмсиз, инсофсиз зolim мушукнинг байрами»,  
Олмағайдим кош туксиз кўсадин соққол тароқ,  
Кўри модарзоддин қандил, кардин қўнғироқ.

Тўғридир, чиқмас демншлар маслаҳат чапгонадан,  
Истамас аҳли хирад ҳушёрни майхонадан,  
Ахтариш бирлан топилмас ганж ҳар вайронадан,  
Сўрмагай оқил киши ой бошини девонадан,  
Ўйнасанг, қадринг кетар атфол бирла жуфту тоқ,  
Обрўйингши тўкар мажнун билла қилсанг мазоқ.

Хотиринг ойинасига қўнмасин гарди малол,  
Аҳли жаннат ҳар нечук нозик киши бўлсин қўпол,  
Жавҳари лимуга ўхшар муфлисн соҳиб камол,  
Муз қиёмидек кўрингай шоирн шўрида ҳол,  
Жирканур ҳасрат юқи йўқсул саломидан қулоқ,  
Сесканур кал кўзгудан, сурнайчилик лунжи бўқоқ.

Бенаво қаллош дунёдан наво топмай ўтар,  
Камбагални тева устида қутурган ит қопар.



Қорни оч бечора ош топқон кунп оғзи куяр,  
Гердайнб ётган тегирмончини кўпроқ жин урар,  
Ким ҳисобидан адашди бўлди дунёси чатоқ,  
Синдирур бошида ҳар кун хотини сопол товоқ.

Егди кулфат абридин сочу соқолимга қиров,  
Арзи ҳолим қилди ёру ошноларини тумов.  
Авф қил, айниқса, дўстим, сенга ҳам бўлди эгов,  
Сен на дерсан, ушбу осон ишни кўрсатди биров,  
Бир иложи қилки, чап ёнбошингга тўпюнча тоқ,  
Тўй қил, карнай қўйиб, соврун бериб, чоптир улоқ.

Нотавон, маъюс Сўфизода меҳнатдан ҳориб,  
Ишчилар бирлашганини кўрмайин ўлса қариб,  
Ешлар кўмсин ўлугимни [...] бўзга сориб,  
Инғласин қашшоқлар мунгли мозоримга бориб,  
Узгалар жавлонгоҳи кўрдингму тоқу тумтароқ,  
Бора-бора мен юқоридан қўйинга думбалоқ.

### ХУРЖУН<sup>1</sup>

Эй ҳақиқат, қани сен, биз яна бўлдиқ хуржуи,  
Қайда қолди фуқаро раҳбари, янги қонун?!  
Ултуруб хум бошига, бўлди бўёқчи маймун,  
Олди «партияни» бўлуб, кўп киши икки хотун,  
Женотделдаги хом носиха — биби отуи<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Шеър «Муштум»нинг 1925 йил 20 январида чиққан 2-сониде босилган. Редакция унга «Халқ шоири ўртоқ Сўфизоданинг шеъринидаги намуна» деб изоҳ беради. Аслида муаллиф шундан бир йилу бир ой кейин мазкур унвонга мушарраф бўлган. «Фарғона» газетаси ўша йил 13 август сониде Сўфизодани «Қулдирувчи хушчақчақ шоирларимизнинг энг ўткири» деб таништирган.

«Хуржуи» буздан 74 йил олдин матбуотимизда эълон қилинган бўлса-да, шоирнинг оқланганидан кейин чиққан 1968 йилга китобчасига кирмай қолган. Сабаби иккита — ё тўловчи (Т. Раҳулов)нинг назари тушмаган, ё шеърининг руҳини давр кўтармаган.

Сўфизоданинг 20-йиллардаги кўпгина шеърлари каби «Хуржуи» ҳам сохтакорликдан, маддоҳликдан холилиги, даврнинг хилма-хил оҳанг ва рағбларини зиддияти-мураккаблигини ўзида жам этолгани, аммо ҳар қандай шароитда ҳам меҳнаткаш халқнинг манфаатини диққат марказида тутганлиги билан муҳим.

<sup>2</sup> Биринчи банд беш сатр берилган.

Омнинг тоңқошини олғоли мулло мойил,  
Уйнагон рўлига, тоңқон йўлига мен қойил.  
Шайху сўфиларинг ақлини қилди зойил,  
Ешлар мақсадига чол-чатоқлар ҳойил.  
Аъламу муфти фақат қарға-у, қози — қузгун,  
Муҳтасиб — эски кафан ўгриси, абжақ — охун.

Қўр шайтон, сенга афродинга юз минг лаънат,  
Тинмадинг, тинчимадинг васъасадан бир соат.  
Гарб кофирларидан ит каби этдинг нафрат,  
Шарқ мўминларига доимо бўлдинг улфат.  
Сеҳр қилдингми ва ёхуд ўқудингми афсун,  
Узинга аълами исломни қилдинг мафтун.

Баъзилар қилди насихат, деди кийгил малла,  
Иқтисодингни тузат, бошинга чулғаб салла.  
Илми йўқ ишчига фарёду фиғонинг — алла,  
Оч кўзингни, қарағил, бир йўли, хумпар калла.  
Камбағал яктагини ювғали топмас собун,  
Улди косиб очидан, аҳли тижорат — Қорун.

Оҳ маслак, мени сен бой назаридан отдинг,  
Жўлҳа тўн, чоруғи жулдур қаториға отдинг.  
Жупуруқ урғочи иқболи узандинг, қотдинг,  
Жун қўли бахти забун «торг»ида арзон сотдинг.  
Толем кажлигини таъли малулим маҳзун,  
Қўрқамен қилмаса деб фикри маншат мажнун.

Яшасун шонли қизил аскаримиз дунёда,  
Николайнинг думининг остиға тикди хода.  
Инвалид бир кишисен, қўрқма, адиби сода,  
То тириксен берилур пенсия<sup>1</sup>, Сўфизода,  
Еш ўртоқларимиз соғу саломат бўйсун,  
Бир қари шоирини қилди ниҳоят мамнун.

Жазм бўлди<sup>1</sup> сенга пенсия бернш ҳамда қарор,  
Пенсия ўрнига ё етмадимми кўп озор?  
Гинғилиб тўпланишар, миллати нобон мозор,

---

<sup>1</sup> 1923 йилда унга умрий нафақа тайинланган эди.

Чинқориб шоирини сотди бу миллат бозор.  
Еш ўртоқларимиз соғу саломат бўлсун,  
Қадрлик шоирини қилди ниҳоят мамнун.

### АСФАДИЁРХОН

Ё раб, жаъми қулларинги қилди баҳравар,  
Зиллинг ўлуб сарир асоратда жилвагар.  
Бу Бакр вақти канти замонида чун Умар,  
Усмон каби ҳалим ва шиҷоатда Ҳайдар.  
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар  
Хоразма верди равнақ, адли-ла зебу фар.

Вордир умидимиз кена хоқон иззу жоҳ  
Этмаз деюб раия ҳуқуқини хоки роҳ.  
Зеро, бу кун низоми. ўлуб аскару синоҳ,  
Кийди либос аскарӣи ва черкасий кулоҳ.  
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар  
Хоразма верди равнақ, адли-ла зебу фар.

Эҳсон эдуб принслара ҳаржи солня,  
Қозилара мувожиб ва тан хоҳ волня.  
Фармон доғинти сўнгра умум аҳолня  
Ришват ясоқ, маош верар жайби молня.  
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар  
Хоразма верди равнақ, адли-ла зебу фар.

Танзим этилди дохилӣи ишлар идораси,  
Ўлмоқдадир ҳуқуқ милал истишораси.  
Дуз чиқса гар зиёлиларга истихораси,  
Фатҳ макотибингда ўлур балки чораси.  
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар  
Хоразма верди равнақ, адли-ла зебу фар.

Вордур гарчи муҳтасиб шаръ ўлуб ранс,  
Маъмур ўлунди ўлсада даврия ва полис.  
Ахлотдан сўқоқлари этмак учун нафис.  
Ҳар бир сабил омада вор бир нафар кашиз.  
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар  
Хоразма верди равнақ, адли-ла зебу фар.

<sup>1</sup> Шеър Хива хони Асфандиёрхоннинг тахтга чиқиши муносабати билан ёзилган. Шоир кўпроқ орзу-умидларнинг ифода қилган.

Шеърни ТошДУ талабаси Ш. Соатова нашрга тайёрлади.

Субҳи саодат маданият явош-явош,  
Ваҳшат қаронлиғи доғидуб ўлди ламъа пош,  
Адли-ла ўлса шоҳи жаҳон ўйлаким қуёш,  
Қонуна қаршу ким эдажак фиғна ва талош.  
Асфандиёрхон абулнаср ва алзафар  
Хоразма верди равнақ, адли-ла зебу фар.

«Қўнғирот»да маълум Сўфизода Муҳаммад Шариф.

«Шўро» ж., 1911 й., 12-сон.

## ЛУҒАТ

абулнаср, алзафар — ғолиб-  
лик, зафар отаси  
Бу Бакр — Абу Бакр  
доғитмоқ — тарқатмоқ  
зоб — гўзаллик  
зилд — соя  
канди — ўз  
кена — кн яна  
макотиб — мактаблар

мухтасиб — диний мансаб  
раия — фуқаро  
ришват — пора  
субҳ — тонг  
танзим этилмоқ — тузилмоқ  
хокироҳ — оёқ ости маъносид-  
да  
фар — тож  
явош-явош — сепкиш-аста  
ясоқ — таъқиқ

## МҲНДАРИЖА

### Исҳоқхон Ибрат

Маърифатга бағишланган умр . . . . .	6
Ғазаллар . . . . .	46
Фарғона тарихи . . . . .	69
«Жомеъ ул-хутут»дан . . . . .	95
Лугат . . . . .	99

### Сиддиқий-Алзий

Шоир хотирасини ёзлаб . . . . .	110
Ғазаллар . . . . .	132
Мухаммаслар . . . . .	146
Таркиббадлар . . . . .	148
Ҳажвиёт . . . . .	151
Тоҷикча шеърлардан . . . . .	167
Достон . . . . .	173
Шоҳизиёда шайхнинг қаромати . . . . .	192
Мақолалар . . . . .	195
Шинел . . . . .	200
Лугат . . . . .	203

### Муҳаммадшариф Сўфизода

Ҳақиқатга хибнат қилмаган шоир . . . . .	210
Лирика . . . . .	216
Лугат . . . . .	228

*Адабий-бадиий нашр*

ИБРАТ, СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ, СЎФИЗОДА

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

*Тошкент «Маънавият» 1999*

Муҳаррир *С. Содиқов*  
Рассом *С. Аъзам*  
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*  
Мусаҳҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга берилди 29.07.99. Босишга рухсат этилди 14.09.99. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 12,18. Шартли кр.-отт. 12,6. Нашр т. 11,48. 5000 нусха. Буюрма №276. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 3—99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 1999.

И 14

**Ибрат.**

Танланган асарлар (Ибрат. Сиддиқий-Ажзий. Сўфизод). /Тўпловчи, нашрга тайёрловчи сўзбоши ва луғат муаллифлари: Б. Қосимов, С. Аҳмедов, У. Долимов. Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов ва бошқ./.— Т., Маънавияр, 1999.—232 б.—(Истиқлол қаҳрамонлари).

Уз1

**Ихтисослаштирилган давлат  
акционерлик тижорат**

**”АСАКА“ БАНКИ**

1996 йилда очилган бўлиб, Ўзбекистон банклари ичида энг катта ва ишончли банклардан бирidir.

Банк қуйидагиларни амалга оширади:

- мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналарга паст тарифларда миллий ва чет эл валюталарида ҳар томонлама кредит ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш;
- Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки билан биргаликда кредит бериш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан: экспорт ва импорт аккредитивлари, инкассо ва кафолат бериш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш;
- қимматбаҳо қоғозлар билан бажариладиган операциялар;
- чет эл валюталари билан, шу жумладан Ўзбекистон валюта биржасида бажариладиган операциялар;
- шахсий депозит сейфларида қимматликларни ва ҳужжатларни сақлаш бўйича хизматлар;
- пластик карточкалари билан қўлланадиган операциялар (омонатларни қабул қилиш, нақд пулларни бериш ва бошқа операциялар);
- маслаҳат-ахборот хизматлари.

**“Асака” банки:**

- бутун дунёда тармоқланган вакиллик шохобчаларига;
- Ўзбекистоннинг барча минтақаларида филиалларига эга.

Тошкент ш., Нукус кўч., 67

Тел.: 120-81-11, 120-81-12

Факс: 54-06-59